

566

1-2

2009

ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 1/2009

566
1-2





NEGA BUNDAY, NEGA BUNAQA?

Устоз Озод Шарафиддинов гўё ҳамма нарсанинг тагига етган, дунёдаги жами жумбоқнинг жавобини биладиган биз каби “доно” шогирдларини таажжубга қўйиб кўпинча жуда оддий масалаларга ҳам ана шундай савол кўзи билан қарарди. “Шунинг учун шунақа” қабилдаги гоҳо жавоб топиш имконсиз бўлган ҳолларда ҳам ажиб бир соддалик, айни чоқда тийиқсиз қизиқувчанлик ила “Нега айнан шунақа бўлиши керак, хўш, нима учун?” дея муроса билмас саволларни қалаштириб қоларди у киши. Кейин ўша масаланинг туб илдизига теранроқ назар ташлаб, сиз ҳам ҳайратга тушар эдингиз: ие, чиндан ҳам нега шундай бўлиши керак ўзи?

Ҳаётга бу қадар талабчан муносабат ҳар доим ҳам, ҳаммага ҳам хуш келмавмаслиги аён. Серсавол одамнинг қисмати аксаран серсавдо кечилини ҳам биламиз, кўп кўрганмиз. Лекин асл моҳиятга, демакки, ҳаққониятга етишнинг бошқа йўли йўқ. Ҳар қандай фикр безовта саволлардан, таққосу мушоҳадалардан туғилади, тафаккурдан эса илм дунёга келади. Илм — ҳаққоният йўли. Устоз умр бўйи ана шу ақидага амал қилиб яшади. Табиийки, бу синокли йўлда кўп жафоларга ҳам дучор бўлди: баъзида маломатларга қолди, соғлигидан ажралди. Аммо инсон сифатида, олим сифатида шу эътиқоддан чекинмади.

Дунёнинг жилваю жозибаси беҳисоб. Бора-бора у ҳар қандай бандани мафтун этмоғи тайин. Жамиятнинг ҳар қандай мағрур ва сарбаланд зотни ҳам эгиб оладиган қоида-тутумлари мўл, эл қатори шуларга риоя этмасангиз — элдан чиқиб қоласиз. Бу ёқда бола-чақа ташвиши, сафдошлар даврасидаги мавқе-эътибор мусобақаси, энг ёмони — олақарфага ўхшаб қолиш хавфи! Бу синовларга кечаги замонда битган китобларимиздаги ясама курашчан қаҳрамонларгина чидаши мумкин — ҳаётда бардош бермоқ қийин. Қаранг, камтарин муаллифингиз бир вақтлар нима деб ёзган экан: “Улоққа кирган чавандоз бошини ҳам ўйлагани маъқул — улоқ мингта, бош эса битта, биттагина!”

Устознинг ҳам боши иккита эмас эди. Пасандоз умрдан умид-илинжи ҳам йўқ эди. Лекин — чидади. Фаол фикрламоқдан чарчамади. Қатъиятда собит турди. Оқибатда ғолиб келди. Ҳам ҳаёт қаҳрамони бўлди, ҳам расман қаҳрамон аталди.

Устоз Шарафиддиновнинг биз — замондошларга қолдирган энг улкан ибрати балки шудир. Демак, шундай яшаб ўтса ҳам бўлар экан! Бир кун эмас бир кун эл-юрт, замон эътироф этар экан! Ажаб умр, ажаб қаноат!

Эрмат Шарафиддинов



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят:

Фахриддин НИЗОМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Дамин ЖУМАҚУЛ
(масъул котиб)

Муҳиддин РАҲИМОВ
(булим мудир)

ШОҲСАНАМ
(булим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(булим мудир)

Наргиза УСМОНОВА
(саҳифаловчи)

Журнални безашда Машраб
НУРИНБОЕВ олган суратлардан
фойдаланилди.

Жамоат кенгаши:

Дилором АЛИМОВА

Абдулла АЪЗАМ

Хушид ДАВРОН

Нуриддин ЗАЙНИЕВ

Баҳодир ЗОКИР

Нажмиддин КОМИЛ

Султонмурод ОЛИМ

Хайриддин СУЛТОН

Нурислом ТЎХЛИЕВ

Абдурахим ЭРКАЕВ

Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Фарҳод ҲАМРОЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Шеър асарлар журналнинг ўз ташаббуси билан чоп этилади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



233-10-68

239-46-16

239-05-19

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" ноширият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2008 йил 29 декабрь кўни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. 8 босма тобак. 5073-бўйртма. Нашр одади 3000 нуска.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Сийланган жойида азиздир санъат. Ўзбекистон Бадий академияси раҳбари Турсунали ҚЎЗИЕВ билан суҳбат....4

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Ижтимоий барқарорлик асоси.....14

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Мансурхон ТОИРОВ. Мартин Лютер Кинг галабаси.....24



АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. Саркаш саволлар.....32

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Маҳмуд ТОИР. Ўйлаб топилган шеър — увол кетган сўз.....48

Қадам САЙИД МУРОД. Бугун бу дард бунча тип-тиниқ... ..52

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

АНОР. Қизил лимузин. Ҳикоя.....56

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Умарали НОРМАТОВ,
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Янгилана-
ётган адабий жараён.....68

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Бобоназар МУРТАЗОЕВ. Илм — ҳақиқат,
ҳақиқат эса илмдир.....78
Альберт ЭЙНШТЕЙН, Рабиндранат ТАГОР.
Инсон ва Коинот уйғунлиги.....81

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Жуманазар БОЗОРБОЕВ. Етти
донишманднинг бири.....84



ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР


Озод ШАРАФИДДИНОВ. Тилшуноснинг
тилсимли қисмати. Эссе.....90

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Аҳмад АБДУЛЛАЕВ. Навоийнинг
учинчи тазкираси.....96

НАВОИЙ СОҒИНЧИ

Манзар АБДУЛХАЙРОВ. Комиллик
сири.....100



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Султонмурод ОЛИМ мутолаа қилади....102

ТАЛКИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Ибодулла ҚҰНФИРОВ. Сиёсий
маданият — тараққиёт негизи.....110
Манзура ХУСНИДДИНОВА. Етакчи —
фидоий демакдир.....111
Фазлиддин АРЗИЕВ. АҚШ сиёсати
ва “ақлий марказ”лар.....113
Абира ХҲУСЕЙНОВА. Феминизм — ўтмиш,
гендер — келажакми?.....114
Динора ДҲЎЛТАЕВА. Медиабизнес
маблағни қандай топади?.....115
Дилором ШЕРОВА. Уйғунлик —
ғўзаллик асоси.....117
Муяссар КАРИМОВА. Туркистонда
пахта савдоси.....118
Равшан ХУДОЙБЕРГАНОВ. Исломда
ўлим ва барҳаётлик фалсафаси.....120
Қурбонниёз ПАНЖИЕВ. Этномуסיқа:
Сурхондарё халқ кўшиқлари.....121
Саодат ДАВЛАТОВА. Фурур ва
салобат рамзи.....123
Абдулғафур БУХОРИЙ. Бухоронинг
бетакрор бойлиги.....124
Наргиза СОБИРОВА. Курашларда
кечган умр.....125
Журналнинг инглизча мухтасар
мазмунни.....127

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



SIYLANGAN JOYIDA AZIZDIR SAN'AT

*Ўзбекистон Бадий академияси раҳбари
Турсунали ҚЎЗИЕВ билан сўхбат*


— Халқимиз маънавиятининг юксалишида бадий ижоднинг бошқа соҳалари қатори тасвирий санъат ҳам қадимдан муҳим ўрин тутиб келади. Бу борадаги бой миллий меросимиз, ижодий анъана ва қадриятларимиз истиқлол йилларида тикланиб, замонавий талаблар асосида ривожлантирилмоқда. Ўзбек тасвирий санъатининг энг сара намуналарини намойиш этиш учун муҳташам кўرғазма заллари, музей ва галереялар барпо этилмоқда. Жумладан, 2200 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг ўзида бу йўналишда нақадар улкан ишлар амалга оширилаётганини сиз Бадий академия раиси, қолаверса, жонкуяр ижодкор сифатида кўриб, бу жараёнда фаол иштирок этиб келясиз. Бу ўзгаришлар ҳақида нима дейсиз? Фикр ва таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Биласиз, собиқ шўро тузуми даврида халқимизга, унинг маданиятига беписанд қаралган. Қандай қилиб бўлса ҳам, бой миллий меросимизни йўққа чиқариш, буюк аждодларимиз яратган, бир вақтлар дунёни лол қолдирган асарларни камситиш кенг тус олган эди. Бунинг сабаби жуда оддий эди, албатта. Ҳукмрон мафкура шу тариқа тарихда бу халқ мутлақо саводсиз эди, унинг санъати ҳам, маданияти ҳам бўлмаган, деган ғирт бўҳтон ақидани исботлашга уринарди. Ана шундай сохта сиёсат асосида тарихимиз, миллий меросимиз қанчалик ерга урилгани бугун барчага маълум. Минг шукрким, 1991 йилга келиб халқимиз ҳақиқий озодликка эришди. Мана, 18 йилдирки, миллатимиз, жумладан, ижодкорларимиз истиқлол берган неъматдан — ижод эркинлигидан баҳраманд бўлмоқда. Бу эркинликнинг амалий самараси, аввало, миллий тасвирий санъатимиз ривожига, унинг намояндалари яратаётган мазмунан теран, бадий юксак асарларда кўринмоқда. Энди рассомларимиз, шўро замонидагидек, яккахоким мафкурани шарафловчи, тарғиб қилувчи асарлар яратиш ҳақида эмас, балки ўз ақли ва қалби буюрган мав-

зуларни қаламга олиш хусусда бош қотирмоқда, халқимизнинг меҳнати ва ғайрати билан амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни, замондошларимиз руҳиятида кечаётган эврилишларни ўз асарларида ҳаққоний тасвирлаб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, бундай ижод намуналарини ҳар бир санъат муҳлисига етказиш, бу соҳада заҳмат чекаётган ижодкорлар бошини қовуштириш учун биринчи галда уларни уюштириб, бирлаштириб турадиган янги бир ташкилот керак эди.

Шу жиҳатдан, Президентимизнинг Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш тўғрисидаги 1997 йил 23 январда эълон қилинган фармони миллий рассомчилигимиз тарихида том маънода янги даврни бошлаб берди. Чунки Бадий академиянинг ташкил этилиши ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари аввалида, бошқа соҳалар каби, миллий рассомчиликда ҳам кўзга ташланган бошбошдоқлик, беқарорлик каби салбий ҳолатларга барҳам берди. Энг муҳими, бу фармон юртимиз мусаввирларининг кайфиятини кўтариб, уларни она Ватан ва унинг истиқлоли йўлида астойдил ижод қилишга илҳомлантирди, амалий санъатнинг барча турлари, маданиятшунослик, санъатшунослик, музейшунослик йўналишларида ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун янги имкониятлар яратди.

Маълумки, СССР даврида республикамиз рассомларининг ижодини юртимизда ва хорижда кенг тарғиб этиш учун на ҳуқуқий, на ташкилий, на моддий-техник база мавжуд эди. Очигини айтганда, ҳатто Тошкентда ҳам Марказий кўرғазма залидан бошқа рассомлар йиғилиб тадбир ўтказадиган бирон бир маскан бўлмаган. Зикр этилган фармондан кейин юртимизда санъат ва ҳунар аҳлини маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш бўйича Президентимизнинг яна бир қатор фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда бадий ва амалий санъатни ривожлантиришга кўмаклашиш билан бирга, рассомлар ўз ижод маҳсулини муҳлисларига муносиб тақдим этиши борасида қулайлик ва имкониятлар яратиш ҳам кўзда тутилган эди. Айнан шундай ғамхўрлик



Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси

туфайли қисқа муддатда Тошкентнинг ўзида замонавий жиҳозланган йирик кўرғазма заллари, жумладан, Тасвирий санъат галереяси, Болалар ижодиёти маркази, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўрғазмаси, Миллий либослар кўрғазмаси, Ёшлар ижод саройи каби мухташам маданият масканлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу санъат кошоналарининг ўзи ҳам гўзал меъморий санъат асари сифатида шахримиз чиройига чирой бағишлаб турибди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида ижодкорлар учун ана шундай имкониятлар яратилган. Шу ўринда бир-иккита мисолга эътиборингизни тортмоқчиман. Нукус санъат музейи ва унинг бисотидаги авангардизм оқимига мансуб оламга машхур бебаҳо асарларни кўпчилик яхши билади. Лекин шундай маънавий бойликларни асраб келаётган ушбу маскан мустабид тузум даврида қарийб йигирма йил мобайнида нураб харобага айланаёзганини бугун аксарият ёшлар тасаввур ҳам қилолмаса керак. Негаки, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ унинг эски биноси ўрнида ҳашаматли санъат кошонаси барпо этилди. Ёки Самарқанд шахридаги асрлар давомида қаровсиз қолиб келган обидалар ҳозирги вақтда қандай кўриниш касб этганини олайлик. Жумладан, Регистон майдонида туташ Чорсу мажмуасининг қайта таъмирланиб, Самарқанд рассомлари учун тасвирий санъат галереяси қилиб берилгани таҳсинга сазовор. Шаҳрисабздаги Чубин мадрасасида ташкил этилган Бадий кўрғазма зали ва бошқа санъат даргоҳлари бугунги кунда санъатсевар халқимиз, маданиятга чанқоқ ёшларимиз, қолаверса, хорижий сайёҳлар учун севимли масканга айланиб улгурди.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида қурилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўрғазмаси, Ёшлар ижод саройи каби зикр этилган муаззам санъат масканлари халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида узоқни ўйлаб олиб борилаётган маданий сиёсатнинг амалдаги ёрқин кўринишидир.

— Сизнингча, тасвирий санъатга бу қадар катта эътиборнинг сабаби нимада? Санъатнинг бу тури халқимиз орасида кино ёки кўшиқчилик сингари оммалашмаганини яхши биламиз. Бирор бир тасвирий санъат асари қаршисида соатлаб туриб томоша қиладиган одам аксарият ё рассом, ёки санъатшунос бўлиб чиқади. Айтмоқчиманки, тасвирий санъат оммавий эмас, балки тор доирадаги мутахассислар, одамлар учун мўлжалланган ижод соҳаси эмасмикан?

— Бундан икки-уч йил олдин қизиқ бир суҳбатга гувоҳ бўлган эдим. Бир «жонкуяр» ватандошимиз япон элчисига юртимизда санъат ривожига катта эътибор берилаётган бўлса-да, театр ва кўрғазма залларимизга кам одам келиши ҳақида куйиниб гапириб, бу борада Фарб давлатларида аҳвол ўзгача, дея уларнинг томошабинлари нақадар билимдон, нақадар дидли эканини мақтай бошлади. Шунда элчи суҳбатдошининг диққатини ҳайратланарли бир мисолга тортди: «Японияни кўплаб иқтисодий инқирозларни, уруш ва фалокатларни бошидан кечирган давлат сифатида яхши биласиз. Ҳар бир япон фуқаросининг қалбида миллий ғурур ва анъаналарга садоқат қанчалик кучли эканини кўриб, ҳавасингиз келиши табиий. Лекин Япония театри тарихига назар ташлайдиган бўлсак, сахна захматкашлари ҳатто уруш даврида ҳам залда ҳеч ким бўлмаса-да, одатдагидек грим қилиб, сахна либосларини кийиб, кўҳна зал худди томошабин билан тўладек, ўз вазифасини сид-

кидилдан адо этганига гувоҳ бўламиз. Айнан шунинг учун ҳам Японияда миллий анъаналар ва қадриятлар давомийлиги тўла-тўқис сақлаб қолинган”.

Бундан хулоса шуки, бутун имкониятлардан фойдаланиб, чораларни қўллаб бадий таълимни ривожлантириш, ёш авлодни миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш бугунги кунда олдимизда турган долзарб вазифадир. Бадий академия тасарруфида Шарқ миниатюра санъатининг буюк намояндаси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолият юритаётгани ана шу вазифани бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда узоқ Сурхондарёнинг чекка бир туманидаги иқтидорли бола Чехияда ўтказилган расмлар танловида совринли ўринни эгаллагани, Хоразмда таълим олаётган яна бир шундай ўқувчи Ҳиндистонда ўтказилган “Шанкар” танлови ғолиби бўлгани, албатта, қувонарлидир.

Дарҳақиқат, кино ва қўшиқчилик энг оммавий санъат турлари экани бор гап, лекин тасвирий санъатга бундай талабни қўйиш ноўрин бўлса керак. Чунки бирорта тасвирий санъат асарини юзлаб, минглаб одам биргаликда томоша қилиб турганини ҳеч учратганмисиз? Йўқ. Чунки чинакам тасвирий санъат асари бизнинг зоҳиримиз ва ботинимиздаги оламларни англаш, бу икки оламаро кечаётган долғали жараёнларга муносабат, янада муҳими, томошабинни гўзалликдан, нафосатдан баҳраманд этиш учун яратилади. Бадий асар билан бундай мулоқот, менимча, кўпроқ индивидуал тарзда рўй бериши мумкин. Шу маънода, тасвирий санъат индивидуал ёндашувни талаб қиладиган санъат туридир.

Тасвирий санъатнинг ашаддий мухлиси аксарият ҳолларда ё рассом, ё санъатшунос бўлади, деган қараш бугун эскирди. Энди замон ўзгарди, томошабиннинг дид-савияси юксалди. Бугуннинг одами ҳар қандай соҳадаги, жумладан, рангтасвир оламидаги янгиликлардан ҳам тез фурсатда хабардор бўлиш имконига эга. Дарҳақиқат, инсон маънавий оламини бойитиш, унда нафосат ҳиссини тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири тасвирий санъат эканини кишилар аллақачон англаб етди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда гавжум бўлиб қолган кўргазма заллари уларни ўзига чорлаётган



бўлса ажаб эмас. Яна бир гап, авваллари одамлар янги уйга кўчиб ўтса, тўй қилса, энг қимматбаҳо совға сифатида гилам ҳадя этилар ёки меҳмон кутиладиган хоналар тўрида ҳам гилам осиглиқ турар эди. Ҳозир эса бундай қарашлар бутунлай ўзгариб, мусаввирлар асарларини ҳадя этиш одат тусига кирди. Биргина шу мисолнинг ўзи халқимизнинг тасвирий санъат асарларига бўлган қизиқиши ортгани ва эътибори кучайганини кўрсатувчи далил эмасми?

— Бугунги кунда мусаввирларимизга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар қандай самара бермоқда? Бадий академиянинг ҳақиқий аъзолари қандай имтиёзларга эга, “оддий” рассомлар-чи?


— Ҳақиқий ижодкор ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам чинакам бадий асар ярата олади. Чинакам ижодкорлар шўро замонида ҳам ҳар қанча тўсиқ ва тазйиқлар, “мажбурий буюртма”ларга қарамасдан, инсон қалби манзарасини, халқимиз рухий дунёсини, миллатнинг тарихий йўлини ўзида акс эттирган асл санъат дурдоналарини яратдики, бу асарлар ҳозир ҳам, келажакда ҳам дунё тасвирий санъатининг энг сара намуналаридан бўлиб қолаверади. Табиийки, бундай буюк қобилият ижодкорга фақат Яратган томонидан берилади. Бугун юртимизда яшаб, ижод қилаётган ҳар бир рассомга истеъдодини намойиш этиши учун барча шароитлар мавжуд.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби улуғ аждодларимизнинг эзгу ғоялар билан суғорилган таълимотларини тарғиб этиш йўлида ижод қилаётган ота-бола Файзулла ва Сардор Аҳмадалиевлар; зардуштийлар ва кушонлар даври маданиятининг бугунги кунга қадар етиб келган ғояларини рангтасвир орқали гавдалантириб, жаҳон бўйлаб кезиб юрган ота-бола Леким ва Файрат Иброҳимовлар; корейс халқи бошига тушган кулфатлар оқибатида ўз юртдан бадарға қилиниб, Ўзбекистон заминида бошпана ва меҳр топган, бу гўшада ҳам тилини, динини, маданиятини сақлаб қолиб, умр бўйи халқимизга ўз миннатдорлигини самимият билан ифодалаб ўтган машҳур Николай Шиннинг ўғил-қизлари, нева-чеваралари — таниқли рассомлар сулоласи — Игорь, Искра, Светлана, Лариса Шинлар; истиқлол шарофати билан Қорақалпоғистон тарихида биринчи бор Ўзбекистон халқ рассоми деган юксак унвонга сазовор бўлган Жоллибой ва унинг ўғли — Италиядаги Алдо Галии номли Бадий академияни тугатиб келиб, бугунги кунда фаол ижод ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланаётган Жарилқаған Изентаевлар; миллий акварель санъатининг йирик намояндаси, Финляндия, АҚШ, Венгрия, Украина санъат ихлосмандлари ҳам кўргазмасини мудом муштоқлик билан кутадиган Марат Содиков ва у бошлаган аъна давомчилари — Людмила, Диана Содиковалар каби ўнлаб йирик тасвирий санъат сулоалари фаолиятига кенгроқ қарайдиган бўлсак, бунинг замирида авваламбор Ватанимизда бадий таълим олиш учун уч поғонали тизим яратилгани, шахсий кўргазмалар ўтказиш учун эса зал ва галереялар муҳайё эканини кўрамиз, буларнинг барча-барчаси юртимизда ҳақиқий ижод эркинлиги мавжудлигини амалда яққол намоён этадиган омиллардир. Жаҳон тасвирий санъати тарихидан бохабар ҳар бир зиёли шу фикрга қўшиладики, борди-ю, бу омиллардан биронтаси бўлмайдиган тақдирда ҳам, ижод жараёнини сунъий равишда ёки буйруқ воситасида ҳеч қачон амалга ошириб бўлмайди.

Энди сиз қўллаган бир иборага тўхталсак. “Оддий” рассом дегани нима ўзи? Менимча, ижодкорга нисбатан бундай иборани ишлатиш ўринли эмас. Рассом чиндан ҳам истеъдод эгаси бўлса, у баралла “рассом” деб аталишга лойиқ. Зеро, у тасвирий санъатнинг барча талабларига жавоб бера оладиган бадий пишиқ асарлар яратгани боис ҳам шундай номга муносиб кўрилади. Бундай ижодкорни халқимиз ҳам “уста” ёки “ўз ишининг устаси” деб эъзозлайди. Академикларимиз, Бадий академиянинг ҳақиқий аъзолари сифатида, Низомда кўрсатилган имтиёзларга эга. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ижод қилишни, асарлар яратишни ўзининг асосий вазифаси деб биладиган ҳар бир ҳақиқий рассомга мамлакатимизда алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилади. Ҳар йили рассомларимиз гуруҳ-гуруҳ бўлиб вилоятларга ижодий сафарлар уюштириши, табиат қўйнида эркин



Болалар ижодиёти маркази



ижод билан машғул бўлиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Шунинг натижаси бўлса керак, рассомларимиз яратган асарлар қаҳратон қиш кунларида намоиш этилса-да, кўргазма зали гўё бахор нафасидан яшнаб кетгандек туюлади. Чунки она табиат қўйнида яратилган тасвирий санъат асарлари дилтортар бўлади.

Шу ўринда самимият билан боғлиқ бир воқеа ёдимга тушди. Яқинда болалар ижодига бағишлаб Чехияда ўтказилган “Атиргул” номли халқаро танловда шахрисабзлик бир гуруҳ ўқувчилар иштирок этди. Хайъат аъзолари бу болаларнинг барчасини голиб деб топди. Уларга совринлар топширилаётган пайтда журналистлар хайъат аъзоларини “Нега саккизта голиблик соврини фақат бир мамлакатдан


келган болалар ижодига берилди?” дея сўроққа тутди. Хайъат аъзолари эса “Биз бу болалар чизган суратларни баҳолашда ранг ва бўёқлардан қай даражада фойдаланилгани билан бир қаторда улардан уфуриб турган самимиятга ҳам эътиборни қаратдик, бизни айнан шу ҳол хайратлантирди”, дея жавоб қайтаради. Табиийки, бу эътироф бизни ҳам ниҳоятда қувонтиради. Ахир, халқимизга хос самимият, соддалик ва беғуборлик унинг жажжи фарзандлари ижодига аниқ ифодасини топган бўлса ва бу туйғу Европа санъат арбоблари томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланса, ким ҳам севинмайди дейсиз?

— Бозор иқтисодиёти шароитида мусаввирнинг аъмоли қандай бўлмоғи керак: сизнингча, у соф санъатга хизмат қилиши керакми ёки нарх-наво таманноларига берилиб, фойда кетидан қувиши?

— Ҳақиқий мусаввирнинг аъмоли ҳар қандай шароитда ҳам санъатга бўлган садоқатида кўринади. Ватанини чин дилдан севган ижодкор ўз асарларида унинг кадрдон одамлари ва гўзал табиатини улкан муҳаббат билан акс эттиришга ҳаракат қилади. Бундай рассом она юртига ҳам, санъатга ҳам содиқ қолиши муқаррар. Ўзаро суҳбатлар чоғида “Фарбда рассомларнинг асарлари қиммат нархларда сотиб олинар экан, у ерларда мусаввирлар учун ниҳоятда зўр шароитлар яратилган”, деганга ўхшаш асоссиз гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Бунинг қанчалик ростлигини бир мисол билан изоҳласам. Ўзбекистон халқ рассоми, академик Владимир Бурмакин ўз бошидан ўтган мана бу воқеани гапириб берган эди. Бундан 20 йиллар муқаддам, санъатшунос рафиқасининг “Сиз каби мутахассислар Америкада жуда қадрланади, маошлари ҳам юқори”, деган гапига ишониб, оиласи билан бир муддат хорижда яшайди. “Менга у ерда кўп қаватли бино ертўласидан кичикроқ хонани ажратиб беришди, — деб эслайди Бурмакин, — хонада битта диван ва битта адёлдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Шу аҳволда уч ой яшадим. Охири тоқатим тоқ бўлиб: “Ахир, бизга берган ваъдангиз бошқача эди-ку, қани ўша шароит?” деб сўраганимда, улар “Бекорчи гапни қўйсанг-чи, оғайни, — дейишди узил-кесил қилиб, — америкалик кўпгина рассомлар ҳам сен нолиётган бундай шароитни орзу қилади. Бу шароитнинг қиммати беш юлдузли меҳмонхонадаги қулайликлар билан баробар”. Ўшанда мен ўз юртимда қай даражада қадрим баланд, имконият ва шароитим

кулай бўлганини чин дилдан ҳис этдим ва юртимга қайтиб келдим. Рафиқам бир неча йилдирки Америкада яшайди. У менга бот-бот кўнғироқ қилиб, яна ўша ёққа боришимни сўрайди. Мен эса: “Қани, ўзинг айтчи, бу ерда менинг ўз уйим, устахонам, ҳамма шароитим бўлса, хоҳлаган вақтимда дам олиб, истаган вақтимда ижод қилсам, инсон ва ижодкор сифатида қадрлансам, эъозланаётган бўлсам, у ёқда нима қиламан?” деб жавоб бераман”.


Фарбда рассомлар асари катта пулга сотиб олиншига келсак, бу бир гап, холос, суратлар олди-сотдидан келадиган фойданинг нари борса 13-15 фоизи ижодкорнинг ўзига тегар экан. Қолган 85 фоизи бу соҳага пул ишлаш манбаи деб қарайдиган тadbirkorларнинг, улкан sanoat индустриясининг ихтиёрида қолар экан. Бу ҳақда менга хорижда бўлганимда шу соҳанинг бир мутахассиси батафсил сўзлаб берган эди. Албатта, Фарбдаги рассомларнинг ҳаммаси ҳам шундай аҳволда, деган фикрдан йироқман. Лекин хориж рассомлари ҳаётининг гўё эртақлардаги каби тасвирланишига кўп ҳам ишониб бўлмайди.



— Кино санъатида видеокамера воситасида суратга олинадиган “тезпишар” асарлар кўпайгач, плёнкага муҳрланадиган чинакам фильмларнинг қадри бирмунча пасайгандек бўлди (сермашаққатроқ-да). Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳар турли дизайн воситаларию компьютер мўъжизалари пайдо бўлган замонда “кўҳна” рангтасвир жанри ўзини қандай ҳис қилмоқда?

— Ҳақиқий истеъдод яратган чинакам санъат асарларининг қадри ҳеч қачон пасаймайди. У кино санъати бўладими, мусиқа санъати ёки бадий адабиётми — бунинг аҳамияти йўқ. Замонлар ўтаверади, ҳақиқий санъат асарининг қадри эса юксалиб бораверади. Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хивадаги тарихий обидалар фақат меъморий ёдгорлик эмас, гўзал санъат асари сифатида ҳам ана шундай ардоққа сазовор бўлмаптими, ахир?!

Шу ўринда тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рассом Игорь Савицкийнинг маънавий жасоратини эсга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бу фидоий инсоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли шўро замонида “Бульдозер кўргазмаси” деб ном олган, ноанъанавий ҳисобланиб, таъйиқларга учраган, бугунги кунда эса ғоят қадрланаётган қанчадан-қанча тасвирий санъат асарлари сақлаб қолинган. И.Савицкий бир ўзи поезд вагонларида қийналиб, бу асарларни Нукус шаҳрига олиб келган. Эндиликда ўша асарлардан ташкил топган коллекция дунёдаги энг ноёб бадий кўргазма сифатида эъозланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу асарлар ҳозир Савицкий номи билан аталадиган ва жаҳон эътирофидаги санъат хазинаси ҳисобланадиган Нукус давлат санъат музейида сақланади. Узоқ юртлардан келган сайёҳлар бу санъат дурдоналари саҳро бағридаги шаҳарда қандай қилиб сақлаб қолинганига ҳайрон бўлади. Улар билмайдик, бу ерда яшаётган халқ азал-азалдан



санъатни севган, дунёга Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб каби улуғ мусаввирларни етказиб берган, буюк цивилизациялар яратган халқдир.

Фотография санъати пайдо бўлган пайтда баъзи бир башоратчилар “Энди тасвирий санъатнинг умри тугади, унинг ўрнини фотография санъати эгаллаб олади” дея жар солган эди. Аммо бу фикрлар нотўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Археологик бойликларимиз тарихига назар соладиган бўлсак, деворга ўткир тош билан ишланган расмларга кўзимиз тушади. Замонлар ўтиб, расм чизиш воситалари такомиллашиб, қоғоз, қалам, ундан кейин эса янада мукамал воситалар — мўйқалам, мойбўёқ ва мато пайдо бўлди. Тараққиёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, бу воситалар ҳам бири-бирини тўлдириб бораверади. Илғор ахборот технологиялари ва замонавий техника воситалари орқали ҳам тасвирий асарлар — компьютер мўъжизалари яратилмоқда. Аммо инсон табиатнинг бир бўлаги бўлгани учун ҳам табиий асарлар, яъни қўл билан яратилган асарлар кадр-қиммати яхши билади.

Фотография санъати ҳам тасвирнинг мустақил бир воситаси, унинг ижодкори ҳам рассом ҳисобланади. Негаки, табиатнинг шундай гўзалликлари бўладики, уни фақат фоторассомгина пайқаб олиб, идрок этиб, тарихга муҳрлайди. Шу нуқтаи назардан, ҳолат ёки манзара жонли бир асар бўлса, фотоаппарат уни тасвирга туширадиган восита, холос. Тасвирий санъатнинг узвий бир бўлаги сифатида фотография уни тўлдиради, бойитади.

Компьютер мўъжизаларига келадиган бўлсак, уларнинг барчаси инсон тафаккури маҳсулидир. Демак, замонавий технология тасвирий санъатга, унинг ижодкорига хизмат қилмоқда, бунинг нимаси ёмон? Шундай экан, фотография санъати, компьютер мўъжизалари, замонавий дизайн воситалари ранг-тасвир санъати билан уйғунлашиб бир-бирини тўлдириб бориши табиий. Айни вақтда бу воситалар қанчалик ривож топмасин, барибир инсон ақл-заковати, унинг қалб кўри билан матога мўйқалам ва мойбўёқ ёрдамида муҳрланган санъат асарлари бетакрор жозибасини ҳеч қачон йўқотмайди.



Ўзбекистон маданияти ва санъати кўرғазмаси

Шу ўринда замонавий санъат асарлари кўриги — анъанага айланиб бораётган Тошкент халқаро биенналесини мисол қилиб келтирмоқ жоиз деб ўйлайман. Эсингизда бўлса, Тошкент биенналесидастлаб 2001 йилда ўтказилган эди. Ўшанда кўпчилик санъат мухлислари, томошабинлар “биеннале” сўзи нима маънони англатади, у қаердан пайдо бўлди, дея такрор-такрор сўраган эди. Чунки бу сўз хорижий тиллар луғатида мавжуд бўлса-да, она тилимизда, маданий ҳаётимизда, санъат анжуманларини ташкил этиш ва номлашда мутлақо ишлатилмас эди.



Тошкент Фотосуратлар уйи

“Икки йилда бир марта ўтказиладиган санъат анжумани” деган маънони англатадиган бу сўзни фақат соҳа мутахассислари — санъатшунос олимларгина билган, холос. Замонавий санъат биенналесидилк бор Венецияда ўтказилган. Мустақиллик туфайли бизда ҳам халқаро нуфузга эга бундай маданий анжуман ташкил этилди. 2001 йили Биринчи халқаро Тошкент биенналесиди ўтказилди. Шундан сўнг, 2002 йилда худди шундай биеннале Пекинда, 2004 йилда эса Москвада бўлиб ўтди. Эътибор беринг, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган катта анжуман дунёдаги энг йирик мамлакатлар ҳисобланган Хитой ва Россия пойтахтларида Тошкент биенналесидан сўнг ўтказилди. Бу анъанавий санъат фестивалининг пойтахтимизда тўрт бор юксак савияда, муваффақият билан ўтказилиши дунё санъат намояндаларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Буларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимизнинг тасвирий санъатга, ижод аҳлига бўлган катта эътибори натижасидир.

Биенналеларни қиёслаш жараёнида шундай муҳим бир хусусият аён бўладики, Биринчи Пекин биенналесиди фақат реализм йўналишидаги асарлар намойиш этилган бўлса, Биринчи Москва биенналесиди эса шундай “асар” голиб деб топилдики, охир-оқибат бу воқеа можаро келтириб чиқарди, яъни унинг муваффақиятидан кўра, муаммосиди кўп бўлди. Тошкентда ўтказилган биенналелар замонавий ва анъанавий санъат турларини қамраб олган анжуман сифатида нафақат миллий, балки умумбашарий санъат тарихида ҳам муҳим воқеа бўлган шубҳасиз. Чунки у ҳеч қандай умумбашарий тамойилларга зид келмайдиган, одамзоднинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиб, руҳан завқ бера оладиган асарлар намойиш этилган йирик санъат анжумани сифатида халқаро мутахассислар ва санъатшуносларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Албатта, мустақиллик даврида ўзбек тасвирий санъатининг қанчалик тез ривожланиб бораётганидан далолат берадиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бугун Ватанимизнинг бекиёс гўзаллигини, бунёдкор замондошларимиз қиёфасини, мард ва бағрикенг халқимизнинг эзгу фазилатларини рангтасвир асарлари орқали теран ёритиб бериш биз, мўйқалам соҳиблари учун шарафли ишга айланди. Бундай улуг имкониятни қадрлаш, ҳар қачонгидан ҳам самарали ижод қилиш муқаддас бурчимиздир.

Абдурахим ЭРКАЕВ

ЎТИМОЙ BARQARORLIK ASOSI

*Ҳар бир давлат ва жамиятнинг тақдири ва кела-
жаги шу мамлакатда мулк масаласи қандай ҳал
қилинишига боғлиқ.*

Ислом КАРИМОВ

Ижтимоий табақаланиш кучайиши ҳар қандай жамиятда барқарорликка хавф солади. Демократик анъаналар чуқур илдиз отмаган, аҳоли турмуш даражаси бирмунча паст мамлакатларда бундай хавф эҳтимоли юқори бўлади. Демократик асосда ривожланган мамлакатлар учун ҳам у муайян даражада хатарли. Чунки сайловларда кескин ўзгаришлар тарафдори бўлган радикал партияларнинг кўпроқ овоз олиши, жамият онгида шовинизм ва миллатчилик майллари кучайиши жамиятни беқарорлаштиради.

Аммо постиндустриал ва постмодерн жамиятларда ижтимоий табақаланиш кучайган тақдирда ҳам синфий зиддиятлар мурасасиз тўқнашувлар даражасига ўсиб чиқмайди. Бунинг сабаби эса аввало ўрта синф билан боғлиқдир.

Постиндустриал жамиятда қарама-қарши синфлар оралиғидаги аҳолининг тахминан 50-55 фоизини ташкил этувчи ўрта синф салмоғи нисбатан устунлик қилади. Ишчилар синфининг асосий қисми оиласи эҳтиёжларини қондирадиган даражада юқори

маош олади, аксарияти акциялар ва қимматбаҳо қоғозлар ҳисобидан қўшимча даромадга ҳам эга бўлади.

Постиндустриал жамият шароитида катта маош оладиган малакали менежерлар, инженер-техник ходимлар, ишчилар сони кескин кўпайди ҳамда давлат томонидан ижтимоий муҳофаза масалаларига эътибор анча кучайди. Ҳатто айрим мамлакатлар ўз моделини “социализм” деб атай бошлади. Бунга мисол тариқасида “швед социализми”ни тилга олиш мумкин.

Ўрта синфнинг сон ҳиҳатдан устунлиги, бу қатламнинг турмуш шароити яхшилангани постиндустриал жамиятда умумий барқарорликни таъминлади. Чунки бундай шароитда одамларни синфий курашга даъват этувчи муҳолиф мафкура-нинг ижтимоий-синфий замани ўта тора-йиб кетди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида кичик бизнеснинг улуши 2005 йил АҚШда 55 фоиз, ЕИ мамлакатларида 67 фоизни ташкил этгани ҳозирги замон постмодерн жамияти ижтимоий-синфий тузилмаси қанчалик ўзгариб кетганини кўрсатади. Бироқ постмодерн жамиятда янги ишлаб чиқариш технологиялари вужудга келаётгани, капиталнинг мамлакатлараро эркин ҳаракати тобора кенгаёётгани, глобаллашув жараёнлари борган сари катта ҳудудни қамраб олаётгани, ривожланаётган мамлакатларнинг рақобатбардошлиги ошиб бораётгани ўрта синф аҳволига жиддий таъсир этмоқда. Шунингдек, юксак ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига инқироз хавф солаётгани ҳам бу синфга мансуб аксарият фуқаролар даромадини пасайтириб юборди.

Хўш, жамият барқарорлигининг ижтимоий асосини ташкил қилувчи ўрта синф дегани ўзи нима? Бу тушунча қандай маънони англатади? Энди ана шу ҳақда сўз юритсак.

«Ўрта синф» тушунчаси

“Ўрта синф” — нисбий тушунча. Негаки, у аниқ бир ижтимоий қатлам, табақа ёки гуруҳдан ташкил топмайди. Бу синф дунёқараши, маданий савияси, сиёсий майли ва интилишлари бир-биридан фарқ қилувчи турли ижтимоий гуруҳлар-

дан, қатламлардан иборат.

Ж а м и я т қанчалик ривожланган бўлса, ўрта синф ҳам ижтимоий жиҳатдан шунчалик ранг-баранг бўлади. Бу синфни ижтимоий хилма-хилликнинг ҳаракатчан диалектик бирлиги дейиш мумкин. У муттасил ўзгариб, таркибини янгидан келиб қўшиладиганлар ҳисобига бойитиб туради. Ўрта синфга мансуб баъзи омадли ва истеъдодли кишилар жамиятда янада баланд мақомга кўтарилиб, юқори синфга ўтиб олиши мумкин. Ҳатто Билл Гейтсга ўхшаганлари дунёнинг энг бадавлат кишиларидан бирига айланади. Аммо бундай мисоллар бармоқ билан санарли.

Ўрта синф орасида юқорида зикр этилганининг акси ўлароқ, қашшоқлашиш ва пролетарлашиш ҳам мавжуд. Бу биринчи галда кичик бизнеснинг, майда хусусий тадбиркорликнинг бир қисмига тааллуқли ва бозор иқтисодиёти қонуниятларидан келиб чиқади. Барқарор ривожланаётган мамлакатларда ўрта синф сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланади, яъни ўсиш сурати қашшоқлашишга нисбатан устун бўлади. Иқтисодий таназзулни бошдан кечираётган ёки янгиланишга эҳтиёж сезаётган мамлакатларда иккинчи тамойил устунлик қила бошлайди. Лекин ўрта синфнинг асосий қисми ўз мавқеини сақлаб қолади.

Ўрта синф мўрт, сунъий тушунча эмас. Унинг ўзига хосликлари бор. Шунингдек, ўрта синфга мансубликнинг ягона иқтисодий мезони ҳам йўқ. Бундай мезон ҳар бир давлатнинг тараққиёт даражасидан, аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда яратилаётган ялпи ички маҳсулотдан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Ҳатто юксак ривожланган мамлакатлардаги бир



неча миллион доллар миқдорида жамғармаси бўлган адвокатлар, артистлар, олимлар, кичик бизнес эгалари турмуш тарзига кўра, йирик капитал вакили эмас, ўрта синф вакили ҳисобланади.

Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликдан ҳаммадан кўп ўрта синф манфаатдор. Шу сабаб у кескин ўзгаришларни кўп ёқтирмайди. Туб бурилишлар уни бир зумдаёқ қашшоқлаштириб қўйиши мумкинлиги боис у барқарорлик тарафдори, аниқроғи, барқарорликнинг ижтимоий-синфий пойдеворидир.

Хусусий тадбиркорлар, фермерлар, кичик бизнес вакиллари мулкка муносабат нуқтаи назаридан — майда мулк эгаси, ўзлари эса меҳнатқашдир. Ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар, конструкторлар — интеллектуал мулк соҳиблари. Улар ҳам меҳнатқаш. Улар сирасига ўқитувчилар ва врачларни ҳам қўшиш мумкин. Инженер-техник ходимлар, менежерлар, давлат идоралари хизматчилари мулк эгалари эмас, улар шахсий жамғармаси ва қимматли қоғозлари борлигига қарамасдан, ё йирик бизнесга, ёки давлатга хизмат қилади. Улар ишлаб чиқаришда етакчи мавқега эга бўлса-да, аслида мустақил эмас, ёлланма хизматчилардир. Шунинг учун кўпчилик Фарб мамлакатларида ўрта синфга таянадиган бир неча партия фаолият юритади. Чунки бир партия ўрта синфнинг барча қатламларини тўлиқ қамраб ололмайди. Шу сабаб баъзилари ўз эътиборини кичик ва ўрта мулкдорларга қаратса, баъзилари зиёлилар ва хизматчилар манфаатини ҳимоя қилади.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни ташкил этувчи, бошқарувчи қатлам — ўрта синфдир. Йирик саноат корхоналари, коорпорациялар, трансмиллий компаниялар, холдинглар, банклар, молия-кредит ва суғурта тизими йирик капиталга тегишли бўлса-да, уларнинг иқтисодчилари, ҳисобчилари, ўрта бўғин менежерлари, турли бўлим, бўлинма бошиқлари ва хизматчилари ўрта синф вакиллари дир. Корхона фаолиятини ҳам айнан шулар таъминлайди.

Таълим, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, журналистика, соғлиқни сақ-

лаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда эса ўрта синф нафақат етакчи мавқега эга, балки у асосий ижодкор ва бунёдкор қатламдир. Бу соҳада хизмат қиладиган ўрта синфнинг баъзи вакиллари машҳурликда йирик миллиардерлар ва сиёсий арбоблардан ўзиб кетиши бот-бот кузатиладиган ҳол.

Ўрта синф — жамиятнинг асосий интеллектуал ва ижодкор кучи. Аммо ўрта синфнинг ижодий майли, диди ва фаолиятида кучли зиддиятлар бор. Бир томондан, ўрта синф адабиёт ва санъатнинг яратувчиси, асосий истеъмолчиси, иккинчи томондан, у оммавий маданиятга, баъзан ҳатто аксилмаданиятга мойиллик кўрсатади.

Яхши билим эгаллаган ва тарбия кўрганларни ҳисобга олмаганда, ўрта синфга мансуб кишилардан кўпчилигининг маданий савияси, диди унчалик юқори бўлмайди. Шу сабабдан уларнинг аксарияти биринчи, ҳатто иккинчи авлодда ҳам оммавий маданиятга, молпарастликка, эгоцентризмга мойиллик кўрсатади. Уларга кўпроқ аънавий маънодаги мешчанлик хос. Ҳақиқий зиёлилик учинчи ва тўртинчи авлодда намоён бўла бошлайди.

Индивидуализм жамиятнинг қуйи поғонасидан ўрта поғонага тирмашиб чиққан киши феъл-атворининг бир бўлагига айланади. Ортиқча сарф-харажатларга ўрганмагани, маиший масалаларда ўта тежамкорлиги, қаноат қилиб яшашга кўникиб қолгани сабабли унда моддий ва маънавий эҳтиёжлар унчалик яхши ривожланмаган бўлади. Шу боис у ё камтарона яшашни давом эттиради, ёки молпараст бир зикнага айланади. Ҳар икки ҳолда ҳам унинг онги ва савияси янги ижтимоий аҳволига мос келмайди.

Ўрта синф жамият сиёсий ҳаётида етакчилик қилса-да, аммо сиёсатнинг мазмуни, йўналиши ва стратегиясини ҳукрон синф ёки йирик бизнес, ё бўлмаса, ҳарбий-саноат мажмуи белгилайди. Турли бўғин депутатларининг, ижроия ҳокимияти амалдорларининг аксарияти ўрта синф вакиллари бўлса-да, улар давлатни мустақил бошқара олмайди.

Ягона сиёсий платформанинг мавжуд эмаслиги ўрта синфнинг сиёсатдаги роли ўзи эгаллаб турган мавқе даражасига кўтарилишига йўл бермайди. Ўрта синф турли бўгин бошқарувидаги етакчилиги билан бирга сиёсий технологияларни, лоббизмни амалга оширувчи восита сифатида ҳам охир-оқибат йирик бизнес ва ҳарбий-саноат мажмуи буюртмасини бажаради.

Бу худди йирик ва кичик бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги ролига ўхшайди. Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ЕИ мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг тахминан учдан икки қисмини яратади. Аммо янги технологияларни, илмий-техника тараққиётини, илмий тадқиқотларни йирик бизнес таъминлайди. Ҳатто кичик бизнеснинг ўзи учун ҳам янги технологик ускуна ва жиҳозларни йирик бизнес тайёрлайди, кўпгина бутловчи қисмлар ва яримфабрикатларга буюртма беради. Сиёсатда ҳам асосий ижрочи — ўрта синф, белгилувчи ва буюртмачи йирик капитал вакиллари дидир. Шунга қарамасдан ўрта синф демократия ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий-синфий асосини ташкил этади. Чунки фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва ўрта синфнинг ундаги етакчилик мавқеини белгилайди.

Ўрта синфнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ва фаоллиги ҳисобга олинса, унинг ночор иқтисодий аҳволи барқарорликка салбий таъсир кўрсатишини тушуниш қийин эмас. Масалан, унчалик тўқ яшамайдиган амалдор ўзи ва оиласининг эҳтиёжи учун пора олишга мажбур бўлади. Шу сабабдан давлат хизматида бўлган ходимнинг ойлик маоши унинг эҳтиёжларини қоплаши, эртанги кунни эса ижтимоий ҳимоя билан қафолатланиши лозим. Акс ҳолда, қашшоқ ўқитувчи ва врач тамагирга, ихтирочи олим ва малакали мутахассис эмигрантга айланади. Ўрта синф таркибига қирувчи ақлий меҳнат вакилларининг турмуш даражасини муносиб таъминлаш жамият ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир. Чунки

порахўрлик, тамагирлик оммавий тус олиб кетса, фуқаролар тузумдан норози бўлади, маънавий муҳит бузилади ва барқарорликка путур етади.

Ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган глобаллашув шароитида постмодерн мамлакатларда ўрта синфнинг ички зиддиятлари кучайиб, жамиятдаги мавқеи пасаймоқда. Рақамли технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш “ишчи аристократияси”нинг айрим вакиллари кўчага улоқтирди, қолган бир қисмини эса жамиятдаги мавқеидан маҳрум этди. Булар қаторига яна ҳисобчилар, назоратчилар, идора ходимлари, инженер-техниклар ва техник хизматчиларнинг каттагина гуруҳи ҳам киради.

Ишлаб чиқаришни Фарб мамлакатларидан иш кучи ва хомашёси арзон, ҳукумати солиқ имтиёзлари берадиган ривожланаётган мамлакатларга кўчириш трансмилий компанияларга иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб қолди. Улар корхоналарнинг анча қисмини ривожланаётган мамлакатларга кўчирмоқда ёки янгиларини ўз мамлакатларида эмас, ўша юртларда қурмоқда. Инвестицияларнинг салмоқли улуши ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилмоқда. Ўзларида эса асосан илмий сифими катта, юксак технологик, стратегик ишлаб чиқаришни, ҳарбий-саноат мажмуини, энг зарур озиқ-овқат ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни сақлаб қолаётир. Истеъмол моллари, бутловчи қисмлар ва яримфабрикатларга буюртмалар кўпинча ривожланаётган мамлакатларда жойлаштирилмоқдаки, уларда Фарб технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони соат сайин ўсмоқда. Бу ҳолат ривожланган мамлакатларда ўрта синф муаммоларини кўпайтирмоқда, пролетарлашиш тамойилини кучайтирмоқда. Масалан, уяли телефонлар ишлаб чиқарувчи “Нокия” компанияси заводларидан бирининг ГФРдан Руминияга кўчирилиши натижасида Германиядаги корхонада ишлайдиган етти минг ходим ишсиз қолди.

“Осиё йўлбарслари” номини олган давлатларда, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон ва тез ривожланаётган баъзи мамлакатларда ўрта синф, юқоридаги ҳамда бошқа ички сабабларга кўра, ўсиб, мустақамланиб бораётир. Ички сабаблардан энг муҳими шуки, бу мамлакатлар тузумни ислоҳ қилиш билан боғлиқ даврни ортда қолдириб, барқарор миллий ривожланиш йўлига чиқиб олди, иқтисодий эркинлик ва бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилди. Бу мамлакатларда “миллий энергия”, миллий динамизм Фарбга нисбатан кучлилик қилмоқда. Қолаверса, уларнинг аҳолиси таркибидаги ёш фуқаролар сони Европа халқларидагига нисбатан кўп (Хитой бундан истисно).

Фарб мамлакатларида ахборот технологиялари ва ишлаб чиқаришнинг бир қисми Шарққа кўчирилиши таъсирида ижтимоий табақаланиш кучайиб, ўрта синф ичида пролетарлашаётганлар сони ортиши ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солади. Шунингдек, бунга бошқа иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар ҳам келиб қўшилмоқда. Шулардан бири Фарб мамлакатларига Африка ва Осиёдан муҳожирларнинг оқиб келиши оқибатида туғилаётган муаммолардир. Тўғри, Фарб мамлакатларида миллат ёшининг қариб бораётгани, демографик муаммолар муҳожирларнинг маълум қисмини иқтисодиётга жалб қилишни, бунинг ҳисобига иқтисодий ва баъзи ижтимоий муаммоларни (масалан, солиқ базасини кенгайтириш, пенсия ва нафақаларни тўлаш ва ҳоказо) ҳал қилишни тақозо этади. Лекин ноқонуний, яширинча муҳожирликни жиловлаш қийин бўлаётир. Муҳожирлик, хусусан, ноқонуний муҳожирлик кўпгина муаммоларни келтириб чиқариш билан бирга, баъзи ҳолларда ижтимоий-сиёсий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Лекин асосий муаммо — ривожланган мамлакатларда вужудга келган глобал иқтисодий инқироз хавфидир. 2007 йилнинг охирида ипотека бозори инқирози сифатида АҚШда бошланган бу офат 2008 йилнинг иккинчи ярмига келиб бутун Европа мамлакатлари молия-кредит

ва банк тизимини қамраб олди ҳамда глобал инқироз хавфини келтириб чиқарди. Шу боис Фарб давлатлари банкларни қутқариш учун бюджетдан катта миқдорда маблағ ажратишга мажбур бўлди. Банкларнинг бир гуруҳи қисман национализация қилинди, яъни давлат улар мулкни маълум даражада (қимматли қоғозларини, акциялар пакетини) сотиб олди. Қолганларига катта миқдорда имтиёзли қарз ва молиявий ёрдам берилди. Кўрилган чоралар баъзи мамлакатларда давлат бюджети танқислигини ошириб юборди ёки харажатларнинг маълум қисмини чеклаб қўйди. Охир-оқибат банкларнинг зарари солиқ тўловчилар зиммасига тушди.

Инқирозни йирик капиталнинг очкўзлиги, айрим гуруҳларнинг молиявий кўзбўямачилиги зимдан тайёрлаб келди. Бир томондан, ёқилғи-энергетика ресурсларининг қимматлашуви иқтисодиётнинг барча соҳаларида нарх-наво ошиб кетишига сабаб бўлди (*Нефть хомашёси нархининг маълум даражада ўсиши табиий ресурслар камайиб, қазиб олиш харажатлари ошиб бориши билан боғлиқ. Лекин фойда кетидан қувган йирик ёқилғи-энергетика компаниялари нефть нархини сунъий равишда кескин кўтарган эди. Амалда жаҳонда қазиб чиқарилаётган нефть ҳажми кейинги 3-4 йилда камаймасдан, аксинча муттасил ўсган. Инқироз хавфи яққол намоён бўлганидан кейин 2008 йил октябрь ойида нефть нархи жаҳон бозорида 2,5 баробар пасайганини унутмаслик керак*). Инфляция ўсиши баъзи ривожланган давлатларда белгиланган йиллик 2-2,5 фоиз ўрнига 3-3,5 фоизни ташкил эта бошлади. Бу ижтимоий табақаланиш ва пролетарлашиш жараёни кучайишига олиб келаётир. Ўрта ва қуйи синф нарх-наво кўтарилишидан ҳамда инфляциядан сезиларли зарар кўрмоқда.

Иккинчи томондан, кейинги йилларда аҳолининг, жумладан, ўрта синфнинг даромади, харид қобилияти, банкдан олган кредитини қайтариш имкониятлари пасайгани сабабли АҚШ банклари ўз иқтисодий салоҳиятини сақлаб қолиш мақсадида уй-жой учун ипотека кредит-

ларини нисбатан паст ставкаларда белгилаб таваккал қилишга мажбур бўлди. Вазият ўзгариб, аҳоли даромади ошса, нарх-наво барқарорлашиб, инфляция кутилган меъёрлар даражасида қолса, эҳтимол, таваккалчилик ўзини оқлар эди. Бироқ амалда бунинг тескариси юз берди. Мижозларнинг ҳатто пасайтирилган ставкалар бўйича ҳам уй-жой харид қилиши кескин камайиб кетди. Қурилган уйларнинг анчаси сотилмасдан, харажатлар эса қопланмасдан қолаверди.

Ипотека бозорида талабни сунъий равишда сақлаб қолишга уриниш банк тизими инқирозига туртки бўлди, холос. Инқирознинг сабаби эса янада чуқурроқдир. Аслида дастлаб ипотека бозорида, унинг изидан эса бутун банк тизимида вужудга келган инқироз Фарб банкларининг деярли барчаси мижозлар қайтара олмайдиган қарз қисмини ҳамда ўзларининг баъзи қопланмайдиган харажатларини қимматли қоғозга айлантириб, бошқа банкларга сотиш ва гўёки ишончли кредит облигацияларига алмаштириш каби тадбирларни анча йиллар давомида қўллагани билан боғлиқ. Чунки қисман қопланмайдиган харажат (кредит) бўйича чиқарилган қимматли қоғозлар ўз навбатида унинг асосида иккиламчи, учламчи ва ҳоказо янги облигациялар чиқаришга сабаб бўлади ва бу жараён такрорланаверади. Натижада қимматли қоғозлар бозорида асл қиммати паст ёки умуман қийматсиз облигациялар кўпаяди. Бу худди етишмаган нақд пулнинг ўрнини товар ва хизмат билан таъминланмаган пулнинг янги эмиссияси ёрдамида тўлдиришга ўхшайди. Қимматли қоғозлар чиқарувчи банклар аввалига катта фойдага эга бўлган, аммо охир-оқибат бу ҳол банк мижозлари ва молия-кредит тизимига зарар келтирди, банкларни инқироз ёқасига олиб келди.

Банкларнинг йирик мижозлари бундан айтарли зарар кўрмади. Улар шахсий сармояларини, одатда, турли соҳаларга жойлаштиради, ўзларида деярли сақламайди. Банкларнинг топ-менежерларига ҳам кўшимча сунъий облигациялар чиқариш ва сотиш катта фойда келтиради.

Улар шундоқ ҳам юқори бўлган маошларига кўшимча банкнинг фойдасидан ҳар йили маълум фоиз (бир неча миллион доллар ёки евродан ошиши мумкин) бонус (мукофот) олади. Шу сабабдан топ-менежерлар ва банкнинг бошқа масъул ходимлари (уларга ҳам яхшигина бонус ажратилади) “молиявий ўйинлар”нинг фаол иштирокчиларига айланади. “Дейли мейл” газетасининг хабар беришича, инқироз арафасида англиялик банкирлар ўзларига 17 миллиард фунт стерлинг (30 миллиард долларга тенг) миқдорида мукофот ёзиб олган. Бу эса мамлакатда банк инқирозини тезлаштириб юборган. Кутилаётган инқироздан фойдаланиб кўзбўямачилик орқасида бойиб қолиш истаги фақат англиялик банкирларга хос эмас, албатта. АҚШнинг “Голдмен Сакс” инвестицион банки директорларидан бири Майкл Шервуд маоши 12 миллион фунт стерлингни ташкил этгани ҳолда 2008 йилда ўзига 10 миллион кўшимча бонус ёзиб олган (“Мир Новостей”, № 43 (775), 22 октябры 2008 года, стр. 4).

Банкирларнинг ортиқча бонуслари ва банкларнинг асоссиз харажатлари улар чиқарган қимматли қоғозларнинг қопланмайдиган (ноликвид) қисмига киради ва кўзга ташланмайди.

Аввалига сунъий пайдо қилинган қимматли қоғозлар (дериватив) миқдори оз бўлгани учун қимматли қоғозлар бозорига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Аммо бундай амалиётни бир-икки банк эмас, барча банклар қўллаш бошлайди. Бу бутун тизимга хос қаллоблиқдир. Сунъий пайдо қилинган қимматли қоғозлар миқдори хавфли нуқтага етгандан кейин бутун молия-кредит тизимини “портлатиб” юбориши ҳеч гап эмас. Фарб иқтисодиётида 2008 йилда ана шундай хавф вужудга келди. Юқоридаги нохуш омиллар нафақат ипотека бозорини, балки бутун банк-кредит тизимини, у орқали умуман Фарб ва жаҳон иқтисодиётини улкан жар ёқасига келтириб қўйди. Ортиқча эмиссия пулни қадрсизлантириб, инфляцияни ошириб юборганидек, сохта облигациялар ҳам ҳақиқий облигацияларни қадрсизлантириб қўяди. Натижада банк-

Иқтисодийetni ҳаракатлантирувчи куч

лар ва корхоналарнинг акциялари ўз қадрини йўқотади. Бундан оддий мижозлар, яъни аксарият ўрта синф вакиллари катта зарар кўради. Чунки йирик капитал ўз сармояларини суғурталайди ва айтиб ўтилганидек, асосан кўчмас мулкка, ишлаб чиқариш воситаларига ва бошқа бойликларга айлантиради, банк активи сифатида эса арзимаган кичик бир қисмини сақлайди, холос.

2008 йилги банк инқирози шуни кўрсатдики, Фарб мамлакатларининг банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунлари ва уларни назорат қилиш механизмларида заиф жиҳатлар ҳам бор. Шу сабабдан ҳам улар банкларнинг баъзи бир корпоратив кўзбўямачиликларига тўсиқ бўлолмаган. Қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият ва тадбир мумкин, деган қоидадан банклар ўзларининг тор корпоратив манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланиб келган.

Постмодерн жамият шароитида Фарбда ўрта синф тадрижий ўзгариши турган гап. Индустириал жамиятнинг ўрта синфидан постиндустириал жамият ўрта синфи фарқ қилганидек, кейингисидан постмодерн жамият ўрта синфи ҳам фарқ қилиши табиий. Постмодерн жамиятда ишлаб чиқариш ва иқтисодийetni бошқариш билан банд бўлган ўрта синф вакиллари сони бир оз қисқариб, интеллектуал мулк, илмий-техника тараққиёти ва янги технологиялар, жумладан, телекоммуникация, масофавий мулоқот, масофавий савдо-сотиқ, шоу-бизнес ва виртуал томошаларни яратиш ва бошқариш билан банд бўлган ўрта синф қатламининг ўсиш эҳтимоли юқори.

Фарб жамияти ўз барқарорлигининг асосий таянчи бўлган ўрта синфни, албатта, ташлаб қўймайди, унинг янги шароитга мослашишига ёрдам беради. Лекин бу қанчалик тез юз беришини олдиндан башорат қилиш қийин. 2008 йилда АҚШ президентлигига сайлов кампанияси чоғида ҳар икки номзод — Барак Обама ва Жон Маккейн ўз сайловолди дастурларида ўрта синф манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида ўрин ажратгани бежиз эмас.

Ислохотлар жараёнида Ўзбекистонда иқтисодийetni кўп укладлига айланди ва мулкдорлар қатлами пайдо бўлди. Бу даврда ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг салмоқли қисми ўз ишини ривожлантиришга, иқтисодий фойда кўришга интилаётган фаол тадбиркорларга, фермерларга айланди. Бугун Ўзбекистонда 220 мингдан зиёд фермер хўжаликлари, 400 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатяпти.

Тадбиркор ва фермерларнинг ҳаммасини тўлиқ шакланган ўрта синф вакиллари дейишга ҳали эрта. Бозор иқтисодиёти, қолаверса, ўзаро рақобат натижа-сида бора-бора улар орасидан ўрта синфга лойиқ ҳақиқий мулкдорлар ажралиб чиқади. Баъзи микрофирмалар, кичик корхоналар мақомини ўзгартирмаган ҳолда икки-уч баробар йириклашиши мумкин. Бу, асосан, фермер хўжаликларига тааллуқли.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини йириклаштириш иқтисодий ва ижтимоий заруратга айланди. Чунки ер майдони кичик бўлган хўжаликларда ишлаб чиқаришни тўлиқ механизациялаш мушкул. Биринчидан, 15-20 гектар экин майдонига эга фермернинг уч-тўрт йиллик даромади атиги битта оддий трактор сотиб олишга етиши мумкин. Лекин фермерга ҳайдов трактори ҳам, чопиқ трактори ҳам, қолаверса, уларга тиркама мослама ҳам керак. Баъзи бир агротехник тадбирларни амалга оширишда МТП хизматидан фойдаланиш мумкин. Бироқ хўжалик фаолиятини тўлиқ МТПдан техника ёллаб юритиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Иккинчидан, юқоридаги сабабларга кўра, майда фермер хўжаликлари кўпроқ қўл меҳнатига таянишга мажбур. Оқибатда улар қўл меҳнатига катта миқдорда ҳақ тўлаб, рақобатбардошлигини пасайтириб юборади. Учинчидан, ўзини зўрга эплаб юрган фермерлар на даромади, на психологияси ва на интилишига кўра ўрта синф даражасига кўтарила олмайди.

Ўрта синфнинг мулкдорлар қатлами такомиллашиш даврини бошдан кечирмоқда. Тўғри, ҳали кўпчилик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ночор, айланма маблағлари ва инвестициялари етарли эмас, бозор инфратузилмаси номукамал. Лекин объектив қийинчиликларни камайтириш бўйича ҳукумат аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирларни амалга оширмоқда. Давлат бош ислохотчи сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда, турли иқтисодий имтиёзлар бермоқда, амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ҳар йили тижорат банклари шу мақсадда миллиардлаб кредит ажратмоқда, бозор инфратузилмаси йилдан-йил такомиллашиб, инвестицион муҳит яхшиланмоқда. Хориждан технологиялар олиб келиш учун тадбиркорларнинг маблағлари ва олган кредитлари чет эл валюта-сига конвертация қилинмоқда.

Яна бир масала. Бозор муносабатлари шароитида ўз ишини ташкил қилиш ва юритиш бўйича кўпчилик тадбиркор ва фермерлар етарли билим ва тажрибага эга эмас. Айрим ҳолларда шўро даврида шаклланган эски иқтисодий тафаккур, эски онг, маъмурий-буйруқбозлик усуллари қолдиқлари ва инерция кучи улар ривожига тўсқинлик қилмоқда. Лекин вақт ўтиши билан билим ва тажриба тўпланиди, эски онг инерцияси ва маъмурий-буйруқбозлик қолдиқлари енгиб ўтилади. Ҳозир айна ҳол юз бермоқда. Бизда мулкдорлар ва тадбиркорлар қатлами, наники бир авлод умри давомида, балки 12-15 йил ичида пайдо бўлди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу сабабли юқорида қайд этилган субъектив қийинчиликларга ажабланмаслик керак. Авлодларнинг табиий-тарихий алмашуви жамиятни эски иқтисодий тафаккур, эски ижтимоий психология билан боғлиқ камчиликлардан узил-кесил халос этади. Иқтисодий эркинликлар ва жамиятнинг демократлашуви маъмурий-буйруқбозлик қолдиқларига барҳам беради.

Ислохотлар самараси ошган сайин ўрта синфнинг моддий мулк соҳиби бўлмаган қисмининг турмуш даражаси

ҳам жамиятдаги етакчи мавқеига яраша аста-секин яхшиланмоқда. Кейинги йилларда зиёлиларнинг энг йирик қатлами — ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари сезиларли даражада ўсди. Аммо айна пайтда ўрта синфга мансуб ана шу қатламнинг иқтисодий аҳволини янада яхшилаш учун қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириб, унга иқтисодий самарадор компаниялар акцияларини сотиб олиш учун имконият яратиб бериш зарур. Хусусий инвестицион жамғармалар сонини кўпайтириб, аҳолининг эркин маблағларини жалб қилиш юзасидан банклар фаолиятини такомиллаштириш ҳам ўрта синф учун қўл келади.

Шубҳасиз, ўрта синф ривожланишига демократик институтлар ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ Ўзбекистонда ўрта синф, биринчи навбатда, унинг мулкдорлар қатлами манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар сайловларда ўзаро рақобат қилаётган бўлса-да, уларнинг парламентдаги фракциялари деярли барча масалаларда ҳайратланарли даражада яқдиллик кўрсатмоқда. Бу ҳолат шундан далolat берадики, сиёсий партияларнинг ижтимоий-синфий асослари ва таркиби ҳали аниқ фарқланмаган ҳамда улар ўзларининг ва сайловчиларнинг умумий манфаатларини тўлиқ англаб етганлари йўқ.

Кескин ижтимоий-синфий табақаланишнинг олдини олишни, бир томондан, Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият, оилаларнинг серфарзандчилиги, иш ўринларининг етишмаслиги, иқтисодиётнинг шўро даврида бирёклама ривожлангани ва ички мувозанатнинг заифлиги ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий сабаблар тақозо этган бўлса, иккинчи томондан, юртимизнинг тарихий-маданий ўзига хослиги, азалий қадриятларимиз, аҳолининг ижтимоий адолат тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларига мувофиқ, “бизда ўта бойлар ҳам ва ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги талаб қилинади” (Ислом Қаримов. *Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир. Т., “Ўзбекистон”, 28-бет*).

Мулкнинг турли шакллари, биринчи галда хусусий мулк тадрижий ривожланиши жараёнида, табиийки, аҳолининг ижтимоий табақаланиши маълум даражада кучаяди. Бунга келажакда меҳнат бозорида рақобатнинг ўсиши ҳам таъсир кўрсатади. Мазкур жараёнлар, шунингдек, сиёсий партияларнинг ўз ижтимоий базаси ва таркибига кўра, бир-биридан аниқроқ фарқланишига ҳам олиб келади. Хусусий мулк мустақамланиб, рақобат кучайиши ва демократик янгиланишлар ўрта синфни фаоллаштиради.

Эркин иқтисодий тараққиёт ўрта синфнинг жамиятдаги мавқеи мустақамланиши омили бўлса, демократия ўрта синфнинг сиёсий, тадбиркорлик фаоллиги ва ижтимоий бунёдкорлиги асосидир. Шу сабабдан ислохотлар ўрта синфнинг сон ва сифат жиҳатдан ўсишига хизмат қилмоқда.

Тўғри, мулкдорларнинг ўрта синфи юқорида эътироф этилганидек, жуда қисқа даврда шаклланди, бу жараён жадал давом этапти ва ҳали болалик даврини бошдан кечирмоқда. Шунинг учун ўрта синфнинг барча қатламлари, жумладан мулкдорлар қатламининг иқтисодий муаммолари ҳозирча бир талай, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги суст. Аммо ўрта синф нафақат келажакда, ҳатто бугуннинг ўзидаёқ мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида етакчи ижтимоий омилга айланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 45 фоизга етди, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 48 фоиз ўсди. Хизмат кўрсатиш соҳаси биринчилардан бўлиб хусусийлаштирилгани, унинг тармоғи хусусий бизнес ҳисобига кенгайгани, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот тўлиғича нодавлат сектори, асосан, фермер ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келишини ҳисобга олсак, мулкдорлар ўрта синфи мамлакатимиз иқтисодиёти ва тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланганини кўраимиз.

Лекин ўрта синфга мансуб аксарият тадбиркорларнинг иқтисодий онги ҳали кемтик, маргинал. Шу боисдан уларнинг баъзилари турли қинғир-қийшиқ йўллар

билан даромад олишдан ўзларини тия олмаяпти. Бунинг оқибатида банкдан ташқари пул айланмасини, стихияли, уюлмаган савдо-сотикни тартибга солишда қийинчиликлар туғилмоқда.

Ўрта синф Ўзбекистонда ҳам барқарорликнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ўрта синф вакиллари жамиятдаги мавқеига яраша билимли, малакали, дунёқараши кенг, маънавияти юксак бўлиши лозим. Бунинг учун ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, бозор муносабатлари ва инфраструктурасини такомиллаштириш, жамиятдаги институционал ўзгаришларни давом эттириш ва бошқа ташкилий ишлар билан бир қаторда таълим-тарбияни янгиланаётган жамият талабларига мослаштириб бориш зарур. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўқув дастурлари режасига нафақат иқтисодиёт ва менежмент асосларини, шунингдек, тадбиркорлик этикаси, ижтимоий-сиёсий фаоллик ва шу каби масалаларни ўрганишга доир бир неча мавзуларни киритиш мақсадга мувофиқ. Албатта, ўқув соатларини чексиз кўпайтириб бўлмайди. Шу сабабдан ҳозир ўқитиладиган предметлар мавзуларини оптималлаштириб, ёш авлодни бунёдкорликка йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий фаолият юритишга, айниқса, меҳнат бозори рақобатига тайёрлаш тўғрисида қайғуриш керак.

Бўлажак мутахассис қайси касбни танламасин, қайси соҳада ишламасин, у меҳнат бозори рақобатига дуч келади. Бизнинг мактабларимиз ва умуман ўқув тизимимизда яхши, замонавий билим беришга, предметларни чуқур ўргатишга пухта замин бор, аммо меҳнат бозори талабларига муносиб мутахассис тайёрлашга ва улар ташаббускорлигини шакллантиришга, дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни енга оладиган даражада иродасини мустақамлашга эътиборни кучайтириш зарур. Пухта ўйланган замонавий таълим, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар

тизими охир-оқибатда ўрта синф психологияси тор фойда кетидан қувишни эмас, инсонпарварликни мўлжал этиб олишига хизмат қилади. Бундай тартибсизликларга қарши ҳуқуқий-маъмурий чоралар механизми яратилган бўлиб, мавжуд қонунларни бузган тадбиркорлар суд қарори орқали жаримага тортилмоқда, айримлари лицензиясиздан маҳрум қилинмоқда. Аммо жамоатчилик тадбиркорга берадиган маънавий-ахлоқий баҳонинг қонундан кам кучга эга бўлмаслигига эришишни ташкилий тадбирлар воситасида таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун аввало аҳоли менталитети ўзгариши, ҳар бир истеъмолчининг фуқаролик фаоллиги ошиши зарур. Ислол Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтганидек, ноҳалол даромад олувчиларга нисбатан “йўлини топибдими, қандини урсин” каби ғайриахлоқий меъёрларга амал қилиб, бепарво, лоқайд муносабатда бўладиганлар учраб туради. Миллатимизга хос андишабозлик ана шу лоқайдлик билан қўшилиб, юлғичлик ва фирибгарликка қарши жамоатчилик муносабатини фаоллаштиришга анча-мунча халақит бермоқда.

Олдинроқ айтиб ўтилганидек, аксарият камчиликлар вақтинчалиқдир. Асосий ютуқ эса ўрта синф мустаҳкамланиб, ўсиб бораётганида. Мазкур аъна Узбекистоннинг барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишига, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтлари мустаҳкамланишига, мамлакат модернизациялашиб, унинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси кучайишига хизмат қилади.

Фақат ҳалол меҳнат билан эл-юрт ичида қозонилган яхши ном ҳамда ишонч орқали жамиятда юқори иқтисодий ва ижтимоий мавқега эришиш мумкин деган ахлоқий қоида ҳар бир тадбиркорнинг, умуман, ҳар бир фуқаронинг эътиқодига айланишига эришмоқ керак.

Бозор шароитидаги рақобат жамиятнинг ҳар бир аъзосидан, хусусан, ўрта синф вакилидан ташаббускорликни, мус-

тақил қарор қабул қилиш масъулиятидан қочмасликни, ўз фаолиятини бозор конъюктурасига мослаштира олишни талаб этмоқда. Таълим-тарбия ва маънавият-маърифат тизимида ҳаётнинг ўзи қўяётган талабларни ҳисобга олиш зарур.


Бундан ташқари, фуқаролик институтларини ривожлантириб, уларнинг жамият ҳаётдаги таъсири ошишига, айниқса, жамоатчилик фикри жамият ва ижтимоий муносабатларни тартибга солидиган салоҳиятга эга куч даражасига кўтарилишига эришиш керак.

Кейинги жараён ўрта синф мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқ. Ўрта синф — жамоатчилик фикрини шакллантирувчи, ташувчи ва фаоллаштирувчи қатлам. Ўз навбатида, фаол ижтимоий фикр аҳолининг, авваламбор, ўрта синфнинг имкониятларини юзага чиқаришга, давлат идоралари ва бизнес корхоналари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилишига ёрдам қилувчи омилдир.

Мутараққий давлатларда на давлат идоралари, на бизнес тузилмалари, на юксак мартабали шахслар очиқчасига жамоатчилик фикрига зид фаолият юрита олмайди. Давлат идораларининг бундай раҳбарлари истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Ноҳалол тадбиркор деб ном чиқарган шахс қонуний жавобгарликдан қутулса ҳам, фаол бизнесдан кетади, акс ҳолда, унинг корхонаси маҳсулотларига жамоатчилик бойкот эълон қилади, шериклари шартномаларни ё тўлиқ бекор қилади, ёки қисман чеклайди.

Жамоатчилик фикрининг кучи — фуқаролик жамияти етуқлигини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири. Ўрта синфнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, шубҳасиз, Ўзбекистонда ҳам жамоатчилик фикри фуқаролик жамиятининг асосий тартибга солувчи механизмларидан бирига айланишига олиб келади ва барқарор ижтимоий ривожланишга, ўрта синф мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мансурхон ТОИРОВ



MARTIN LYUTER KING



G'ALABASI

Одамлар ёлғизланиб қолган, чунки ўзаро мулоқот қилмайди, мулоқотда бўлмагани учун бир-бирини яхши билмайди, билмагани учун бир-биридан ҳадиксирайди, ҳадиксирагани учун бир-бирига нафрат билан қарайди.

Мартин Лютер КИНГ



Америка Қўшма Штатларининг янги президенти Барак Обама сайловчиларга берган ваъдасига биноан, Оқ уйни баскетбол майдончаси билан жиҳозламоқчи. “Президентлик жуда ҳам оғир иш — кўплаб сиёсатчилар бў лавозимда саломатлигини йўқотган ва ҳаттоки оламини бевақт тарк этган. Шунинг учун ҳам фуқаролар ўзи сайлаётган президент турли синовларга бардош бера олишини олдиндан кўра билиши лозим”, дейди Пенсильвания университети тарих профессори Тим Блессинг. Давлат раҳбари ҳар куни 14 соат ишлайди ва спорт билан шуғулланиш унга ишдан бир оз чалғиш учун бирдан-бир имконият ҳисобланади. Men’s Fitness журнали 47 ёшли Обамани АҚШнинг энг соғлом 25 фуқаросидан бири, деб маълумот берди. Bragg Associates фирмасининг тах-

миний ҳисоб-китобига кўра эса, у ўзининг бардамлигини яна 22 йил сақлаб тура олади. Чунки Барак Обама жисмоний тарбия билан фаол шуғулланади. Ҳар кун тонгда 45 минут вақтини жисмоний тарбия машқларига ажратади, баскетболни яхши ўйнайди. Президент сайлови ўтаётган кун — у янада бардам кўриниш учун дўстлари билан баскетбол мусобақаси ўтказган.

Оқ уй — АҚШ президентининг Вашингтондаги расмий қароргоҳи. Давлат бошлиғи шу ерда яшайди ва ишлайди. Президент хизмат бурчини адо этишда кўп вақтини ўтказадиган Чўзиқ (Овал) кабинет бинонинг чап қанотида жойлашган. Оқ уйда ҳаммаси бўлиб 132 та хона, 35 та ванна ва қўл ювадиган хона, 8 та зинапоя ва 3 та лифт бор. Архитектор Жеймс Ҳобан яратган неоклассик услубдаги

тархга кўра, ушбу қаср қурилиши 1792 йили бошланган ва 1800 йили тугалланган. АҚШнинг иккинчи президенти Жон Адамс Оқ уйнинг дастлабки мезбони бўлган. 1814 йили бино инглиз аскарлари томонидан ёқиб юборилган ва шундан сўнг Оқ уйнинг бир қисми қайта таъмирланган. Қаср аввалбошда “Президент саройи” деб номланган, лекин ўзаро суҳбатларда унга нисбатан “Оқ уй” ибораси қўллана бошлаган. Ушбу ном Теодор Рузвельт қарорига биноан, 1901 йилда расмий мақомга эга бўлган.

Одатда, ҳар бир президент Оқ уй жиҳозларига ўзидан нимадир қўшади. Ричард Никсон президент қароргоҳини бир йўлаккли хусусий кегельбан (кегли ўйини ўйналадиган жой) билан жиҳозлаган, Жеральд Форд эса Оқ уйда чўмилиш ҳавзаси қурдирган. Қароргоҳда теннис корти ҳамда гольф ўйини учун майсазор ҳам бор. Баскетбол ўйини учун ҳам ичкарида жой топилади: хоналар шифтининг баландлиги етти метрга яқин, демак, Барак Обама сайловчиларга берган ваъдасининг устидан чиқишида қийинчилик туғилмайди...

Барак Обама билан унинг рафиқаси Мишель Обама илк бор 2008 йилнинг 11 ноябрь куни Оқ уй қароргоҳига ташриф буюрди. АҚШнинг янги сайланган президенти сайловдан бир оз вақт ўтгач, рафиқаси ҳамроҳлигида Оқ уйга бориши азалий анъанадир. Мавжуд расм-русумга биноан, уларни Жорж Буш ва Лора Буш кутиб олган ҳамда амалдаги президент ва Оқ уйнинг биринчи хоними қароргоҳ ходимларини январь ойида бу ерга кўчиб ўтувчи бўлажак янги хўжайинларига таништириб чиққан. Янги сайланган ва амалдаги президент жанубий йўлак олдида учрашгач, дипломатик қабуллар залига ўтган. Бу ерда уларни расмий қароргоҳнинг ижрочи директори қарши олган. Жорж Буш ва Барак Обама биргаликда Оқ уй бўйлаб “саёҳат” қилиб бўлгач, Чўзиқ кабинетда тўхтаган ва бу ерда, ёпиқ эшиклар ортида суҳбат қилган. Оқ уй матбуот котиби Дано Перинонинг айтишича, бу суҳбат мазмуни

ҳақида ҳозирча ахборот йўқ. Лора ва Мишель эса бу пайтда президент оиласи турадиган иккинчи қаватни кўздан кечириган. Жорж ва Лора Буш Оқ уйни расмий равишда 2009 йилнинг 20 январидан — инаугурация куни тарқ этади.

Барак Обама Оқ уйга қайнонасини ҳам кўчириб келадиган биринчи Америка президенти бўлади. Мишель Обаманинг 71 ёшни қаршилаган онаси Мэриан Робинсон кўп йиллар Чикагода банк ходимаси бўлиб ишлаган. У сайлов кампанияси чоғида Барак Обаманинг фарзандлари — ўн ёшли Малия ва етти ёшли Саши исми қизалоқларига қараб турган. Америка тарихида илк дафъа Оқ уйда бир оиланинг уч авлоди истиқомат қила бошлайди. Президентнинг қайнонаси ўзи учун аввалига Оқ уйга яқинроқ жойдан бирор квартирани ижарага олишни таклиф қилган, лекин 44 ёшли Мишель хоним 132 та хонаси бор қасрда унга ҳам жой топилишини айтган. У бу қарори ҳақида ҳатто матбуотга ҳам баёнот бериб улгурди. “Қизалоқлар бувисисиз турулмайдди, онам уларнинг янги жойдаги ҳашаматли ҳаётга кўникиб кетишига кўмаклашади”, дейди Мишель хоним.

Бу муаммони ҳал этган Мишель хоним эндиликда қизларига муносиб мактаб қидириш билан овора. У қизларини пойтахтнинг муниципал мактабларидан бирига бериши ҳам мумкин. Жоржтаун кундузги мактаби ва собиқ президент Билл Клинтоннинг қизи Челси ўқиган “Сид-



Оқ уйнинг янги соҳиблари шундай кутиб олинади.

велл дўстлари” мактаби Мишель хоним эътиборига сазовор бўлса ажабмас. Энг муҳими, мактабда футбол майдони ва жамоаси бўлиши лозим. Чунки Малия спортнинг шу тури билан шуғулланади. Ҳозир Обама оиласини жалб этиш ниятида Вашингтондаги черковлар ҳам ўзaro рақобатлашмоқда. Бир вақтлар собиқ президент Ж.Картер ибодат қилиш учун қатнаган Вестморленд черкови бош руҳонийси янги сайланган президентга таклифнома юборган...



“Менинг бир орзум бор...”

маҳв этади. У зулмни бартараф этиш ўрнига баттар урчилади. Ёлгончини сазойи қилиш, ҳатто қатл этиш мумкин. Лекин бу билан ёлгоннинг илдизи қуриб, ҳақиқат тантана қилиб қолмайди. Худди шунингдек, нафратланувчини ҳам жисман йўқ қилиш мумкин, лекин нафратнинг ўзи йўқолмаса бундан не фойда?! Тарихдан аёнки, зўравонлик нафратни кучайтиради. Агар сиз бу зўравонликка зўравонлик билан жавоб қайтарсангиз, демак, унинг янада кўпайишига сабабчи бўласиз — шундоқ ҳам юлдузсиз қолган кечда зулмат баттар қуюқлашади. Зулмат зулматни арита олмайди, буни фақат ёруғлик уддалайди. Нафрат нафратни йўқ қила олмайди, бу фақат муҳаббатнинг кўлидан келади. Чор тарафни булғовчи бу манфур “спирал”да нафрат нафратни, зўравонлик зўравонликни, бешафқатлик яна бешафқатликни дунёга келтиради... Ёвузликнинг аввал нафрат, ундан уруш, ундан эса янги уруш туғиладиган занжирсимон реакцияси узилиши керак, акс ҳолда, биз ўзимизни-ўзимиз жарлик тубига улоқтирамиз. Агар мен бирор кишида ўзимга нисбатан ишонч ҳосил қилди-

“Зўравонлик шундай балоки, у давлат ва жамиятни жар ёқасига олиб боради, уни охири оқибат

ра олсам, демак, беҳуда яшамаган бўлман. Ёвузликни эътирозсиз қабул қилган киши, билинги, унинг ҳамкўрига айланади...” Мартин Лютер Кинг ўзининг ана шундай қуйма фикрлари ила (уларнинг баъзилари ҳозир нотиклик санъати дурдонаси ҳисобланади) инсонларни тинч-осойишталик йўли билан тенгликка эришишга чақирган эди. Унинг маърузалари жамиятда фуқаролик ҳуқуқи йўлидаги кўп сонли намоийшлар, иқтисодий бойкотлар, саъй-ҳаракатларга куч-қувват берган, ҳатто оммавий қамалишларга ҳам сабаб бўлган эди. Аммо ана шу намоийшларнинг самараси ўлароқ, Конгресс томонидан тасдиқланиб, қабул қилинган ҳуқуқ бўйича Акт дунёга келади. 1963 йили Вашингтонда бўлиб ўтган намоийш чоғида Линкольн ҳайкали пойида Мартин (Олдинига уни Майкл деб аташган. Олти ёшга тўлганида отаси унга ўзининг Мартин исмини берган. Шунинг учун ҳам матбуотда катта Мартин ва кичик Мартин деган номлар учраб туради. Эҳтимол, отаси Майклни Мартинга айлантиришда тарихий шахс — Мартин Лютерни (1483-1546) назарда тутгандир) Лютер Кингнинг “Менинг бир орзум бор” (“I have a dream”) деб номланган маърузасини уч юз минг америкалик тинглаган. Бу маъруза бутун дунёга овоза бўлиб кетган. Ирқий камситишларга барҳам бериш юзасидан қонун қабул қилинишида Кингнинг зўравонликдан холи кураш борасидаги хизмати Нобель мукофотига муносиб топилган.

1968 йилнинг 28 мартада Кинг иш ташлаган кишиларни қўллаб-қувватлаб, Теннесси штатидаги Мемфис шаҳрининг sanoat худудида олти минг кишилик нозилик намоийшига бошчилик қилган. Шундан бир неча кун ўтиб, Кинг Мемфисда, жумладан, “Биз-



“Вашингтонга юриш”

нинг машаққатли кунларимиз олдинда. Лекин муҳими бу эмас. Мен гўё тоғ чўққисига чиқдим ва рўпарамда жаннатмонанд заминни кўрдим. Балки менга ўша заминда сиз билан бирга бўлиш насиб этмас, бироқ барчамиз, бутун халқ ўша маъвода бўламиз ва айни чоқда шуни билишингизни хоҳлардим”, дейди. Эртасига Кинг Мемфиснинг “Лорен” меҳмонхонаси айвонига чиққанида снайпер ўқидан яраланади. Оғир жароҳат оқибатида у Сент-Жозеф госпиталида оламдан кўз юмади ва жасади Атлантадаги қабристонга дафн этилади. Кинг Вашингтон Капитолийси ротондасига (доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино) бюсти қўйилган биринчи қора танли америкалик бўлди. Ҳар йили январь ойининг учинчи душанбасида, Кинг туғилган кун — 15 январь АҚШда миллий байрам сифатида нишонланади. У ҳақда “Кинг” (“King”, 1978) деган фильм ҳам ишланган.


Америка Қўшма Штатлари — жаҳон тарихининг шоҳ асари. Ўнлаб масонлар (XVIII асрда юзага келган диний-фалсафий оқим; бу оқим тарафдорлари ўз олдига ахлоқни камол топтириш мақсадини қўйган, лекин сиёсатда реакцион йўл тутган) “Янги дунё”да бундан уч аср муқаддам мажлис тузиб, шундай жамиятни шакллантирдик, XX асрга келиб у жаҳоннинг пешқадам давлатига айланди. 1861-65 йилларда буржуазия ҳукмронлик қилган шимолий штатлар ва қулдорлик тартиблари ҳукм сурган жанубий штатлар ўртасидаги урушда олигархия-плантация тартибига муҳолиф кучлар ғолиб чиқади ва Авраам Линкольн таклифи билан барча хоҳловчиларга иқтисодий мустақиллик негизи сифатида ер олишга изн берувчи Хомстед акти қабул қилинади. Шундан сўнг АҚШ тараққиётида туб ўзгаришлар рўй бериб, уммон орти давлатининг куч-қудрати орта боради.

Шу ўринда АҚШ равнақига асос солган ислохотчи — Авраам Линкольн ҳақида икки оғиз сўз. АҚШ давлат арбоби Линкольн (1809-65) мустақил равишда илм

эгаллаган ва 1836 йили имтиҳон топшириб, адвокат дипломини олган. 1834-41 йилларда Иллинойс штати қонун чиқарувчи мажлиси аъзоси, 1847-49 йилларда АҚШ Конгресси вакиллар палатаси аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. Линкольн АҚШнинг Мексикага қарши 1846-48 йилларда олиб борган урушини қоралаган. У йирик сиёсатчи сифатида 1854 йили тузилган Республикачилар партиясининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Линкольн қулларни озод этиш тарафдори бўлган. У 1860 йили АҚШ президенти этиб сайланган ва 1863 йилда занжи қулларни озодликка чиқариш тўғрисидаги қонунни имзолаган. 1864 йили иккинчи марта АҚШ президентлигига сайланади. 1865 йил 14 апрелда эса Линкольн қулдорлик тартибларини ёқловчи кучлар ёллаган қотил томонидан отиб ўлдирилади.

Бундан салкам ярим аср муқаддам, яъни XX асрнинг олтмишинчи йилларида, Американинг жанубий штатларида қора танли болалар оқ танли полициячилар қўриғида мактабга тарқатиб юрилар эди (“басинг” дастури). Оқ танли фуқаролар давлат ўзларининг ҳаётига бурчини суқаётганидан норози бўлар ҳамда қора танлиларга кўрсатилаётган бу гамхўрлик қандай оқибатга олиб келишини тусмоллаб ваҳимага тушар эди. Лекин оқ танли фуқароларнинг бу қаршилиги катта қийинчилик эвазига бўлса ҳам қадам-бақадам енгиб ўтилди ва қора танли америкаликларнинг ҳукмрон доиралардаги мавқеи ҳам ортиб борди (Мартин Лютер Кинг, собиқ давлат котиби Колин Пауэлл, Ж.Буш даврида бу лавозимни эгаллаб турган Кондолиза Райс ва, ниҳоят, қирқ тўртинчи президент Барак Обама).

2009 йилнинг 15 январида фуқаролик ҳуқуқи курашчиси Мартин Лютер Кинг таваллудига 80 йил тўлди. Лекин, таассуфки, у 40 ёшга ҳам кирмай қотил ўқига учиб ҳалок бўлди. Мартин 1929 йил 15 январда Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида



Жон Адамс

туғилган бўлиб, уч фарзанднинг ўртанчаси эди. Мактабда, лицей ва университетда энг аълочи ўқувчилардан бўлган. 15 ёшида Морхауз коллежига қабул қилинган. 1955

йили Бостон университетиде теология доктори даражасини олган. Монтгомер транспортчиларининг иш ташлашини ташкил этган, Америкада инсон ҳуқуқлари ҳаракати раҳнамоси бўлган. У 120 марта қамоққа олингани ҳақида маълумотлар бор. Мартин юқори мартабали кишилар билан мулоқот юритган, Америка қиёфасини инсонпарварлик томон ўзгартирган.

Мартин Лютер Кинг — нафақат Америкага, бутун жаҳонга ўрناق бўла оладиган шахс. Албатта, у ҳам камчиликлардан холи бўлмаган, лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. У қора танли Америка фуқаролари ҳам инсон сифатида кадр-қимматга эга эканини исботлашга эришган ва бир умр ўзига, ирқдошларига талабчанлик билан қараган инсон сифатида хотирланади...

Келинг, Мартин Лютер Кинг гоёларини англаш учун фикран 1956 йилга назар ташлайлик. 1955 йил 1 декабрда қора танли тикувчи аёл Роза Паркс автобусда оқ танли йўловчига жой бўшатишдан бош тортади. Бу “қилмиши” учун Роза Паркс дарҳол ҳибсга олинади. Чунки ўша вақтларда Америка жанубида қора танли одамнинг бундай хатти-ҳаракати қонунга хилоф эди. Олий суднинг 1894 йилги қарори билан кучга кирган ирқий сегрегация (ирқий камситиш шакллари-дан бири) кўпчилик оқ танли фуқаролар томонидан хайрихоҳлик билан қабул қилинган. Сирасини айтганда, сегрегация қора танли аҳолини эзиш, жабрлаш, зулм ўтказиш, сиқувга олишга қаратилган эди. Ушбу “адолатли” қоидага қаршилик кўрсатган Роза Паркс “қилмиши” Кинг бошчилигида транспорт ҳайдовчиларининг иш ташлашига туртки бўлган. Шу

воқеадан уч кун ўтгач, Кинг яшайдиган уйда бомба портлайди. Бу пайтда у, хайриятки, уйда эмас эди. Қаердадир учрашувда бўлган Кинг дарҳол уйига етиб келади ва газабда ёниб қасос олишни талаб этаётган оломонни тинчлантиради. Унинг инсон ҳуқуқи учун курашдаги олий тамойил — қизишиб мувозанатни йўқотмаслик эди. Ёмонликни яхшилик билан бартараф этиш, душманни дўстга айлантириш, инсониятни меҳру муҳаббат асосида бирлаштириш унинг мақсади бўлган. Полициячилар тинч намоийшчиларни дўппослаганида ҳам у ўзининг ушбу ақидасида мустаҳкам турган. Бирорта ҳам қора танли муштга мушт билан жавоб қайтармаслиги керак, деб уқтирарди у. Унинг фикрича, ҳокимият эгаси бўлган халқ ирқчиликнинг чиркин илдизини кўра олиши ва бунинг амалий самараси ўлароқ, ирқий сегрегацияга чек қўйиши лозим эди. Шундай қилиб, Монтгомер транспортчилари 332 кун давомида иш ташлайди. Ниҳоят, 1956 йил ноябрида АҚШ Олий суди Алабама штатида сегрегация қонунини конституцияга хилоф деб топади ва шу йилнинг декабрь ойиданоқ қора ва оқ танли аҳоли жамоат транспортдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўлади. Айтиш мумкинки, бу Кингнинг дастлабки ғалабаси эди. Келгуси 1957 йили у Жанубий Христиан пешволиги конференциясининг президенти этиб сайланади. Кинг бундан кейинги 11 йил мобайнида норозилик намоийшлари бўлаётган ёхуд ноҳақликка қарши кураш бораётган жойларга ҳеч бир истиснозсиз етиб боради ва шу асно умумий ҳисобда 7 миллион километрдан зиёд йўл босиб ўтади, 2500 дан ортиқ нутқ сўзлайди.

У ўзининг ушбу ақидасида меъёрдан ошиб кетган чоғлар ҳам бўлган. Масалан, Алабама штатининг энг йирик шаҳри




Авраам Линкольн

— Бирмингемда болаларни ҳам намоишга жалб этган, оқибатда болалар ҳам обдон дўппосланиб, қамоқхонага ташланган. Лекин ҳар қанча зўравонлик кўрсатилса ҳам, Кинг асло таслим бўлмаган. Орадан бир оз вақт ўтиб Бирмингемнинг жамоат жойларида ҳам сегрегация тақиқланган, шаҳар полициясининг “Буқа” лақабли золим бошлиғи Коннор эса ишдан бўшатилган. Бу ғалаба, албатта, Кингнинг ҳақ эканидан далолат берад эди. 1963-64 йилларда Мартин Лютер Кинг ўз мавқеи ва зафарларининг энг юқори чўққисига кўтарилади. Уни кўплаб мўтабар унвонлар, мукофотлар, орденлар билан тақдирлай бошлашади. “Таймс” журналининг эътирофига кўра, у қора танли одамлар ичида биринчи бўлиб “Йил кишиси” деб тан олинади. “Таймс” журнали 1957 йил февраль сони муқовасида машхур сиёсатчи сифатида Кингнинг суратини эълон қилади. 1958 йил сентябрида Гарлам шаҳрида мухлисларидан бирига дастхат ёзиб бераётган пайтида бир руҳий хаста аёл унинг кўкрагига пичоқ санчиб ярадор этади.

1963 йилнинг 28 августида АҚШ тарихига кирган машхур “Вашингтонга юриш” тадбири бўлиб ўтади. Оқ ва қора танли 500 минг киши қаршисида Кинг машхур “Менинг бир орзум бор” деб аталган нутқини сўзлайди ва унда одамлар бири-бири билан баҳамжиҳат, тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаши ҳақидаги орзусини баён этади. Халқ унга таҳсин ўқийди. “Вашингтонга юриш” фуқаро ҳуқуқлари йўлидаги саъй-ҳаракатнинг авжи аълосига, Кингнинг орзуси эса — адолат негизига қурилган тинчлик рамзига айланади.

Орадан бир йил ўтгач, у 35 ёшида Нобель мукофотиغا сазовор бўлади. Кинг тинчликни сақлаш йўлида ушбу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилган энг ёш совриндор бўлиб қолади. Унинг “Биз нега кута олмаймиз?” (Why We Can't Wait?) китоби 1964 йили нашрдан чиқади. Ўша йилнинг май-июнь ойларида у Флорида штатининг Сент-Огастин шаҳрида уй-жой захирасини интеграция қилиш муносаба-

ти билан бошланган намоишда иштирок этади. Шундан бир ой кейин АҚШ президенти Линдон Б.Жонсон Кингни Оқ уйга тақлиф этади ва унинг гувоҳлигида уй-жой ҳақидаги биллга



Теодор Рузвельт

(билль — АҚШ, Англия ва унинг собиқ доминионларида қонун лойиҳаси) имзо чекади. Ушбу лойиҳа эса 1964 йилда қабул қилинган фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги қонуннинг бир қисмига айланади. Қонун жамоат жойлари ва ишлаб чиқаришда, меҳнат шароити яратиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда сегрегацияни ман қилди.

Бундай мардона сиёсий кураш Нобель мукофотиغا лойиқ кўрилиши адолат тантанаси сифатида баҳоланмоғи зарур эди. Норвегия Нобель кўмитасининг вакили Гуннар Ян шу муносабат билан сўзлаган кириш нутқида: “Мартин Лютер Кинг фəолияти халқаро миқёсда бўлма-са-да, унинг кураши дунё иши учун хизмат қилади... У Фарб оламида биринчи бўлиб кураш асло зўравонликка асосланмаслиги лозим эканини исботлай олди”, деди. Кингнинг ўзи эса Нобель тақдимидаги маърузасида: “Мен мансуб бўлган халқ кўп йиллар давомида бошқаларга қийинчиликни раво кўрмай, уни бир ўзи тоқат ва чидам билан елкасида кўтариб келган. Бу шуни англатадики, энди бизга кўрқинч ҳисси бегона. Лекин биз бу билан ҳеч бир инсонни, айниқса, ўзимиз бир қисми бўлган жамиятни ваҳимага солмоқчи эмасмиз. Бизнинг ҳаракатимиз оқ танлиларни кул қилиш ҳисобига қора танлиларни эркинликка олиб чиқишга қаратилган эмас. Биз Америка жамиятининг ялпи озодлигини истаймиз ва бутун халқ ўз озодлиги йўлида курашчига айлани-



Жеральд Форд



Импичмент дегани мана шу бўлади.

шини орзу қиламиз...” деган эди. 1965 йилнинг мартада Кинг Алабама штатида Селмадан то Монтгомеригача сайлов ҳуқуқини талаб қилиб намоишлар уюштиради, лекин ўзи ушбу тадбирда иштирок эта олмайди. Намоиш йўл полицияси томонидан тарқатиб юборилгач, Кинг худди шундай янги тадбирни ташкил қилади. Унда уч минг оқ ва қора танли намоишчилар иштирок этади ва уларга йўл-йўлакай яна йигирма беш минг киши қўшилади. Монтгомеридаги Капитолий девори олдида Кинг намоиш аҳлига нутқ билан мурожаат қилади. Шу йили 6 августда эса президент Жонсон сайлов ҳуқуқи ҳақидаги қонунга имзо чекади. Вашингтонга таклиф қилинган Кинг ушбу қонунни имзолаш маросимида қатнашади.

Марҳум президент Авраам Линкольннинг 1863 йил 1 январидан ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, занжи-қулларни озодликка чиқариш ҳақида қонунга имзо чекиши ҳамда Мартин Лютер Кингнинг ўз жонини гаровга тикиб, бу борада собитқадам кураш олиб боргани самараси ўлароқ, президент Жонсон сайлов ҳуқуқи ҳақидаги қонунга имзо чеккан. Бу эса бугунги кунда Барак Обама 2007 — 2008 йиллар праймериз сайловларида иштирок этиши ва уларда ғалаба қозониб, президент курсиси учун курашни давом эттиришига, бу билан ҳам кифояланмай, 2008 йил 4 ноябрда Республикачилар партияси номзоди устидан ғалаба қилиши ҳамда 2009 йил 20 ян-

варга белгиланган инаугурациядан сўнг АҚШнинг камида тўрт йиллик президенти бўлишига йўл очди, деб бемалол айта оламиз.


Ўша йиллар Кинг бир учрашувдан иккинчисига шошилар, унинг вақти ҳатто бир неча йил олдиндан режалаштириб қўйилар эди. У энди фақат АҚШ жанубидаги сегрегация балоси билангина эмас, балки “расизм”, “материализм”, “милитаризм” каби иллатлар билан ҳам беомон жанг бошлаб юборган эди. “Инсоният мазкур уч зулмдан жабр кўрмоқда”, деган эди у. Айни ўша кезларда Вьетнам уруши Америка миллатини икки қутбга ажратиб ташлаган эди. Кинг урушга қарши овоз беради ва Оқ уй уни нон грата (номақбул) шахс деб эълон қилади. Бироқ Кинг ўзи мўлжаллаб қўйган эзгу режадан кўнгили узмайди ва барча-барча — қора танлилар, ҳиндулар, пуэрторикаликлар, мексикаликлар, оқ танлилар бирикада намоишга чиқиши ва Америкага унинг “америкача орзуси”ни яна бир қарра эслатиб қўйиши керак, деган ниятда “Фақирлар юриши”ни ташкил этишга бел боғлайди. Жон Кеннеди ўлдирилган пайтда “Бу кўргулик менинг бошимга ҳам тушажак. На чора, бизнинг жамиятимиз — хаста”, деган сўзларни айтган Кинг эҳтимол ҳозирлик кўрилайётган намоишни кўриш унга насиб этмаслигини сезгандир. 3 апрель куни у иш ташлаш эълон қилган ахлат ташувчилар ҳузурида нутқ сўзлайди. Бу унинг омма олдидаги сўнгги нутқи эди. Кинг 4 апрелда юқорида айтилган тарзда шафқатсизларча ўлдирилади. Расмий хабарларга кўра, уни майда жиноятчи Жеймс Эрл Ре отган. Кингнинг ўлими 100 дан ортиқ шаҳарда одамлар оёққа қалқишига сабаб бўлди. Президент Жонсон 7 апрелни АҚШда мотам куни деб эълон қилди. Бинолар пештоқидаги байроқлар мотам ифодаси сифатида ерга қаратиб қўйилди. Атлантада 150 минг киши Кинг билан видолашиш учун навбат кутди. Кинг жасади солинган тобут хачир қўшилган оддий аравада қабристонга олиб бо-

рилди. У тайёрлаган “Фақирлар юриши” орадан икки ой ўтгач ўтказилди, лекин деярли муваффақият қозонмади...

1983 йилда Мартин Лютер Кинг куни нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинади ва Америка миллати бу кунни биринчи маротаба 1986 йил 20 январда нишонлайди. Шу куни бутун мамлакат бўйлаб мактаблар, идоралар, почта ва банклар ёпилади. Барча телеканаллар Кингнинг 60-йиллардаги нутқлари ёзилган роликларни намоиш этади. Радио орқали эса фуқаролик ҳуқуқлари ҳаракати раҳнамоларининг чиқишлари янграб туради. Байрамдан бир кун аввал, яқшанба куни черковларда хутба ўқилади. Душанба куни тинчлик ва тенглик ишига жон бахшида этган Кинг хотира-

сига бағишланган тадбир ва маросимлар бўлиб ўтади. Оталар-оналар ўз фарзандларига Мартин қандай қилиб бугунги Американи эркин ва тенг ҳуқуқли мамлакатга айлантиргани ҳақида ҳикоялар сўзлаб беради.

2009 йилда Мартин Лютер Кинг куни Америка президентининг инаугурацияси эртасига, яъни 21 январда ўтказилди. Бу тантана ҳар қачонгидан ҳам жозибали суратда ўтди. Чунки ушбу кунга замин яратган ҳаракат Барак Обамани ҳам президент саройи — Оқ уйга етаклаб келди. Унинг қадами жаҳон халқлари учун Мартин Лютер Кинг орзу қилгани ва курашиб жонини фидо этгани каби қутлуғ ва шарафли, зўравонликлардан холи бўлади деб умид қилиш мумкин.



Кутилмаган ракурс: ёпиқ эшик ортидаги очиқ мулоқот

SARKASH SAVOLLAR



Аввал ул-илм —

маърифатуллох

(Илмнинг боши —

Оллоҳни танимоқдир).

Хадис



Хаётнинг маъноси не?

Яшашдан мақсад нима ўзи?

Адашмасам, бундан роса қирқ йил илгари бир ўқувчи қиз “Гулхан” журналига хат ёзиб, ана шу саволларни ўртага қўйган эди. Саволнинг залворини ҳис этган таҳрир ҳайъати унга жавоб ҳам жўялироқ бўлсин деган ниятда хатни Мирзакалон Исмоилийга тақдим этган экан — навбатдаги сонда қизнинг мактуби ва адибнинг жавоби ёнма-ён саҳифада босилиб чиққан эди.

Ҳозир, тўғриси, Мирзакалон Исмоилийнинг ҳаёт маъноси ҳақидаги гаплари тўлиқ эсимда қолмаган. Ҳар ҳолда, одамларга яхшилик қилиш, умрни эзгу мазмун билан тўлдириш лозимлиги уқтирилган эди-ёв. Савол эса, ҳамон ёдимда...

Аслида, одамнинг ҳаётида жавоб эмас, савол кўпроқ муҳим-да.

Ҳар бир одам бу дунёга катта ё кичик бир савол бўлиб келар экан, жавоб бўлиб эмас...

Саволларга жавоб топаман деб азиз умр ўтиб кетаркан. Тайин жавоб топиш амримаҳол экан. Топиб бўлмас экан.

Бировнинг қандай одамлигини билиш учун, албатта, у билан кўп нон-туз бўлиш, шоир айтмоқчи, “маъракада ўтириб туришини” кўриш керак. Аммо савия-сажиясини пайқаш учун саволига диққат қилишнинг ўзи кифоя.

Берган саволида одамнинг тийнати ақс этади. Саволи орқали унинг кимлиги кўрилади. Савол — одамнинг моҳияти.

Шунинг учун кўплар, Навоий айтганидек, орланиб сўрамайди, билимсизлигини яширишга тиришиб, ўзига зулм қилади. Аммо

ичингдаги саволлар одамни тинч қўймай, кийнар экан-да. Жавоб топишни, жавоб топиб ҳаловатга етишни тилар экан-да кўнгил.

Шунинг учун ҳам, бор-э дея, сизга мени доим ўйлантирадиган бир неча саволни бергим келди. Чунки... ўзим уларга узил-кесил жавоб тополмасам, жавоб бўлиб кўринганлари эса қаноатлантирмас мени, не қилай?

Риёкорлик қилиш, бокира туйғулар гулчамбарини бўйнига осиб олган одам бўлиб кўриниш ниятида айтяпманми бу гапларни? Наузан биллоҳ. Ахир сиз ҳам ўйларсиз-ку, ҳар ким дунёга саволларини бериб, дунё ҳам унга иноят қилганича жавобини олиб кўнгли тинчигани яхши деб? Нодира ёзганидай:

Эй дил...

*на учун жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет!*

Менинг саволларим...

Авалло, анови гирён қилувчи, бирён этувчи: ҳаётнинг маъноси нима? Яшашдан мақсад не ўзи? — деган сўроқлар айни пайтда меники ҳам.

Одам нима учун ва ким учун яшайди?
Тўғри, ҳар бир даврнинг бунга ўз жавоби бор. Бир пайт Фафур Фулом:

*Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улуг бинога бир гишт қўйсақ бас, —*

деган эди.

Ажиб мисралар! Аммо бир индивид сифатида, бундай фидойилиқдан кўнглим бутунлай таскин топмайди. Ўзимча ўйлайман: нега энди мен — бу ёруғ дунёда ҳозир яшаб турган, унга қайтиб келмайдиган, ақлу шуури жойида бир одам, ҳаётимни “навқирон авлод”, “келгуси насллар” миннатдор бўлиши учун бағишлашим — онгли равишда маҳв бўлишга кўникишим керак экан?

Мен ким учун яшайман?

Умуман, одам ким учун яшаши керак?

Укам бир кун менга “Ака, одам бола-чақа деб яшар экан, шуларни деб умрини ўтказар экан”, деб қолди. Мен унга, “Йўқ, одам ҳаётини бус-бутун бола-чақасига эмас, ўзига ҳам бағишлаши керак”, деб айтдим. “Умрни фақат насл қолдириш ва наслини

оёққа турғазишга сарфлашнинг маъноси йўқ”, дедим. “Чунки мен умрини авлодимга бағишласам, улар ҳам болаларини деб яшаса — барчанинг умри шу тарзда ўтаверса... бунда не маъно кўрасан?” Укам, “Ахир, ҳаммининг иши шу: одам болаларини деб яшайди, ишонмасангиз, ана, бошқалардан ҳам сўраб кўринг”, деди. Мен сўраб ўтирмадим, чунки унга қадар узоқ йўлда ҳамсафар бўлган бир кампининг гапини эшитганимнинг ўзи кифоя эди. У шўрлик “Э ука, умр дегани шу экан, — дея зорланган эди. Бола-чақа деб яшар экансан, шуларни деб қариб ҳам кетар экансан, ўзинг емай, едирар, ўзинг киймай, кийдирар экансан. Аммо ўғлинг ўсиб ўғил бўлганида бир пахмоқнинг қўлига топширар экансан, қизинг ўсиб қиз бўлганида бир аҳмоқнинг қўлига топширар экансан, кейин ўшаларнинг куйитига куйиб юри-иб, умринг адо бўлганиниям билмай қолар экансан...”

Ўйлаб қоламан: бола-чақа топасан, уларни боқиш, оғизларига ёглироқ луқма тутиш учун жон-жаҳдинг билан тиришасан... умринг ўтабери — ўзингни унутибгина қўймай, бир кун келадики, орзу-ўйларингни ҳам тарк этасан, барига қўл силтаб, воз кечиб ҳам қўя қоласан...

Одам ўзи учун эмас, бола-чақаси учун кун кўрадимми?

Ё ўзбекнинг ўзлигига хослиги шундами? Эҳтимол, бутун Шарқ олами бола-чақам деб яшар? Фарб мардумининг ҳаёти эса аввало ўзига аталгандир?

Агар шундай бўлса, қай томон ҳақроқ?

Шундай дейман-у, истиғфор айтишганда чоғланаман: ер юзида яшаб ўтган энг улуг инсонлар — пайғамбарларнинг ҳаёти ҳам ўзига эмас, ўзгаларга бахшида этилган эди-ку? Улардан ҳеч бири ўзи учун яшамаган-ку? Одамларни ҳидоятга чорлаган, умрини шунга сарф этган улар. Чунончи, насоролар Исо одамларнинг гуноҳу азобларини ўзига олган, деб айта-



дилар, Расули акрам эса охирги нафасида ҳам “уммато, уммато” дея... Ҳаққа етишган.

Шундай улуғ набилар, расуллар олида... мен ким бўлибман?

Аммо шуниси ҳам борки, номлари бизга маълум бўлган пайғамбарларнинг ҳаммаси — Шарқ вакиллари.

Фарб олаmidан чиққанида, бошқачароқ бўлармиди уларнинг аъмоли?

Ким билади?

Оллоҳ таоло бутун оламини Муҳаммад алайҳиссалом учун яратган. Лав лока лама халақту ал-афлак (*сен бўлмаганингда фалакларни яратмаган бўлур эдим*), деб марҳамат қилган... Ва лекин Тангри таоло Муҳаммаднинг (с.а.в) ўзини одамлар учун, уларни имонга даъват қилиш учун яратмаганми эди?

Навоий беш аср илгари муножотида Оллоҳга ёлборади, менинг ҳаётим “журму исён”дан иборат, шундан “ўзга ишим йўқ”, ундан халос бўлиш учун эса “сендин ўзга ҳам кишим йўқ”, деб истиғфор айтади.

Навоий ишора қилган бу журму исёнлар — ҳаёт маъносини англаш борасидаги иккиланишлар, шубҳаю саволлар, албатта.

Навоийнинг саволлари... Улар Навоийнинг жавобларидан ҳам улуғворроқ бўлган, эҳтимол. Бу журму исёнлар шоирнинг қалбида қолди, улардан биз деярли воқиф эмасмиз. Қани эди, улардан оз-моз хабардор бўлсак!

Мен ҳаётимни кимга бағишлашим керак? Одамларгами?

Хўп, бундан не маъно? Инсоният идрокининг пешравларидан бўлган Фауст ҳаётининг интиҳосини айтиб беринг менга. Хўп, у халқини денгизга дамба қураётган — озод ва эркин меҳнат билан машғул ҳолда кўриб жон таслим қилди. Чунки бу унинг олий орзуси бўлиб қолган эди. Шунга етди. Аммо... самовот сирларини очишга чоғланган, иблисга дакки берган Фаустдай одамнинг умри шундоқ жўн якун топмоғи керакмиди? Нимага эришди Фауст охир-оқибат?

Инсоният қўлга киритган билими ша-рофати билан самовотдан қўл силтаб, ерга термулганида эмас, балки заминда

ҳосил қилган билимини самовот сари ҳам йўналтирган чоғидагина юксала олади-ку? Шу маънода, Фаустдай даҳонинг умри таназзул билан интиҳо топмаганмикан?

Бадий адабиётнинг моҳиятига назар солинг: унинг тубида инсон армони ва андуҳи ётибди. Энг кичик лирик жанрлар ҳаётнинг ўткинчи экани ҳақидаги панд ё ишқ изтироблари баёни бўлса, хикоя, поэма ва қиссаларнинг энг “ҳаёт-бахш”лари ҳам одам боласининг кураши, қийналиши, унда енгган ё енгилгани тўғрисида бўлади. Фақат эртақлар “шундай қилиб, ботир йигит билан соҳибжамол қиз муроду мақсадига етибди” деб оптимистик якун топади (дарвоқе, соцреал асарларда ҳам худди шундай). Бу, бир қарашда яхши. Аммо асар охирида “муроду мақсадига етган”лар умрининг энг яхши палласи ўтиб, бу ёғига яна таназзул бошланиши ҳам маълум. Энг улкан жанр — эпосларда эса йиғи асосий ўрин тутади, эпос йиғи-йўқлов билан хотималанади, йиғи билан тугамаган эпос ўз ривожининг ҳадди аълосига етмаган саналади. Адабий жанрларнинг олий тури бўлмиш трагедиянинг моҳияти эса номиданоқ аён: унинг ўзаги қайғу-ҳасрат ва ғам-аламдан иборат.

Нега шундай? Менимча, бу санъат асарининг инсон кўнглига аввало таскин бериш функцияси билан изоҳланса тўғри бўлар. Ахир табиатимизда яширин худбинлик мавжуд эмасми? Кундалик ҳаётда бировнинг кулфатини кўриб, унга ачиниб кўзёши тўкаётган чоғимизда... шу фожиа менинг бошимга тушмади-ку, дея кўнглимиз таскин ҳам топади. Автохалокат рўй берса, атрофдагилар чопиб келади. Нега? Ёрдам беришгами? Фақат шу учунгина эмас, аввало — авария қандай бўлганини кўриш, т о м о ш а қилиш мақсадида. Подага йиртқич ҳайвон ҳужум қилиб, бирини олиб кётса, омон қолганлари хотиржам тортгани каби, одамда ҳам бошқаларнинг қайғусига шохид бўлароқ, қувониш иллати мавжуд. Тўғри, яхши одамлар бировларнинг фожиасига куйинади, аммо шу билан бирга, улар дилида ҳам бир енгиллик, ачинаётганини кўрсатишдан қаноатланиш ҳисси бўлади. Бадий

асарда кишиларнинг азобланиши қанча таъсирли тасвирланса, руҳимиз шу қадар сокинлашади, кўнглимиз тозарди, бадий асарнинг таъсири катарсис даражасига етади.

Ё бу туйғу бизга пода бўлиб яшаган чоғлардан мерос қолганмикан? Санъат асари ана шу ҳиссиётни нозикроқ, гўзалроқ тарзда етказиб, аслида ўша ибтидоий эҳтиёжларни қондирадими? Санъатнинг илдизи шумикан?

Билмадим.

Умрнинг интихоси фожиа — ўлимдир. Ҳеч бир кишига дунёга қайтиш, яна яшаш имкони берилмайди (таносух тарафдорларининг одам ўлгач, унинг жони янги туғилган танада дунёга қайта келиши ҳақидаги сафсаталари эса... сафсата, холос). Бинобарин, одам боласи бир марта яшар экан, ўзи учун ҳам яшаши ҳаётнинг асосий ақидаларидан бўлиши керак эмасми? Инсон қанчалик бутун шахс бўлса, у ўзи учун ҳам яшайди, қанчалик муте, бировнинг ёрдамисиз, далдасисиз ҳеч иш қилолмайдиган бўлса, умрининг кўпини бировларни деб ўтказди. Бу — одам худбин бўлиб, ёвуз бўлиб, бир-бирига бўри бўлиб яшаши дегани эмас. Ҳар бир киши такрорланмас ҳаётини тобора мукаммаллаштиришга интилмоғи, вақти ва куч-қувватини, ақл-зеҳнини комилликка эришиш учун сарфламоғи лозим. Ана ўшанда фарзандлар ҳам биздан улги олиб, ҳар бири ўз соҳасида камолга етишга ҳаракат қилади, бутун жамият шу тарзда тараққий этиб, мукаммаллашади. Йўқса... бола-чақани кўпайтириб, уларни уйли-жойли, ишли қиламан деб умримиз ўтаверади.

Ҳеч ким бошқа бировга ўзи қадар жон койтмайди. Ҳатто фарзандига ҳам. Бир тоифа ота-оналар бор: болаларининг қорнини тўйғазиб, устини бутлайди, бошпана қилиб беради, аммо уларнинг дили, кўнгли билан деярли иши бўлмайди. Фарзандим келажакда беташвиш яшасин деб уни ёғлироқ иш эгаси бўлмоғини кўзлаб, шунақа касб-корга йўналтирган ота-оналар ҳам талайгина. Уларнинг фарзандига муҳаббатли эканига шубҳам бўлмагани ҳолда, сизга бир савол берсам: ўшаларнинг дил

тубида келажакдаги ана шу тўкинликдан баҳра олиш туйғуси ҳам милтираб турмайди, деб ўйлайсизми?

Яшашнинг мазмун-моҳияти... мантиғи нимадан иборат?

Ё бирон гоёга, уни рўёбга чиқаришга бағишлансинми бу азиз умр?

Мен ҳайвонларда ҳам онг-бор, ақл, ҳиссиёт ва ҳоказолар оздир-кўпдир бор, десалар ишонаман, аммо уларда гоё бўлмайди. *Гоё — фақат одамга хос. Демак, ҳаётнинг мазмуни — гоё учун яшашда бўлиб чиқадими?*

Гоё умримнинг маъноси бўладиган бўлса, мен гоёнинг қулига айланиб — Гоёқул бўлиб қолмайманми?

Гоё деб яшайдиганлар бор, уларнинг ҳаёти бу дунёга келишдан мақсад — ебиши, мазза қилиб “яшаш” деб ўйлайдиганларникидан, ҳар тугул, беҳроқ, аммо гоё-одам ҳам бўлолмайман мен, билмадим, нега? Ҳеч қандай гоёга умримни нисор эта олмайман (гарчи у шундоқ, бесамар ўтаётган бўлса ҳам). Гоёқуллардан ҳафсалам совигани учун шундай ўйларман балки...

Ун беш йилларча муқаддам поездда Тошкентга келарканман, купемиздаги икки аёл билан суҳбатлашишга уриндим. Улар муҳолифат вакиллари деб таништирди ўзларини. Қанақа одамлар эканини билгим келди. Қизиқ-да, эҳтимол уларни яхши билмаганимиз сабабли инкор этаётгандирми?

Аммо... биласизми, қишлоқларда, шаҳар жойларда шунақа бир тоифа одамлар бўлади: эл уларни тўй-маъракага айтмайди, бировнинг дард-ғами билан иши йўқ, ҳаммиша қандайдир ғалати, одамнинг юрагини зиқ қилиб, фақат ташвишдан гапириб юришади — ўшанақалардан бўлиб чиқди бу опалар. Эртаю кеч фақат ижтимоий муаммолардан сўз очадиган, ичида одамийлиги, оддий инсоний туйғулари йўқ одамлар бўлади-ку... Шундан бери гоёқулларни ёқтирмай қолдим. Битта гоёни маҳкам тутиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашни инкор этиш, унга қарши жон-жаҳдинг билан курашиш ҳам чекланганлик эмасми? Эй инсон, атрофингга ҳам қара, умр ўтиб борапти...

Хаётимни бағишлашга арзийдиган гоғони топа олмадиммикан ё?

Тақво соҳиблари умрини тоат-ибодатга бахш этади. Бундан мақсад боқий дунёда Оллоҳнинг марҳаматию пайғамбарнинг шафоатига ноил бўлиб, жаннатдан ўзига жой ҳозирлашдир. Мен имонли, савоб амаллари гуноҳ ишларидан кўпроқ бўлган одамларни жаннат аҳли бўлса керак, деб тасаввур қиламан. Аммо... бу умр фақат у дунёнинг гамини ейиш учун бериладими одамга? Жаннати одам бўлмоқнинг фазилатини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди, албатта. Ҳатто ғирт атеист нигоҳи билан боқсангиз ҳам — дин бир афзалликка эга: тақводор одам бировга ёмонлик соғинмайди, ўз нафсидан кечиб бўлса ҳам, ўзгаларга манфаат етказишга интилади.

Аммо... *жаннат умиди билан яшаш Оллоҳга иддао қилгандай бўлиб қолмайди-ми?* Яъни, мендан бу (намозу ниёз), сендан у (жаннат) дегандай? Робиъа Аддавийянинг муножоти ёдингиздами? “Илоҳо, — деган эди у, — агар мен дўзахдан кўрқиб сенга топинсам, мени дўзахга ташла! Агар жаннат умиди билан топинсам, жаннатни менга ҳаром қил!.. Агар сенинг ўзинг учунгина топинсам, дийдорингни насиби рўзи айла!..”

Ибодат қилишдан мақсадим жаннатга эришиш йўлидаги риёзатгина эмас, сидқ ва ихлосим натижаси бўлса, яхшироқ эмасми?

Қачон бетамаъ ибодатга машғул бўларканман? Насиб этармикан у?

Наҳот яшашдан мақсад — охират учун захира тўплашдан иборат бўлса? Қишдан тўқ чиқиш учун ёзи билан дон ташиган чумоли сингари?

Бир тоифа мутаассиблар бор: уларнинг фикрича, ўйин-кулги ҳаром, хурсандчилик — макруҳ, изтироб чекишу нариги дунёни ўйлаш — дуруст. Билмадим... Аммо умрни фақат айш қилиб ўтказиш қанча айб бўлса, то ўлгунича ўйнаб-кулмай, фақат у дунё гамида ғам чекиш ҳам шунча гуноҳ бўлиб туюлади менга. Ахир қодир эгам бизга бу ҳаётни яшаш, умргузаронлик қилиш учун тухфа этди, ер юзини киши баҳрини очадиган анвои чечаклар ила безади, лазиз неъматлар берди, бунга нечун қувониб яй-

рамаслик керак? Агар биз доим ғам чекиб, ҳаётдан рози бўлмай, қовоғимизни уйиб юраберсак, бу Оллоҳнинг берганига норозиликни англатмайдами, ношукурликка қараб кетмайдами? Оллоҳ таолонинг нафақат жаннати, балки бу ёруғ дунёси ҳам, ҳатто... даҳшатли дўзахи ҳам азиз ва табаррук: зеро буларни у яратди. Алмисоқда пайғамбарларнинг “Илоҳо, бало тегмишда сен бизнинг бирла бўлсанг, ул онча балони бизга ҳавола қилсанг, қабул қилгаймиз” (Рабғузий) деган ахдларинг биноан, Оллоҳнинг ҳар бир олами гўзал, севинчлик, азиз...

Қўлимда эски бир ёғоч парчаси. Йиллаб ер тагида ётган бўлса керак, қорайиб ҳам кетган, обдон чириган. Оёқ остига ташлаб эзсанг, уқаланиб кетгулик ҳоли бор. Қуп-қурук, энгил. Оловга отсанг, ёнади-кетади, сўнг унинг бу дунёда бўлган-бўлмаганини биров билмайди. Мен уни ўтга ташлайманми, тупроққа кўмаманми, ё сувга оқизаманми — барибир. Бу чирик ёғочнинг жони йўқ, шуури йўқ, унда ҳаёт асари ҳам йўқ.

Аммо ҳозирда чирик ҳолга келган бу ёғочни мен яратмаганман, йўқдан бор қилмаганман, ниҳоят — унинг ҳозирги ҳолати билан рўбарў келиб турибман. Уни ҳам, худди мени яратгани каби, Тангри яратган, бир маҳаллар у катта бир дарахтнинг шохи бўлган, ундан сурх новдалар ўсиб чиққан, новдалардаги чиройли гул-чечаклар, яшил барглр ёруғ дунёга роз айтгандир эҳтимол. Аммо ҳаёт экан-да, мана у пўк бир ҳолда менинг қўлимда турибди.

Менинг шу чирик ёғочдан фарқим кўпми яратган Зот олдида?

Менимча, кўп эмас. Чунки шу ёғоч ҳам, мен ҳам — яратилдик, йўқдан бор этилдик. Шу чирик, онгсиз-шуурсиз бир ёғоч парчаси устида менинг ихтиёрим қанча бўлса, менинг устимда Парвардигорнинг иродаси ҳам шу қадарлик... йўқ, астаф-фируллоҳ, бундай десам куфрга кетган бўламан. Чунки шу чирик ёғоч ҳам, бир ўргимчак ҳам, мен ҳам... ниҳоят яратилган нарсдан ўзга эмасмиз. Яратилган махлуқ билан яратган холиқ ўртасида қандайдир бир ўртача мавқе йўқдир. Антик юнонлар тасаввур этган ярим маъбудлар бўлмайди бу дунёда. Кўрқиб-кўрқиб

бўлса ҳам айтишга журъат этаман: Тангрининг улуғ фаришталарию пайғамбарлари ҳам ўз улуғлигида менга ва бояги чирик ёғоч парчасига яқинроқдирлар, зеро барчамизни Оллоҳ йўқдан бор этди. Яратилишда ихтиёримиз бўлмагани каби, боқий ҳаётга кўчган чоғимизда ҳам на ихтиёр ва на ихтиёр этишга хоҳиш бўлсин бизларда. Парвардигор мени жаҳаннамда жизғанак бўлишга ташлайдими ё учмоҳда кавсар сувидан ичмоққа сарафроз этадими — бунда менинг на ихтиёрим бор ва на истагим. Ўша чириган ёғочга олов бўлиб ёниш ё бирон ерда аста чиришни танлаш ихтиёр берилса, унга бу қанчалик фарқсиз бўлса, мен учун ҳам боягилар — шунчалик... Албатта, агар менга бу икки интихонинг бирини танлаш имкони берилса, жаннатни ихтиёр этардим, зеро, бу маъвода Парвардигорнинг жалолиятини, илмини хотиржам идрок этиш, теранроқ англаш имкони бор. Мени тафаккур ўзига жазб этади, бирон нарсанинг моҳиятини қанча теран англасам, роҳати шунча кўп бўлади. Идроксиз лаззатланиш эса ҳайвон ҳиссиётига яқин нарса.

Аммо келажак қизиқтирар экан-да, барибир: айрим диний китобларда одам ўлгач, унинг жони то қиёматгача Иллийин ёки Сижжийн деган маконларда туриши ёки шу маконларга банданинг китоби ёзиб қўйилиши айтилади. Иллийинда савобли амаллари кўпроқ, Сижжийнда эса гуноҳлари кўп одамларнинг руҳлари жо бўлар эмиш.

Шак келтираётган бўлсам, ҳазор истиффор айтмай: бу жойларнинг бирида яхши, бирида ёмонроқ одамлар руҳи турадиган бўлса, унда рўзи қиёмат ва амаллар тарозисининг не ҳожати қолади?

Бизни бир томчи сувдан, тўғрироғи — ўша бир томчи сувнинг юз мингларча улушидан бино этган Тангри таоло ҳар бир бандага тарози қўйиб кўрсатишига эҳтиёж борми ўзи, балки бу бир рамзий далолатдир — томуғ ёки учмоҳга киришга лойиқ эканимизга бир онда бизни ишонтиришга қодир-ку? Эҳтимол, булар пайғамбаримизга замондош бўлган одамларнинг савия даражасидан келиб чиқиб айтилган гапдир, аммо ҳар сонияда миллиардлаб

амал бажарадиган компьютерлар замонида тарози жўн ускуна бўлиб қолади. Оллоҳ — Одам атодан то қиёматгача яшаб ўтган жами одамлар, жами махлуқотнинг, коинот бағридаги жами инс-жинсларнинг бутун умри давомида қилган барча амалларини бир онда, бир лаҳзада уларга кўрсатиб, ажрини ҳисоб-китоб қилиб, уларни ўзидан рози этишга қодир зот-ку?

Қиёмат, вақти келгач, фақат Ер юзиде яшаб ўтган одамлар учун содир бўладими, ё ўн саккиз минг оламнинг барида бир вақтнинг ўзида қиёмат кўпадими, билмайман. Ўзи, ўн саккиз минг олам дегани нима: Ер каби ўн саккиз минг сайёрами, ўн саккиз мингта кўёш тизимими, ё бўлмаса — ўн саккиз минг галактиками, бизнинг бу ҳад-ҳасобсиз галактикалар олами каби одамлар ўн саккиз мингта бўлсами? Оллоҳнинг “Раббул оламин” сифати бежиз эмас-ку?

Бошқа китобларда эса ўлган аллақайси одамларнинг ҳозир жаннатда ё дўзах ичида юргани ҳақида хабар берилади. Булардан қай бири тўғри? Одам ўлса, Мункар-Накирлар саволидан кейин унинг номаи аъмоли очилиб, қилмишига яраша ажрини ола бошлайдими ё охират кунини, маҳшаргоҳдаги қиёматни, Сирот кўпригидан ўтишни... кутишадими? Мункар-Накирлар қабр ичига кириб, марҳумни сўроқ-саволга тутуди, дейдилар. Ўша кезде одам бир қур тирилиб, сўнг такрор ўладими, ёинки ўлгандан сўнг тирилиш (ал-баъса баъд ал-мавт) фақат рўзи қиёматда юз берадими?

Диний масалалар борасида яна бир саволим борки, уни бермаслик риёкорликка кирса керак: жаннатда ҳур қизлар бўлади, улар аҳли жаннатга ҳалол саналади, ҳар бир жаннатига ўнлаб ҳурлар маҳрам бўлади, дейилади. Бу дуруст, аммо жаннатга тушган аёллар нима қилади? Пок ва бокира вафот этган ўсмир ёшидагилар, гўдак болаларнинг роҳати нимада?

Ё, бундай гапларни қўзғамай, истиффор айтганим дурустмикан? Парвардигоро, мен осий-бандангни кечир, илло мен фитна қўзғаш ниятида эмас, ўзим учун таҳқиқ қилиб олиш учун беряпман бу саволларни. Фикри ожизимча, жаннатда энг лазиз таомларни истеъмол қилиш, ҳур-

лар висолига ноил бўлиш — буларнинг бари лаззат топиш, ҳаловатга етишнинг рамзий шакллари эмасмикин? Негаки, жаннат меваларидан тановул қилиш, висол дамлари — булар вақт давомида амалга ошадиган хатти-ҳаракатдир. Абадий еб-ичиш ва лаззатланиш мумкин эмас, чунки булар давомида одам қарийди, албатта. Йўқ, роҳат-фароғат абадий давом этади, жаннат аҳли эса ҳамиша бир хил: навқирон ёшда бўлади, дейилса, унда, мантиқан, бу абадият бир онга тенг экан. Айлана нулдан бошланиб, уч юз олтмиш даражага етгач, яқун топгани, яъни 360 даража — нулдан энг узоқ нуқта ва айни ҳолда унинг ўзи бўлганидек. Демокчиманки, жаннат — руҳларнинг абадий фароғатга етиши ва дўзах — осийлар руҳининг мангу азоб чекиши бўлса керак, валлоҳи аълам (аммо мангулик нима эканини тасаввурга сиғдириш, идрок этиш мен учун маҳол). *Абадият, мангуликнинг маъноси нима эканини, кўлами қанча эканини ким билади дейсиз? Абадият олдида фонийликнинг баҳоси қанча бўлса экан? Дарвоқе, пайғамбаримиз бизни огоҳлантириб, динда чуқурлашмасликка буюрган: ҳазор истиғфор. Динда бу масалаларнинг узил-кесил ечими топилган бўлса, билмасдан сўраётгандирман.*

Инсон онги оламни англашда, яратган зотни танишда не даражага етиб бориши мумкин? Билишда биз қай даражага ета оламиз? Ё, билими биздан юксакроқ жонзотлар ҳам борми бу коинот саҳросида? Оллоҳни англашнинг поёнига етиш мумкинми, борлиқни тўлиқ англаб бўладими?

Ўзимиз яшаб турган бу курраи арзининг, нари борса беш чақирим усти ва беш чақиримча остини сал-пал ўргангандаймиз. Ҳатто уммон туби ҳам бизга қопқоронғи. Бирон ўттиз йиллар аввал Кола ярим оролидаги ўн олти чақиримгача мўлжалланган кавлаш ишлари ҳозир тўхтатилган. Ер бетидаги ҳаво қатламини атмосфера, ер остидагиларини эса геосфера деб, уларни ўзимизча стратосфера, мантия, ер ядроси... сингари истилоҳлар ила атаганимиз ва улар фалон-фалон километрлар орасида дея тақсимлаганимиз билан, аслида, оёқ остида ёт-

ган бир бўлак қора тошни олиб қарасак, унинг хоссаларини ҳам жуда юзаки биламиз. Шавкат Раҳмон ёзганидек, бу тош...

*гўеки жонлидай,
гўе бир куни
тўсатдан гуркираб гуллайдигандай,
гўеки ҳозирча ўтмас кўзлардан
сирларин яшириб ухлаётгандай.*

*...Балки тош ҳозироқ гуллаётгандир,
минг рангли жилода яшнаб, ўзгариб,
балки бу гулларни кўрмаётгандир
ҳатто шоирнинг ҳам ўткир кўзлари...*

Ори рост, бизга бир тош, ё бир томчи сув, ёки биргина япроқнинг... бағридаги сирлар қанчалик тўлиқ аён деб ўйлайсиз? Аслида, бутун дунёдаги барча соҳа олимларининг жамики илм-билимини бир жойга тўпласангиз, оддийгина бир нарсани, масалан, бир бош узумни яратишга қодир бўлолмайди. Электрон микроскоплар орқали кўз илғамас зарралар бағридаги ҳаётни, гўеки, англагандай бўламиз. Аммо нимани, қай даражада? Электрон, протон, нейтрон дея тақсимлаш билан уларнинг ичига кирган бўламизми? Энг замонавий радиотелескоплар билан ҳам биз энг яқин сайёраларда ҳаёт, ҳатто сувнинг бор-йўқлигини аниқлаёлмасакда, ўзимизни алдаб, куёшнинг сиртидаги ҳарорат беш минг даража иссиқ, деб фолбинлик қиламиз. Коинотнинг у четидан бу четига қадар бўлган масофани “ўлчаб”, оламнинг чегараси 45-60 миллиард ёруғлик йилига тенг, деб айтамыз. Тўрт миллиард ёруғлик йили нарида бир янги куёш пайдо бўлибди, деб суюнчилаб кўямиз.

Альберт Эйнштейндан, сизнинг бошқа одамлардан фарқингиз нимада, деб сўрашса, олим, баланд бир тепаликка ўрналаб чиқиб кетаётган кўнғиз босиб ўтаётган йўли эгри-бугри эканини билмайди, тўғри кетяпман, деб ўйлайди. Одамзот худди кўнғиз сингари йўл босяпти, менинг бошқалардан фарқим — ана шуни билганимда, деб жавоб қилган экан.

Бу нима дегани, нима демоқчи эди Эйнштейн?

Билмайман.

Илм билан инсоният нимага эриши-

ши мумкин? У ўзини маҳв бўлишдан қутқара оладими?

Биз яшаб юрган Ер бошқа катта ва кичик сайёралар ҳамроҳлигида қуёш теграсида пириллаб айланади, шу зайлда кунлар, ойлар, йил ва асрлар ўтади, қуёш — галактикамиз марказини тавоф қилиб айланади, галактикамиз эса коинот маркази теграсида чарх уради. Уларнинг ҳаракатида тезлик ғоят катта — ҳар сонияда минглаб, ўн минглаб километрлар... Ва бу бир зайлдаги ҳаракатгина бўлмай, баайни нур қатимида кўринган чанг зарраларининг учиб юриши каби хаотик мавжланиш ҳамдирки, “зарралар”нинг бир-бири билан дучлашиши ё абадий узоклашишини башорат қилиб бўлмайди. Тўқнашиб кетган оламлар ҳалок бўлади. Олимларнинг башоратича, ҳар қандай космик объект яқин ё узок келажақда бошқа бирон шундай объект билан тўқнашиши муқаррар. Гарчи Фридманнинг Катта портлаш назариясига кўра, ҳар бир галактика ва ундаги қуёш ҳамда бошқа самовий jismlar коинот марказидан тобора узоклашиши ва шу тариқа коинот уфқларининг тобора кенгайиши рад этилмасада, бу “узоклашиш” бир текисда — марказдан тобора четга қочиш ва бир-бирлари аро масофанинг ҳам олислаб боришини англатмайди, бу узоклашиш муайян даражада хаотик тарзда бўлади.

Башариятнинг илми ортаверса, неча минглаб йиллардан сўнг (унгача цивилизация сақланиб турса, албатта) ҳатто шу даражага келсаки, Ҳимолай тоғини ҳеч бир қийинчиликсиз ўрнидан кўзғатиб, бошқа бир жойга қўйишга қадар етиб борса, ундан ҳам ошса... ана ўшанда ҳам инсоният бу галактиканинг бошқаси билан тўқнашмаслигини, галактикамиз ичидаги миллиардлаган қуёш-юлдузлар ва улар меҳварида бўлган объектларнинг ўзаро дучлашмаслигини, қуёшнинг абадий нур сочиши ва ернинг қуёш меҳварида бир зайлда айланишини таъминлай оладими?

Йўқ. Ҳеч қачон бунга қодир бўла олмайди.

Энг баттол атеистлар ҳам, энг некбин даҳрий олимлар ҳам Ер юзида ҳаётнинг абадий давом этиши ҳақида гап кетганда умидсизликка тушади.

Диний нуқтаи назардан, бу савол —

инсоният ўз илми орқали охиратни орқага сура оладими, дегани. Имон аҳли бу масалада яқдил: қодир Оллоҳ белгиланган бирон нарса бир он ҳам кечиктирилмайди ва орқага қайтарилмайди. Охират ҳам, қиёмат ҳам муқаррар.

Бас, инсоният ўз илми билан ҳаётни абадий давом эттиришга қодир бўла олмас, билими чандон ошиб, “дунёнинг тагига етгани”да ҳам бир кун маҳв бўлиши тайин экан, унда... илм ўрганишдан мақсад не?

Мақсад... амалий жиҳатдан, бу ёруғ оламда кун кечиришни енгиллатиш бўлса, унда, ривожланганимиз сари — дарёлар бўғилиб, сув омборлари барпо этилгани, денгизлар соҳилига улкан дамбалар қурилгани, уран маъданлари бойитилиб, АЭСларда беҳисоб энергия ҳосил қилингани, ботқоқликлар қуритилиб, балчиғидан алюминий олингани, тоғлар сариёғдай кесиб туширилиб, йўллар солингани ва... бунинг оқибатида экология бузилгани, давлатлараро муносабатлар тобора мураккаблашгани, инсоният чалинаётган касалликлар тури ва касалланиш кўлами кўпаяётгани, глобал иқлим ўзгаришлари рўй бериб, бунинг оқибатида мисли кўрилмаган тўфон, қурғоқчилик, сув тошқинлари, денгизу дарёларнинг қуриши, ўрмон ёнғинлари каби офатлар тез-тез рўй бераётганини нима деб изоҳлаймиз?..

Бу дунёда кўп нарсанинг тубига етиш мумкин, аммо қодир Оллоҳни англашнинг охирига эмас. Оллоҳ — азал, абад ва қудрати беадад зот. Ўтмиш адиблар жами ўрмонларнинг ёғочи қалам, жами уммонлар суви сиёҳ бўлсаю ёзсанг, Худонинг васфини баён этишга кифоя қилмайди, дейишган. Бу шунчаки мадҳ эмас, уни таҳлил ва тасбиҳ маъносида тушуниш керак.

Менимча, ҳаётнинг бош маъноси — яратган Зотни англашдан иборат. Ана шу англаш даражамга қараб кимлигим, савияю моҳиятим аён бўлади.

Аммо илм чексиз эмас, маҳдуд бир ходиса. Унинг уфқига етиб боролганимиз сабаблигина у бизга чексиз жараёндек кўринади. Ўтмиш фозилларининг, “илмим ўсиб, шу даражага етдики, ҳеч

нарсани билмаслигимни англадим”, дегани шунчаки афоризм ёки сўз ўйини эмас, теран қаноатдир.

Оллоҳни тугал англаш амримаҳол экан, қазову қадарни ҳам ўзгартириш, орқага “суриш”нинг иложи бўлмайди. Нимаики белгилаб кўйилган бўлса, унинг рўй бериши муқаррар...

* * *

Хамонки гап дин тўғрисида боряптими, яна бир қалтис саволни очиқ қолдириб ўтмайин. Бу... *одамзот қандай яратилган*, деган масала. Аксар диний манбалардан бу саволга конкрет жавобни қидириб топиш қийин. Уларнинг пухта жиҳати ҳам шу. Жон-руҳ, охират ва қиёмат, дунёнинг (жумладан одамнинг) яратилишидан олдинги ҳолати ва илк яратилиш чоғи, нариги дунё ҳақидаги саволларга келганда, бу ёлғиз Оллоҳнинг ўзи биладиган ишлар экани, бандаларга жуда оз илм берилгани айтилади. Шўро даврида буларнинг барчаси инкор қилиниб, материя — абадий, модда бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туради, бу эврилиш диалектик тараққиёт қонунларига кўра рўй беради, деб айтилар эди. Аммо бизга илгари шуни уқтириб келган, бунга энг зўр далил сифатида Дарвин назариясини пеш тутган, шу таълимот бўйича илмий даража олган бир қанча олимлар букун унинг гўрига гишт қалаш билан овора. Энди улар учун шунинг ўзи — илм бўлиб қолди...


Эҳтимол, Дарвин назарияси батамом янглиш чиқар, унинг чиллаки муҳолифлари ҳақ бўлса бордир. Аммо буни далиллаш, исбот қилиш керак-да. Бунинг учун эса кишига Дарвин билан бўйлашиш даражасида илм керак бўлади. Афсуски, илмда уларнинг бўйи Дарвиннинг тиззасига ҳам етмайди, оқибат — Крилов масалидаги филга хураётган лайча ҳолига тушиб қолишяпти, холос.

“Эволюция назариясининг чиппакка чиқиши” китоби муаллифи, том ихлосли уламо жомасини эгнига илган туркиялик олим Хорун Яхъёнинг (асл исми — Аднон Октар, тахаллусини у яҳудийларнинг Хорун ва Яхъё деган пайғамбарлари шарафига (?) олган эмиш) асарига ҳам асосий йўналиш бояғидай: далил ўрнига — даъво, таҳлил ўрнига — танқид, бирон-бир мустақил илм ва тадқиқ йўқ, аллақайси манбалардан олинган хилма-хил, узуқ-юлуқ “янгилик”лар келтирилади, гўё улар бирлашиб, Дарвин назариясини йўққа чиқарадигандай.

Чунончи, бундан неча минг йил аввал яшаб ўтган одамнинг мия чаноғи ҳажми келтирилади-да, у ҳозирги одамлар бош чаноғидан салгина кичик, холос, демак, одамлар онгида ўсиш йўқ, аждодларимиз биздан ақлсиз бўлмаган, деб хулоса чиқарилади. Ҳолбуки, одамнинг ақли миясининг катталигига эмас, ҳажмига — бурмаларига боғлиқ экани аллақачон исботланган. Хорун Яхъёга ишонсак, жонзотлар орасида энг ақллиси ҳўкиз бўлиб чиқади. Битта калла суягининг катталиги барча илмий далилларга қарши қўйиладиган бўлса, унда, бирон уч минг йилдан сўнг Тургеневнинг бош чаноғини қўлига олган думбул бир тадқиқотчи XIX аср одамлари биздан ақллироқ бўлган экан, деб жар солади. Зеро, улуғ адибнинг мияси салкам 2 килограмм чиққан (бошқа одамларда — ўртача 1,5 килограмм). Энг чатоғи — Хорун Яхъё яшаш учун кураш, табиий сараланиш қонунини инкишоф этгани учун Дарвинни ижтимоий ҳаёт судининг қора курсисига ўтқазишга уринади, у фашизм ғоясининг илҳомчиси, деб даъво қилади...

Каминангиз биолог ҳам, файласуф ҳам эмас. Аммо шунга қарамай, ҳаёт ҳақида фикрлашга менинг ҳам улар каби ҳаққим бўлса керак, албатта.

Менинг қатъий эътиқодимча, Оллоҳ одамни ва умуман барча тирик табиатни мудом ривожланиб, тараққий этадиган қилиб яратган. Аждод-авлод бир зайлда такрорланиб кўпаядиган, ҳеч ўсиб ривож топмайдиган — маъносиз ва мантиқсиз ҳаётни яратишнинг Парвардигорга лузуми бўлмаса керак?



Дарҳақиқат, Оллоҳнинг олам ва одамни яратишидан мақсади ҳадисларда очик баён этилган: “Кунту канзан хафийян фа халақтун халқа” (*Мен махфий бир ганжина эдим, менинг Тангрилигимни билгучи ҳеч ким йўқ эди, халойиқ яратдим мендан фойда олсинлар*), деб. Бас, ана шу махфий хазинани очиш ва ундаги ганжиналарни тасарруф қилиш тадрижий (диалектик тарзда) амалга ошади, бирданига эмас. Одам Оллоҳни ва У яратган оламни англаш жараёнида ўзи ҳам тараққий этади, одамнинг юксалиши унинг Оллоҳни қанчалик теран англашига боғлиқ. Чунки оламда Оллоҳдан ташқари нарса йўқ, ниманики англасак, инкишоф этсак, бу — Оллоҳни англашнинг бир пиллапосидир. Ижтимоий муносабатларда ҳам, табиий ва аниқ фанлар соҳасида ҳам, техника ва технология соҳасида ҳам, улухий илмлар соҳасида ҳам. Шунинг учун ҳам олим обид одамдан чандон афзал. Изоҳ бериб кетайлик. Румийнинг:

*Нарса йўқки, хорижи одам эрур,
Хар не истарсан, ўзингда жам эрур...*

байти Мансур Халложнинг машхур “анал-ҳақ”и руҳида бўлиб, Оллоҳга сингиб, унда эриб йўқ бўлиб кетган одам ҳақидадир. Бундаги “одам” — Оллоҳда зухур топган.

Менимча, Дарвин одам маймундан келиб чиққанини даъво қилган, деб билиш нафақат Дарвинни, балки оддий диалектикани ҳам англамаслик оқибатидир. Дарвиннинг ўзи ҳам бундай одамлар устидан кулиб, анойи талқинларга ортиқча эътибор бермагани маълум. Чунончи, гўзал бир хоним уни мот қилмоқ ниятида, жаноб Дарвин, наҳотки мени ҳам бадбашара бир маймундан бино бўлган деб билсангиз, деганида олим унга, йўқ хоним, сиз энг чиройли м а й м у н д а н



Хорун Яхъё

яралгансиз, деб лутф қилган экан.


Ўша хонимнинг саволини бугун биз ҳам бериб кўрайлик.

Одам маймун зурриёдими?

Динда Одамато билан Момоҳаво жаннатда бўлгани, бироқ тақиқни бузгани ва жаннатни булғатгани учун жазоланиб, ер юзига туширилгани айтилади... Аввало буни механистик тушуниш тўғри бўлармикан: раҳмон ва раҳим Оллоҳ таоло Одамато билан Момоҳавонинг қизиқувчанлик устун келиб қилган гуноҳи — тақиқланган мевани татиб кўргани учуноқ (бу икковига қўшиб улардан тарқалган миллиард-миллиард одамни ҳам шу айб учунгина жазолаб), жаннатдан шубҳасиз тубан бўлган маъво — Ер юзида яшаш азобига маҳкум этадими? Қолаверса, алмисокдаёқ Оллоҳ жами инсонлар руҳини ер юзига юборган эди-ку: сизга ҳаёт бериладиган чоғда яшаб ўтадиган маконингизни кўриб келинг, деб? Бас, бу ривоятдан бош мақсад дин исён эмас, бўйсунуш амали эканини баён этиш, динда тақиқни бузган киши жаннатдан Мосуво бўлишини уқтириш бўлса-чи?

Шу ўринда Пайғамбаримизнинг Момоҳаво Одаматонинг қобирғасидан яратилган, деган ривоятга берган шарҳини эслаб ўтайлик. Расули акрам, аёллар қобирға сингари бўлади, текислашга уриниш уни синдиришга олиб келади, дея изоҳлаб ўтган (*Бухорий. Жомийи саҳиҳ. II китоб, Т., 1996, 393-бет*). Бу эса диний нақлларни талқин этишда намуна бўлиши мумкин.

Тириклик Ерга яратган Зотнинг марҳамати билан тақдим этилган (бу — менинг эмас, қарашларини ҳозир кўп жиззаки мухалифлар инкор этаётган буюк Дарвиннинг гапи). Шароити Ерникага яқин бошқа сайёраларда ҳаёт йўқлиги ҳам бу қарашни тасдиқлайди, албатта.



Чарльз Дарвин

Одам лойдан ясалган, деб ҳисоблайдиган киши мўъмин-мусулмонун инсон эволюцион тараққиёт оқибатида ҳозирги даражага етган, деб айтган киши баттол атеист бўлиб қоладими? Йўқ. Муҳими, имон келтириш — Оллоҳнинг биру борлигига, Муҳаммад унинг расули эканига амин бўлиш. Гап Оллоҳнинг илмини тафаккур қилиш-қила олмасликда. Аслида эса, бу қарашлар орасидаги зиддият унча катта эмас — ҳар икки ҳолда ҳам гап бир ҳовуч тупроқ ва сув устида кетяпти.

Ё, баъзилар айтаётгандек, инсон оламнинг бошқа бир маъвосида яралган жонзотми? Ер сайёрасига тажриба учун келтирилиб, ҳозир асл ватани, асл аجدодларини эсдан чиқарганми?

...Зоминнинг баланс тоғи устида, ям-яшил арчазорнинг тўшида диаметри ўн кадамча келадиган бир доирага дуч келдик. Учар ликоб тушган, дедилар бу жойга. Ишонмайин десанг... Ўртаси хиёл ботиқроқ бу доиранинг тевараги худди биров паргор билан чизгандай теп-текис, бирон қингайиш кўринмайди. Эҳтимол, кимдир майнавозчиликка кетмон олиб чиқиб, аниқ ўлчаб шундай қилган бўлсачи? Аммо доира ичидаги кўкатлар унинг марказидан ҳар тарафга қараб бир текисда таралиб ўсипти. Боринги, бояги ҳазилкаш хаскаш билан тараб шундай шакл бергандир, дейсиз. Ажабки, ўтўланлар ҳамма ерда қовжираб сарғайган (августнинг охирлари эди), бирок шу доира ичидаги кўкатлар кўм-кўк, кулф уриб ўсиб турарди. Ё анови одам атайин лейкада сув олиб чиқиб, шу доира ичига пуркаб турганмикин? Ундай бўлса, доира ичида бўлган кўкатлар кўм-кўк, аммо унинг қай бир новдалари ўсиб, доира-гардиш чизигидан четга ҳам чиққани ҳамано сарғайиб кетган? Ахир, шу новданинг таги ям-яшил-ку? Ё тавба...

Аммо агар ана шу “учар ликоб” деганлари чиндан ҳам мавжуд бўлса, унинг олислардан келиб-кетаётган йўлчилари ҳам улар, илм-билимда ва... замин тили билан айганда, техникада ҳар қанча илгариламасин, яратган Зот олдида бизлар сингари у яратган махлуқотнинг бир тури.

Энди одамзодга келсак, у бир замонда аллақайси сайёрадан учиб келган, деб

фолбинлик қилиш, номаълум кучлар томонидан назорат этиб турилибди, тажриба остида эканини ўзи билмайди, дея фан-тазияга берилиш динга зид эканидан ташқари, мантиқан ҳам асоссиз. Унинг жисмида Ерда мавжуд бўлмаган, бошқа самовий дунёларга хос бирон модда йўқлиги-чи, бу ҳам ниманидир англатмайдими? Танзимизда қандай модда ва унсур мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси Ердан эмасми? Буни ҳатто дин ҳам иқрор этади — Одамни яшаш учун Ер лойи олинган, деб. Инсон жисмида ақалли бирон-бир нозаминий модда ё ўзгача бир хислат бўлса эди, уни “коинотдан келган меҳмон”, ерлик эмас, дея ҳар қанча лоф урса бўларди.

Одам коинотнинг номаълум пучмоғидан келган жонзот бўлса, биологик ҳосила сифатида у бошқа сут эмизувчилардан бирон алоҳида хоссасига кўра яққол ажралиб турмасми эди? Унинг бошқа жонзотлардан принципиал қандай фарқи бор? Танасида тук сийракроқми? Тик туриб юра оладими? Ақли кўпроқми? Булар одамни бир жонзот сифатида шу тур — сут эмизувчиларга мансуб бошқа жонзотлардан кескин айирадими?

Унда, йўлбарс, айиқ, мушук, маймун, ит каби мукамал ривожланган жуда кўп сут эмизувчилардек одамда ҳам оёқ ва қўл панжалари сони бештадан экани, ортиқ ҳам, кам ҳам эмаслигини қандай изоҳлаймиз? Одамда ҳам оғиз битта, кўз, қулоқ, оёқ-кўллар эса иккитадан экани, томирларда қон оқиши каби умуртқалиларга хос барча аломатлар мавжуд-ку? Одам ҳам жами жонзотлар — хордалилар сингари ўз танаси ичига қабул қилган ва қайта ишлаб, чиқариб юборадиган озиқ маҳсулотларидан яшаши учун лозим бўлган қувват ва энергияни олади, жинсий йўл билан кўпаяди, барча умуртқалилар каби бош суяги скелет тузилишига асос бўлади, суяклари бўғимлар орқали бир-бирига боғланади ва ошқозон, ўпка, юрак-қон томир тизими, жигар ва ҳоказо аъзолардан иборат бўлади, барча сут эмизувчилардек тирик туғади ва болаларини сут билан озиқлантиради, маймунсимонлар оиласининг кенжа турига мансуб махлуқлар каби сут безлари човида эмас, кўксида жойлашган, юз

асаб пайлари ривожланган. Одамни хордали жониворлар типининг кенжа тури бўлган умуртқалилар гуруҳига, сут эмизувчи синфига киритиш илмий нуқтаи назардан хатоми? Ва ниҳоят, Халлоқи олам ерда органик ҳаёт ҳужайра асосида бино бўлишини белгилаган. Барча тирик организм (жумладан одам ҳам) аввало ҳужайрадан ташкил топган.

Инсон руҳини эса қайси маконда, қай замонда яратганини Оллоҳ ўзи билади. Аммо олам яралганидаёқ, одам жисмининг бир зарраси шу замин ибтидосида бор бўлган. Бир ривоятга кўра, одам ўлгач, қаерга кўмилган бўлса, тупроғи ўша ердан олинган экан, деб айтилади.

Менимча, одам — борлиги ила Ер фарзанди. У шу сайёрада яратилган. “Қисаси Рабғузий”да ҳам айтиладики, Одамга жон киритилишдан аввал унинг лойи Тоиф ва Макка шаҳарлари ўртасидаги Дахно деган жойга қўйилган. Агар одамзод коинотнинг бошқа бир жойида яралган, сўнг Ерга юборилган бўлса, мантиқан, унда ёлғиз одамзод эмас, худди Нух кемасининг йўлчилари каби жами наботот ва ҳайвонот дунёси (жумладан, у каби қон, эт, суяк, тери ва асаб толаларидан бино бўлган ҳайвонлар ҳам) у билан бирга келган. Чунки улар ҳам насл қолдириш орқали кўпаяди, жуфт яшайди ва ҳоказо.

Ер юзида органик дунё ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Қодир Оллоҳ тириклик хосасини Ерга инъом этган. Миллиард йиллар давомида энг содда жониворлар ривожланиб, бир турдан иккинчи турга ўта бориши орқали биз билган биоолам шаклланган. Ана шу тараққиётнинг чўққиси — одам.

Инсон Худони ақл билан танибди, деган гап бор. Дарвин — оламнинг биологик хоссаларини бошқалардан теранроқ, нозикроқ англаган зот эди. У ҳеч бир асарига тирик ҳужайра ноорганик моддалардан бино бўлган, деган эмас. Бильакс, у тирикликни Худо энг содда ҳолида Ерга инъом этган, шундан сўнг ҳаёт эволюцион тарзда ривожлана бошланган, деб уқтирган.

Дарвин ва унинг салафлари Оллоҳнинг мўъжизалари олам яратилиши би-

ланоқ тугаб битмагани ва тўхтаб қолмаганини, бу мўъжиза ҳар он ва ҳамма вақт, ҳар бир ҳужайрадан тортиб, бутун коинот кўламида, азал-абад бардавом бўлишини ва Парвардигор уни бир зайлда, ўзгармайдиган сифатда эмас, балки тинимсиз тараққий этадиган, тобора мураккаблашиб борадиган; ва мукамаллик сари интиладиган қилиб яратганини тўғри талқин этган эди. *“Дарвин чоғиш-тирма анатомия ва эмбриология, шунингдек, жуда камёб бўлса-да, палеонтологик топилмаларнинг натижаларига асосланиб, одамнинг ҳозир яшаб турган одамсимон маймунларга яқин қон-қардош эканини ишонарли қилиб исботлаб берди, — деб ёзади Ф.Правдин, — Шу билан бир вақтда у, замонавий маймунларнинг биронтасини ҳам одамнинг аж-доди деб ҳисоблаш мумкин эмас, деган ва моҳият эътибори билан муҳим бўлган қондани илгари сурди”* (Дарвинизм. Т., 1973, 420-бет). Ниҳоят Дарвин муҳолифлари илмий савия ва мушоҳада жиҳатидан ақсар ҳолларда бояғи хонимдан кўпам узоққа кетмаганини эътироф этишга тўғри келади.

Шамсиддин Табризийнинг саволига жавоб бераркан, Жалолиддин Румий пайгамбаримиз амаллари мисолида илк бор диалектикага таъриф берган, деб айтдилар. Табиатдаги диалектикани эволюция деб атаймиз. Буни мушоҳада этсак, диалектика ва унинг ўзагида ётувчи эволюцияни йўққа чиқариш амалда атеизмга ҳамда диалектикани тан олмайдиган бошқа динлар фойдасига хизмат қилиши аниқ бўлади. Эволюцияни эътироф этмаслик диалектикани рад этиш демакдир. Табиат тадрижий такомиллашди дейиш эса марксизмни эътироф этиш бўлиб қолмайди. Диалектика фалсафа тарихида азалдан бор, у дунёнинг яшаш тарзидир. Бас шундай экан, Хорун Яхёёнинг оламда эволюция йўқ, уни Дарвин тўқиб чиқарган, Дарвиннинг яшаш учун кураш ғояси одам — одамга кушанда деган қарашни қонунийлаштиради ва шу жиҳати билан у фашистик ғояга асос бўлган, деган уйдирмалари эса мутлақо асоссиз ва ислом нуқтаи назаридан ҳам хатодан ўзга нарса эмас. Эволюция та-

биатда йўқ ҳодиса, уни Дарвин ўйлаб топган, дея жар солиш билан Хорун Яҳъё ва унинг биздаги ҳамфикрлари “диёнатли олим”лик рутбасига эришмайди, балки табиат ва жамиятдаги тадрижни инкор этувчи сохта илм — метафизика соҳасининг янги вакилига айланади, холос.

Бутун коинот, Ердаги жонли ва жонсиз табиат, ҳар бир организм бетиним ривожланишда. Олам мавжудлигини ҳаракатсиз (ва у орқали келадиган тараққиётсиз) тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода, ҳаракат — оламнинг яшаш тарзидир, деган фикрга қўшилмай иложимиз йўқ. Электронлари ядроси теварагида айланишдан тўхтаган бирорта атом, жисму жони ҳаракатсиз бирон-бир жонивор, коинотда чарх урмаётган бирон галактикани тополмайсиз — ҳаракатсиз нарса бўлиши мумкин эмас.

Ер юзидаги махлуқотнинг энг олдинги сафида инсон туради, у энг тараққий этган ва ривожланиши тобора тезлашаётган жонзотдир. Сут эмизувчиларнинг бошқа вакиллари ундан хийла сустривож топади, умуртқалиларнинг бошқа вакиллари ундан ҳам секинроқ тараққий этади, барча хил бошқа жониворларда бу жараён янада оҳиста кечади. Ундан кейин наботот олами (дарахт ва ўсимликлар) ривож ҳақида гапириш мумкин (одаминг аралашуви — пайванд қилиш, чаптиштириш, дурагай навлар олиш — бўлак нарса). Ҳатто ўлган организм — қуриган дарахт, ҳалок бўлган жонивор ҳам бир зайлда қотиб қолмайди — чириydi, тупроққа қўшилади ва янги ҳаёт уруғлари учун озуқага айланади. Тараққиёт, йўқ бўлиб кетмаслик, яшаш учун кураш шунга олиб келдики, бизга аксар биовакиллари — наботот, ҳайвонот турлари ўз ҳимоя воситалари — ўсимликларнинг тикани, гўштхўр ҳайвонларнинг ўткир қозиқ тишлари улар билан бирга яратилгандек туюлади. Аслида, тикон ва қозиқ тишлар (биз шу икки содда мисол билан келанайлик) ўсимлик ва даррандаларнинг аслий хоссаси эмас, яшаш учун курашнинг миллион йиллар давомида шаклланган иккиламчи хоссаларидир.

Тараққиётнинг энг сустриважаси эса ноорганик оламга таалуқли. Аммо ҳар

бир оддий модда ҳам миллион йиллар давомида ташқи ва ички таъсирлар, турли бошқа омиллар натижасида ривожланади, энг асл ҳолатига эришади, кейин нурайди ва бир турдан иккинчи турга ўта боради. Моддани ташкил этувчи атомлар ўзаро бириккан ва ҳар бир атом ядроси атофиди электрон, нейтрон каби “сайёра”лар айланиб, жисм мудом тараққий этади. Бу ривожланиш тарзи органик оламникидан бошқача, албатта.

Агар Оллоҳ таоло барча турдаги наботот ва ҳайвонотни ҳеч ўзгармайдиган, ривожланмайдиган сифатида яратишни ихтиёр этиб, шундай бино қилганида, мантиқан, ер юзида ҳеч бир тур қирилиб битмайдиган, ҳаммаси қиёматгача яшайдиган бўлмасми эди?

...Ер куррасининг узоқ ўтмишида бир замонлар яшаган, ҳозир йўқолиб кетган кўпгина ўсимлик, дарахт ва жониворларнинг қазилмалари топилган. Уларнинг бир қисми қандайдир сабабларга кўра тур сифатида яшайдан тўхтаган бўлса, бошқаси миллион йиллар мобайнида ривожланган, шароитга, иқлимга мослашиб, янги турга айлана борган. Буни инкор этиш ақлдан эмас.

Эволюция табиатда бор ҳодисадир. Қазилма ишлари натижасида энг кичик сустривувчи жонивор — кўршапалакнинг бир тури миллион йиллар илгари сувдаги ўлжани тутиб ейиш учун сузига мослашгани, ҳавода учишни тарк этиб, сув ичида ҳаёт кечиришга ўтгани ва... китга айлангани узил-кесил далилланди. Аммо ҳали ҳам китда кўршапалакка хос белгилар — сустривувчилик, эхолокатор орқали кўриш, ўлжасини тутган заҳоти ейиш каби хоссалар сақланиб қолган. Ёки бундан йигирма беш миллион йиллар илгари Америка қитъасидан Евроосиё қитъасига ўтган, қўл ва оёқ кафти уч бармоқли (фанда хиппарион деб аталадиган) кичкина ҳайвон ўрта бармоғи қаттиқ туёққа айланган отнинг аждоди эди (икки четки бармоқ рудиментлари сақланиб қолган), тараққиёт давом этиб, ундан эшак, зебра ва от шаклланган.

Табиатда эволюцион тараққиёт борлигини кўрмаслик амалда дин фойдасига эмас, аксинча атеизмни қўллаб-қувват-

лашга хизмат қилади. Чунки у тараққиётга туртки берувчи Тангрини назардан қочиради. Одамзод бир яратилганича, онги ҳам, шакл-шамойили ҳам миллион йиллар ўтса-да, ўзгармайдиган бўлса, ер юзида ҳар бир ўт-ўлан ва дов-дарахт, ҳар бир жон-жонивор абадий шу ҳолича, ривож топмай, янгилана берадиган бўлса, унда Оллоҳни бу оламни яратишдан муддаосини тушуниб бўлмай қолади-ку? Абадул-абад ўзгармас нарсаларни яратишнинг унга кераги бор деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Унда оламнинг яратилишида мантиқ бўлмас эди (Гёте бу тўғрида гап кетганда, Худо ҳозир ҳам олам яратилишининг биринчи кунигади каби қудратга молик, унга ҳориш-толиқиш бегона, деб айтган).

Лев Толстой эволюцион назарияга муносабат билдириб, диалектикани содда, теран талқин этган эди: “Агар одам номаълум замон даврида маймундан пайдо бўлган бўлса, бу нарса инсон маълум бир даврда бир ҳовуч тупроқдан яралган дегандай гап”. Яъни, одам маймундан бино бўлган бўлса, маймуннинг ўзи ундан-да соддароқ бир махлуқдан, униси яна ҳам тубанроқ бир жонивордан ва охир-оқибат... бир ҳовуч тупроқ жонли табиат учун хамиртуруш бўлган, илк ҳаёт нишонлари тупроқда юз кўрсатган.

Одам маймундан тарқалмаган, у маймунсимон одамнинг (питекантроп) ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Биз билган ҳозирги маймунлар эса ана шу маймунсимон одамнинг асосий тараққиёт йўлидан четга қайрилган, ривожини таъназулга қараб кетган туридир.

Аммо ҳар нечук, одамсимон маймун бошқа сут эмизувчилар орасида энг тараққий этган жонзот бўлиб, ўзга барча ҳайвонлардан ўзининг серҳаракатлиги, чаққонлиги, шароитга осон мослашиши билан, шуниингдек, мимика пайларининг ривожлангани ва ўз кайфиятини юзи орқали билдира олиши, миясининг массаси тана оғирлигига нисбатан бошқа жониворларникидан катта экани каби хоссалари билан алоҳида ажралиб туради. Маймунда ҳам, одамда ҳам бошқа сут эмизувчилардан фарқли ўлароқ, кўл ва оёқ панжалари учида тирноқлар бор, бош бармоқ бошқа

бармоқлар қаршисида, сут безлари эса кўкракда жойлашган ва ҳоказо.

Табиат диалектикаси ҳақида менинг фикрим бундай: одамлар турли ноорганик ва органик моддаларни минглаб хил усулда, ҳар турли шароитда ўзаро қовуштириш ва қориштириш орқали ҳарчанд уриниб бирон тирик ҳужайра, бирон-бир ўсимлик ё энг содда жониворни ҳам шакллантира олмайди (академик Опариннинг шу йўлдаги бир умрлик меҳнати зое кетган), Ерда органик ҳаётнинг илк нишонаси шаклланишини қодир Оллоҳ ихтиёр этган. Ундан кейинги тириклик эса шароитга мослашиш, кўникиш ва сараланиш орқали давом этган. Ҳеч бир ўсимлик ё жонивор космосдан ўзи келиб қолмаган ёки биздан кўра ривожланган тамаддун вакиллари томонидан Ерга туширилиб, тажриба ўтказилаётгани йўқ. Илк ўсимликлар миллион йиллар давомида аста ривожланган, бошқа шароитда ўсишга маҳкум бўлганлари эса неча ўнлаб асрлар мобайнида аста-секин янги ўсимлик турига айланган. Сувда кўчиб ўришга мослашган ўсимликлар пайдо бўлган. Бирон заминга илдиз отган, аммо жонлилик хусусияти аниқ сезиладиган мураккаб ўсимликлар (масалан, гуллари ҳашаротни тутиб, ўзига емга айлантирадиган қопқон ўсимликлар) бор. Улар наботот олами билан тирик жониворлар ўртасида боғловчи ҳалқадир.

Жон-жониворлар оламида эса шароитга кўникиб мослашиш ҳам, турлараро алоқа ҳам анча фаол (Дарвин вьюр деган қушчанинг турли шароитда қандай ўзгарганини жуда ишонарли исботлаб берган).

Хорун Яхъё, жонивор ё ўсимликларнинг оралиқ турлари кам экани уларнинг эволюция натижасида келиб чиқмаганини кўрсатади, деб даъво қилади. Бизнингча, оралиқ тур — бир тур бошқа турга айланаётгандаги ҳолат, у биологик хилма-хиллик жиҳатидан ҳам, хронологик жиҳатдан ҳам асосий турларга нисбатан бениҳоя кам бўлишини, ниҳоят, тушуниш керак.

Шароитга мослаша олган турларгина яшаб қолган. Ҳозир тирик жониворларнинг барчаси ўз яшайдиган муҳитига мослашганларидир, мослаша олмаганлари қирилиб битган. Чунончи, оқ айқиннинг

юнги оппоқ бўлганидан қор устида ўлжага сездирмай яқинлашиш имкони кўпроқ, ови ўнгидан келиши тайинроқ. Қахратон совуққа мослашган кўйхўкиз (жуни узунлиги 60-90 сантиметр) тундрада бемалол яшайди. У кўйнинг бир тури, биологик танланиш орқали ҳозирги кўринишга эга бўлган. Айрим жониворлар сонининг бугун ниҳоятда кам эканлигига сабаб кўп овланганигина эмас. Уларда химоянинг заифлиги ҳам бор гап.

Ҳар бир тур аввалгисидан турли сабабларга кўра ажралиб чиққан — ё асосий яшаш жойи торлик қилиб, бошқа шароитга мослашиб яшашга мажбур бўлиш оқибатида ўзгаришлар юз берган, улар охир-оқибат сифат ўзгаришига олиб келган, ё янги, янада қулай шароитга тушиб қолиш натижасида ўзгарган ва ҳоказо. Ер юзидаги тараққиёт биз кўриб турган ҳаётнинг ўзидан ҳам мураккаб ва хилма-хилдирки, бунинг натижасида бизга маълум бўлган ва бўлмаган минг-миллион наботот ва ҳайвонот тури шаклланган.

Инсон — ҳаёт дарахтининг қулф уриб ўсаётган энг тик новдаси. Одамнинг энг қадимги аجدодлари нисбатан қулай яшаш шароитига тушган ва бунинг оқибатида бошқа турдошларига қараганда тезроқ камол топган. Иккинчи ёқдан, уларда курашувчанлик, ҳар қандай ноқулай шароитдан чиқиб кета олиш кўникмаси ривожланган. Бошқа жон-жониворлар мана шу тараққиёт жараёнининг маълум бир босқичида тик новдадан ажралиб чиққан ён шохлар сингари бўлиб, уларда ўсиш истиқболи қолмаган. Албатта, ён шохларда ҳам янги новдалар чиққани каби, асосий ўсиш йўлидан четда ҳам, бирон тур ичида янги ўсимлик ё ҳайвонлар шаклланиб чиққани шубҳасиз. Ҳозирги йиртқич ва ўтхўр сут эмизувчи ҳайвонлар баайни ўсиб бораётган дарахтнинг ён-атрофдаги шох-шаббалари сингари бўлиб, “ҳаёт шажараси”нинг бу шохлари энди тик — юқорига ўсиш у ёқда турсин, ҳатто пастга қайрилган, яъни таназулга юз тутган. Эндиликда уларнинг ривожини юксалиш сари эмас, аксинча бўлади. Булар — юз миллион йиллар давомида тараққиётнинг асосий оқимидан четга чиққан ва онги ривож топмайдиган турлардир. Жумладан,

айримлар одам аждоди деб тушунган маймунлар ҳам.

Одам маймун тараққиёти туфайли пайдо бўлган эмас. Одам бошқа ҳайвонларга қараганда маймунга кўпроқ ўхшаб кетгани учуноқ унинг қадим аждоди маймун бўлган дейиш Дарвин назариясини юзаканглаш, яъни, бу бўш темир қутини процессор деб аташ билан моҳиятан бир... Буюк табиатшуноснинг назариясини тўғри тушунадиган бўлсак, одам маймундан эмас, маймун одамдан келиб чиққан, дейиш тўғрироқ бўлади. Зеро, биологик табиат тараққиётининг асосий йўналиши одамзоднинг келиб чиқишига қаратилган бўлса, маймунлар ва умуман приматлар ана шу ривожланиш йўлининг маълум бир босқичида асосий ривожланишнинг ўқ илдиридани ажралиб чиққан ва тараққиётда илгариларай олмай қолган вакиллардир.

Ҳўш, одамзод ҳаёт дарахтининг тобора бўй чўзаётган марказий тик новдаси экан, вақти келиб ундан яна ён шохлар униб чиқиши — инсониятнинг тобора тезлашаётган тараққиётига ета олмаган бирон тур пайдо бўлиб, қолиб кетиши мумкинми (лўлилар ҳаётида бундан минг йил олдинги турмушдан айтарли кўп нарса ўзгардим)? Буни билиш амримаҳол. Аммо ҳозир энг қолок, ҳатто ибтидоий қабила ҳолида яшаётган гуруҳлар ҳам тамаддун жараёнига жадал равишда тортилиб, умумдунёвий глобаллашишга қўшилаётган экан, бундай ажралиб қолишлар бўлмас.

Одамнинг пайдо бўлишига муносабат масаласини очиқ ўрмага кўйиш, бу борадаги қарашларни ўриб чиқиш ва қатъий бир қарорга келиш жуда муҳим. Бу масалада дудмоллик қилиш илмда методологик чалкашликка олиб келади. Айтайлик, мактабда биология ўқитувчиси одамнинг пайдо бўлишини қандай талқин қиляпти? Бизнинг кузатишимизча, дарсликларда одамнинг пайдо бўлиши борасидаги диний қарашлар мутлақо тилга олинмаяпти ва қарийб материалистик эволюция назарияси бир оз пардаланган ҳолда тақдим этиляпти. Масжидда, диний китобларда эса болаларга Одаматони лойдан яратиб, сўнг унга жон киритгани ўқтириляпти. Бунда болаларнинг ўсиб келаётган онгиди мавҳумот пайдо бўлиши турган гап: мак-

таб дарслигига, муаллимга ишонсинми ё ўзгаларга? Бизнингча, Худо оламни, жумладан, одамни яратиб, ҳаёт берганини, бутун борлиқ — табиат ва инсоният диалектик тараққиёт ва яшаш учун кураш орқали ўсиб камол топиши борасидаги қарашлар тизимини шакллантириш зарур. Зеро, илм мантиққа мувофиқ, ҳақиқатга энг яқин талқин танлаб олинишини тақозо этади. Оллоҳ таоло наботот, ҳайвонот ва, шу жумладан, инсонни бир-бирига алоқасиз қилиб, айри-айри ҳолда яратганига қараганда, у ато этган ички интилиш туфайли жами мавжудот ривожланадиган, улкан даврлар мобайнида бири иккинчисидан келиб чиқадиган қилиб ҳаёт берганида ҳикмат ва жалолият бениҳоя кўп эканини англаш лозим. Бусиз биз жаҳолат сари қараб кетамиз.

Дарвин назариясини ёқлаш материализмга ён босиш дегани эмас. Диндор Дарвинни ғирт атеистга чиқариб таништирган шўро даври ҳамма нарсага марксизм нуқтаи назаридан баҳо берар, методологик масалалар атеистик дунёқараш негизига қурилар, шу сабабли кўп масалалар мавҳумлигича қолган эди. Баъзи олимларнинг дарвинизм деганда атеизмни тушуниши, аслида, шўро даврига хос бўлган фикрлаш оқавасидир. Ойбекнинг мана бу изтиробли мисралари ёдингиздами:

*Ҳақиқат яратди тартиб ва қонун,
Ҳикмат офтоби гўё бир ёлқин.
Катта фалсафанинг илдизи қани?
Топилса, бўлурди офтоб — тошқин...*

Бу тўртлик 1967 йилда — шоир тилдан қолган, қўли қалам тутолмаган хаста чоғида имо-ишора билан айтиб ёздирилган. Менимча, ундаги “ҳақиқат” сўзи Ҳақ таолони билдиради ва у оламни тартибли қилиб, қонуният асосида яратгани, унинг ҳикмат офтоби ўта нурли экани, лекин мавжуд тузум эътироф этган монополистик “катта фалсафа” — материализмнинг илдизи йўқлиги, ҳаётдан узилган ҳолда экани баён этилган...

* * *

Берган саволи одамни хижолатга солади. Чунки билимсизлиги фош бўлиб

қолади. Омилигидан уяладиганлар бизда етарли. Мен уларга қўшилиб, “ўзига зolim”лар сафини яна кенгайтиргим келмади, азизлар.

Ҳайр, диний ва дунёвий ишлар борасида саволларни ҳозирча бас қилайлик. Донолар, тил битта, қулқ эса иккита, бир гапирсанг, икки бор қулоқ сол, дейдилар. Ҳолбуки, кишини ўйлантириб, изтиробга соладиган, ҳатто келгусидан умидини йўққа чиқаришга қодир бўлган талай масалалар — миллат ахлоқининг бузилиши, экология, глобаллашиш, асл қадриятларнинг ҳозирги қиммати ҳақида ҳам “сўрорим бор” эди. Мавриди келар. Унга қадар эса, боя айтганимиздай, бу борадаги ҳар қандай мулоҳазани жон деб эшитамиз.

Мақолани доктор Саййид Муҳаммад Хотамийнинг “Ислom тафаккури тарихидан” асарига ушбу сўзлар билан якунласак бўлар:

“Фикр — бу инсон ҳаётининг манбаи ва инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи омил. Фикр савол қадрлангандагина мавжуд бўла олади. Савол эса ҳамма вақт мавжуддир, бироқ у фақат аниқ ва тўғри савол бериш имкони бўладиган, самара берадиган хавфсиз ва эркин муҳитда пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолда, ичкарида мавжуд бўлган саволлар ҳеч қачон тугамайди ва йўқолмайди, агар мабодо улар қиргин қилинадиган бўлса, улар фикрнинг зиддига айланади” (Хотамий Саййид Муҳаммад. *Ислom тафаккури тарихидан*. Т., “Минҳож” нашриёти, 2003, 273-бет).

Зеро, биз шунчаки диндор эмас, тақволи диндор бўлишни хоҳлаймиз; мутаассиб эмас, маърифатли мусулмон бўлгимиз келади. Мақсад — фикрлашиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш. Ахир, Оллоҳ бизга берган энг буюк неъмат ҳам тафаккур-ку! Пайғамбаримизнинг динда чуқурлашманг, деган буйруғи эса юзак билимли бўлишга даъват эмас асло, у тамоман бошқа масала. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: мутараққий Фарб ривожининг руҳий негизи — андишабозликка берилмасдан, барча нарсага очик кўз билан қараб, реал мулоҳаза юритишда ҳам эмасмикан?..

О'улаб топилган she'r = ивол кетган so'z

ТЎРТЛИКЛАР

*Дерлар, ноннинг убоғи ҳам нон,
Дастурхоннинг чироғи ҳам нон.
Тизлар чўкиб, кафтингга олсанг,
Ўзбекистон тупроғи ҳам нон.*

* * *

*Мардлик ҳар йигитга қондан ўтгайдир,
Жон ичра хуш нафас жондан ўтгайдир.
Ҳазрат Амир Темури тутган туғларни
Кўкда тутиб туриш шондан ўтгайдир.*

* * *

*Изҳори ишқ учун дил сўзи яхиш,
Рост сўз хитобига тил сўзи яхиш,
Минг йил яшайдиган сўз керак бўлса,
Элакдан ўтолган эл сўзи яхиш.*

* * *

*Бу не таманноки, жисму жон титрар,
Гоҳида ошкора, гоҳ пинҳон титрар.
Кўнгил дер, чаҳ-чаҳ ур, пойига йиқил,
Ақл дер, эй Маҳмуд, бу шайтон титрар.*



* * *

Боқиб теграмда не-не тош кўрдим мен,
Жонимда жафога бардош кўрдим мен.
Бир сатр ичинда бир ташибеҳ топсам,
Гўё бошим узра қуёш кўрдим мен.

* * *

Булбул булбуллиги ўзида аён,
Зоғ қаҳри тиз тутган сўзида аён.
“Севдим” деган сўзни айтгиси келган
Ошиқнинг оҳлари кўзида аён.

* * *

Ой тунга меҳмондир, қуёш-чи — кунга,
Ким ростга асирдир, кимлар афсунга.
Бахт излаб дунёни кезган кўп, вале,
Рўбарў келмадим бағри бутунга.

* * *

Тўзган, тўзганни тутмоқ кўп оғир,
Тўрингда душманни кутмоқ кўп оғир.
Яра агар жисму жонингда бўлса,
Ўз қўлларинг билан ситмоқ кўп оғир.

* * *

Ажаб, омад мени йўқламай қўйди,
Ғаним ҳам камонин йўқламай қўйди.
Омадсизга душман наҳожат десам,
Дўстлар ҳам дўстлигин ёлзонга йўйди.

* * *

Тўкилган хазонни еллар эрмаклар,
Япроғин хор кўриб титрар тераклар.
Олам томошага қурилган бозор,
Тошни ҳам бўзлатар, оҳ, тошюраклар.



* * *

Инсонсан, ҳар дамда кечиргувчи бўл,
 Меҳринг булоғидан ичиргувчи бўл.
 Чоҳдан ташқарида турибсан, ахир,
 Чоҳда турганларга узатсанг-чи қўл.

* * *

Тўкилган табассум тиллога тенгдир,
 Хуш ният аслида Ҳумога тенгдир.
 Бир марта жилмайгин, бир яхши гапир,
 Бу олам торга — тор, кенгларга кенгдир.

ИККИЛИКЛАР

Ёмғир ёғар эди қорнинг устига,
 Миннат қилганидек дўсти дўстига.

* * *

Сен ҳасад эшигин очганинг маҳал,
 Ҳавас ёқасига чанг солди ажал.

* * *

Ҳаёт сахнасида ўйин қиларсан,
 Кунинг битганининг тўйин қиларсан.

* * *

Гуноҳ — гуноҳкорнинг қўлин тутмакдир,
 Савоб — ҳожатманднинг йўлин тутмакдир.

* * *

Нишонга тегмаган ўқдан фойда йўқ —
 Нетонг, сайдинг энди ўшал жойда йўқ.

* * *

Офтоб буюклиги сочган нурида,
Шу сабаб ўлтирар осмон тўрида.

* * *

Интилган одамга тоғлар ҳам яқин,
Тоққа чиқолганнинг чироғи — чақин.

* * *

Қоғозда юз очган ҳар асил ҳикмат —
Дилдаги чироқдир, тилдаги ибрат.

* * *

Дилингни ўртаса гуноҳинг ҳар он,
Демак, вужудингда уйғоқдур иймон.

* * *

Биринг икки бўлмас ўкинган билан,
Йўқни бор қилмайсан юкинган билан.

* * *

Юлдуз билан юзлашсанг — бедор бўлгин,
Булбул билан бўзлашсанг — хумор бўлгин.

* * *

Ҳар битта полвоннинг тўни бўлакдир,
Ер кўрган куракнинг хуни бўлакдир.

* * *

Юз йил юмалатсанг кимхоб бўлмас бўз,
Ўйлаб топилган шеър — увол кетган сўз.

*Bugun bu dard
buncha tip-tiniq...*

СИР

Чидолмасам тошга айтаман,
Кейин кўмиб ташлайман тошни.
Қават-қават тупроқ тортаман,
Тонг оттирмай,
Қорайтмай қошни.

Оқ қозғоз-да, қалам хавотир,
Тупроқдандир кўнглим менинг тўқ.
Ит-ку вафо, ва лекин, ахир —
Тош бошқача,
Тошнинг тили йўқ...

ИЛТИЖО

Олар бўлсанг,
Ол, Эгам,
Миннатли бу жонингни.
Қиёмат қарз — бир сиқим —
Хаста устихонингни.


Ортиқ умр тиламам,
Нетай фақат рақамни?
Бир нафасга,
Бир дамга,
Қўйиб юбор ёқамни...



БУ ЕРДА...

Бу ёқ жаннат,
Дўзах бу ёнда,
Бу ёқда тун, кун бу томонда.
Соғда зиё, сўлингда зулмат,
Ой фалакда, қуёш осмонда.

Ўнгу чапга бўлмас қайрилиб,
Тўрт томонинг дакки беради.
Ақлу ҳушдан бирдан айрилиб,
Бир адашиб кетгинг келади...



БИР КЕЧА...

Бу дунёда —
Бир кеча —
Алдамадим ўзимни.
Битта киприк қоқмадим,
Юммадим бир кўзимни.

Кечган кеча,
Эртани —
Тутиб савол, сўроққа —
Судраб кирдим ўзимни
Ўзим минг бир дўзахга...

БУ КУНЛАРГА

Бу кунларга қолар куним йўқ,
Дардим бошқа,
Дармоним бошқа.
Бир кулгуга арзимаиди бу,
Арзимаиди бир томчи ёшга.

Бунинг қадди-бўйи-бастни на,
На қучоқ,
На дилинг тўлади.
Аммо-лекин қасдма-қасдига —
Бир келиб, бир кетсанг бўлади.



БУГУН

Ҳар бир ҳарф — чўғ,
Ҳар бир сўз — олов,
Жимлик эса
Қиёмат қойим.
Мен не қилай энди, Худойим?..

БУ КЕЧА

Чақмоқ чақди фалакни,
Тилиб-тилиб ташлади.
Ёмон ёқди юракни
Осмоннинг кўзёшлари.

Тун титради тонггача,
Мен ҳам киприк қоқмадим.
Елдек елиб бу кеча,
Оқар сувдек оқмади...

БУНДА

Юлдузларга қарамас ҳеч ким,
Ўйламайди ҳеч ким гулларни.
Боши эгик, санар ҳамма жим,
Ўтган қуну
Қолган тунларни...

ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ...

Райҳонларнинг бўйлари синиқ,
Шамшодларнинг қадди-бўйи дол.
Бугун бу дард бунча тип-тиниқ,
Шубҳа, гумон,
Йўқ сўроқ, савол.

Тилга кўчмас сўзларни сўзлаб,
Бир бўшатдим кўнгил, юракни.
Ахир қирқ йил яшовдим сизлаб,
Мен бу ерни,
Мен бу фалакни...

ИШҚ

Менга бир йил керак эмас,
Керак эмас бир кун ҳам.
Киприк қоқма, олма нафас,
Бир дақиқа,
Бирор дам.

Ёқ-ёқавер жисму жоним,
Шу ўт билан тўлдиргин.
Агар тўлсам, ўшал они
Жонимни ол,
Ўлдиргин...

САБР


Кечмайдиган кеча йўқ,
Ботмас қуёш, кун қайда?
Бордир тошу тарози
Ўтда, субда... ҳар жойда.

Бу ёлгончи, беш кунлик —
Билмас орқа-олдини.
Сабрнинг ҳам,
Ернинг ҳам
Тагидадир олтини...

ТАҚДИР — ТЎЛА ПИЁЛА

Тақдир — тўла пиёла,
Ичдим қатра қўймасдан.
Байрамларни,
Гуллерни
Қучавердим тўймасдан.

Баҳор ўтди,
Ёз ўтди,
Энди куздан кечаман.
Тақдир — тўла пиёла,
Мен буни ҳам ичаман...



QIZIL LIMUZIN

*Етти дўнглик шахримда
Мен гулимдан айрилдим.
На ўлимни тушунмоқлик,
На ундан қўрқмоқлик айб.*

Нозим ҲИКМАТ

О. хаёллари чувалашиб тўхтади, атрофга аланглади. Бу жойлар унга танишдай, бироқ тор кўчани илк дафъа кўриб туриши. Бир-икки қаватли уйлар, эски, нураган ховлиларнинг бад, қоришиқ бўйлари, эшиксиз-деразасиз деворга бориб тақалган дигриқ — боши берк кўча — ҳамма-хаммаси О.га вақтию кўнглидан олис, чиркин хотираларидан сизиб ўтган аралаш-қуралаш тушларининг антика оламини эслатар эди. Болалик хотираларимикан бу?

Йўк, унинг болалиги бу маҳаллада кечмаган. Балки анча йиллар бурун бу ерга бирор қариндоши, дўсти ёхуд танишиникига меҳмон бўлиб келгандир. Эслай олмади. Уйдан ишхонасига ҳам бу йўллардан ўтиб бормайди. Бунинг устига, кўнглига шаҳарнинг ўзига дахли бўлмаган маҳаллаларида санқиш гулгуласи ҳам ҳеч тушмаган. Унда нега ҳамма нарса кўзига, худди бу ерни қаричлаб ўлчаб чиққандай, таниш туюлади? Вужудини кемирган ташвиш, ғалати бесаранжомлик ҳисси қаердан дориди?

У соатига қаради. Ярим кеча — комендантлик вақти бошланишига жуда оз қолган эди. Имилламай бу ердан — чалкаш, бефайз жинкўчалардан марказий кўчага, шоҳкўчага чиқиш, соат ўн икки бўлмасидан уйига

етиб олиши керак, акс холда патрулнинг қўлига тушиб қолиб, тунни шу яқин атрофдаги комендатурада ўтказиши ҳеч гап эмас.

Балки ҳаммасига ойнинг гўё ўзга дунёлардан бу ерга келгану ғира-ширада хароба тусига кирган иморатлар, чувалган калава ипига ўхшаш тор кўчалар — умуман, кулоқни том битиргудек сукунатга тўла бу ғаройиб макон устидан ҳукм юргизаётган кумуш-бўз ранг нури сабабчидир? Ахир, у маънисиз ва ҳаракатсиз нигоҳини ой нурига тикиб, ойдин йўлакдан беўхшов, аммо тантанали қадам ташлаб бораётган ойпараст эмас-ку! Ҳуши жойида, эсини емаган, вақтни ҳам аниқ билади. Шунга қарамасдан, тушим эмасмикан дея, юрагини сиқаётган, ғаройиб парвоздан дарак бериб турган вазнсизлик ҳолатини ҳис қилиш учун ерга оёқ тираб сакрашга уриниб кўрди. Албатта, бундан бир иш чиқмади. Йўқ, у туш кўраётгани йўқ. У, кўркувдан тонг қотган чоғингда жонсиз оёқларинг бир жойга михланиб қолганидай, учиш ёки бошқа бирор ҳаракатни ҳис қилмаётган эди.

Лекин у бемахалда бу ерларда нима қилиб юрибди? Нега келди бу ерга ўзи, қачондан бери манави нотаниш кўчаларда санқиб юрибди? О. қанчалик тиришмасин, саволларга жўяли жавоб топа олмади. Ичувчи бўлганида ҳам гўрга эди, ҳа, энди мастликда бўлиб туради-да, адашиб, га-дойтопмас жойларга келиб қопти, деса... Ўлганнинг устига тепгандай, юрагида уйғонган ва сал бўлмаса босинқирашу ваҳимага айланаёзган хавотирни айтмайсизми! Хозирнинг ўзида, бир-икки дақиқа ҳам ўтмай даҳшатли бир фалокат рўй берадигандай, кўнгилни алағда килаётган тутқич бермас ҳис...

У кўққисдан ўзининг тор йўлаккли дигрик деворига тикилиб турганини сезиб қолди. О. шарт бурилди-да, йўлак бўйлаб юриб кетди, муюлишга қайрилди-ю, яна тешиқ-туйнуқсиз деворга рўпара келди. Қамалиб қолдим, деган ҳаёл урилди миясига. Лекин зум ўтмай кўзи девордаги энсиз эшикка тушди ва шошиб шу томон юрди. Уни итариб очди, аммо ўйлаганидек, ховлига эмас, худди ановисига ўхшаш бошқа бир тор йўлакка



Атоқли озар адиби Анор 1938 йили Боку шахрида машҳур шоирлар Расул Ризо ва Нигор Рафибейли хонадонида таваллуд топган. 1960 йили Озарбойжон Давлат университетининг филология факультетини, 1964 йили эса Москвадаги Олий сценарийнавислик курсини тугатган.

У “Дантенинг юбилеи”, “Оқ кўрфаз”, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”, “Мулоқот”, “Сизсиз”, каби асарларида замондошлар образини яратишга интилади, аънавий тушунча ва урф-одатларнинг улар ҳаётига таъсирини тадқиқ қилади.

Ёзувчининг эътиборингизга ҳавола этилаётган “Қизил лимузин” асари шитоб билан кечаётган замон ўзгаришларига ҳамнафас бўлай деб бахтини қурбон берган бир зиёлининг ҳаёти ҳақидаги рамзу мажозга йўғрилган маҳзун ҳикоядир.

чикиб қолди. Бирдан елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Шунда у ўзини кўрkitиб юборган нарса узоқдан келаётган элас-элас товуш эканини англади — ўша товушни бўғиқ йиғи-сиғи деб ўйлаган, мана, энди аниқ-тиниқ эшитиб билса, бу, бор-йўғи, мотор шовқини экан. Ўт олдирилган мошинанинг мотори. Бир оз ўтиб мотор қизийдию мошина жўнаб кетади. Аммо... бемахалда, бу ҳам етмагандай, мана бундай тор, танг жинкўчада мошинага бало борми? Хали қораси кўринмаган мошина унинг юрагига яна гулгула солди. Сабабини тузукроқ англаб етмай туриб, унинг кўнглидан бу мошинага илло-билло рўпара келмай, тезроқ қочиб қолиш керак, деган фикр ўтди.

О. қадамини тезлатгани сайин мошина саси ҳам яқинлашиб келаверди — ваҳимага тушиб, қоча бошлади. Қочаркан, мошина тор йўлакдан катта тезликда ўтиб кета олмайди-ку, деган ўй миясида айланарди. Орқадан мотор шовқини жуда яқин келиб қолганини сезди. О. ўзини мажбурлаб ўгирилди. Йигирма қадамча нарида кўчани тўлдириб, устига бостириб келаётган каттакон қизил лимузинни кўрди. Жон ширинлик қилиб, дуч келган эшикни итариб очиб, худди сингиб йўқ бўлиб кетмоқчидай, нафасини ичига ютганча деворга қапишиб олди. Айни чоқда моторнинг овози пасайиб қолди, мошинани ўчди деб тахмин қилиш мумкин эди. Бироқ қизил лимузин тўхтаб қолмаган, фақат тезлиги сусайган эди, холос. У О. қапишиб олган эшикка тобора яқинлашиб келар эди.

...ва гўё мошина салони бўш эканини О. кўриши учун нақд унинг рўпарасига келиб тўхтади. Салон, дарҳақиқат, бўш, бўм-бўш эди. Ҳайдовчининг ўрнида ҳеч ким йўқ.

* * *

У одатдагидай еттига тўғрилаб қўйилган соат зангидан уйғониб кетди. Гарчи дахшатли туш титроғи ўтиб кетмаган бўлса-да, ўз уйида, ётоғида эканини, бутун кўрганлари тушида содир бўлганини англагач, ўзига келиб қолди. Кулимсираб, бош ирғаб қўйди.

Янги кун бошланаётган эди. Ўрнидан туриши, ювиниши, соқол олиши, чой ичиши ва ишга жўнаши лозим. Қилиниши керак бўлган бугунги ишларнинг ҳам кечаги, эртанги, бир йил, ўн йил олдинги, бир йил кейинги юмушлар билан ўхшашлигини эслаб юраги сиқилди. У, гарчи имкони бўлмаса-да, яна бирпас мизғиб олиб, ўзини алдамоқчидай кўзларини юмди, лекин азалий одати панд бериб, тўшакдан туриб кетди: бугун ҳам ҳаётий кўникмасига айланиб қолган кун тартибига риоя қилиши шарт эди.

О. ярим соатлар ўтиб, ўзи сўққабош яшайдиган квартираси эшигини тамбалаб, зинапоядан пастга энарди. У беш дақиқадан сўнг 7-автобустга ўтириб, метро станциясига етиб олиши, метрода эса тўрт бекат юриши, метродан чикиб, ишга, тўғрироғи, иш жойигача яна юз қадамча босиши керак. Ўн саккиз йилдан бери шу ҳолат — бир вақт, бир улов, бир йўналишда айнан такрорланар эди. Дам олиш кунлари, таътиллер, бетоб кунларини ҳисобга олмаганда, ўн саккиз йил...

О. сигарет тутатганча, йўлак эшигидан ташкари чиқаётиб, рўпарасидаги пиёдалар йўлкаси ёнида турган қизил лимузинга кўзи тушди. У бир сап-

чиб тушди, қадамлари сушлашди. Бу ўша тушида кўрган лимузин эканига қасам ичиб, шаҳодат бериши мумкин. Худди тушидагидек, мошина ичида ҳеч зов йўқ. Бирок ойлоқ тушидан фарқли ўлароқ, ҳозир кўча тонги куёш нурларидан чароғон, бу ерда бирор сир йўқ ва, бинобарин, қизил лимузин ҳам бирор хатар туғдирмас эди. Мошинага ўхшаган мошина, бирор авло жойи йўқ, оддий мошиналардай турибди жойида. Балки О. уни кўрган-у, паришонхотирлиги боис эътибор бермагандир, ўша мошина ғайририхтиёрий тарзда ботиний онгига ўрнашиб қолиб, тушига кириш учун пайт пойлаб ётгандир.

Кучаниб ғўриллаганча яқинлашиб келаётган эски автобусни кўрган О. бекат томон иддамлади-да, доимо тирбанд юрадиган бу уловнинг орқа эшигидан туртина-суртина чикиб олди. Шунда беихтиёр автобус деразасидан уйи томон кўз ташлади. Қизил лимузин ҳамон ўша жойда турар эди.

Икки бекатлар юрилгандан сўнг аксарият йўловчилар тушиб, автобус бўшаб қолди. О. бўш жойлардан бирига чўкиб, у ёқдан-бу ёққа шошилаётган одамларга, автобусни қувиб ўтаётган, қарама-қарши тарафдан келаётган мошиналарга, ўзи ёнидан минг марталаб ўтиб-қайтган уйларга паришонхотир термулар, фикрини бир ерга жамлашга уринар эди. Энди у автобусни чап ёки ўнг ёнидан қувиб ўтаётган мошиналарни, худди ниманидир излаётган ёки қутаётгандай синчиклаб кузата бошлади. Миясидаги ғира-шира ўйлар аниқ бир фикрга дўнди-ю, беихтиёр истехзоли кулимсиради: “Излаётганим анави қизил лимузин эмасми? Уни кўрмаганимга ҳам анча бўлди, одам соғинар экан”.

У автобусдан тушиб, ўн қадам ҳам юрмаган эдики, метрога кираверишда йўлкага тақаб қўйилган қизил лимузинга кўзи тушди. Яна мошина ичида ҳеч ким йўқ эди.

О. метронинг ўзиюрар зинасидан эниб борар экан, балки шаҳарга жуда кўп қизил лимузин келтирилгандир, шунинг учун ҳам уларни ҳар қадамда учратаётгандирман, деб ўйлади. Аммо унинг тушларига кириб чиқишини айтмайсизми? У ўзининг зўраки кулимсираганидан ижирғанди. Елкасида енгил бир титроқ турди. “Агар бу ўша мошина бўлса-чи? Мени таъқиб қилиб юрса-я?” Шу асно миясига лоп этиб бошқа бир фикр урди: “Тавба! Таъқиб қилар эмиш! Сенинг кимга керагинг бор?” Шунинг баробарида О. ўша қизил лимузинни яна учратсам албатта рақамига қараб оламан, деб кўнглига туғиб қўйди. “Ўх, демак, сен бу иккаласини ҳам бир мошина деб ўйлаётган экансан-да?.. Оббо, гапини қаранг!”

Мана шундай ғулғула билан андармон бўлиб О. умрида биринчи марта тушиши керак бўлган бекатдан ўтиб кетиб қолсами. Қарама-қарши тарафдан келаётган поездга ўтириб, орғига қайтишга мажбур бўлди. У метродан чиқаётиб, яна қизил лимузинга дуч келди. Бу сафар ажабланмади ҳам, фақат ичида одами бўлмаган мошинанинг рақамига кўз ташлади: “19-91. Танишбилишчилик қилиб олинган номер. Ўтиб бораётган йилга ҳам тўғри келади: 1991 йил. Хўп, нима бўпти шунга?” У елка қисиб қўйди: “Оддий тасодиф”.

У кундалик қатнов йўлининг сўнгги қисмини босиб ўтар экан, ўйлаб қолди: нахотки тахририят олдида ҳам қизил лимузин турган бўлса? Шунини

си ҳам етар. Бундай бўлиши мумкин эмас. Метродан унинг идорасига олиб борадиган бошқа йўлнинг ўзи йўқ. Демак, кизил лимузин уни қувиб ўтиши керак эди. Шунда унинг хайдовчисига кўзи тушган бўларди. Ахир, бу мошиналар ўз холича кезиб юрадиган туш эмас-ку...

У атрофни, ўзини қувиб ўтаётган мошиналарни диққат билан кузатар, лекин на улар сафида, на тахририят биноси ёнидаги автомобиллар орасида кизил лимузин бор эди.

О. лифтда саккизинчи қаватга қўтарилиб, ўз кабинетига кирди. Кабинет деразалари ҳовлига қараган эди. Шу пайтгача эътибор қилмаган экан, лекин ҳозир бундан афсусланди: деразадан кўчага боқиб, ташқаридаги мошиналарни кузатиб ўтириши мумкин эди, кизил... “Йўқ, эсимни еб қўйганга ўхшайман, — деб ўйлади О. жаҳли чиқиб. — Нега шу жин ургур кизил машина ҳаёлимдан кетмай қолди?”

У кунбўйи тахририят ишлари билан банд бўлди: эртан чиқадиган газета саҳифаларини ўқиди, кейинги сонларга мўлжалланган мақолаларни таҳрир қилди, хатлар билан танишди, шулар билан чалғиб, тамадди қилиб олиш ҳам ҳаёлидан қўтарилибди, соат тўртларга бориб, очиққанини сезди. У олтинчи қаватдаги буфетга тушди.

Тасодифни қарангки, буфет деразаси ҳам кўчага қараган эди. О. туш-ликка пул тўлаётиб, беихтиёр деразадан ташқари мўралади. Пастдаги мошиналардан бирининг ранги кизил эди. Эй, ўша бўлмасин тагин?

О. беихтиёр тахминини текшириб кўрмоқчи бўлиб биринчи қаватга тушди-да, кўчага чиқиб, мошинанинг олдига борди ва номерига қаради: 19-91.

О. нигоҳларини кизил лимузинга қадаб, ҳозирок бир фалокат рўй берадигандай жойида тек қотиб қолди. Эҳтимол, кимдир мошина ёнига келиб, унга ўтиришини ва бу нохуш ходисага барҳам беришини кутгандир. Лекин ҳеч кимдан дарак бўлмади.

Иш куни тугаб борар, тахририят олдига қўйилган мошиналарга эгалари келиб ўтирар ва жўнаб кетар эди. Вақт ўтгани сайин уларнинг катори сийраклаша борди. Қолган беш-олти мошина орасида кизил лимузин ҳам бор эди. О. дафъатан ўзининг анчадан бери йўлкада, мошиналар олдида кимнидир ёки ниманидир кутиб турганини сезиб қолди. Энди кутишдан фойда йўқ. Бу ерда эрталабгача қаққайиб турса ҳам нафи бўлмаслиги, кизил лимузинни миниб кетгани ҳеч ким келмаслиги турган гап. Негадир бунга ишончи комил эди. Боз устига, унинг кўнглида ҳозир жўнаб кетсам, уни эрталабгидай уйимнинг эшиги олдида кўришим аниқ, деган ишонч ҳам пайдо бўлди. Нега бу ғалати ишонч миясига ўрнашиб қолди, ўзи ҳам тушунтириб бера олмайди.

О. уйига жўнади. Афтидан, мошиналарни кузатиш жонига теккан, шунинг учун ўтган-кетган йўловчиларга ҳам эътибор бермай қўйган эди. Кўнглида, бу ишлар яхшилик билан тугамайди, деган бир алағдалик бор эди. У худди бегона шаҳарга бориб қолгандай ҳис қиларди ўзини. Табиийки, бу ҳис О.га ёт эмас, кейинги икки-уч йил ичида у ўз шаҳрини таниёлмай қолган эди. Шаҳар тобора бефайз бўлиб бораётгандай, эски ҳамшаҳарлари гўё бошқа бировларга алмаштириб қўйилгандай эди. На

чора. Шаҳарда О.нинг дўстлари, оғайнилари, хатто танишлари кундан-кунга қамайиб борарди. Хатто шаҳардаги бинолар, кўчалар, майдонлар ҳам олдинги файзини йўқотди, хиралашди, тундлашди, дағаллашди. Илгарилари О. уйдан чиқиб юз кадам юрмаёқ албатта икки-уч танишини учратар эди, бугун эса шаҳарни соатлаб кезса ҳам бирор таниши билан салом-алик қилиши дарғумон.

О. ғуссали хаёлларга толганча метрога яқинлашаркан, йўлка бўйида 19-91 рақамли қизил лимузинни кўриб қолди. Бу ерга қачон, қандай қилиб келиб қолди экан? Ахир, тахририятдан метрогача фақат шу йўл билан келинади. О. хозиргина пиёда келган бу йўлда ҳеч қандай қизил лимузин учрамади-ку? Ё ҳар доимги паришонхотирлиги сабаб эътиборсизлик қилдимикан? Нима бўлганда ҳам мошина шу ерда турар, ичида эса яна ҳеч ким йўқ эди.

О.нинг кўнглидаги айқаш-уйқаш хисларни бир ном билан аташ мушкул, аммо уларнинг ёнига яна бир хис — қўрқув келиб қўшилгани аниқ эди. Кимдир атай уни тушуниксиз бир ўйинга тортаётган, бу ўйин у ишга қатнайидиган йўл бўйлаб давом этаётган эди. На чора. О. ичидан гупириб келаётган ғазаб аралаш, майли, ўйин бўлса, ўйнаганим бўлсин, лекин унинг қоидасини, рақибларим кимлигини билишим, ҳеч қурса, қўришим керак-ку, дерди ўзига-ўзи. У метро вағонида шу ҳақда ўйлаб кетди. Демак, “улар” О.нинг қатнов йўлидан хабардор... Изига тушишган, хўш, бунинг нима қийин жойи бор? Бу уларнинг қўлидаги кузир. Ким экан ўшалар? Билганида борми? Балки ўшанда ўйин бошқачароқ бўлар, унинг қоидаси бўйича ўйналармиди? “Майли, кузир уларнинг қўлида бўлса, ўйинни бузиш менинг қўлимда. Ҳозир ҳар доимгидай метронинг ўзим тушадиган бекатидан чиқсам, ўша қизил лимузинни кўришим аниқ. Мен эса тўртинчи бекатдан эмас, иккинчисидан... чиқаман”. Нега айнан иккинчисида эканини О. метродан кўчага чиқиб англади. Бир замонлар у деярли ҳар куни метронинг айнан шу станциясидан чиқар, аммо икки йилдан буён бу ерларда қорасини кўрсатмас эди. Метронинг шундоқ ёнгинасида қотиба яшарди. Ҳамма бало шунда экан.



* * *

Қотиба ҳам тахририятда ишлар эди. Кунлардан бир куни, тўғрироғи, бир туни қотиба билан О.нинг газета сонига навбатчилиги тўғри келиб қолди. Улар ярим кечаси газетани топшириб, кўчага бирга чиқишди. Табиийки, О. уни уйигача кузатиб қўйди. Ундан-бундан, ишдан, ходимлардан, об-хаводан, турмуш ташвишларидан гаплашиб кетишди. Бирга ишлаётганига бир йил бўлса-да, ҳали бирор марта бунга ўхшаш кўнглига эрк берадиган вазиятга тушишмаган эди. Энди эса бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида валдираб, негадир иккаласи ҳам бу кеч бир-биридан айрилмаслигига ишонар эди. Йўқ, фақат бугун, фақат бир кеча эмас (Бунга кейинчалик қотиба ҳам иқрор бўлди).

Котиба навнихол, диркиллаган, гўзал, бу ҳам етмагандай, бир ўзи турар эди. О. эса бўйдоқ. Хозиргидай. Хар доимгидай. Шу воқеа рўй берганига ҳам беш йил бўлибди. Демак, ўша пайтлар О. беш ёшлар ёшроқ экан-да.

Котибанинг камтарлигини ҳисобга олсак, у қилган нимишора, нимтаклиф ва нимдаъватларни, бир пиёла чойга кирсангиз, деб тушуниш мумкин эди. О. эса ниятига етиш учун атайин чўнтақларига шапиллатиб уриб, китмирлик қилди: гугурт факат уйда бўлишини била туриб, котибадан гугурт сўради. Лекин гап бунда эмас, мухими, ўша сўлим кеча уларнинг бир-бирига айтган сўзлари ҳам, қилган имо-ишоралари ҳам — ҳамма-ҳаммаси табиий ва ярашиқли эди. Кеч бўлиб қолгани эсларига тушганида метро аллақачон ёпилган эди.

О. котибаникида ётиб қолишга мажбур бўлди, бу ҳам табиий бир йўсинда кечди. Ошиқ-маъшуқлик уч йил давом этди. Бу орада улар бир-биридан тўйган, ҳатто бир-бирининг жонига теккан ҳам эдики, иккаласини боғлаб турган кўринмас ришта асаб толасидай таранглашиб, оғриқсиз узилар ҳолатга келган эди. Гапнинг индаллоси, хар нарсанинг интиҳоси бор. Шунинг учун бўлса керак, котиба — ташландиқ бўлишни хоҳламай — тахририятдан бўшаб кета қолди. Ишдан кетганидан сўнг орадан бир ой ўтиб, О. кўккисдан уни йўқлаб борди.

Котибанинг уйига меҳмон — янги иш жойидаги дугоналари келган экан. У О.ни совуқ қарши олди, шу сабаб одоб юзасидан бирпас ўтириб, хайр-хўшлашиб кета қолди. Орадан бир ҳафта ўтиб, уникага яна келди. Бу сафар котиба уйида йўқ экан. Кейинчалик яна бир бор йўқлади — тополмади. Шундан сўнг яна эски тегирмон тоши айланиб кетиб, ишга кўмилди-қолди, котибани унутди.

Бу айрилиқ уни на қийнади, на азоб берди. Юраги ақалли қилт этмади, кизни деярли соғинмай қўйди. У бир ўзи яшашга ўрганиб кетган, ёлғизликдан азият чекмас эди.

О. баъзан аёллар билан танишар, дон олишар, уларни уйига етаклаб келар ёки уларникига меҳмонга борар эди. Табиатан камгап бўлгани учун танимайдиган бирортаси у билан бирга ўтириб қолса, зерикканидан “тарс” ёрилиб кетай дер эди. Шунинг учун у билан таниш-билишлик, нари борса, бир-икки соат давом этарди. О. танишини ойлаб эсламаслиги ҳам мумкин эди.

У иккинчи бекатда тушиб, метродан чикди, лимузин-пимузин дегани йўқ. Бундан ажабланмаса ҳам бўлади: унинг бу ердан чиқиши кимнинг хаёлига кепти дейсиз? Бу фикр ўзининг ҳам миясига тасодифан келиб қолмадими, ахир!

Оёқларининг ўзи уни эски одатга биноан котибанинг уйига бошлаб келди. Мана таниш зинапоя, иккинчи қаватдаги пиллапоялардан бирининг кемтиги бор, қоқилиб, пешонангни ғурра қилгинг келмаса, эҳтиёт бўлганинг маъкул. О. учинчи қаватга чиқиб, худди кечагина бу ердан кетгану орада икки йиллик айрилиқ бўлмагандай эшик қўнғироғини босди.

Эшик ортида кадам товуши эшитилди ва:

— Ким у? — деган овоз келди.

У жавоб берди.

Эшик очилди. Котиба О.ни кўриб хайрон бўлди.

— Сенмисан? Қандай шамол учирди?

У, шу яқин атрофда бир ишим бор эди, бирйўла сени ҳам кўриб кетай дедим, деб минғирлади. Улар ҳамон остонада туришар эди. Ниҳоят қиз уни ичкарига таклиф қилди.

— Кир, — деди қиз. — Фақат, айбга буюрмайсан, уй тўзиб ётибди. Меҳмон келишини кутмаган эдим.

Хона ғариб бир аҳволда эди. Бўм-бўш, жиҳозсиз. Фақат деворда бир тошойна қолган. Сурат чорчўпи осилган миҳлар, ранги ўнгиб кетган гулк-оғозли деворда йиллаб осилиб турган ўша суратлар ўрни қора из бўлиб қолган эди. Хона кунжагидаги картон қутиларга китоблар жойланган, қутиларга сизмаганлари ерда, дераза рафида сочилиб ётар эди. Девордаги ойна О.га котибани суйган онларини эслатди, у бўлса О.нинг ойнага тушган нигоҳидан хаёлига нималар келганини уқиб олди. Хона бурчагидаги паркет ранги полнинг бошқа жойларидан бўлакча эди. Ердаги қора тўртбурчак улар бир-бирини суйган каравот ўрни эди. О. ҳатто пуржиналар ғичир-ғичирини ҳам эшитгандай бўлди.

— Хайрлашгани келдингми? — деб сўради котиба чўзилиб кетган ўнғайсиз жимликни бузиб.

— Хайрлашиш деганинг нимаси? — таажжубланиб унга қаради О. — Ё кўчяпсанми?

У тасдиқлаб бош ирғади.

— Уйингни алиштирдингми?

— Йўқ, ватанимни.

О. бирпас жимиб қолди-да, сўнгра гап қотди:

— Нима ҳам дердим. Ҳозир бу урф бўлган... Сир бўлмаса, қаерга?

— Узоққа, — ним табассум қилди қиз. — Бошқа қитъага, океан ортига.

О. котибанинг онаси жуҳуд бўлганини, Америкада қариндошлари, хола-сими, тоғасими борлигини эслади. Буни унга қизнинг ўзи айтган эди.

— Қачон кетяпсан?

— Индинга, — деди у. — Ҳамма нарсани сотдим, бугун каравотни ҳам олиб кетишди. Энди ерда ётиб ухлашимга тўғри келади.

— Мана бу китоблар-чи?

— Уларни эртага олиб кетишади. — Кейин бирданига эсига тушиб қолди. — Ошхонадан иккита истакан топилади. Ҳозир сенга чой кўйиб бераман.

— Керага йўқ, — деди О. Лекин котиба ошхонага чиқиб бўлган эди.

О. метро станциясига қараган дераза ёнига келиб кўчага тикилди. Кейин ўзининг ойнадаги аксига кўзи тушди: юзи салқиган, ажинли кўзлари остида халтачалар, сочи оппоқ. Йўқ, унга сочи оқармаган, аксинча, моғорлаб кетгандай туюлди.

У қўлига илинган китобни олиб паришонхотир, ҳеч бир мақсадсиз варақлар, қайтиб жойига қўяр эди. Эски энциклопедиялар, кўп томликлар, лугатлар, маълумотномалар дегандай. Уларнинг орасида нодир китоблар ҳам кўриниб қоларди. Кўп саҳифаларнинг ҳошиялари қаламда

қўйилган белгилар билан тўлиб кетган, матннинг ўзида эса тагига чизик тортилган жойлар бисёр эди. Бу китоблар енгил-елпи ўқилмагани шундоқ кўриниб турарди.

Котиба ошхонадан иккита суянчиқсиз курси келтириб, биттасини О.га узатди:

— Ўтир.

Яна қайтиб бориб, бир истакан чой билан қанддон олиб келди-да, иккинчи курсига қўйди.

— Жуда бой кутубхонанг бор экан, — деди О. — Билмаган эканман.

— Сен нимани билардинг ўзи? — деди ҳазил аралаш қўл силтаб котиба. — Ота-онамдан қолган... Баъзи китобларни кейинчалик ўзим сотиб олганман...

О. эътибор қилмай, бош чайқади.

— Сенинг хаёлинг доим бошқа ёқда бўлар эди. Остона ҳатладинг дегунча менга тирғалиб, тўшакка тортар эдинг. Ишинг битгандан кейин эса қочиб қолишни ўйлаб тинмай соатингга қарар эдинг. Мен эса сени бундай ноқулай вазиятдан қутқариш учун: “Шошиляпсан, ишинг борми дейман?” дер эдим. Сен бўлсанг: “Ҳа-ха, зарур бир ишим бор, кетмасам бўлмайди”, деб жуфтакни ростлаб қолар эдинг.

О. ҳам эслади: доим шундай бўларди, бу ҳақда кўп гаплашилган ўша пайтлар, аммо иккови ҳам ҳозиргидай бефарқ эмас эди. Бора-бора суҳбатлари зерикарли, аччиқ-тиззиқ тус ола бошлади, улар аста-секин бир-биридан совишига, эҳтимол, шу ҳам сабаб бўлгандир. О. ўша эски, мутлақо бемаъни суҳбатларни эслашни сира истамасди. У “пластинка”ни ўзгартирди.

— Ҳошиядаги белгиларни отанг қўйганми? — деди у қаламда қўйилган белгиларни кўрсатиб.

— Баъзиларини отам, баъзиларини эса онам... — деди котиба жилмайиб. — Ҳарқалай, мен қўймаганман.

— Отанг инглизчани билармиди?

— Ҳа, немисчани ҳам. Форсчани ҳам.

— Бу китобларни кимга қолдириб кетяпсан?

— Уларни сотдим.

— Сотдинг? Кимга?

— Ҳар кимга. Бировни бир хил китоблар қизиқтиради, бошқаларни — бошқаси.

— Ачинмайсанми? Ахир, уларда ота-онангнинг қайдлари бор-ку...

— На чора? Гап билан қорин тўймайди. Ота-онам ҳам, китоблари ҳам ўлиб кетди. Менинг бўлса ҳали яшашдан умидим бор.

— Китобларни ҳам ўлди деяпсанми? Қанақасига?

— Нимасини тушунмайсан? Мана шу китобларни ўқиган, йиққан, улар ҳақида ўйлаган ва ҳаётининг бир бўлаги деб ҳисоблаган одамлар ўлса, китоблари ҳам улар билан бирга кетади, яъни китоб ҳам қазо қилади. Янги хўжайин қўлига ўтгач, улар энди аввалги китоб бўлмай қолади. Баъзи бировлар китобсиз яшай олмайди, лекин мен улар хилдан эмасман, — ҳазил қилди қиз. — Кўриб турганингдай, уларсиз ҳам бинойидай яшаб юрибман. Мен кўп нарсасиз яшашим мумкин.

- Масалан, ватансиз ҳам, — деди О. атай чақиб олиш учун.
- Масалан, муҳаббатсиз ҳам, — деб қўйди котиба маъюс охангда.
- О. авваллари котибани бунақа аҳволда кўрмагани учун қизиксиниб қаради.
- Лекин, — давом этди котиба бир оз жимликдан сўнг, — китобни, уни ўқишни, ўйлашни яхши кўраман... Мазмунини эмас, умуман, у ҳақда ўйлашни... Мана, қара: шу китобларнинг қанчаси эллик йиллаб сен билан бирга яшайди, менга улар токчаларда ёнма-ён тураверганидан бир-бирига ҳам ўрганиб қолган, баъзан ичидаги фикрлар биридан иккинчисига ўтгандай, қахрамонлари кечаси ҳамма уйқуга кетганда бир-бириникига меҳмон бўлиб боргандай, суҳбатлашгандай, баҳслашгандай, жанжаллашгандай туюлади. Худди мен билан сенга ўхшаб, уларнинг ҳар бири — бир олам.
- Биз жанжаллашмаганмиз.
- Ҳа, тўғри. Энди бунинг аҳамияти йўқ... Ҳарқалай мана шу китоблар бир оила эди. Энди бўлса улар бир-бири билан хайрлашмоқда, чунки оила тарқаб кетяпти. Эртага улар бир-биридан узокда, шаҳарнинг ҳар тарафида, бошқа-бошқа одамлар қўлида бўлади. Бошқа ҳеч қачон кўришмайди.
- Котиба жим қолди ва қўшиб қўйди. — Худди мен билан сендай.
- Раҳминг келяптими? — деди О. китобларни назарда тутиб.
- Йўқ, энди келмаяпти, — деб жавоб берди котиба ўзи билан О.ни назарда тутар экан.
- Ҳали шунақаман де? — деди О. хаёлчан. — Нега олдинроқ бунақа гаплашмагансан... мен билан?
- Эсингда бўлса, сен бу ерга гаплашгани келмас эдинг.
- Жаҳлинг чиқмасин...
- Ё гапим ногўғрими? Ишда ўта расмий гаплашардик, билмадим, менгами ёки ўзинггами гап тегишидан кўрқар эдинг, уйда эса... Хаёлингга бошқа нарса келмасин, мен ҳозир фақат ўша вақтни эсладим. Сенга ҳеч қандай даъвом йўқ... Ҳатто, даъвом бўлиши кулгили-ку... Оқар сувлар аллазамонлар оқиб кетди...
- О. бу ёққа келаётганда шу гаплар хаёлида ҳам йўқ эди, лекин илқис уйғониб кетган хотиралар унинг котибага бўлган майлини яна кўзгаб юборди ва улар ҳеч қачон бир-бирини мана шундай шип-шийдам деворлар орасида, бўм-бўш ерда... сочилиб ётган китоб ва газеталар орасида суймаганини ўйлаб хаёли қочди. Кўнгли суст кетиб, котибанинг ёнига борди, қучмоқчи бўлди, бироқ у мулоим, аммо кескин қаршилиқ кўрсатди.
- Кераги йўқ, — деди котиба, — оқар сувлар оқиб кетди. Олдинлари сени эслаб турар эдим, лекин кейинги пайтларда тушларимга ҳам кирмай қўйдинг. Кетиш олдидан сен билан хайрлашиш истаги юрагимга ўрнашиб қолган экан. Хаёлимдан кўп марта ўтган бирор истак юрагимга ўрнашса, амалга ошмай қолмайди. Мана, ўз оёғинг билан келиб ўтирибсан. Ростдан ҳам кетаётганимни эшитмаганимдинг?
- Эшитганим йўқ. Тасодифан кириб қолдим. Бир ишим бор эди...
- Қанақа иш экан?
- О. қизил лимузинни офзидан гуллаб қўйишига сал қолди, лекин тилини

тийди: нимани ҳам айтарди? Шу бугуннинг ўзида битта мошинани икки-уч марта кўрганиними? Нима бўпти шунга? Кўрса кўрибди-да.

Колаверса, котиба ўзидан жуда узоқлашиб кетган эди. О. билан худди бошқа дунёда туриб гаплашгандай гаплашди.

О.нинг кўнглида бирдан ўзига бефарқ қараб турган ойнани чил-чил синдириш истаги бош кўтарди, бироқ тошойнани синдириш бахтсизлик келтиришини айни вақтида эслаб қолди. У шу тобда на ўзининг, на котибанинг бахтсизлигига рози эди. Балки котиба ҳали сиртида О. икковининг акси совиб улгурмаган муҳаббатлари тошойнасини ҳам сотгандир: уни ҳам бошқа уйга олиб кетиб, бир бегона деворга осиб қўйишар, балки шунда у совуқ сиртида бошқа ҳаёт, бошқа бир муҳаббатни акс эттирар.

Фақат хайрлашишса бўлди, энди О.ни товушу овозлар мозорига айланган бўм-бўш хона билан боғлаб турган нарсанинг ўзи қолмаганди. Кетиш керак. У гарчи қайта кўришиш ҳеч қачон насиб этмаслигини билиб турсада “Майли, омон бўл. Балки яна қачондир, каердадир кўришиш насиб этар”, деди.

О. остонада котибанинг пешонасидан ўпиб, зинапоядан эна бошлади. Иккинчи қаватда кемтик зина борлиги эсидан чиқибди, қоқилиб кетиб, йиқилишига оз қолди. Бошини кўтарди. Котиба зинапоя супасида турар эди. О. тепага қараганида қўл силкиб қўйди. Жилмайгандай туюлди. У йўлида давом этди, тепадан ёпилаётган эшикнинг ғийқиллаши эшитилди. Бу ғийқиллаш қаравотнинг инграган пуржиналарини эслатди, шундагина у котиба билан видолашганини аниқ ҳис қилди. Дафъатан яна шуни ҳам тушундики, гарчи йиллаб кўришмаган бўлса-да, котиба шаҳардаги яккаю ягона якин одами, қизил лимузидан фақат унга гап очиши мумкин экан.

Шунда олдига қайтиб бориб: “Кетма, оила қураимиз, бирга яшаймиз, китобларингни ҳеч кимга сотмаймиз” ёки “...ҳеч бўлмаса, фақат шу кеча бирга бўлайлик, ерга китобларни тўшаймиз, эски газеталарни ёпинамиз, бир-биримизнинг пинжимизга кириб, бор дунёни унутамиз”, деб айтсаммикан деган фикр келди миясига.

Лекин бунинг иложи йўқ эди: ҳаммаси ҳал бўлган, энди ҳеч нарсани ортга қайтаролмайди, бунга акли етиб турибди.

О. кўчага чиққанида қизил лимузин шундоқ эшик олдида метин қоядай савлат тўкиб турганини кўрди. О. ажабланмади ҳам, қизил лимузин уни шу ерга ҳам топиб келгани табиий, оддий бир гапдай, худди шундай бўлиши керакдай эди назарида. Юрагида ҳадик-хавотир йўқ. Бамайлихотир метро томон юриб кетди. Ёмғир шивалаб ёғарди. Гўё бегонадек бўлиб қолган шаҳарда фақат ёмғиргина унга таниш эди. Ҳамма, ҳамма нарса бегона, бутунлай ўзгариб, файзини йўқотган эди. У тунд осмонга қаради, булут қоплаган осмонгина унга таниш эди, таниш осмондан таниш ёмғир ёғар эди. Назарида бу ёмғир ўтмишдан, мангу бой берилган ўтмишдан ёғаётган эди.

О. метродан чиқиб, автобусни кутиб ўтирмай, уйига яёв жўнади. Ёмғир ҳалиям ёғаётган эди. Мана, у ҳозир яна бир оз юргач, уйининг эшигида қизил лимузинни кўради, албатта кўради.

Аmmo уйга етди ҳамки, на кизил, на қора мошина кўринди, уй олди бўм-бўш. “На чора, — ўйлади у. — Ўша мошинани тушимда кўраман энди”.



У тонг-сахар соат тўрт яримда тўсатдан уйғониб кетди. Соат занг чалинадиган эрталабки еттини кутиб, чиқиллаб вақт санар эди. Бироқ О. соатига қараб, хозироқ жойидан туриши кераклигини англади. У ўрnidан туриб, дераза ёнига борди. Кўнгли сезган экан: сахарнинг хилват кўчасида, уй эшиги олдида кизил мошина турар эди. Қизил лимузин...

О. энди нима қилиш кераклигини яхши биларди. У ваннахонага кириб чўмилди, шошилмасдан соқол олди, тоза оқ кўйлагини, дазмолланган кўча костюмини кийди, энг яхши бўйинбоғини тақди, туфлисини ялтиратиб артди.

Ташқарига чиқиш олдидан хонани кўздан кечирди. Бўм-бўш хонани шовқинга тўлдириб чиқиллаётган соатни тўхтатиб қўйсамми, деб ўйлади, лекин бу фикридан қайтди. Энди бунинг нима фарқи бор?

Унчалик чеккиси келмаётган эди, чекмай қўя қолди, чунки “сўнгги сигарет, фалон-писмадон” қабилидаги сафсата гаплар эсига тушиб кетди. О. шошмай зинадан тушиб, кўчага чиқди.

Кўча бўм-бўш, қоронғи эди. Асфальтнинг баъзи жойларида кечаги ёмғир қўлмақлари қорайиб кўринар эди.

У кизил лимузиннинг олдида борди. Мошинанинг эшиги қулфланмаганини билар эди.

Эшик чиндан ҳам қулфланмаган экан. У эшикни очди ва рулга ўтирди. У мошинанинг калити ҳам жойида эканини билар эди.

Калит жойида экан.

О. нотаниш кўчага, нотаниш уйларга, таниш осмонга назар ташлади.

Тиниқ осмон ҳаво очиқ бўлишидан дарак берар эди.

У калитни буради.

ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ:

“Бугун соат чамаси бешларда N. кўчасида автомобил портлаб кетди. Мошинанинг ўт олдириш қулфига портловчи мослама уланган, деган тахмин бор. Портлатгични ким ўрнатгани, мошина кимга тегишли, унга ўтирган, таниб бўлмайдиган даражада қуйиб кетган жасад кимники экани хозирча маълум эмас. Суриштирув ишлари бошланди”.

ФАХРИЁР таржимаси

Умарали НОРМАТОВ
Хамидулла БОЛТАБОЕВ

YANGILANAYOTGAN ADABIY JARAYON

Умарали Норматов: Шоир айтмоқчи, чархи кажрафторнинг фожеий бир шеваси билан мамлакатимиз тарихининг 130 йиллик йўли мустамлака шароитида — аввал хоризм, сўнг қизил империя истибдоди остида кечди. Империя сиёсати зуғуми, айниқса, маънавият, фан, таълим-тарбия, маданият ва адабиёт соҳасида оғир асоратлар қолдирди. Шўро даврида миллий адабиётимизга “кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий қисми” деб қаралди, унинг салкам етмиш йиллик тараққиёти Кремлда ишлаб чиқилган адабий сиёсат, қатъий маъмурий-сиёсий йўл-йўриқлар назоратида бўлди. Бугина эмас. Адабиёт ҳақидаги фан — миллий адабиёт тарихи, адабиёт назариясини ўрганиш, ўқитиш ҳам Москвада тайёрланган ўқув дастурлари, назарий қўлланмалар, дарсликлар андозасига мос тарзда олиб борилди. Марксча-ленинча методология, коммунистик партиявийлик, синфийлик принципларидан заррача четга чиқиш, миллий адабий ҳоди-

саларни ўзгачароқ тарзда талқин этишга уриниш катта айб саналар ва бунга журъат этган ижод ёки илм аҳлининг боши дорда эди ўша машъум замонларда... Бизнинг авлод бевосита шохид бўлган Сталин вафотидан кейинги “эрувгарчилик” шароитида рўй берган кўргиликлар ҳам аввалгисидан қолишмайди.

Ниҳоят, 1991 йил 1 сентябрда истибдод деб аталган мудҳиш жараёнга чек қўйилди. Миллат тарихида янги саҳифа очилди. Бугун янги тарихнинг иккинчи ўн йиллигида яшаяпмиз. Барча жабҳаларда бўлганидек, адабий муҳитда, адабиёт фани, уни ўрганиш, ўқитиш бобида улкан бурилиш, туб янги жараёнлар бошланди. Энг муҳими, яккаҳоким мафкура, истибдод адабий сиёсати зуғумларидан халос бўлди; миллий адабиётимиз тор қобиққа, боши берк кўчага кириб қолган “совет адабиёти”, “социалистик реализм адабиёти” доирасидан чиқиб, тараққий-парвар замонавий жаҳон адабиёти ўзларига тушиб олди. Бугунги адабий жа-

раён ўз инон-ихтиёри, ички қонуниятлари асосида эркин, табиий ривожланиш йўлидан бормоқда. Миллий адабий-танқидий тафаккурда ҳам жиддий эврилишлар кечаётир, илмий-назарий парадигмалар ўзгарди, адабий ҳодисаларга миллий гоё ҳамда хилма-хил умуминсоний фалсафий-эстетик мезонлар асосида ёндашила бошланди. Шўро даврида топталган миллий адабий қадриятларни тиклаш, миллий адабиётимиз тарихини ҳаққоний, холис ёритиш, хусусан, тасаввуф ва жадид адабиётини ўрганиш, шулар асосида дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш йўлида кўп хайрли ишлар қилинди. Айни шу йилларда “мустақиллик даври ўзбек адабиёти” деб аталган янги адабий ҳодиса қарор топди, бу ҳодиса бугунги кунда тадқиқотчиларимизнинг диққат марказида турибди. Қисқаси, мақтанса арзигулик савоб ишлар қилинмоқда.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг муҳим жиҳати шундаки, миллий менталитет, ўзига хослик билан баробар уларнинг жаҳон андозаларига қанчалик мос келиши ҳам назарда тутилмоқда. Ана шу нуқтаи назар бадиий адабиёт ва адабиёт илмига ҳам дахлдордир. Таассуфки, бугунги миллий адабиётимизда кечаётган жараёнлар, адабиётимиз тарихини ўрганиш ва уни ўқитиш, адабиёт назарияси бобидаги изланишларимизнинг савияси, уларнинг илмий-эстетик кўлами бугунги жаҳон адабий-танқидий тафаккури даражасидан туриб қараладиган бўлса, кўнгил тўлмайдиган жиҳатлари анчагина, очигини айтганда, хийла ачинарли...

Ҳамидулла Болтабоев: Яқин тарихимиздан маълум бўлишича, миллат “чархи кажрафторнинг фожеий бир шеvasи билан” гина эмас, балки ўзининг ланжлиги, курашга чоғланмаслиги, борингки, уқув-сизлиги сабабли ҳам 130 йил мустамлака даврида яшади. Собиқ Иттифоқ шароитида ҳам “тенглар орасида тенг” бўлиб эмас, бошқа миллатларга нисбатан бўйнимизни қисиброқ кун кўрдик, “яшасинчилик”ка осонгина жўр бўлдик. 1937 йилги қизил қатағонда кўп қурбон берган ҳам, миллат гулларини “отиб беринг” дея “мил-

латлар отаси”дан сўраган ҳам биз бўлдик. Энди “чин, янги тарих”нинг иккинчи ўн йиллиги ўрталарига келиб ҳам ўз фожиамизни англашимиз қийин кечяпти...

Табиийки, йиллар давомида кўп ўзгаришлар бўлди. Шўро мафкураси ўз моҳиятини йўқотди, комфирқа ваъда қилган ҳаётга эришиб бўлмади, Иттифоқ тарқаб кетди, бутун дунё пролетарлари бирлашмади, шўроларнинг олий нияти — коммунизм қурилмади. Шунда ҳам биз — эргашишга осон ўрганганлар ўзимизни янги-ча миллат моделини яратаётгандек ҳис қилиб коммафкурадан тозалаб улгурилмаган вакуумга нималарнидир тиқиштирмоқчи бўлдик. Ниҳоят, мустақиллик даври адабиётининг тамойилларини излаш баробарида *мустақил адабиёт* деган деворга бошимизни урмоқчи бўлдик. Бироқ не қилайликки, мана шу янги давр адабиётининг бешигини тебратганлар ҳам шўро давридаги етакчи адиблар — Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов... лар бўлди. Бироқ мустақиллик даври адабиётини биз мустақил (мафкурадан, тамадан, илинждан холи) адабиёт деб айта оламизми? Менимча, биз излаётган назарий тамойилларнинг бир учи ҳам ана шу саволга бориб тақалади. Устоз, сиз куюниб айтаётган “танқидчиликнинг илмий-эстетик кўлами” ҳам нафақат Россия ва бошқа ўлкалардаги назарий ишлардан беҳабарлигимиз, балки ўзингиз ачиниб тилга олгандай, яратилаётган миллий адабиётимиз дурдоналарини ҳам ҳазм қила билмаётганимизда, уларнинг профессионал холис тадқиқотчиларига айлана олмаётганимизда кўринади.

Умарали Норматов: Адабиёт назарияси ва ҳозирги ўзбек адабиётига оид китобларимизни рус ҳамкасбларимиз томонидан яратилиб, кейинги йилларда чоп этилган айрим фундаментал асарларга, чунончи, “Теория литературы” (*Том IV, “Литературный процесс”, 2001*), икки жилдлик “Теория литературы” (2004), икки жилдлик “Современная русская литература” (2006) деб номланган ўқув қўлланмаларига қиёслаб кўрайлик.

Ҳамидулла Болтабоев: Сиз ҳавас билан тилга олаётган назарий китобларни мутолаа қилиш баробарида бундай фундаментал асарларни нечта ўзбек олимни ёки адиби ўқиган экан, деган савол мени кўпроқ ўртайди. Ҳолбуки, 2001-2006 йилларда Россияда биргина “Адабиёт назарияси”га оид йигирмадан ортиқ муаллифнинг асарлари чоп этилди, улар қаторига Интернет сайтларидаги шу мавзудаги юздан ортиқ материалларни қўшсак, зиммамиздаги профессионал китобхонлик бурчини яна бир бор эсга олишга тўғри келади. Бизнинг адабиёт-шунослигимизда эса улар билан қиёслашга арзиғулик назарий адабиётларнинг ўзи йўқ. Сиз тилга олган назарий манбалар қаторига Ҳотам Умурувнинг “Адабиёт назарияси” (2002) ёки раҳматли Тўхтамурад Бобоевнинг “Адабиётшунослик асослари”ни (2002) қўйиш анчайин хижолатпазлик бўлади, холос. Устоз Иззат Султон номи билан 2004 йилда чоп этилган дарсликда эса, тўғри, 1980 йилги нашрдаги гап-сўзлар йўқ, ҳар қадамда “марксизм классиклари”дан иқтибослар келтирилмаган, бироқ масалаларнинг қўйилиши, талқини, китоб тузилиши, асл моҳият ўшаёша “эски ҳаммом, эски тос”. Сўз санъати, бадийят олами янгича идрок этиш, англашга рағбат сезилмайди.

Умарали Норматов: Н.Тамарченко таҳрири остида чиққан “Адабиёт назарияси” эса муаллифлар изоҳи, “Кириш” бобидан тортиб уч қисм, улардаги боб ва фаслларнинг номланиши, масалаларнинг қўйилиши ва талқин этилиши, масала ва мавзуга доир асарлар, умуман олганда, бадий ижодни англаш тарзи, асарлар “ички дунёси” моҳиятини очиш, матнларнинг ихчам ва теран таҳлили — барча-барчаси янгича, ўтган асрнинг 40-90-йилларида чиққан адабиёт назариясига оид дарслик, ўқув қўлланмаларидан тубдан фарқ қилади.

Қўлланма муаллифлари узоқ йиллар унутилган ёки менсимай қаралган бой назарий мерос — Б.Томашевский, айниқса, А.Веселовский, М.Бахтин, С.Бройтман, Ю.Лотман каби олимлар қарашларига, хусусан, В.Кайзернинг қайта-қайта

чоп этилган “Das sprachliche Kunstwerk” китоби тажрибаларига таяниб, ўзларининг мустақил илмий концепцияларини илгари сурган, ўзига хос назарий моделни яратган: гоҳ “формал мактаб”, гоҳ “социологик метод” томон оғишлардан қочиб, адабий ҳодисага ҳам хилма-хил, ҳам яхлит ҳолда ёндашиш йўлини топган. Китобнинг “Бадийий дискурс назарияси”, “Назарий поэтика” ва “Тарихий поэтика” тарзида уч қисмдан иборат қилиб тузилиши бадийий адабиёт назариясига оид барча муҳим жиҳатларни қамраб олишга имкон берган. Биринчи қисмда семиотика, шунингдек, бадийий ижод, адабиётнинг эстетик ва коммуникатив функцияси муаммолари, иккинчи ва учинчи қисмларда эса бадийий адабиёт санъат тури экани текширилади; асосий этибор поэтика масалалари, тушунчаларига қаратилади; энг муҳими, поэтика тушунчаларининг, бадийий мезонларнинг замонлар оша бетиним ўзгариб, янгиланиб бориш манзараси кўрсатиб берилади. Китобнинг шахсан менга маъқул тушган энг муҳим жиҳати шуки, назарий тушунча, мезонларга қотиб қолган “догма”, “ўзгармас қонун” деб қараш, талқинларни узил-кесил ҳукм деб даъво қилиш йўқ; кўтарилган муаммолар бўйича муаллифлар бой маълумот, янгича концепцияларни тақдим этиш билан баробар, китобхонни баҳс-мунозарага, ижодий фикрлашга ундайди. Бу жиҳатдан тарихий поэтикага оид учинчи қисм (2-том), айниқса, диққатга сазовор.

Муаллифлар тарихий поэтика қисмини синкретизм даври поэтикаси, эйдетик — аъъанавий поэтика ва, ниҳоят, бадийий модаллик поэтикаси тарзида уч даврга ажратади. Аввалги дарслик, қўлланмалардаги адабий оқим, ижодий методларга оид талқинлардан фарқли ўлароқ, бу борадаги ўзгариш, янгиланишлар бадийий тафаккурдаги, асар поэтикасидаги янгиланиш тамойиллари тадқиқи орқали кўрсатилади, айниқса, илк реализм, аналитик реализм, ниҳоят, модернизм жараёнининг ички оқими гоёт синчковлик билан таҳлил қилинади, бадийий модаллик поэтикасидаги янгила-



ниш — жараёнларнинг деканонизациялашуви, яъни каноннинг бузилиши, ички мезон канонининг ўзгариши табиий равишда бадиий ижодда туб ўзгаришларга олиб келгани теран руҳда очиб берилди. Энг муҳими, модерник тамойиллар етук, яъни аналитик реализм бағридан, чунончи, Ф.Достоевский романларидаги полифония — кўп овозли тасвирдан униб чиқиб, М.Пруст, Ж.Жойс, У.Фолкнер, В.Вульф, Ҳ.Хессе каби улкан модернист адиблар ижоди орқали қудратли “онг оқими”га, персонажлар эса аввалгидек шунчаки “характер” эмас, “образ — шахс”-га (М.Бахтин) айланиши манзараси жонли гавдалантириб берилди.

Ҳамидулла Болтабоев: Адабиёт назариясининг вазифасини бадиий адабиётнинг ижтимоий функциясини англашдан иборат деб тушунган ва тушунтириб келган адабиётшуносларимиз Н.Тамарченко тахрири остида чоп этилган “Теория литературы”нинг (М., *Academia*, 2004.) дастлабки саҳифалари нега “Семиотика” (белгилар назарияси)

ва бадиий адабиёт муносабатини англашдан бошланганига эътибор беришлари лозим. Бунинг моҳияти борлиқнинг модели бадиий асарда яратилар экан, у ўз навбатида муаллиф қараши, талқини ҳам ҳисобланади. Дунёнинг бадиий моделини ёзувчи истеъдодининг маҳсули ҳисобланган асарда кўриш, унинг табиатини, белги-хусусиятларини назарий китоблардан эмас, қатига энг гўзал бадиият белгилари сингдирилган нафис адабиётдан топиш истаги охир-оқибат ўша китоб муаллифларини “бадиий курс”, “назарий ва тарихий поэтика” доирасида фикр юритишга олиб келган бўлса ажаб эмас. Чунки “Теория литературы” муаллифларининг ҳар учаласи — Н.Тамарченко, В.Тюпа ва С.Бройтман бахтиншунос олим бўлган. М.Бахтиннинг қарашлари эса унинг ўзи адабиётшунослик назариясининг бошланиши деб билган (*Бахтин М. Собрание соч. в семи томах. 5-том М., 1996.*) формалистларнинг назарий қарашларига асосланган. Бу жиҳатдан В.Жирмунскийнинг “Кейинги

даврд адабиёт илми поэтика номи билан тараққий этмоқда. Бу фаннинг фундаментал асосларини эса А.Веселовский томонидан ишланган “тарихий поэтика” билан А.Потебня илгари сурган “назарий поэтика” масалалари ташкил қилади” деган фикри диққатга сазовор (*Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Л., 1977.*). Демак, “Адабиёт назарияси”ни олий ўқув юртлари филология таълими учун дарслик сифатида тавсия этаётган юқоридаги олимлар ана шу илмий асосда иш қилганлари сабабли ҳам, менимча, назарияни бадиийликнинг моҳиятини англантишдан бошлаган.

В.Хализевнинг анъанавий адабиёт назарияси (*Теория литературы. 4-е изд. М., 2006.*) эса адабиётни санъатнинг бир тури сифатида унинг эстетик моҳиятини англантишдан бошланади. Юқоридаги қарашни бундан ажратиб турадиган жиҳат ҳам масалага адабиётшунослиқдаги академик мактаблар эришган ютуқлар асосида ёндашилишида бўлса керак. Чунки А.Веселовскийнинг “Тарихий поэтика”-си, А.Потебнянинг “Назарий поэтика”-сига муружаат ушбу фундаментал тадқиқотлар яратилганидан юз йилча кейин юз берди (уларнинг қайта нашрлари шўро мафкураси нураётган 80-йилларнинг охирига бориб амалга оширилди). Ўртада юз йилча муддат назарий тамойиллар излаб, мафкура бозорида санкиганимиздан кейин жонли адабий асарни фикр, гоё ўлчамлари билан эмас, санъатнинг зар тарозусида тортиб кўриб баҳолаш лозимлигини англатгандай бўлди бу нашрлар. Ҳолбуки, рус шаклшуносларининг бизга энг яқин вакили В.Жирмунскийнинг бундан 90 йил бурун ёзилган “Поэтиканинг вазифалари” мақоласидаёқ поэтика (бадиият) илмининг қўшқаноти тарихий ва назарий поэтика бўлиши кераклиги айтилган эди. Биз энди уни замонлар тажрибасидан ўтгандан сўнг Н.Тамарченко ва унинг шериклари ишлаб чиққан назарий қоидаларда кўряпмиз.

Умарали Норматов: Шуниси ачинарлики, жаҳон адабиёти тарихининг сўнгги бир асрдан мўлроқ даврида етакчи оқим тусини олган модернизм ҳақида

бизда ҳозир мавжуд назарияга оид қўлланмаларда лом-мим дейилмайди. Худди шўро даврида бўлганидек, модернизм ҳодисасига фақат бирёқлама — мафкуравий-сиёсий жиҳатдан ёндашиш, уни бизга, миллий менталитетимизга ёт деб қараш, ҳатто мактаб адабиёт дастурига жаҳон модернизми намуналари киритилишини жиддий гоёвий хатога йўйиш ҳолларига дуч келаётирмиз...

Ана шундай “таажжуб ҳангомалар” асосида рус ҳамкасбларимиз тажрибаларига — улар бу борада қандай йўл тутаетганига бир қур назар ташлаб қўйилса зарар қилмас эди. Бошдан-оёқ адабий жараён тадқиқига бағишланган 600 саҳифадан ортиқ “Теория литературы” (2001) китобининг қарийб учдан бир қисми модернизм ҳодисаси хусусида.

“Теория литературы”да (4-том) модернизм адабиётининг бир аср давомида босиб ўтган босқичлари, ҳар бир босқичдаги кўриниш-турлари таҳлил этилган. Чунончи, “Модернизм олди” даври — натурализм, импрессионизм, прерафаэлитизм, символизм, эклектизм; “Модернизм даври” — модерн, акмеизм, футуризм, примитивизм, кубизм, абстракционизм, лучизм, фовизм; “неомодернизм даври” — дадаизм, сюрреализм, экспрессионизм, имажизм, имажинизм, конструктивизм, экзистенциализм, “онг оқими” адабиёти, неоабстракционизм, ниҳоят, “постмодернизм даври” — поп-арт, гиперреализм, фотореализм, сонористика, музикали пуантилизм, алеаторика, ҳеппенинг, соц-арт, концептуализм каби турлари батафсил тавсифланган.

Шунингдек, тасвирий санъатдаги янги оқим намояндалари ва намуналарини ўз ичига олган “Модернизм энциклопедияси”да (*М., Эскамо, 2002.*) бу оқимнинг фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, абстракционизм, дадаизм, сюрреализм, поп-арт, оп-арт ва уларнинг қоришиқ шакллари кенг шарҳланган. Хўш, бизда бу турларнинг қайсилари мавжуд, улар қай тариқа намоён бўлаётир? Бу саволлар ҳозирча очиқ турибди. Қарийб кейинги қирқ беш йил давомида амалда бўлган постмодернизм хусусида танқид-

чилигимиз ҳамон сукут сақлаб келаётир. XX асрнинг иккинчи ярми рус адабиётидаги жараёнлар тадқиқига бағишланган икки жилдлик “Современная русская литература” (2006) китобида расман ҳукрон метод — социалистик реализм ва анъанавий реализм билан баробар, бу давр адабиётидаги модернистик тамойиллар, хусусан, постмодернизм ҳодисаси махсус ўрганилган.

Кези келганда айтиб ўтай, “Теория литературы” (2004) муаллифлари модернизм хусусида қисқа, лекин асосли мулоҳазаларни ўртага ташлаган ҳолда постмодернизм ҳодисасига негидири нописандлик билан “постмодернизм янгича бадиий парадигма тақдим этгани йўқ” (том 1, стр. 103.) деб ёзади. “Современная русская литература” муаллифлари Н.Лейдерман, М.Липовецкий эса постмодернизмга энг янги жиддий адабий-бадиий, маданий ҳодиса сифатида юксак баҳо берган.

Ҳамидулла Болтабоев: Сезишимча, суҳбат назарий тамойиллардан адабий жараён масалаларига кўчмоқда. Сиз тилга олган манбаларни қайта кўриб, шундай хулосага келдим: адабиёт (адабий жараён ҳам) назариядан эмас, бадиий асардан туғилади. Адабиёт назарияси минг йиллар давомида амалда бўлган қонуниятлар билан эмас, бадиий таҳлил тажрибасидан келиб чиқиб ривожланади. Яратилган ҳар бир доҳиёна, ҳеч бўлмаса, ҳақиқий асар назарий қоидаларни бойитиш баробарида эски қолипларни синдиради. Унинг янгилиги ҳам, оҳори ҳам ана шу назарий тамойилларни янгилашига қараб белгиланади.

Умарали Норматов: Шу ўринда яна бир янги назарий тамойил устида тўхталиб ўтсак. Каминани постструктурал методга хос бир тафаккур усули кўпдан бери қизиқтиради. Постструктурализм *дарахт-симон* тафаккур усулидан фарқли ўларок, *ризомасимон* усулни тақдим этади. Биламизки, дарахтнинг илдизи, танаси, ягона ўқилдиз ва танадан тармоқ отган илдизчалари, шохлари, шохчалари ва япроқлари бўлади. Анъанавий тафаккур усули ўша тарзда намоён бўлади. Ризома эса

шундай ўсимликки, ҳар томонга қараб тарвақайлаб кетаверади, ҳар бир тармоқ ўз ҳаракати жараёнида исталган жойда томир отиб, ўша ердан униси ҳам тармоқларга бўлиниб ҳаракат қилаверади.

Постструктуралистлар дарахт билан ризомага бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки тафаккур усули деб қарайди. Уларнинг наздида, дарахт — гўё фикрларни бир марказдан бошқарувчи ҳокимият тимсоли. Постструктурализмга кўра, марказ тушунчаси маъно жиҳатдан бир бутунлик, яқдиллик, тоталлик сўзлари билан синоним. XX аср жамиятларида тоталитар ва авторитар тамойиллар олға бориш йўлида жиддий ғовга айланди. Ризома тимсолида ўзгача ҳолни кўрамиз. Ризома дарахтдан фарқли ўларок, парадигматик, замонавий воқелик ҳолатига мосроқ. У ўзигагина хос табиати туфайли тараққиёт йўлидаги сиқувга оладиган, ғов бўладиган барча чекловларни бартараф этиб олға боришга қодир. Замонавий фикрлаш бу — ризомасимон фикр юритишдир, яъни ҳодисалар ичида, ёнида, орасида туриб фикрлашдир. Унинг йўлини тўсиб бўлмайди, қаршиликка учраса, бошқа томондан йўл топиб кетаверади. Ризомасимон фикрлаш инсоният тарихи, ижтимоий реаллик, билимлар, маданият — барчаси дискурсив характерга эга демакдир. У гоҳо тўхтайди, қайрилади, синади, узилади, аммо мутлақо кутилмаган жойлардан бўй кўрсатиб илдиз отаверади — бир-бирига боғланмаган сон-саноксиз чизиқлар бўйлаб ҳаракат қилади; у кўпмарказли ва плюралистик...

Ҳамидулла Болтабоев: Ҳамон дунё ва рус (биз учун намуна мактаби бўлиб келган) адабиётшунослиги XX асрнинг 70-йилларида шундай таҳлил йўсинини устувор билиб, юзлаб бадиий асарлар шу метод асосида нисбатан аниқлик билан таҳлилга тортилаётган экан, бу жараён бизга ҳам бегона эмас, деган ўй билан иш кўрилаётгани аниқ. Маълумки, айна замонда филологиянинг қўшқанотларидан бири тилшунослик илми “структурал лингвистика” босқичига қадам кўйган эди, филологиянинг иккинчи узви сифатида адабиётшунослиқда

хам лингвистикадаги жорий тушунчалар (“поэтик лексика”, “фоника”, “поэтик синтаксис” каби) асосида иш кўриш тавсия этилаётган бир пайтда (Р.Якобсон тажрибаси) бунга қарши ўлароқ, “структурал поэтика” вужудга келди. Бу борада унинг собиқ Иттифоқ доирасидаги тарафдорларидан бири Ю.Лотман ёзади: “Бадиий адабиётнинг лингвистик тадқиқоти (структур лингвистика методини қўлласа ҳам) моҳиятан антиструктурал характерга эга, чунки улар адабиётнинг алоҳида элементи ва аспекти унинг умумий функциясидан ажратиб, табиий тил феноменининг принципларига мослаб таҳлил қилади”.

Умарали Норматов: Эндиликда объект эмас, объектга қандай методология, метод асосида ёндашиш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Адабий ҳодисаларнинг чинакам бадиий-эстетик қийматини миллат, балким жаҳон маънавий-маданий, адабий тараққиётидаги ўрнини аниқлаш бош мақсадга айланмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, замоннинг ўзи кун тартибига қўяётган бундай масъулиятли вазифани замонавий илмий-адабий таҳлил усуллари орқалигина амалга ошириш мумкин.

Шахсан ўзим янги ўзбек адабиёти тарихи, адабий жараён масалалари билан шуғулланиб келганим учун бу давр адабиётининг кўпдан-кўп ғаройиб жумбоқларини ҳозирга қадар устуворлик қилиб келётган социологик ёки бошқа бир-икки метод орқали ечиш мумкин эмаслигига аминман. Тан олиш керак, социологик метод ҳам бутунлай эскиргани йўқ. Оқилона ва маҳорат билан ёндашилса, бу усулда ҳам кўп ишларни амалга ошириш мумкинлигини устозлар тажрибаси тасдиқлаб турибди. Истақ шуки, социологик мактаб ёнида бошқа методлар, айтилик, структурал, постструктурал, стилистик, семиотик сингари илмий мактаблар ҳам шакланса. Менинг постструктурал методдан умидим катта. Айниқса, ҳозирги постмодерн дунё адабий ҳодисаларини, постмодернизм, постреализм номлари билан аталаётган адабий тамойиллар моҳиятини англаш, очишда улар ниҳоятда қўл келиши мумкин. Чунончи, анъанавий

реализм бағридаги туб янгиланишлар — ижтимоий таҳлил билан баробар экзистенциал ҳолатлар ифодасининг кенг ўрин олиши, бадиий тип эмас, индивидуал шахсларга эътиборнинг ортиши, моҳият қаърига кириб боришда ижтимоий, мифологик ва диний бадиий талқинларнинг бирдек мавқе тутиши, асар матнида хилма-хил ифода услубларининг ёндош ҳолда келиши, гоҳо бир-бирига зид тасвир тарзларининг ўзаро “муроса”га киришиши — ана шундай ғаройиб поэтик ҳодиса моҳиятини англашда постструктурал метод асқотиши турган гап.

Ҳамидулла Болтабоев: Шунинг учун ҳам адабиётшунослик классицизм (қонунлаштирувчи) эстетикасидан тезда воз кечиб, унинг рационал қолиплари қаршисига ҳиссиётлар, туйғулар оқимини қўйди. Табиийки, бу қараш адабиётнинг юрак қонига асослангани учун ҳам юзлаб “изм”лар вужудга келганига қарамай, бадиий асар учун ҳиссий асос бирламчи бўлиб қолмоқда. Менимча, дунё адабиётшунослиги XVIII асрнинг охиридаёқ ана шу сиз айтган “деканонизациялашув” даврига кирган эди.

Бадиий асарни худди инсон зоти каби тирик мавжудот (организм) сифатида билиш, уни ўрганишда, талқин ва таҳлил этишда ана шу тириклик белгиларини эҳтиёт қилган ҳолда ёндашиш бадиият илмини имкон қадар ўнг ва сўлларга (сиз тўғри белгилаган “социал” ва “формал”) оғиб кетишдан сақлаб турибди. Бундай қарашларнинг умумий йиғиндиси сифатида урф бўлган “модерн” истилоҳи мана 110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмагани ҳаммага кундай аён. Бу ҳолатни кўриб туриб билмаслик ёки билса ҳам ўжарларча тан олмаслик нафақат адабиёт назариясини, балки янги ва гўзал асарлар яратилишидек адабий жараён амалиётини ҳам тораёишга олиб келиши мумкин. Дарвоқе, шўро даврида шундай бўлган эди, ҳозир ҳам бундай қарашлар йўқ эмас (узоққа бормасдан абсурд ҳақидаги баҳсларни ёдга олайлик). Ўзининг ажойиб асарлари билан соцреализм инерцияси парижонлашувига сабаб бўлган устоз адиб-

ларнинг модерн адабиётини хушламаслиги ҳақидаги битикларини ижоддаги самимиятнинг белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ўринда мен қандайдир буюртма билан иш кўриб, ўзбошимча ёшлар қулоғидан чўзиб қўйиш аънанасидан бошқа раддоматни кўрмайман.

“Современная русская литература (1968-86)” муаллифлари ҳам биз модернизм деб қабул қилаётган тушунча бағрида “мутация”, ахлоқий максимализм, сокин лирика, маданий парадигма, рух экологияси, романтик, психологик ва карнавал гротески, интеллектуал тенденция, “стоицизм”, тарихий хотира ва хотира-сизлик, “трагифарс”, “неоакмеизм”, “мовизм”, хаос метонимияси, “палисандрия” каби қулоғимиз унчалик ўрганмаган истилоҳларни келтириш баробарида уларнинг ҳар бири назарий китобларда эмас, балки “70-йиллар” дея шартли ном берилган адабий жараёнда акс этганини қайд қилади. Ҳар бир тушунчанинг истилоҳий моҳиятини изоҳлабгина қолмай, уларни англамига мос бадиий асарлар орқали асослаб кўрсатади. Бироқ, Умарали ака, рус заминида вужудга келган ҳар қандай адабий ҳодисани (боринги, у модерн — замонавий бўлсин) ўзбек тупроғига тўғридан-тўғри кўчириб бўлмайди. Ҳатто биз рус миллати билан етмиш йил давомида бир маъмурий ҳудудда яшаб, бир ғоядан (соцреализм) озиқланган, бир-бирига яқин жанрий шакллар билан иш кўрган бўлсак ҳам. Менимча, “шўро адабиёти” деган мужмал тушунчани таназулга олиб келган унсурлардан бири ҳам шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам адабиётимиз мафкура бўғувида қолганда айнан рус шўро адабиётига туйғу-дош бўлиш тажрибасида оқсганини кузатиш мумкин. Модернизм бағрида шаклланган ўнлаб тушунчалар бизнинг адабиётимизда учрамаслиги ҳам табиий ҳол. Олайлик, ўзбек насридан “легал шўро сўллиги”га мос бир-икки асар топиш мумкиндир, “эмиграция ва ватан андеграунди” каби адабий ҳодисани ўзбек адабиётига тикиштириб бўлмайди, чунки муҳожирлик адабиёти бизда “русское зарубежье” каби тараққий этмаган. XX

асрнинг 90-йилларида ўзбек матбуотида нашр этилган айрим парчалар Войнович ёки Бродский асарлари даражасидан анча паст. Бизнинг муҳожирлик адабиёти ҳақидаги қарашларимиз ҳам, унинг айрим намуналари ҳам устоз Абдулла Қаҳҳор писанда қилиб айтганидай, “Тўйтепадан нарига ўтмайди”. Табиийки, қарашларимиз қанчалик ожиз бўлса, адабиётимиз ҳам шунга яраша бўлиши кўҳна мунаққидлар томонидан тан олинган ҳақиқат.

Умарали Норматов: Жаҳон адабиёт-шунослигида соф назарий масалаларни эмас, жонли адабий жараён билан боғлиқ назарий муаммоларни ўрганиш устувор бўлиб бораётган экан, бизда айна шу жиҳатдан жиддий оқсоқлик сезилади. Минг йиллик мумтоз адабиётимиз тарихини қўйиб турайлик-да, сўнгги бир асрлик миллий адабиётимиз тарихига оид мавжуд энг кейинги ишларни эслайлик. Шахсан камина устоз Озод Шарафиддинов билан ҳамкорликда тузган дастур асосида яратилган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида (1999) аср адабиётининг тараққиёт тенденциялари “Аср бошларидаги ўзбек адабиёти”, “20-йиллар”, “30-50-йиллар” ва “60-90-йиллар ўзбек адабиёти” босқичларига бўлиб обзор тариқасида ёритилган. Бор-йўғи эллик саҳифалик обзорда ҳар бир даврнинг энг муҳим тамойилларигина тилга олинган холос; муаллифлар бу “обзор”ни келгусида яратилажак бир асрлик миллий адабиётимиз фундаментал тарихининг шунчаки дебочаси деб ҳисоблаган эди. Орадан ўн йил ўтди, ҳануз “фундаментал тарих”дан дарак йўқ. Ўша ибтидоий тарздаги обзор салгина ўзгаришлар, бошқача номланишлар билан китобдан-китобга кўчиб юрибди. Янги ўзбек адабиёти тараққиётининг назарий-методологик муаммолари ҳам ишлаб чиқилгани йўқ. XX аср рус адабиёти тарихига оид бир неча китоблар чоп этилди. Булар орасида XX аср иккинчи ярми рус адабиёти тарихи тадқиқига бағишланган Н.Лейдерман ва М.Липовецкийнинг икки жилдан иборат салмоқдор “Современная русская литература” асари, айниқса, диққат-

га сазовор. Шу асар устида батафсилроқ тўхталиб ўтсам дейман. Қарийб бир ярим минг саҳифалик тадқиқотда ярим асрлик рус адабий жараёни кенг кўламда бутун қирралари билан қадам-бақадам текширилади. Энг муҳими, жонли адабий жараён бугунги жаҳон адабий-эстетик назарий тафаккури даражасида туриб бутунлай янгича ёритилади. Тадқиқотда муайян босқичларга шунчаки обзор бериш, наср, назм, драматургия намуналарини санаш, мавжуд факт сифатида кўнгил учун “танқиддан тубан” асарларни тилга олиб ўтиш йўқ; адабий жараённинг етакчи тамойиллари, адабий оқимлар ва уларнинг ёрқин намояндалари ва намуналаригина таҳлил доирасига тортилган. Адабий жараён қонуниятлари эса етакчи адабий йўналишлар — анъанавий ва социалистик реализм, модернизм ва постмодернизм ривож динамикасини қузатиш орқали очилган. Адабий йўналишлардаги ўзгаришларни тадқиқ этишда эса тарихий поэтика тажрибаларига таянилади. Соцреализм, модернизм, постмодернизм устида гап кетганда, биздагидек гашлик, дағдаға билан сафсата сотиш йўқ. Соцреализм назарияси билан боғлиқ схоластик қарашларни, соцреализмни дастак қилиб олиб шўро ҳукумати ва компартия юритган машъум адабий сиёсатни танқид қилиш, шунингдек, бу адабий оқимда юз берган муайян ўзгаришлар, соцреализмга мансуб истеъдодли адиблар ижодидаги ёрқин асарлар ҳам таҳлил этилади, “Соцреализм ниқоби остида” сарлавҳаси билан Л.Леоновнинг “Рус ўрмони”, “Соцреализмнинг инсоний қиёфага кириши” бобида эса М.Шолоховнинг “Инсон тақдири”, А.Твардовский шеърляти юксак баҳоланади. Ф.Абрамов, П.Проскурин, С.Залигин, В.Дудинцев, Д.Гранин, А.Гельман, Б.Можаяев, Ч.Айтматов сингари улкан адибларнинг ижодий тақдири мисолида соцреализмнинг “очик система” сифатида янада янгиланиши ҳодисаси очилади. “Модернистик анъананинг янги ҳаёти”, “Постмодернизм”, “Реалистик анъаналар тақдири”, “Постреализм” деб номланган боблар ғоят катта эҳтиром,

билимдонлик ва холислик билан ёзилган. Юқорида тилга олинган оқимлар қобигига сиғмайдиган адабий ҳодисалар тадқиқотига бағишланган “Соцреализм чеғарасидан ташқарида”, “сокин лирика” ва “қишлоқ прозаси”га оид боблар, шунингдек, “Поэзия ва прозада гротеск”, “Интеллектуал анъана” боблари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Шу тариқа рус адабиётининг ярим асрлик жонли тарихи бутун бойлиги, жамики қирралари, салобати билан намоён бўлади. Мазкур китоб билан танишиш асносида беихтиёр ўзимиз бевосита шоҳид бўлган кейинги ярим асрлик адабиётимиз манзаралари кўз олдимиздан ўта бошлайди. Табиийки, бизда рус адабиётидаги жараёнлардан фарқли жиҳатлар кўп, айти пайтда, ўхшаш, муштарак ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Қани уларнинг чинакам илмий-назарий тадқиқи?! Бизни бир жиҳат ҳайратга солади, “Современная русская литература” муаллифлари хорижда яшаб ижод этади, олий ўқув юртларида айти шу фандан дарс беради. Улар ўз соҳалари — замонавий рус адабиётшунослиги бўйича етук мутахассис бўлиш баробарида, етук назариячидир, айти пайтда, янги замон фан фалсафаси, методологияси, фалсафа, санъат, санъатшунослик, рухшуносликдаги энг янги қарашлардан, жумладан, постмодернизм, постструктурализм, синергетика, ризомасимон тафаккур каби таълимотлардан чуқур хабардор ҳолда ҳозирги постмодерн дунёси уммонида бамисли моҳир ғаввос каби эркин ҳаракат қилади. Ишончимиз комилки, шулар даражасига кўтарила олмас эканмиз, замонавий миллий адабиётимизнинг чинакам янги илмий тарихини ярата олмаймиз. Афсуски, бизнинг аср адабиёти, унинг бугуни ҳақидаги баҳарларимиз ибтидоий тарздаги гап-сўзлар, маҳаллий маҳдудлик доирасидан нарига ўтмаётир.


Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ: Худди шу каби “Ҳозирги ўзбек адабиёти” рукни билан агар янги дастур ва дарслик яратилса, табиийки, у “Мустақиллик даври ўзбек адабиёти” сарлавҳасига синоним тарзида келиши мумкин. Бироқ бизда

мустақиллик 1991 йилда эълон этилган бўлса ҳам Истиқлол орзуси адабиётда анча олдин пойдор бўлган мавзу ва муаммолардан эди. Шунинг учун ҳам 1991 йилгача яратилган барча асарларни шўро адабиёти рўйхатиغا киритишдан ва улар соцреализмга асосланган деган ҳукм айтишдан аввал Истиқлол қайғуси аниқ акс этган асарларни, айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган эркинлашув ва ҳар хиллашув жараёнини айна шу замонавий адабиёт контекстида ўрганиш мақсадга мувофиқ келади. Ана ўшанда Лейдерман ва Липовецкийнинг қўлланмасидаги каби ҳар бир адабий ҳодисани ҳам ўзига муносиб атама билан номлаш ва ташқи ижтимоий омиллардан келиб чиқибгина эмас, балки бу даврда яратилган бадиий асарларни ички қонуниятлари, яъни поэтика талабларини инobatга олган ҳолда таҳлил қилиш мумкин бўлади. Ана ўшанда Истиқлол арафасида яратилган асарларга ҳам, бевосита мустақиллик даврининг маҳсули сифатида юзага чиққан асарларга ҳам умумий бир талаб (андоза эмас) поэтик тафаккур ва адабий жараённинг янгилашига туртки берадиган бадииятнинг ўлмас мезон ва меъёрлари асосида ёндашиш насиб қилиши мумкин.

Умарали НОРМАТОВ: Кундай равшан: Чўлпон — Ойбек — Рауф Парфи ижоди орқали муайян тамойил тусини олган тўқсон йиллик миллий модерн шеъримиз мавжуд. Бугунги кунда бу анъанани янгича кўринишда давом эттираётган Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад каби ўнлаб забардаст модерн шоирларимиз бор. Уларнинг қатор шеърлари хорижий тилларга таржима қилиниб, жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Омон Мухтор, Хуршид Дўстмухаммад, Назар Эшонкул каби янги йўналишга мансуб адибларимизнинг роман, қисса, ҳикоялари аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Шунга қарамай, “модернизм Овруро ҳодисаси сифатида биз учун ёт” деган фикр ҳамон ҳукмрон. Бу ҳам етмагандай, шўро даврида шiorга айланган “соцреализм жаҳондаги ягона энг

юксак метод” деган ақида бир оз таҳрир билан “реализм ижоднинг азалий ва абадий йўли”, бошқалари эса ижодкорни адаштиради деган иддаолар ўртага ташланмоқда, нореалистик тамойил-оқимлар шаънига маломатлар ёғдириш одат тусини олаётир. Жаҳон адабий тараққиёти тарихида янги давр очган Ж.Жойс шахсияти, унинг XX аср инглиз адабиётида энг яхши роман деб тан олинган “Улисс” романи хусусида адабий одоб доирасига сиймай диган бўхтондан иборат даъволарни андишасизларча ҳимоя қилувчилар топилди (бирок ушбу романнинг ўзбек тилига таржима этилиши натижасида унинг атрофидаги кўп муаммоларга ойдинлик киритилди, асар ўзбек китобхонлари томонидан илиқ кутиб олинди. Бу жиҳатдан Хуршид Дўстмухаммаднинг тақризи эътиборли). Бундай иддао қилаётганлар, наҳотки жаҳон адабиёти ва санъатида кечаётган жараёнлардан беҳабар бўлса, тараққий этган мамлакатларни қўйиб туриб, Шарқда модерн кириб бормаган бирор мамлакат адабиёти, санъати борми ҳозир?! “Модерн ҳодисаси бизга ёт” дегувчилар шундоққина ён қўшнимиз — тасвирий санъатдаги жараёнлардан хабардормикан? Бугунги миллий тасвирий санъатимизнинг неча фоизи модерн йўналишда эканини чамалаб кўрганмикан? Боз устига, анъанавий реализм йўналишининг ўзида кўпдан бери модернизациялашув жараёни кетаётгани, бу ҳодиса фанда аллақачон эътироф этилганини билармикан? Аминмики, назариядаги, замонавий фалсафа, руҳшунослик, санъатшуносликдаги янгиликлардан хабардорлик ҳам ҳаминқадар... Шундай бўлгандан кейин хаёлга келгани айтилаверар, қoғoзга туширилаверар экан-да.

Таскин берадиган жойи шундаки, ҳар ҳолда оз бўлса-да, бу борада жаҳондаги жараёнлардан, янгиликлардан боҳабар юксак маданиятли ижод ва илм-фан одамлари бор. Уларнинг сафи секин-аста кенгайиб борапти. Миллий адабиётимизнинг янги ҳаққоний, холис, тўлақонли чин тарихини яратиш ана ўшалар зиммасида.



ILM — HAQIQAT, HAQIQAT ESA ILMDIR

Буюк ватандошимиз, ислом таълимотининг йирик намояндаларидан бири Ҳаким Термизий (вафоти милодий 869 йил) меросида бошқа кўпгина масалалар қатори илм мавзуси ҳам атрофлича таҳлил этилади. Хусусан, “Китоб ал-хуқуқ” асарида аллома “Оллоҳ таоло энг аввало илмни яратган, илмдан эса донишмандликни (ҳикматни) вужудга келтирган, донишмандликдан бўлса, адолатни (адлни) ва ҳақни (ҳақиқатни) пайдо қилган”, деб ёзади. Бундай фикрлар улуғ аждодимизнинг “Масала фил фарқ байн ал-илм вал фикҳ” (“Илм ва фикҳ ўртасидаги фарқлар масаласи”) китобида ҳам давом эттирилиб, “Билим нарсаларнинг намоён бўлиши — тажаллисидир” деган хулоса чиқарилади. Бу ўринда илм нарсалар моҳиятининг кашфиёти тарзида талқин этилмоқда. Аллома “Оллоҳ”, “маърифат”, “илм” истилоҳларини ёнма-ён қўллайди ва шу асосда “маърифат ал-илм биллоҳ”,

яъни “Оллоҳни билим билан таниш” гоёсини илгари суради.

Ҳаким Термизий “Китоб ал-ақл вал ҳаво” (“Ақл ва кибр ҳақида китоб”) асарида бундай деб ёзади: “Ал-маърифат тасдиқ ал-қалб би-икрор ал-лисон”. Бу — Оллоҳни англашда қалб билан тасдиқлаш ва тил билан иқрор бўлиш лозим, деганидир. Ислом динида илм иймонга тенг қўйилади, ҳатто дастлабки кезлар ислом сўзининг ўзи ҳам илм маъносини англатган. Иймон ва илм, илм ва иймон муштарак тушунчалар бўлиб, кейинроқ “тасдиқ” истилоҳи ҳам улар қаторидан жой олган. Тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан, иймон “илм” сўзининг маънодоши, Оллоҳнинг қалбдаги тасдиғи ва эътирофидир. Илм ва тасдиқ иймонни мужассам этса, илм ва иймон тасдиқда жилваланади. Иймон — Оллоҳ ҳақидаги илмдир, чунки иймон ва илм тасдиқ маъносини англатади. Демак, Оллоҳ илмини эгаллаш ёки Оллоҳни

билиш ва англаш учун унинг борлигини ҳис этиш, қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор бўлиш даркор экан.

Тасаввуф таълимотида илм “нур” истилоҳи орқали ифодаланади. Қуръони каримда айтилишича, нур фақат Оллоҳ томонидан инъом этилади. Нур — содиқ қулни ҳақиқий иймонга етаклайди. Бинобарин, иймон — қалбдаги нур. Орифлик шуъла бўлса, иймон нурнинг ўзидир.

Нур мавзуи ўта қадимий бўлиб, Қуръоннинг иккинчи номи — Фурқонда мукамал ифодасини топган. Фурқоннинг моҳияти шуки, ҳақни ноҳақдан ажратиш мақсадида инсон қалбига нур сингдирилади. Фурқон (фуруқ — фарқ) сўзининг маъноси ҳам оқилни жохилдан, саҳийни бахилдан, яхшини ёмондан фарқлай олиш демакдир. Суфийликда маърифат нури ва ботиний нур бир нарсадек талқин этилади, яъни маърифат нури — идрок нури, ботиний нур — тариқат илми ҳисобланади. Ҳаким Термизий назарида эса, тариқат нури — ботиний нур айни маърифат нурининг ўзидир ва аллома “Илм баёни китоби”да бундай қарашни танқид қилган суфийлар билан мунозарарга киришади. Ҳаким Термизийнинг зикр этишича, айрим суфийлар обрў орттириш учун диний илм масалалари бўйича баҳсга аралашар экан. “Зеро, илм — бу нурдир. Инсон Оллоҳ таоло олдида қанчалик кўрқувга тушса, шунчалик нурга эришади. Қалб қанчалар гуноҳдан покланса, илм шу қадар мунаввар ва мукамал бўлади”. Хуллас, тасаввуф таълимотида нур ва илм биргаликда олиб қаралади, улар сирларнинг асоси деб талқин этилади. Нур — илҳом, ҳиссиёт, ҳаяжон рамзи ва мунавварлик ибтидоси, илм — тизимлаштириш дебوحаси, назарий-амалий соҳанинг, муслмон оламининг, суфийлик маърифатининг ажралмас бир қисми.

Ҳаким Термизий ва аксарият ислом фалсафаси намояндалари моддий манфаат, сохта шуҳрат йўлида илмни суистеъмол қилувчи мутасаввифлардан шикоят этиб, уларни қаттиқ танқид остига олади. Зеро, суфийлик тариқати ва таълимоти юзага келиб, шакллана бошлаган илк давриданоқ илм хусусида жуда кўп баҳсу мунозара юритган ҳамда турли

хулосаларни илгари сурган. Илмни нур тарзида талқин қилган суфийлар унинг бошқа қирраларини ҳам кашф этишга интилган ва бу борада қатор ютуқларни қўлга киритган ҳам. Чунончи, тасаввуф намояндалари илмни том маъ-



нодаги фан даражасига етказиш ниятида унинг турли усулларини ишлаб чиқари ва шундан сўнггина таҳлилга ўтади. Шундай суфий назариётчилардан бири Ал-Мухосибийдир (вафоти милодий 857 йил). Унинг “Илм ҳақида китоб” рисола-сида Оллоҳ ва илм масалаларига оид ғоялар тарғиб қилинади. Муаллифнинг фикрича, илм ҳамisha амалиёт билан бирга юради. Бу ақида Қуръон ва ҳадисдан озиқланган илмнинг диний моҳиятини очиб беради. Суфийларнинг фикрича, илмнинг софлигини асраш ва авайлаш лозим, шу каби уни кибру ҳаво, жоҳилият, ёлгон йўлида ишлатиш хавфидан сақлаш ҳам жоиз. Ал-Мухосибий зикр этилган китобида илмни уч гуруҳга бўлади: биринчиси — ҳуқуқий билимлар, яъни илми зоҳир — ташқи илм. Ушбу илм дунёда нима қонуний, нима ноқонуний эканини ойдинлаштириб беради. Иккинчиси — нариги дунёни ўрганувчи билим, яъни илми ботин — ички илмдир. Учинчиси — Оллоҳ илми — илоҳий қоидалар ва нариги дунёда амал қиладиган илмдир.

Ал-Мухосибий қарашларини давом эттирувчилардан бири Ҳаким Термизий бўлган. Буюк аждодимиз “тасаввуф — бу билим” деган ғояни жиддий ҳимоя қилган ҳамда тасаввуфнинг илм мақомини олиши йўлида беқиёс жонбозликлар кўрсатган. Алломанинг “Илм баёни ҳақида китоб” асарида шундай қараш асослаб берилади. Муаллифнинг айтишича, айримлар уни илмни барбод қилишда айблайди. Улар асоссиз равишда илмни фақат фикрдан иборат деб

хисоблайди. Уларнинг ақидасича, фикр — бу ягона илмдир, у Оллоҳга хизмат қилади, исломни мустаҳкамлайди, қолганлари эса илм эмас, балки беҳуда ҳаракатдир. Ҳақим Термизий бундай қарашларга кўшилмайди. Унинг фикрича, илм бу — нозик истилоҳ, шу боис Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳам бу масалага алоҳида муносабат билдирган. Дарҳақиқат, куйидаги ҳадисга эътибор берайлик: “Илм уч нарсда: Қуръоннинг муқаддас оятларида, суннат (тўғри йўл) эътирофида ва юксак диний эътиқодда намоён бўлади”. Ҳақим Термизийнинг юқорида зикр этилган асаридан келтирилган бу ҳадис илмнинг суфиёна уч йўналиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу фикрлар Ҳақим Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” (“Авлиёлар тасбеҳи”) китобида янада ривожлантирилади ва илмнинг уч тури куйидагича изоҳланади: биринчиси — мумкин бўлган — изн берилган ва мумкин бўлмаган — изн берилмаган ҳодисаларни шарҳловчи илмлар; иккинчиси — ҳикмат бўлиб, донишмандликни англатади; учинчиси — маърифат эса сирларнинг тагига етишдан иборат.

Ҳақим Термизий шу тариқа Ал-Муҳосибий мулоҳазаларини ривожлантириб, суфийларнинг ўз илми ва фани борлигини асослашга интилади. Аллома “Масоил ут-таъбир” (“Таъбирлар масаласи”) асаридан куйидагиларни қайд этади: “Оллоҳга таъзим ибтидоси замирида илм ётади, агар сен илмга эга бўлсанг, маърифатни эгаллайсан, сенда маърифат бўлса, демак, сен таъзим қиласан”. Айнан шу китобда “Кимки билимнинг саховатидан баҳра олишга сазовор бўлса, у Оллоҳга яқин кишидир. Илм — танҳоликда дўст, чунки у ёлғизликда одамларга ҳамиша шерикдир. У ҳар қандай шароитда ҳам йўлчи юлдуз, дўстлар даврасида безак, негаки, билим туфайли ўзгалар ичида ўзиники бўласан, билим — жаннатга элтувчи маёқ”, деган ҳикматли сўзлар келтирилади.

Ҳақим Термизийнинг илм ҳақидаги фикрлари кейинчалик Имом Мотуридий ҳамда Ас-Саррож каби алломалар томонидан ривожлантирилади. Термизий тасаввуф ҳақида фикр юритар экан, ислом

— илм, тавҳид (Оллоҳнинг ягоналиги) — илм, маърифат (Оллоҳ илми) — илм деган қарашларни доимо эътиборда тутати.

Аллома “Китоб ал-хуқуқ” асаридан илмга бундай таъриф беради: “Илм — бу нурдир. Инсонлар Оллоҳ таоло олдида қанчалик масъулиятни ҳис этса, шунчалик маърифатга эга бўлади. Инсон қалби ёвузликдан қанчалик тозаланса, илм янада мукаммал бўлади ва нур таратади”.

Ҳақим Термизий асарларида илм ва ҳикмат сўзлари, IX аср мусулмон дунёси олимлари асарларида бўлганидек, маънодош сифатида ишлатилади. “Инсонларга хос олий билим илоҳий кудрат томонидан берилган маърифат ёки ҳикмат бўлиб, одамзод юрагига сингдирилган”, деб таъкидлайди аллома. Шариат қодаларини талқин этадиган ва уни ҳаётга татбиқ қиладиган илмдан фарқли равишда, маърифат ва ҳикмат жисм ва ҳодисаларнинг ички, сирли хусусиятларини ифода этади. Илм мутолаа давомида шаклланса, маърифат Оллоҳдан унинг бандаларига берилган буюк инъом ва олий неъматдир. Маърифат ёки ҳикмат маълум инсонларга, яъни дунёвий юмушлардан холи, қалби ва эзгу ниятлари билан Оллоҳ таолога интилган шахсларгагина хос бир мўъжизадир. Тасаввуф аҳли ўртасида илм зикрида энг ҳаққоний фикрни айтган шахслардан бири, бизнингча, Абубакр Абдуллоҳ ибн Тохирдир. Бу ҳақда Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс”, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарларида ибратли бир нақлни келтиради. Ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибн Тохирдан “Ҳақиқат нимадир?” деб сўраганларида, “Ҳақиқат бу — илмдир”. “Илм нимадир?” дейишганда эса “Илм бу — ҳақиқатдир”, деб жавоб берган экан.

Хулоса шуки, тасаввуф, аввало, ислом дини ғояларининг тарғиботчиси, исломга асосланган илм. Шунга кўра, Ҳақим Термизий тасаввуф — илм шуълаларини таратувчи манба эканини таъкидлайди. Буюк аждодимизнинг ўзи ҳам ҳаёти давомида ана шу манбадан куч-қувват олиб, баҳраманд бўлиб яшади. Аллома бобомизнинг “Энг қийналган вақтларимда китобларим менга тасалли берар эди” деган сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Альберт ЭЙНШТЕЙН, Рабиндранат ТАГОР

INSON VA KOINOT UYG'UNLIGI

Эйнштейн: Сиз худони оламдан айро тасаввур эта оласизми?

Тагор: Йўқ, мен эътиқод қўйган худо оламдан айро эмас. Инсон битмас-туганмас руҳий-ақлий қуввати билан коинот қаърига чуқурроқ кириб бораверади. Аслида у инкишоф этиши мумкин бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Бу эса шундан далолат берадики, Коинот ҳақиқати бу — инсон ҳақиқатидир.

Фикримга ойдинлик киритиш мақсадида бир илмий фактга мурожаат этсам. Сир эмас, модда протон ва электронлардан таркиб топади, улар орасида бошқа ҳеч нарса йўқ, бироқ модда бу электрон ва протонларни маконаро бир-бирига боғловчи алоқаларсиз бир бутун, яхлит бўлиб туюлиши мумкин. Худди шунга ўхшаш инсоният ҳам индивидуумлардан таркиб топади, бироқ улар орасида ўзаро инсоний алоқалар мавжуд, бу эса кишилиқ жамиятига бир бутун, яхлит жонли организм тусини беради. Шунингдек, Коинот ҳам биз билан худди индивидуумлар каби боғланган. Бир сўз билан айтилса, бу — инсон Коинотидир.

Юқорида тилга олинган гоёни мен санъатда, адабиётда ва бани башарнинг диний онгида кўп бор кўзатганман.

Эйнштейн: Коинот моҳиятига доир бир-биридан фарқ қилувчи икки концепция мавжуд:

- 1) олам — инсон ақлига боғлиқ бўлган бир бутунлик;
- 2) олам — инсон ақлига боғлиқ бўлмаган бир воқелик.

Тагор: Бизни қуршаб турган Коинот Боқий Инсон билан уйғунлик касб этган вақтда, биз уни ҳақиқат сифатида англаймиз ва гўзаллик сифатида ҳис этамиз.

Эйнштейн: Бироқ бу — Коинотнинг соф инсоний концепцияси-ку?

Тагор: Ҳа, бундан бошқача концепция бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки бу олам — инсон олами. У ҳақдаги илмий тасаввурлар ҳам аслида бир инсон бўлмиш олим

тасаввурлари, холос. Бас, шундай экан олам биздан айро ҳолда мавжуд бўла оладими? Биз билган олам, албатта, нисбий, унинг воқелиги онгимизга боғлиқ. Аммо оламга ҳаққоният бахш этиб турувчи оқиллик ва гўзалликнинг шундай бир мезони — Боқий Инсон андозаси мавжудки, бу зотнинг сезгилари бизнинг сезгиларимизга монанддир.

Эйнштейн: Сиз айтётган Боқий Инсон бу — инсон моҳиятининг тажассуми, шундай эмасми?

Тагор: Шундай, фақат боқий моҳияти тажассуми. Биз уни ўз ҳиссиётларимиз ва фаолиятимиз воситасида туйиб олмоғимиз зарур. Биз бунда ўзимиздан фарқли ўлароқ маҳдудликлардан холи Олий Инсонни англаймиз. Илм-фан алоҳида бир шахс билан чекланмаган нарса-ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланади, у ҳақиқатларнинг шахсдан юқори турувчи инсоний олами ҳисобланади. Дин эса бу ҳақиқатларга этиб бориш баробарида

уларнинг биздаги хийла теран эҳтиёжлар билан алоқаларини ҳам ўрнатади; шу тариқа ҳақиқатнинг хусусий инкишофи энди умумий маъно ва аҳамият касб этади. Дин ҳақиқатни қадрият даражасига кўтаради, биз ҳақиқатни у билан уйғунлигимизни ҳис этган ҳолда кашф этамиз.

Эйнштейн: Бироқ бундан ҳақиқат ёки гўзаллик инсондан мустақил эмас, деган маъно келиб чиқади.

Тагор: Ҳа, улар инсондан мустақил эмас.


Эйнштейн: Тасаввур этайлик, одам насли тўсатдан йўқ бўлиб қолса, бельведерлик Аполлон ҳам гўзалликдан маҳрум бўлиб қоладими?

Тагор: Ҳа!

Эйнштейн: Боринги, гўзалликнинг бундай концепциясига рози ҳам бўлдим, дейлик, аммо ҳақиқатнинг шундай концепциясига ҳечам рози бўла олмайман.

Тагор: Нега энди? Ахир, ҳақиқат инсон томонидан англанади-ку?!

Эйнштейн: Мен ўзининг концепциям ҳаққоний



эканини исботлаб беролмайман, аммо бу — менинг эътиқодим, таъбир жоиз бўлса, диним.

Тагор: Гўзаллик мукамал уйғунлик идеалида жобажо бўлган, бундай уйғунлик, ўз галида, Универсал Инсонда мужассам; ҳақиқат бу — Универсал Ақлни тўлиқ эгаллашдир. Биз, индивидуумлар, катта-кичик хатолар қилиб, мисқол-бамисқол тажриба тўплаб, ақлимизни секин-аста нурлантириб, ҳақиқат сари яқинлаша борамиз, ахир, ҳақиқатни англашнинг бундан бошқа яна қандай йўли бўлиши мумкин?!

Эйнштейн: Мен илмий ҳақиқатни одамзодга боғлиқ бўлмаган асл ҳақиқат деб тан олиш керак, деган ақидани исботлаб беролмайман, лекин шундай эканига ҳеч бир шак-шубҳам йўқ. Геометриядаги Пифагор теоремаси бани Одам мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, қандайдир, нисбатан тўғри тасаввурни қарор топтиради. Ҳар ҳолда, инсонга боғлиқ бўлмаган реаллик бор экан, демак, бу реалликка мувофиқ ҳақиқат ҳам бўлиши лозим. Улардан бирини инкор этиш албатта бошқасини ҳам инкор этишга олиб келади.

Тагор: Универсал Инсонда тажассум топган ҳақиқат моҳият эътибори ила инсоний бўлиши лозим, акс ҳолда биз, индивидуумлар, англашга қурбимиз етадиган нарсаларни ҳеч қачон ҳақиқат деб, жиллақурса, илмий ҳақиқат деб атай олмаймиз. Бу ҳақиқатга биз мантиқий жараёнлар воситасида, бошқача қилиб айтганда, тафаккур органи воситасида ёвуқлашиб борамиз, бу орган эса инсон органи ҳисобланади. Ҳинд фалсафасига кўра, Браҳма, яъни мутлақ ҳақиқат бордирки, уни алоҳида индивидуум ақли билан кашф қилиб ҳам, сўз билан ифода этиб ҳам бўлмайди. Индивидуум бу ҳақиқатни чексизликка бус-бутун чўмиш орқали кашф этиши мумкин. Бундай ҳақиқат энди фанга тегишли бўла олмайди. Биз баҳс очаётган ўша ҳақиқат табиати эса зоҳирий маъно-мазмун касб этади, яъни у инсон наздида ҳаққоний туюлган қарашларни ифодалайди ва шу боис ҳам бу ҳақиқат инсонийдир. Уни Майя ёки иллюзия деб аташ мумкин.

Эйнштейн: Сизнинг концепциянгизга кўра, эҳтимол, у ҳинд фалсафаси концепциясидир, биз алоҳида бир шахнинг эмас, балки бутун инсониятнинг иллюзияси билан яшаётган эканмиз-да?

Тагор: Биз илмда шундай бир тартиб-қоидага риоя этамизки, унга кўра биз шахсий ақлимиз муҳри босилган барча маҳдудликларни улоқтириб ташлаймиз ва шу асно Универсал Инсон ақлида тажассум топган ҳақиқатни англашга юз тутамиз.

Эйнштейн: Ҳақиқат бизнинг онгимизга боғлиқми ёки йўқми? Бутун жумбоқ ана шунда.

Тагор: Биз ҳақиқат деб атайдиган нарса реалликнинг субъектив ва объектив томонлари орасидаги оқилона уйғунликда яширингандир, бу томонларнинг ҳар иккаласи эса Универсал Инсонда мавжуддир.

Эйнштейн: Биз ҳатто кундалик турмушда ҳам ўзимиз фойдаланадиган буюм-анжомларга инсонга боғлиқ бўлмаган реаллик деб қарашга мажбурият сезамиз. Биз ўзимизнинг сезги органларимиз юбораётган маълумотлар орасида оқилона бир йўсундан алоқадорлик ўрнатиш учун ҳам шундай қиламиз. Масалан, уйда ҳеч зог бўлмаган пайтда ҳам мана бу стол ўз ўрнида тураверади.


Тагор: Ҳа, стол индивидуал ақл имконидан хорижда бўлади, аммо минбаъд универсал ақл имконидан эмас. Ўзим идрок этаётган стол менинг ақлимга ўхшаш бошқа ақл томонидан ҳам идрок этилиши мумкин.

Эйнштейн: Инсонга боғлиқ бўлмаган ҳақиқат мавжудлигига доир биз ҳимоя қилаётган табиий нуқтаи назарни тушунтириб ҳам, исботлаб ҳам бўлмайди, аммо унга барча одамлар ишонади, ҳатто ибтидоий одамлар ҳам бундан мустасно эмас. Биз ҳақиқат бошига инсондан юқори турувчи объективлик тожини кийдирамиз. Бизнинг бор-йўқлигимизга, тажрибамизга, ақлимизга боғлиқ бўлмаган бу реаллик, гарчи у нимани англатишини айтиб беролмасак ҳам, бизга ниҳоятда зарур.

Тагор: Фан исботлаб берганки, стол қаттиқ жисм сифатида атиги бир зухурот, холос, бас, шундай экан, инсон ақли стол сифатида идрок қилаётган нарса шу ақлнинг ўзи йўқ бўлган тақдирда мавжуд бўла оладими? Айни чоғда шуни ҳам тан олиш жоизки, столнинг оддий физикавий воқелиги ҳар бири айлана ясаб ҳаракатланаётган кўпдан-кўп электр кучи марказларидан бошқа нарса эмас, бундан эса у инсон ақлига ҳам тааллуқли, деган хулоса ясаш мумкин.

Ҳақиқатни инкишоф этиш жараёнида Универсал Инсоннинг чексиз ақли ва алоҳида индивидуумнинг маҳдуд ақли ўртасида азалий қарама-қаршилик рўй беради. Ҳақиқатни англаб етишнинг бетўхтов жараёни бизнинг илм-фанимизда, фалсафамизда, ахлоқимизда давом этаверади. Мабодо, инсон билан боғлиқлик касб этмаган бирор-бир мутлақ ҳақиқат мавжуд бўлган тақдирда ҳам у биз учун мутлақо йўқ ҳисоблашни тайин.

Шундай ақлни тасаввур этиб боқайликки, унинг учун воқеалар кетма-кетлиги худди муסיқадаги ноталар мисол маконда эмас, фақат замонда кечсин. Бундай ақл учун реаллик концепцияси муסיқий реаллик билан бир хил бўлади, бундай реаллик учун эса Пифагор геометрияси ҳар қандай маъно-мазмундан маҳрумдир. Ўзингизга маълум, адабиётдан беҳад йироқ бўлган қоғоз реаллиги мавжуд. Қоғозни емираётган куйа ақлига қолса, адабиёт мутлақо мавжуд эмас. Бироқ айни чоғда инсон ақли учун



адабиёт ҳақиқат ўлароқ, қоғоздан кўра улканроқ қиммат касб этади. Худди шунга ўхшаб, агар инсон ақлига рационал ёки эмоционал муносабатда бўлмаган бирор бир ҳақиқат мавжуд бўлса ҳам, ҳамонки, биз инсон ақлига эга мавжудот эканмиз, у барибир ҳеч нарса салигича қолаверади.


Эйнштейн: У ҳолда мен сиздан кўра кўпроқ диндор эканман.

Тагор: Мен эътиқод қўйган дин жисму жоним билан Боқий Инсонни, Универсал инсоний руҳни англашимда, ҳис қилишимда намоён бўлади. Улар менинг Гиббертда ўқиб эшиттирилган "Инсон дини" сарлавҳали маърузаларимга мавзу бўлган.

Сухбат 1930 йил 14 июль кuni Эйнштейннинг дала ҳовлисида бўлиб ўтган.

**Русчадан
Баҳодир ЗОКИР
таржимаси**

Жуманазар БОЗОРБОЕВ




ETTI DONISHMANDNING BIRI

У кезлар инсоният милоддан аввалги VII асрнинг сердолга даврини бошдан кечирар, Шарқда Эрон, Ғарбда эса Греция куч-қудратга тўлиб борар эди. Эрон ўзининг шон-шавкати ҳарбий салоҳиятига боғласа, Греция илм-фан, адабиёт ва санъат, умуман, маданиятни пойдор деб ҳисоблар эди. Бири Осиёнинг жануби-ғарбида, бошқаси эса Оврупонинг жануби-шарқида жойлашган бу икки қудратли мамлакатнинг дунёга яқка ҳоким бўлишдек бетизгин истаги бора-бора ҳарбий тўқнашувга айланиб кетади ва улар ўртасидаги уруш гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб, роппа-роса эллик йил (милоддан аввалги 499-449 йиллар) давом этади.

Ўша даврларда Овруосиёнинг бепоён чўллари бўйлаб кўчманчи ҳаёт кечирадиган ва тирикчилик манбаи чорвачилик бўлган яна бир халқ ҳам бор эдики, уни юнонлар “скиф”, форслар эса “сак” деб атаган. Наслий силсилага янги халқалар улаш ва рўзғор камини мумкин қадар бутлаш ҳар бир скиф эркаги ва аёлининг бош ҳаётий аъмоли эди. Ўзгалар устига кўпда қилич яланғочлаб боравермайдиган бу халқ ўзига қилинган тажовузларни даф этиш уддасидан ҳам чиқар эди. Бинобарин, ўша олис замонлардан бадий ёдгорлик сифатида етиб келган Тўмарис ва Широқ ҳақидаги афсоналарда скифларнинг бу хислати ниҳоятда

ёрқин ифода топган!

Бир куни ана шу ўқтам халққа мансуб Анахарсис исмли ёшгина йигит ўзи яйраб ўсган қадрдон кенгликларни ва унинг бағрида яқкаш табиат қонунларига бўйсуниб кун кечираётган жонажон қабиласини тарк этади. Баъзан тўлиқ исми қисқартирилиб, Анарис деб аталадиган бу ўғлон шоншухрати оламни тутган сеҳрли диёр — Грецияга боришни ва ақлу заковати билан жами халқларни лол қолдирган улўф донишмандлар даврасига қўшилишни кўнглига туккан эди. Орзусидаги афсонавий диёр сари Қора денгиз ёқалаб илдам кетиб бораётган илмга ташна бу қалб соҳибининг насл-насаби аслида қандай эди? “Машхур файласуфларнинг ҳаёти, таълимоти ва ҳикматли сўзлари ҳақида” деган нодир асар муаллифи Лазертлик Диоген (II аср-нинг охири — III асрнинг биринчи ярми) ёзиб қолдиришича, Анахарсис скиф миллатига ман-



суб бообрў зодагон Гнурнинг ўгли бўлиб, айнан ота уруғи тарафидан кейинроқ Эрон шоҳи Доро Биринчига қарши урушда мардлик кўрсатган Скифия хукмдори Идонфарисга яқин қариндош эди. Худди шу муаллиф яна Анахарсиснинг онаси юнон аёли эди, шу боис у икки тил соҳиби бўлиб вояга етган, деб ҳам маълумот беради. (*Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М., "Мысль", 1979, стр. 95*). Балки мушфиқ волида олисда қолган суюкли ватани — Греция соғинчини ҳам йўрғакдаги фарзандига кўкрак сути билан кўшиб эмизгандир ва Анахарсисни Фарб тамаддуни бешиги сари етаклаган омиллар орасида бу энг сўнгиси бўлмагандир.

Қадимги юнон файласуфи Сосикратнинг гувоҳлик беришича, Анахарсис Грециянинг маданий маркази бўлган Афинага Евкрат архонтлиги даврида, 48-олимпиада кунларида кириб келган эди. Бошқа бир қадимги юнон файласуфи Гермипп маълумотларига кўра эса, Анахарсис тўғри Солоннинг уйига йўл олади. Зеро, бу вақтда нафақат Афина, балки бутун юнон заминида ҳам шон-шўрат бобида Солон (милоддан аввалги 640-559 йиллар) билан тенглаша оладиган бошқа бирор шахс йўқ эди. Ўзида бир неча истеъдодни мужассам этган бу зот давлатни бошқаришнинг демократик усулига замин ҳозирлаган доно сиёсатчи, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган эхтиросли шеърлар яратган ажойиб шоир, ҳаёт моҳиятини теран очиб берувчи мағзи тўқ ҳикматлари билан тилга тушган етук файласуф эди. Анахарсис Солоннинг манзилига келиб, унинг қулларидан бирига “Солонга кириб айт, уни зиёрат қилиш, агар иложи бўлса, дўст тутиниш ва кўноқ бўлиш ниятида олис скифлар юртидан Анахарсис келди”, дейди. Бегона юртлик нота ниш бир мусофир билан кўришиш Солонга унча хуш келмайди, чоғи, ўша қули орқали: “Киши, одатда, дўстни ўз ватанидан қидиради”, дея жавоб беради. Бироқ Анахарсис ҳам, “Солон ҳозир ўз ва-

танида, шундай экан, нега дўст қидирмасин?!” дея лутф қилади. Мусофирнинг бундай зукколигига қойил қолган Солон уни ҳузурига олиб киришларини амр этади ва улар кейинчалик қил ўтмас дўст бўлиб қолади.

Маълумки, инсониятнинг болалик палласи ҳисобланган ўша вақтларда илмфан фалсафа қобиғида ривожланар эди. Бу эса фалсафа билан машғул бўлиш табиат, жамият ва инсон онгига дахлдор барча масалалар устида жиддий бош қотириш дегани эди. Ҳикоямиз қахрамони ўзининг ноёб истеъдоди туфайли қисқа фурсатда Скифиялик Анахарсис нисбаси билан пешқадам юнон донишмандлари сафидан ўрин эгаллайди. Кейинчалик унинг ақлу заковатига ҳатто Афлотун ва Арастудек файласуфлар тан бериб, эхтиром кўрсатгани Анахарсиснинг бу даврадаги юксак мақомидан далолат, албатта. Афлотун (милоддан аввалги 427-347 йиллар) “Давлат” деган машҳур асарида Ҳомер каби улуғ адибу Фалес каби таниқли файласуфлар қаторида Анахарсис номини ҳам тилга олади. “Анахарсис исмли афсонавий скиф Юнонистонда яшаган чоғида Солон билан мусоҳабалар қилиб, унинг таъсирида донишмандлик бобида шухрат қозонган”, деб ёзади у (*Платон. Сочинения. В трёх томах. Т. 3, часть 1, М., 1971, стр. 427*). Бундан англашиладики, Анахарсиснинг файласуф сифатида камол топишида Солоннинг хизмати катта бўлган.

Афлотун Анахарсис номини бошқа бир антик юнон файласуфи Фалес (милоддан аввалги 640 йилда туғилган — вафот этган санаси номаълум) билан ёнма-



ён тилга олади ва улардаги кашфиётчилик ҳамда ихтирочилик салоҳиятини юқори баҳолайди. Олимнинг ёзиб қолдиришича, Фалес куннинг тутилиш сабабларини тадқиқ этган. Анахарсис эса биринчи бўлиб кема лангарини ўйлаб топган. (Бошқа манбаларда Анахарсис куллар чархини ихтиро қилгани ҳам айтилади).

Афлотун яна бир асари “Протагор”да Анахарсисни етти донишманднинг бири деб ёзади. “Етти донишманд” — қадимги Юнонистонда энг етук ақл соҳиблари деб эътироф этилган ва ўзининг ижтимоий-ахлоқий мавзудаги фикрларини “гномлар” деб аталувчи маталмонанд ихчам жанрда баён қилган файласуфларга нисбатан қўлланган истилоҳдир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Грециянинг етти донишмандига бамисоли дунёнинг етти мўъжизасига қаралгандек ҳайрат ва эҳтиром билан боқилган. Етти донишманд рўйхатида милетлик Фалес, приеналик Биант, митиленалик Питтак ва афиналик Солон номи доимий, барқарор тилга олинади. Мазкур рўйхатдаги бошқа донишмандлар эса (улар ҳаммаси бўлиб 17 нафарни ташкил этади) вақт ўтгани сайин ўзгариб, янгиланиб турган. Етти донишманд иштирокидаги мусоҳабалар оғзаки ва ёзма шаклда бутун юнон замини бўйлаб кезиб юргани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қадимги юнон биографи Плутарх (милоддан аввалги 120-40 йиллар) мазкур файласуфлар ҳақида баҳс юритувчи “Етти донишманд зиёфати” деб аталган асарида Анахарсис сиймосини унинг ҳикматли сўзлари воситасида муфассал чизиб берган. Плутархнинг баён қилишича, Анахарсис Периандр исмли диёнатли шахс ҳомийлигида уюштирилган фалсафий зиёфатларнинг серфайз иштирокчиларидан эди. Периандр мартабаси баланд, бойлиги беҳисоб киши бўлишига қарамай, ҳашаматсиз, камтарона ҳаётни маъқул кўрган. Завжасига тилла тақинчоқлар тақишни ман этган, ундан одми либослар кийиб юришни талаб қилган. Плутарх етти донишманднинг

Периандр хузурида Амасис исмли Миср подшоҳига берган оқилона маслаҳатини куйидагича баён этади:

“Бу орада Солон бир оз ўйлаб олгач, гап қотди: “Менинг фикрим шуки, подшоҳ ёки мустабид раият устидан яккахоқимликни халқ ҳокимиятига айлантирган тақдирдагина ҳаммадан кўп шон-шуҳратга эришади”.

“Шу билан бирга, барчадан олдин қонунга бўйсунуш намунасини кўрсатган тақдирда ҳам”, дея унинг фикрини давом эттирди Биант.

Сўз навбати Фалесга етди: “Хукмдорнинг бахти ўз ажали билан, қолаверса, ёши бир жойга бориб ўлишидадир”, деди у.


Анахарсис куйидагича фикр баён этди: “Унинг бахти атрофида ҳамфикр, ҳаммаслак кишилар бўлишида ҳамдир”.

Клеобул бундай деди: “Шу билан бирга, мулозимлари гапига дарров ишониб, уларга эргашиб кетавермаслигида”.

Питтак ҳам юқоридаги фикрни давом эттириб: “Токи, фуқаролар унинг олдида жон ҳовучлаб турмасин, балки унинг учун жон беришга тайёр бўлсин”, дея лутф этди.

Охири Хилон сўз олди: “Хукмдорнинг иши ўткинчи нарсалар ҳақида эмас, балки боқий нарсалар хусусида бош қотиришдир”.

Шундан сўнг, Периандрдан ҳам бирор нима дейишини илтимос қилдик. У норози бўлиб, қошини чимбириб мана бундай деди: “Мен бир гапни қўшимча қилшим мумкин: бу ерда айтилган фикрлардан кейин ҳар қандай ақли бутун одам ҳокимиятдан кўнгил узгани маъқул” (Плу-



тарх. Застольные беседы. Л., "Наука", 1990, стр. 248).

Анахарсис ҳақидаги маълумотларни Арасту асарларида ҳам учратиш мумкин. Чунончи, у "Аналитика" асарининг иккинчи китобида нарса-буюмларнинг вужудга келиш сабаблари ҳақида фикр юрита туриб, "Анахарсис фикрига кўра, скифларда флейтанинг (яъни найнинг) йўқлигига уларда узумнинг бўлмаслиги сабабдир", деган иқтибосни келтиради. Бу ўринда Анахарсис скифларда флейтанинг йўқлигини ушбу ўлкада узум етиштирилмаслиги билан боғлаб изоҳлайди. Дарҳақиқат, узум йўқ экан, демак шароб ҳам йўқ. Шароб бўлмагач, флейтага на ҳожат! Бундан кўринадики, Арасту тўғри фикрлаш илми — мантиққа оид хулосаларида Анахарсиснинг ўткир ибораларидан унумли фойдаланган. Шунингдек, Арасту "Никомах этикаси" асарида ҳам скифиялик файласуф меросига мурожаат этиб, Анахарсиснинг "Одам ҳар гал катта бир ишга бел боғлаганда, аввало асабларига дам бериб, кайфиятини кўтариб олмоғи керак. Оғир меҳнат билан мунтазам банд бўлган кишига хордиқ жуда зарурдир", деган фикрини эсга олади.


Анахарсиснинг ниҳоятда ҳозиржавоб ва сўзамоллигидан юнонлар орасида "Скифдек сўзга чечан" деган ибора машҳур бўлиб кетган. Унинг ўткир ақли маҳсули бўлган ҳикматли сўзлар қадим юнон манбаларида тариқ доналари каби сочилиб ётибди. Биз бу ўринда мазкур ҳикматлардан фақат айримларини келтириш билан kifояланамиз. У скифлар тупроғида учрамайдиган, аммо юнонлар заминида кенг тарқалган узум ҳақида мана бундай дейди: "Узум уч хил бош солади: лаззат бахш этадиган, кайф қилдирадиган ва ниҳоят тубанликка етаклайдиган". Анахарсис кема ёғочининг қалинлиги тўрт энли эканини кўриб, денгизчи билан ўлим орасидаги масофа ҳам айнан шунча, деган хулосани айтган. Файласуфнинг "Ёмон одам кўмирга ўхшайди, куйдирмаган тақдирда ҳам қора юқтиради", деган ҳикмати бугун ҳам машҳур.

Шунингдек, у бозорни одамлар бир-бирини алдаш ва шилиш мақсадида атай ўйлаб топган жой деб ҳисоблаган. Анахарсис мойни савдойилик ёғи деб атаган, сабаби уни баданига суриб олгач,

полвонлар бир-бирига телбалардек ташланади. Шунингдек, у эллинларнинг баъзи феълларидан ажабланиб, бундай киноя қилган: "Ажабо, эллинлар ёлғон гапиришни ман этувчи қонунлар чиқаради-ю, аммо дўконда туриб олиб ҳаммининг кўзи олдида ёлғон сўзлайверади". Ёки: "Ажабо, эллинлар зўравонлик қилишга қарши қонунлар чиқаради-ю, лекин полвонларга бир-бирини аямай дўппослагани учун соврин беради"...


Милоддан аввалги III — II асрларда яшаган юнон ҳакими ва файласуфи Секст Эмпирик Анахарсисни ўзи каби скептиклар сирасига киритади. Чунки олимнинг фикрича, у ҳақиқат мезонини йўққа чиқарган. Анахарсис наздида, одамлар бирор-бир масала бўйича баҳс бошласа, ҳеч қачон яқдил, умумий хулосага кела олмайди. Мунозарада иштирок этаётган киши бир вақтнинг ўзида ҳам ҳақ, ҳам ноҳақдир. Унинг фикрида ҳам ҳақиқат, ҳам ҳақиқат эмас. Бундан келиб чиқадикки, ҳақиқатнинг аниқ мезони йўқ. Бугунги кун кишиси Анахарсис скептицизмини минбаъд салбий ҳодиса деб талқин этмаслиги лозим. Чунки илм энди атак-чечак қилаётган ўша олис даврда нарса-ҳодисалар моҳиятини излаб, хулосалардан шубҳаланиш ҳатто фалсафий тафаккурнинг ўзига хос ютуғи ҳисобланган.

Афсуски, Анахарсис нақллари бизга-



ча алоҳида китоб ёки тўплам ҳолида етиб келмаган. Унинг скиф ва юнон урф-одатлари ҳақида баҳс юритувчи 800 мисралик шеърӣй бисоти ҳам йўқолиб кетган. Шунингдек, Анахарсис ихтирочи сифатидақоғозга туширган чизмалар тақдирӣ ҳам ҳамон мавҳум. Бироқ унинг фалсафӣй, бадий ва техникавий ижоди ҳақидаги мавжуд узук-юлуқ маълумотларнинг ўзиёқ бу зот кейинги авлодлар учун ўлмас ишлар қилиб кетганини исботлашга етиб ортади. Ахир Афина аҳли унга атаб ўз шаҳрида бежиз маҳобатли ёдгорлик ўрнатган эмас-да!

Лаэртлик Диогеннинг гувоҳлик беришича, Солон вафот этганидан сўнг Анахарсис ўз ватанида қайтади ва скифларни юнон маданиятидан баҳраманд этишга бел боғлайди. Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш лозимки, Анахарсис гарчи юнон тамаддунининг оташин муҳибӣ бўлса-да, унга танқидий ёндашиш қобилиятидан ҳам маҳрум эмас эди. Файласуф юнон урф-одатларидан ажабланиб айтган ва биз юқорида ёдга олган ҳикматли сўзлар ҳам бунга исбот бўлади, албатта. Айрим муаррихлар Анахарсис юнонларнинг диний эътиқодини ҳам қабул қилган, дея маълумот берадики, бу гувоҳликнинг ҳаққоний эканига бизда шубҳа бор. Бундай дейишимизга асос шуки, кўплаб олимлар бунга зидма-зид ҳолда Тангри ғоясини даставвал Анахарсис номи билан боғлайди. Рост, ўша кезларда



Фалес

Тангрига эътиқод ҳали дин эмас, балки топиниш эди, холос. Тангрига сажда қилиш инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни эътироф этиш маъносини англатган. Тангри ғояси ўзига қарама-қарши тушунчани талаб қилма-

ган. Зеро, ўша давр тасаввурича, Тангри бу — табиат, яъни ҳаёт кечириш учун зарур бўлган шарт-шароит эди. Шу жиҳатдан олинса, Тангри табиатнинг ўзидан туғилган тушунча бўлган. Бу эътиқод, бир томондан, содда натуралистик қараш бўлса, бошқа жиҳатдан, инсондан ташқари руҳни излаш ҳам эди. Миллоддан неча-неча асрлар муқаддам Тангрини объектив ғоя сифатида қабул қилиш чиндан-да ажойиб донолик! Бундай ғояни фақат Анахарсис каби алломаларгина бера олиши мумкин, албатта.

Бизнингча, у бир скиф ўғлони сифатида ўзи мансуб бўлган халққа хос барча мақбул урф-одат ва расм-русумлардан шак-шубҳасиз фахрланган. Скифларнинг турмуш тарзи, орзу-интилишларидан хабар берувчи кўплаб афсоналарда бу халқ тийнатидаги талай фазилатлар ёрқин ифода топган. Булар — ватанпарварлик, мардлик, вафодорлик, зукколик ва бошқалардир. Скиф қабилаларида аёл киши эркак билан баб-баравар ҳуқуққа эга бўлгани янада таҳсинга лойиқ. Чунки сиёсий идора усули бобида анча илгарилаб кетган Грецияда, аниқроғи, Афинада ҳам ўша вақтда аёллар бундай тенгликка даъво қилолмас эди.

Лекин шунга қарамай, скифлар турмушида ислоҳ қилиниши керак бўлган жиҳатлар оз эмас эди. Анахарсисга унинг юксак ақлий салоҳияти (у Грециядан етук донишманд бўлиб қайтганди) ва баланд ижтимоий мавқеи (унинг биродари Савлий скифлар подшоҳи ҳисобланарди) бундай ислохотлар бошида туриш имконини берарди. Ўз-ўзидан аёнки, бунда эллинлар диёрида синаб кўрилиб, афзаллиги тасдиқланган янги тамойиллар скифлар ҳаётига мосланиб жорий этилиши кўзда тутилари эди.

Эскилик янгиликка ўз ўрнини ҳеч қачон осонликча бўшатиб берган эмас. Аксинча, ўз мавқеини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан курашган. Оқибатда, ҳаёт янги ўзанга тушиб олгунга қадар тараққиёт жонқуярлари сафида талофатлар ҳам бўлган. Таассуфки, Анахарсис қисмати ҳам ана шундай ачинарли якун


топади. У ов пайти биродари Савлий ўқидан яраланиб, жон таслим қилади. У ўлими олдидан шундай дейди: “Мени Элладада ақл сақлаган бўлса, ўз ватанимда ҳасад ҳалок этди”.

Маърифатга чанқоқ ўзбек халқи Анахарсисдек донишманд аждоди меросидан узоқ вақт бебахра этиб келингани ачинарли, албатта. Иттифоқдош жумхуриятларга нисбатан ниқобланган мустамлакачилик сиёсатини юритган Кремль ҳукумати бу зот ҳақида сукут сақланишидан манфаатдор бўлганини таъкидлашга зарурат йўқ. Зеро, Анахарсис сингари улуғ бобокалонлар ҳақида асл ҳақиқат юзага чиқиб қолса, бундай чуқур маданий-маънавий илдизга эга халқни истибдодда тутиб туриш қийин кечарди. Бунда ўша давр наздида яккаю ягона тўғри таълимот мақомини эгаллаб олган марксизм-ленинизм асосчиларидан бирининг беписандлик билан “Скифиядан Анахарсис деган файласуф чиққан. Аммо шунга асосланиб бу ўлкада цивилизация бўлган, деб айта олмаймиз” дея билдирган хулосаси назарий дастак вазифасини ўтаган бўлса ҳам ажабмас. Ваҳоланки, бу даъвони мантиқан оппа-осон чиппака чиқариш мумкин. Чунки маданиятдан йироқ, ёввойи халқ Анахарсисдек улуғ файласуфни дунёга келтириши мумкин эмас. Ёки, аксинча, Анахарсисдек улуғ файласуфни дунёга келтирган халқ маданиятдан йироқ, ёввойи бўлолмайди.

Биз мустақиллик шароитида яшаётган бугунги кунда Анахарсис номини ёд эт-

масликка, унутиб юборишга ҳаққимиз йўқ. Бироқ шундай бўлишига қарамай, ўзбек халқи макон тутган ҳудуддан чиққан биринчи (бизга маълум бўлган, албатта) файласуф хотирасига ҳозир ҳам муносиб ҳурмат кўрсатилмаяпти. Таассуфки, ҳатто Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида Анахарсис ҳақида, кичикроқ бўлсин, мақола берилмаган. Унинг ибратли ҳаёти ва серқирра фаолиятини тадқиқ этиш борасидаги ишлар ҳам ҳануз ибтидосида турибди.

Биз юсак тараққий топган миллатлар даражасида янги ҳаёт қуришга бел боғлаган миллатмиз. Бу тарихий жабҳада эса бутун халқнинг куч ва иродасини бирлаштирувчи омил — миллий ғоя ва миллий мафкура жуда катта аҳамият касб этади. Мазкур ғоя ва мафкуранинг энг теран илдизлари эса милоддан аввалги VII — VI асрларга ва айнан Скифиялик Анахарсис фалсафасига бориб тақалади, десак ҳақиқатга хилоф бўлмас. Анахарсисдек буюк донишманд билан ҳар галги маънавий дийдорлашув бизнинг улуғвор ишларга бемалол елка тута оладиган баркамол миллат эканимизни эслатиб туради.



Пифагор

ТАКДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Озод ШАРАФИДДИНОВ



TILSHUNOSNING TILSIMLI QISMATI

Эссе

Турсун Иброҳимов бизга “Тилшуносликка кириш” фанидан дарс берарди. Қотмадан келган, бўйдор бу одамнинг бармоқлари мусиқачиларникига ўхшаган узун-узун ва ингичка эди. У ҳали қирққа ҳам тўлмаган бўлса-да, сочлари бутунлай оқариб кетган, улар орасида биронта ҳам қора тола кўринмасди. Домла ҳамма вақт соч-соқолини қиртишлаб юрар, кийимлари ҳам қишин-ёзин ораста бўларди. Ўзи ҳам истарали

Эссе жаҳон сўз санъатида кенг тарқалган жанр бўлса-да, ўзбек адабиётида асосан кейинги йилларда фаоллашди. Айниқса, 80-90 йилларга келиб бу жанр ёзувчи ва олимлар ижодида янги руҳ ва мазмун касб эта бошлади. Аёнки, таниқли шахслар ҳаётидан олинган жонли фактлар китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Ҳатто бундай мемуар бадий асардан кўра тезроқ ўқилади. Шу жиҳатдан, Озод Шарафиддиновнинг эссе жанридаги изланишлари кейинги авлод учун катта мактаб бўлади.

Озод Шарафиддинов эсселари самимияти, инсон руҳияти қатламларига чуқур кириб боргани, тилига хос хусусиятлар, қаҳрамон қилиб олинган шахс ҳақидаги хотираларнинг таъсирдорлиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай инсоннинг қизиқишлар доирасини унинг ҳаётий тажрибаси, дунёқараши, тафаккур йўсини, ҳаётга бўлган муносабати белгилайди. Бу эсселарнинг мавзу-мундарижаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шунингдек, бу асарлар қуруқ мақтовлардан иборат эмаслиги билан ҳам эътиборлидир. Уларда

одам эди. У кам куларди, баъзан жилмайиб кўйса ҳам кўзидаги мунг йўқолмас, табассуми алланечук ғариб, аянчли кўринарди. Лекин биз талабалар журъат қилиб, бу мунгнинг сабабини сўрай олмасдик. Домла маъруза ўқиганда мавзудан четга чиқмас, ҳар хил олди-қочди гаплардан сақланар, талабаларнинг ҳам “ўтлаб” кетишига йўл қўймас эди. Маърузани у жуда чиرويли ўқирди. Гуруҳимиз кичкина — бор-йўғи ўн бир киши эдик. Шунинг учун домла маърузани бемалол ўтириб ўқийверарди. Унинг ҳар бир гапи биз учун гўёки янгилик эди, шунинг учун мароқ билан тинглар, домлага кўп савол берар ва ҳатто гоҳо баҳслашиб ҳам турардик. Домла саволларга батафсил жавоб берар, баҳслашишдан қочмас эди. Шу тариқа, биз тилнинг нима эканини, қандай пайдо бўлганини, қанақа туркумлар, оилаларга ажралишини ва яна кўп ажойиб нарсаларни билиб олдик. Одатда, талабалар наздида, тил зерикарли фанлар сирасига кирарди, аммо Турсун Иброҳимов унинг замирида бир дунё сиру асрор борлигини бизга кўрсатиб берган эди. У вақтларда тилшуносликка кириш бўйича ўзбек тилида дарслик ҳам, қўлланмалар ҳам йўқ эди. Шу боис биз, қизиқишимиз устун келиб, рус тилидаги адабиётларга мурожаат қилдик ва бу бизнинг тилшунослик бобидаги билимларимизни кенгайтириш баробарида завқ-шавқимизни ҳам орттирди. Жуда яхши эсимда — ўша кезларда мен

Успенскийнинг “Слово о словах” китобини ўқиб чиқиб, бу ажойиб китобни бир умрга яхши кўриб қолган эдим.

Турсун Иброҳимов сабоқ чоғи талабаларга ўзини яқин тутар эди, лекин дарс тугаган заҳоти ҳеч нарсага қарамай, факультетдан чиқиб кетарди. Домла дарсдан ташқари вақтларда биров билан гаплашиб ўтиришни хоҳламасди, чоғи. Бу ҳам биз учун бир сир эди. Унинг нега бундай қилишини билишни истардик, лекин бунинг ҳам сўрашга журъат этмасдик. Домла биринчи курсдаёқ маърузаларини тамом қилди, шу билан у бизга бошқа кирмаслиги керак эди. Аммо эллигинчи йилларнинг бошида тилшунослик бобида шунақа катта можаролар авж олиб кетдики, натижада бутун мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам тилшуносликка кириш фанини бутунлай бошдан ўқитишга тўғри келди.

Биринчи курсда Турсун Иброҳимов ўқиган курс “Марксча тилшунослик” деб аталарди. Бу ном остида академик Марринг тилшунослик бобидаги “марксистча” таълимоти ўқитилар эди. Биз танқидий фикр юритишга ўрганмаганимиз учун нима дейилса, ҳаммасини чин ҳақиқат деб қабул қилар ва тўтиқушдек такрорлаб юрар эдик. Ўша даврда академик Марр кавказ тиллари бўйича жаҳондаги энг йирик мутахассис ҳисобланарди. Лекин бу унга камлик қилган, шекилли, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бу соҳада янги таълимот яратишга аҳд этиб-

ўткир мунаққид нигоҳи ва юксак бадиий истеъдод ўзаро уйғунлашиб кетгани яққол кўзга ташланади. Эссенависнинг асосий мақсади қаламга олинаётган қаҳрамон тақдирини ижтимоий-тарихий шароит билан узвий боғлиқликда талқин этишдан иборат.

Олимнинг ижод лабораториясини ўрганиш асносида ҳали нашр этилмаган хотира-эсселар мерос қолганига гувоҳ бўлдик ва улар албатта ўз ўқувчисига етиб бориши зарурлигини инobatга олиб, журналхонларга “Тилшуноснинг тилсимли қисмати” эссесини илиндик. Эсседа ўттизинчи ва эллигинчи йиллардаги қатлиомларнинг бир олим қисматидаги мудҳиш излари борасида сўз юритилади. Асарда ўша даврлар билан боғлиқ талайгина тарихий фактлар ҳам келтирилганки, бу ҳол унинг ижтимоий-маънавий қийматини янада оширишга хизмат қилган.

Шаҳноза ТҲҲИЕВА,
филология фанлари номзоди

ди ва яратибди ҳам. Бу янги таълимот ҳамма олий ўқув юртларида ўқитиладиган бўлибди. Гап шундаки, 1938 йилда Сталиннинг тахрири остида “ВКП (б) тарихи. Қисқа курс” деган китоб нашрдан чиқди ва бу “буюк” асарни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳамма мақтаб-мақтаб ўрганишга киришди. Китобнинг бир боби марксистик диалектикага бағишланган эди. Бу бобни бошдан охир Иосиф Виссарионовичнинг ўзи ёзган эди. Табиийки, бу қисм кўкларга кўтариб мақталди, жаҳон фанининг оламшумул галабаси деб баҳоланди. Академик Марр ана шу бобда айтилган диалектика қонунларини олиб, ҳеч нарсани ўзгартирмай, тўппа-тўғри тилшуносликка татбиқ этган. Шунга кўра: 1) тил — синфий, ҳар қандай синф ўз тилига эга бўлади; 2) тил қарама-қаршилиқлар бирлиги ва курашидан иборат; 3) тилдаги миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келади; 4) тил портлашлар йўли билан ривожланади, деган илмий хулосага келади.

Бундай назарияни кўпдан-кўп одам қабул қилган ва Маррнинг ўзини ҳам марксист тилшунос деб кўкларга кўтариш бошланган. Бироқ мамлакатда бу таълимотнинг ўта сохталиги, ғайриилмийлиги, диалектика қонунларини тилга бунақа кўр-кўрона татбиқ қилиб бўлмаслигини тушунган, довюрак одамлар ҳам бор экан. Ниҳоят “Правда” газетасида грузин тилшуноси Чекобованинг Маррнинг “чайқовчи”лигини фош этувчи катта бир мақоласи эълон қилинди. Унда Маррнинг таълимоти шу қадар кескин танқид қилинган эдики, унинг соғ жойи қолмаган эди. Грузин олими жуда пухта илмий далиллар ва ўткир мантиқ билан Маррнинг қарашлари мутлақо нотўғри эканини исботлаб берган. Аммо эҳтиёт юзасидан мақола мунозара қабилида эълон қилинган эди. Орадан кўп ўтмай, мунозарага Сталин аралашди ва у Чекобовани ёқлаб чиқди. “Халқлар дохийси” энди тилнинг синфий бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб берди. Дарҳақиқат, бой ҳам, камбағал ҳам бир-бирини тушунмайдиган бошқа-бошқа тилларда

гаплашмайди, тил — ижтимоий ҳодиса, у бутун халқ учун бирдай алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Тиллар портлаш ёки сакраш йўли билан ҳам тараққий этмайди, ахир, тарихда ҳеч қачон бирон инқилобдан кейин бирор-бир янги тил пайдо бўлиб қолган эмас-ку.

Хуллас, биз шу қадар жўн, шу қадар оддий ва шу қадар табиий нарсаларни ҳаёлимизга ҳам келтирмаганимизга хижолат бўлиб, Сталиннинг қарашларини ёқлашдан бошқа иложимиз қолмаган эди. Бу воқеа бизга бўлар-бўлмас нарсага марксизмни суқиштиравериш тўғри эмаслигини ўргатган, яъни бу борада жуда яхши сабоқ бўлган эди. Лекин масала шу билан хотима топгани йўқ. Тошанинг каттаси кейин бошланди. Ҳамма олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларда Сталиннинг мақоласи ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида бу ўқув юртларига ўрнашиб олган яширин ёки ошқора маррчилар фош қилина бошладди. Энг катта машаба СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида содир бўлди. Энг катта маррчилар ўша ерда экан. Мажлисларда уларнинг энг майда, арзимас гуноҳларига аёвсиз танқид қилинди ва улар шафқатсизларча ишдан ҳайдалди. Маррчиларга муносабат баайни халқ душманларига муносабатдек тус олди. Бироқ ҳеч ким “Ахир, у кезларда маррчи бўлмаслик мумкин эмас эди-ку! Маррга қарши лом-мим деб оғиз очган ҳар қандай одамнинг суроби тўғрилаб қўйиларди-ку?” дейишга журъат эта олмади. Бахтга қарши маррчилар қаторига бизнинг домламиз Турсун Иброҳимов ҳам қўшилди. Айни балоғат ёшига етган, ишча-мунча ҳаётий тажриба орттирган, илм соҳасида каттагина бойлик йиғиб улгурган қирчиллама ёшида ишдан қувилди, тирикчилиги жуда ночор аҳволга тушиб қолди. Уни жазоловчи органлар чақириб сиқувга олди, лекин ҳарқалай камашмади.

Домла Ўрта Осиё дорилфунунидан кетишга мажбур бўлди. Тасаввур қилинг — ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган, айбсиз, ҳалол, виждонли бир одам ягона даро-

мад манбаи — арзимаган ойлик маошидан махрум қилинса?

Тўғриси айтганда, мен домланинг кейинги ҳаётидан, аламли саргузаштларидан унчалик хабардор эмасман. 1955 йилда Москвадан қайтиб келиб, филология факультетига ишга кирганимдан сўнг домла ҳақида бир-икки одамдан суриштирган бўлдим, лекин ҳеч кимдан тайинли бир гап чикмади. Шундан кейин мен ҳам ўзим билан ўзим овора бўлиб кетдим. Аммо домла кўзидаги тубсиз мунг, жиндай одамовилиги билан бот-бот хаёлимда пайдо бўлиб қолар, кўнглимда у киши билан боғлиқ ёрқин хотиралар уйғонарди-ю, яна бир оздан кейин кундалик ташвишлар хаёллар йўлини тўсиб, мени ўз измига олар эди.

Фақат саксонинчи йилларга келгандагина мен домланинг кўзидаги мунг сирини англагандай бўлдим.

* * *

Саксонинчи йилларда бир муддат Ўзбекистон Давлат архивида ишлашимга тўғри келди. Кунларнинг бирида ҳужжатларни титкилаб ўтирганимда Турсун Иброҳимов тўғрисидаги бир маълумотнома чиқиб қолди. Унда Турсун Иброҳимовнинг 1938 йилда қамоққа олингани, сўроқлар давомида унинг махфий аксинқилобий ташкилотга аъзо бўлган йигирма ёки йигирма беш киши устидан маълумот бергани, кейин судда бу кўрсатмалардан воз кечгани, ниҳоят отувга ҳукм қилиниб, ўлим камерасида бир ойга яқин ёлғиз ётгани айтилган эди. Бу гапларда ҳеч қандай мантиқ йўқ, албатта. Қонхўр органлардан бирор мантиқ кутиб ҳам бўлмайди. Бундан ташқари, Турсун Иброҳимовнинг бирваракайига йигирма беш кишининг номини айтиб, улар устидан қораловчи материал берганига ҳам ишониш қийин. Агар бу гап тўғри бўлса, махфий ташкилот махфий эмас, ошқора, очиқ бўлган экан-да. Хуллас, бу қоғозга ишонмадим. Ундан уққаним фақат шу бўлди: Турсун Иброҳимов ҳам юзминглаб ватандошларимиз каби шўро ҳибсхонасининг қозонидан

“насиба”сини еб чиққан экан-да! Демак, унинг кўзларидаги мунг, юзининг заҳиллиги, одамлардан ўзини олиб қочиши бежиз эмас экан-да? Нега бундай бўлдики? У қамоқда ўтказган бир-бир ярим йиллик умри давомида қандай азоб-уқубатларга рўбарў келдики? Қандай ёвузлик, бошига тушган қайси қора кунлар авжи қирчиллама йигит ёшида унинг сочларини қордек оқартириб юбордики? Бу саволларга профессор Наим Каримовнинг “Ўзбекистон овози” газетасида 2003 йил 14 август куни босилган мақоласидан қисман жавоб топдим. Наим Каримов Турсун Иброҳимовнинг тергов иши билан танишиб чиққан ва бу узук-юлуқ ишдан муқаммал маълумот ола билмаган бўлса-да, ундан айрим фактларни келтирганки, улар домла сиймосини бир қадар тўлиқроқ тасаввур қилишимизга ёрдам берди. Турсун Иброҳимов 1908 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги бир қишлоқда таваллуд топган. (Афсуски, қишлоқнинг номи ҳам, қандай оилада таваллуд топгани ҳам айтилмаган). Олий маълумотли. (Унинг қаерда ўқигани ҳам аниқ эмас, аввал Самарқандда, кейин Ленинградда ўқигандир деб тахмин қилиш мумкин — сўроқ вақтида терговчи ундан Поливанов ва Самойлович каби олимлар тўғрисида қораловчи кўрсатма беришни талаб қилганга ўхшайди). 1929 йилда Тошкентга кўчиб келади ва Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлай бошлайди. Қисқа муддат ичида унинг анчагина рисолалари, илмий асарлари эълон қилинади.

1938 йил апрелида қамоққа олинади. Махфий Контрреволюцион миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида айбланади. Ҳатто, бу ташкилотга Сафо Зуфаров ва Назир Иброҳимовни жалб қилган деб, миллатчилиги “далилланади”. Афтидан, Турсун Иброҳимов турмада, сўроқ жараёнида мислсиз қийноқларга дучор бўлган. У аёвсиз калтакланган, бир неча кунлаб карцерларга солинган, уни ухлагани қўйишмаган, оч қолдириш-

ган. Турсун Иброҳимовнинг ўзи ўша вақтда берган кўрсатмаларидан бирида уни “конвейер” усулида азоблашганини айтган. Бу усулга кўра, маҳбус оёғидан шифтга осиб қўйилар ва шу аҳволда тўрт-беш соат турар экан. Бундай азоб тез-тез такрорлаб турилар экан. Унинг оёқлари шишиб, юролмай қолар, ҳатто бу қийноқдан сўнг оёғига пайпоқ ҳам киёлмас экан.

Биз гоҳида қатағонга учраган одамлардан гина қилиб, уларнинг турмада баъзи бировларнинг номини айтиб, терговчига “компромат” берганидан ўпкалаймиз. Шу баҳона унинг номига қора чаплашга уринамиз. Мен одамларнинг хиёнаткорлиги, сотқинлигини кечиролмайман ва гап-сўзсиз уларни қоралайман. Шу билан бирга, Турсун Иброҳимов каби аждарнинг комига тушиб қолиб, даҳшатли қийноқларга дучор қилинган одамларнинг аҳволини ҳам тушунмоқ керак деб ўйлайман. Қани энди, қатағон қилинганларнинг ҳаммаси метин иродали бўлса, ҳар қандай қийноққа дош беролса... Аммо инсон инсон-да! Кўпчилик жисмоний зўравонликлар, қийноқлар кучайса, руҳан таслим бўлади. Ёлғон гапириб бўлса-да, азобдан қутулишни ўйлайди. Ўша эски гап: “Золим агар жафо қилса, Олло дегил!”. Турсун Иброҳимов эса зиёли эди, у жисмоний қийноқлар тўғрисида инквизицияга оид китобларда ўқиган бўлса ўқигандир, лекин “бахтли совет замонаси”да шахсан ўзим унга рўбарў келаман деб етти ухлаб, тушида ҳам кўрмаган, бу — аниқ. Шундай экан, терговчининг ваҳшиёна зулмларига чидаёлмаган бўлса, бунинг учун уни қоралашдан аввал бир оз ўйлаб боқмоқ, ҳатто ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўрмоқ зарур. Бунинг устига, Турсун Иброҳимов суд пайтида ўша ёлғонларнинг ҳаммасидан қайтибди-ку. Бу иши ҳам уни озми-кўпми оқлашга хизмат қилади. Айнан шундай қилмоқ учун, “мен жисмоний зўравонлик ва зулм сабабли шундай дейишга мажбур бўлдим” демоқ учун ҳам катта жасорат ва мардлик керак. Ўлим камераси-чи? Мен бунақа камерада ўтирган

эмасман, лекин буюк француз адиби Виктор Гюгонинг “Клодге” қиссасини ўқиганман. Унда музхонага ўхшаш тўрт девор ичида ўтириб, ҳар соат, ҳар дақиқа сайин “тиқ” этган товуш эшитилса, “ана, жонимни олгани Азроил келяпти” дея юраги така-пука бўлиб, ваҳимага тушиш жуда-жуда оғир экани ишонарли тасвирлаб берилган.

Турсун Иброҳимов шунча қийноқлардан кейин ҳам яна ўз касбига қайтган ва талабаларга сабоқ беришда давом этган. Демак, ўлим камераси ҳам уни бука олмаган, синдира олмаган, фақат унинг кўзига мунг бергану одамларга бўлган ишончини сусайтирган, холос. Шўро замонида яшаган одамларнинг баъзилари ҳозир ҳам “Оҳ, у замонлар...” дегандек ўша йилларни қўмсаб қолади. Бундайлар ўйламайдик, инсоният тарихида ҳеч қачон бундай иккиюзламачи, мунофиқ давлат бўлмаган. Зулм ҳеч қачон бу даражада ҳаддан ошмаган. Солженициннинг “ГУЛАГ архипелаги” чет элларда босилгандан кейин бир мухбир “Ҳозир Совет Иттифоқида нечта сиёсий маҳбус бор?” деб сўраганида, Солженицин ҳеч иккиланмасдан “Икки юз эллик миллион” деб жавоб берган. Ўттизинчи йилларнинг ўртасида эса қатағон алангалари айна гуриллаб ёниб ётган, давлат зулмидан азият чекмаган биронта ҳам хонадон қолмаган бир шароитда Сталин партиявий съезд минбаридан бутун дунёга жар солди: “Энг сўнгги совет кишиси ҳам энг мақталган, энг олдинги буржуа одамидан бир бош юқори туради, чунки совет кишиси капиталистик зулм кишанларидан буткул озод бўлган инсондир!”. Бу сўзлар айтилгандан сўнг кўпгина совет кишилари уни ҳақиқат билиб, гердаиб юрди. Ҳолбуки, қатағоннинг энг авж палласи 1937 йилга тўғри келган ва яна бир неча йилларгача тўхтамаган. Турсун Иброҳимов қирқинчи йилларда яна иккинчи марта қамоққа олинади. Бу гал ҳам у яна бир муддат қамоқ азобини тартади. Бироқ Наим Каримовнинг айтишича, домланинг бу галги қамалиши ҳақида тайин-

ли бирор маълумот йўқ. Ҳатто унинг қачон озод бўлгани ва қачон ишга қайтгани ҳам маълум эмас.

Шу ўринда табиий бир савол туғилди — қудратли совет ҳокимиятининг бу камсуқум ва камтарин инсонда қандай хусумати бор эдики, у шўрликни бу қадар мислсиз қийноқларга дучор қилди? Ахир, у бирон жойда шўро ҳукуматиға қарши бирон оғиз ёмон гап айтмаган, бирон иншоотни портлатмаган, давлатнинг бирор сирини ўғирлаб, чет эллик жосусларға сотмаган бўлса? У бақадри имкон сабоғини бериб, рўзғорини тебратиб юрган оддий бир инсон эди-ку. Табиатан қонунға хилоф иш қилиш қўлидан келмаслиги, аксиланқилобий ташкилотларға яқин ўламагани, айниқса, терговчиларға яхшироқ аён бўлган. Чунки ишда буни тасдиқлайдиган бирон-бир факт қайд этилмаган. Ахир, ўз фуқаросини бекордан бекорға қийнаган, эзган давлат ҳеч қачон халқ ўртасида обрў топмайди-ку? Шундай экан, ўша йиллардаги қатағонларнинг, юз минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган қирғинбаротнинг сабаби нимада?

Албатта, совет ҳукуматининг шахсан Турсун Иброҳимовда ҳеч қанақа хусумати йўқ эди. Турсун Иброҳимов ҳам бу ҳукуматға нисбатан мутлақо душманлик кайфиятида эмас эди. Лекин у зиёли, зиёли бўлганда ҳам истеъдодли, фикрлайдиган зиёли эди. Фикрлаш эса таққослаш дегани, таққослаш, албатта, бошқа оламни тақозо қилади. Иштонсиз одам чўпдан кўрқар экан. Ўз пойдеворининг пишиқ-пухта эмаслигини, арзимаган шамолға ҳам чидаёлмай, қулаб тушиши мумкинлигини яхши билган совет доҳийлари фикрлайдиган зиёллардан ўтдан кўрқандек кўрққан ва уларни “зарарсизлантириш”ға ҳаракат қилган. Шунинг учун қаерда туғилганидан, қайси ўлкада улғайганидан, қайси миллатға мансублигидан қатъи назар, барча зиёли зотини гаҳ деса қўлга қўнадиган бинойи кушга

айлантиришға ҳаракат қилган. Бунинг эса энг осон йўли тоталитар давлатда зўравонлик ва террор йўли билан ҳаммани кўрқув бандасиға айлантириш, бутун мамлакатда эса кўрқув салтанатини барпо этиш бўлган. Шу тариқа, Москва “зиёлини қурит” дея буйруқ берган бўлса, органларнинг жойлардаги гумашталари ақли бутун одамларни ўзлари тузган рўйхат бўйича йўқотиш ҳаракатиға тушган. Бу мудҳиш иш шу қадар катта мондий ва маънавий зарар етказганки, унинг ўрнини тўлдириш имконсиздир. Беихтиёр Чўлпоннинг “Кишан, гавдамдаги излар ҳали ҳам битгани йўқдир” деган сўзи эсга тушади.

Қирғинбарот сиёсатининг мантиқсизлиги шундаки, унинг ўқлари биринчи навбатда энг истеъдодли, энг зиёли одамларға қаратилган эди. Одам истеъдодли бўлса бас, шунинг ўзи шўро ҳокимияти ва унинг шоввоз югурдаклари назарида энг катта жиноят эди. Турсун Иброҳимов эса ғоят истеъдодли эди. Ўзим тинглаган маърузалардангина келиб чиқиб айтмаяпман бу гапни. Ўттизинчи йилларнинг бошида тилшунослик илмида у ёрқин юлдуздек порлаб чиққан эди. Турсун Иброҳимовнинг “Тил ва орфография масалалари”, “Ўзбек тилида феълнинг ясалиши”, “Ўзбек адабий тили орфографияси бирлиги учун”, “Ўзбек тилининг қорақалпоқ шеvasи” каби мақолалари унинг салоҳияти нечоғли юқори бўлганидан далолат бериб турибди. Ким билади — агар бу инсоннинг қанотлари қайрилмаганида, унинг парвози қанчалик баланд бўларди. Ким билади дейсиз — биз бу камтарин ва камсуқум олим сиймосида кимни йўқотдик экан?!

Турсун Иброҳимовлар эркин бўлганда, уларнинг бемалол фаолият кўрсатмоғиға жилла курса, халақит қилинмаганида, эҳтимол, биз — бугунги авлод кўп нуқсонлардан холи бўлармидик ва аллақачон дунёнинг етук миллатлари қаторидан ўрин олармидик?!

Navoiyning uchinchi tazkirasini

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг учинчи тазкираси “Маҳбуб ул-қулуб” дир. Бу асар аслида шоир умр дафтарида сарҳисоби, унинг ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги теран муҳокамаларга асосланган нуқтаи назари, фикр-мулоҳазалари жамулжамидир. Асарга баҳо берган баъзи олим ва тадқиқотчилар уни Саъдийнинг “Гулистон”и ва Жомийнинг “Баҳористон”ига ўхшатса, айримлари “бошқача типдаги асар” деб ҳисоблайди. (*Ўзбек адабиёти тарихи. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Т., “Фан”, 1977, 342-бет*). “Маҳбуб ул-қулуб”даги танбеҳларнинг бир қисми Убайд Законийнинг “Рисолаи сад-панд” ва “Рисолаи дилкушо”сини ҳам эслатади. Аммо мазкур асар қайси жанрга мансуб экани борасида ҳалигача аниқ бир тўхтамга келинмаган.

Мен кўп йиллардан буён ўзбек, форс-тожик ва араб адабиёти тарихи билан шуғулланиб келаман. Лекин “Маҳбуб ул-қулуб”да қўлланилган қолипни, сарой муҳитидан олинган бундай мундарижани шу тартиб ва мезонда бошқа биронта асарда учратмаганман. Шу жиҳатдан, “Маҳбуб ул-қулуб” — янгича тартибда кашф этилган махсус бир жанрга мансуб асар десак, хато қилмаймиз. У бошдан охиригача кино ва рамзлар воситасида ифодаланган ҳаётий воқеалар, тўғрироғи, сарой муҳити билан боғлиқ муаммолар муҳокамасига бағишланган.

Ушбу асарда Навоий ўрни-ўрни билан

араб, форс ва туркий адибларга ҳам муурожаат қилади, улар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бу мисол тариқасида келтирилган далилларгина бўлиб қолмай, баён этилажак навбатдаги масалалар тақозо этган бир манзара ҳамки, айнан шу саҳифалари “Маҳбуб ул-қулуб”ни тазкира жанрига яқинлаштиради. Ана шу хусусиятларига асосланиб, уни “Мажолис ун-нафоис”ни тўлдирадиган кичик бир тазкира дейиш ҳам мумкин.

“Мажолис ун-нафоис”да аксарият Навоий яшаган даврдаги адабий муҳит намояндалари ҳақида фикр юритилган бўлса, “Маҳбуб ул-қулуб”дан эса кўпроқ қадимда яшаб ўтган адиблар ҳақидаги қимматли маълумотлар ўрин олган. Бу адибларнинг зикри ҳоли асарнинг биринчи қисмидаги ўн олтинчи фаслда ва иккинчи қисмидаги ўнинчи бобда тазкира шаклида берилган. Фасллар номи — “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” ва “Ишк зикрида” ҳам уларнинг тазкира тартибида баён этилганидан яққол далолат беради.

Ҳазрат Навоий асарнинг биринчи қисмидаги ўн олтинчи фаслда адибларни гуруҳларга бўлади ва ижодий йўналишига қараб уларни “ул неча табақадур” деб таснифлайди. Биринчи табақани у қуйидагича таърифлайди: “Аввалги жамоат нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин

маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёт каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжиз низомда тилаган топар... Аммо бу азиз қавмининг пешво ва муқтадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтари... амир ул-мўъминин Алидурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нукаат номаъдуд” (Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. Ўн учинчи жилд. “Маҳбуб ул-қулуб”. Т., Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 20-бет).

Навоий биринчи тоифага “илоҳий маърифатидин ғаний ва халқ таърифидин мустағний” бўлган адибларни мансуб этади. Уларнинг шеърлари эса “эл файзи учун” айтилган ва у шеърлар аслида илоҳий оятларнинг тарқалиши ва ҳадисларнинг хулосасидир. Улуғ шоирнинг фикрича, шундай шоирларнинг пешвоси ва сардафтари ҳазрат Али бўлган. Бу Навоийнинг ислом нури билан суғорилган шеърларга берган баҳосидир. У асл шеър ва шоирликни диний-ирфоний ижодда кўради ва уларни “бағоят аржуманд (азиз), бениҳоят шарофатли ва дилписанд” сўзлар деб билади. Унингча, оятлар ва ҳадислардан иборат шеърлар ҳақиқий шеърдир ва улардан халқ баҳра олади, фазлу зиё топади. Улуғ шоир назарида, шариат ва тариқат мазмунига мос шеърларнинг омма учун аҳамияти каттадир. Бундай шеърлар уларга аталган, улар тадири ва қисмати билан боғлиқдир.

Алишер Навоий биринчи табақага мансуб адиблар қаторига ҳазрат Алидан кейин форсигўй Фаридуддин Аттор ва Мавлавий Румийни қўшади. Уларни Алининг давомчиси деб билади. Чунончи, бу хусусда куйидагиларни ёзади: “Бу мазҳари ажойибга гуруҳеким тобеъдур, баъзини арз қилолики, кимлар воқеъдур: форсий иборатда ул жумладин нозими жавоҳири асрор шайх Фаридуддин Аттордур. Яна қойили маснавийи маънавий, ғаввоси баҳри яқин мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдурким, мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлосидин ўзга йўқтур”.

Улуғ шоир Аттор ва Румий давомчилари Хожа Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний эканини таъкидлайди ҳамда Хожа Юсуф Ҳамадоний, Абдуллоҳиқ Гиждувоний ва хожгон шайхларини ҳам мазкур табақага мансуб деб ёзади.

Бинобарин, Навоий биринчи табақани тавсиф этганда шайхлару авлиёларга алоҳида тўхталади, гарчи уларнинг номларини тилга олмаса ҳам, ояту ҳадислар ва ирфоний ғояларни баён этувчи нотиклар, асл адабиёт намояндалари деб таърифлайди. Улар қаторига эса хожгон шайхлари, Яссавий издошлари ва бошқа авлиёю каромат эгаларини киритади.

Сирасини айтганда, бошқа аксар таъкираларда ҳам шу тартиб ва низом қўлланган, улуғ шоир бу борадаги аънанани давом эттирган. Шу боис муаллифни адабиётга диний нуқтаи назардан баҳо берган дейиш ноўрин бўлади. Аксинча, улуғ шоирнинг бу масаладаги адабий-эстетик қарашларининг асл моҳиятини тушуниш ва ул зотнинг адибларни табақалаштиришда тўғри йўл тутганини идрок этиш бизни мақсадга яқинлаштиради.

Ҳазрат Навоий иккинчи табақага мансуб шоирларни куйидаги тавсифлар билан тилга олади: “Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилибдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоқки, маоний аҳлининг нуктапардози шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Дехлавий ва тасаввуф ва диққат мушкилотининг гиреҳқушойи шайх Заҳириддин Санойи ва фариди аҳли яқин шайх Авҳадиддин ва маоний адосиға лофиз хожа Шамсиддин Муҳаммад ул Ҳофиз”.

Муаллиф фикрича, ҳазрат Алининг ояту ҳадисларга асосланган шеърлари тўғридан-тўғри илоҳий маърифатга элтадиган йўлни ифодалагандир; унга эргашган Аттор ва Румий шеърлари ҳам шу қоидага мос йўсинда айтилган, аммо уларда маънавий ифода ва сирли жараён ниҳоятда кучли. Навоий ушбу шоирларнинг назм дафтари “ҳақиқат

асрориға” мажозий услубни қўшиб фикр баён этишдан иборат бўлганини алоҳида уқтириб ўтади. Улар илоҳий ишқ баёнида мажоздан унумли фойдаланган ва шу мақсадга эришиш йўлини мажоз билан ҳақиқатнинг қўшилишида деб билган.

Бинобарин, мазкур адиблар ижодида мажоз ва рамзу киноя Оллоҳ рамзлари билан омухта бўлган ва улар эса мазкур санъатларни фақат ва фақат илоҳий мавзу баёнида истифода этиб, шу тартибда илоҳиёт йўлини излаган, илоҳий муҳаббатга ноил бўлган.

Ҳазрат Навоий учинчи погонани эгаллайдиган адибларга бундай таъриф беради: “Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмиға голиб ва алар шеваға кўпроқ роғибдурлар. Андоғким, Камоли Исфаҳоний ва Хоқоний Шервоний ва Хожайи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол Анварий ва Заҳир ва Абулвосиъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носири Бухорий ва Котибийи Нишопурий ва Шоҳийи Сабзаворий”.

Бу шоирлар фақат мажоз, яъни ўткинчи дунё воқеа-ҳодисаларини тасвирлашга шайланган. Улар орасида Хоқоний ва Хожа Камол каби мажоздан ҳақиқатга юксаладиган адиблар ҳам бор, албатта. Аммо бошқалари мажоздан нарига ўтмаган. Улар ўз шеърларида реалистик ибора ва ифодаларни ишлатган, моддий дунё ишларини унинг реал нафосатини куйлаган.

Бу ўринда ҳам ҳазрат Навоий ҳақ эди. Ул зот адабиётни мазмунига қараб уч қисмга бўлади ва шунга биноан ижод аҳлини ҳам уч табақага ажратади. Биринчиси ояту ҳадислар ва Оллоҳ маърифати билан суғорилган ғоя ва илоҳий асрорни кашф этган адабиёт бўлиб, унинг бошида ҳазрат Али турган, кейин уни машойихлару авлиёлар ҳамда маънавий маърифат билан шуғулланган адиблар давом эттирган.

Иккинчи гуруҳ адиблар Оллоҳ сояси остида туриб, шу соянинг жилваси ва инъикоси билан иш юритган. Улар мажозни ҳақиқатга улаган ва илоҳий ҳақиқатни назарда тутиб, мажозий тасвирга берилган. Мажоз орқали ҳақиқат-

ни топган. Уларнинг шеърларида кичик олам ваҳдатга айланади.

Учинчи поғона шоирлар моддий дунё тасвири билан банд бўлганларки, юқорида таъкидлаганидек, Навоий уларнинг номларини тартиб билан келтиради. Бу тоифага Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Адиб Собир Термизий, Унсурий, Фаррухий, Манучехрий, Масъуд Саъд Салмон, Саккокий, Сайфи Саройи, Кутб каби шоирларни киритиш мумкин.

Ҳазрат Навоий шоирларни асосан ғоявий йўналиш бўйича табақалаштиради. Бунда тил, услуб ва ижодий мактабларга аҳамият бермайди. Бу эса ўзига хос тазкиравий усулдир. Ҳолбуки, кўп тазкираларда шох шоирлар ва сарой иждоқорларига эътибор кучайган ҳолда, ғоявий йўналишга аҳамият берилмаган.

Тазкира муаллифи устози Абдурахмон Жомий ижодига алоҳида тўхталиб, уни хос бир табақага ажратмайди, балки биринчи ва иккинчи гуруҳга мансуб этади. Яъни, Жомий ояту ҳадислар ва тариқат шарофати ила бевосита илоҳий маърифатга эришган зот, иккинчи томондан, мажозий маъноларни ҳақиқат тушунчасига муштарак этиб, ажойиб асарлар яратган эди. Навоийнинг фикрича, ул зот авлиёлар мақомига эришиб, каромат эгаси бўлган ва фанодан кейин бақо даражасини топган. Жомийнинг бу борадаги камолоти Навоий томонидан бундай таърифланади: “Авалги табақа равиши ва каломиди ҳам шариф мақол ва сўнги табақанинг ҳам адоси латойифиди соҳиб камол мавлоно нурул-миллати оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била хузур қилурлар”.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, мазкур таъриф ҳазрат Навоийнинг ўзига ҳам мос келади. Навоий тазкира эгаси сифатида бошқаларга муносабат билдириб, уларнинг шеърятдаги мақомини аниқлаган-у, ўзи ҳақда ҳеч нарса деманган, қайси табақага мансублигини айтмаган. Аммо Жомийга берган мазкур баҳосидан идрок этиш қийин эмаски, унинг ижоди ҳам биринчи икки табақага мансуб, ул зот ўз сиймосида маърифат ила ҳақиқатни, мажоз ила аслиятни бирлаш-

тирган ва шу туфайли авлиёлик мақомига мушарраф бўлган эди.

Навоий шоирлар ижодига “ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат, шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат” борлиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, ана шу маънавий мезонлар асосида уларнинг мақомини белгилайди. Ана шу таснифга биноан тўрт табақа шоирлар алоҳида ажралиб туради. Алишер Навоий булардан ташқари, манманликка берилган мутакаббир шоирларни ҳам алоҳида табақага ажратади. Аммо улуғ шоир уларнинг назмида ҳақиқат маърифатидан нишона топмайди ва шу боис уларни таъна ва маломат қилиб, шоирлар сафидан четлаштиради. Булар — Жомийнинг рақиби бўлган Соғарий ва доимо Навоийга панд бермоқ қасдида юрган Биноийдир.

Хулоса шуки, “Маҳбуб ул-қулуб”даги шоирларга бағишланган саҳифалар кичик бир тазкирани ташкил этади, аммо асарнинг ўзи мавқе ва моҳияти билан махсус ёзилган тазкиралардан қолишмайди. “Маҳбуб ул-қулуб” — алоҳида услуб ва хусусиятга эга бўлган маърифий ва танқидий асар. Лекин шоирлар ҳақидаги фасллари уни тазкира жанрига яқинлаштирган ва у “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи қисми сифатида бу асарни тўлдирди, унга махсус бир мақом беради.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг тазкиравий хусусияти унинг бошқа бобларида ҳам акс этган. Чунончи, асарнинг иккинчи қисмидаги ўнинчи боб шундай характерга эга. Бу боб ишқ зикрида бўлиб, илоҳий ишқ мартабаси ва тасвири бўйича унда шоирлар мақоми белгиланган ва бу ўзига хос табақалаштиришни эслатади. Илоҳий ишқ оташида куйиб-ёнган шоирлар, Навоийнинг айтишича, жуда кўп бўлган, аммо улар орасида Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, шайх Фахриддин Ироқий ва Хожа Ҳофиз Шерозий алоҳи-

да ўрин тутадди. Улар суфиёна суқрийўли билан илоҳий муҳаббатга мушарраф бўлиб, ҳақнинг васлига етишишда юксак мартабани эгаллаган.

Навоий буюк муҳаббат соҳиби Амир Хусравни “пок нафас, пок алфоз ва маоний баёнида” ус-тоз деб улуғлайди. Шайх Ироқийни “сўзи пок, кўзи пок ва ишқ аҳлида яғонадур”, деб таърифлайди, Хожа Ҳофиз Шерозий эса муаллиф таъкидича, “шамсул миллати ваддиндир ва икки оламни бир дав била ўйнагон муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин мастриндлар ҳамрози”дир. Абдурахмон Жомий бўлса, Навоий наздида, “ҳар услуб шеърда жаҳонгир, дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва мулку малакутда сойирлар шайхулисломни, назмларида ҳар бир шеър била ишқ ўтин оламга урубдурлар ва шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгул оламин куйдурубдурлар”.

Навоий мазкур шоирларнинг илоҳий ишқ бобида қандай мавқега эга бўлгани ҳақида маълумот берар экан, уларни ваҳдатга эришган зотлар деб таърифлайди. Бу эса махсус тазкира йўси-нида битилган китобларга хос хусусият бўлиб, “Маҳбуб ул-қулуб”нинг тазкира асарлар сирасига нақадар яқин эканини намоён этади.





KOMILLIK SIRI

*Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур
юз минг китоб,
Не учунким, хуш келур айтурда
итноби анинг.*

Байт мазмунидан англашилишича, агар фақрга доир биргина истилоҳнинг ўзи тасаввуфий моҳият жиҳатидан батафсил шарҳланса, ҳажман юз минг китобга етиши мумкин. Дарҳақиқат, тасаввуфшунос олимлар яхши биладиларки, ўтмишда фақр калимаси ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Аммо, фақр лафзини батафсил таҳлил этиш ва бу билан комиллик сирларини ошкор этавериш жоизмикан ёки гапни итноб, яъни ортиқча чўзавериш кишига хуш келармикан?

Дарҳақиқат, бу байт мазмунида сўзбозликка берилиб, ғайб ас-рорини бемаврид ошкор этувчи дорул — гурурдаги аҳли гурурга ҳам ишора бор. Буюк Яратувчи инсониятнинг қазо ва қадарини азалдан белгилаб қўйган. Шунинг учун инсон ҳар қанча уринмасин, қисматдан ортиғи бўлмайди. Байтда кўзда тутилган муҳим масалалардан бири — илмбозлик, яъни илмга ҳаддан зиёд чуқур кетиш ҳам нафсга берилишнинг бир кўриниши эканидир. Баъзи илмли кишиларда иддаонинг пайдо бўлиши бунга мисолдир. Бунда иккита хавф мавжуд: биринчидан, илмга боши билан шўнғиган киши бутунлай хато йўлдан кетиб ўзини ҳам, жамиятни ҳам ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйиши эҳтимоли бор. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам кўп билим ҳосил қилган инсон илмига ғурурланиб, ҳатто Оллоҳга ҳам ширк келтириши мумкин. Шунингдек, байтда бандаи ожиз қанчалик фасиҳ сўзли бўлгани билан Оллоҳнинг каломидан ортиқ бир сўз айта олармикан, деган фикр ҳам баён этилади.

Ҳазрат Навоий ижодида факр калимаси жуда кенг тасаввуфий маъноларни қамраб олган. Шоир фикрича, комил инсон бўлиш учун фақат факру фано моҳиятини чуқур ўрганиш ёки тасаввуф илмини эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Негаки, гоҳо унчалик илмли бўлмаган, лекин иймони мустаҳкам одамлар Оллоҳ ирода-си билан тез фурсатда комилликка эришади. Бунга сабаб кишининг эътиқодда собитлиги, самимий тавбаси, ибодатда қоимлигидир. “Насойим ул-муҳаббат”да баён этилишича, Ҳабиб Аъжамий чин тавбаси билан ана шундай бахтга мушарраф этилган абдоллардан бўлган: *“...Ва Шайх Ҳасан Басрий қошида кундуз илм ўрганур эрди ва кеча тонг отгунча тоат қилур эрди. Ва ани “Аъжамий” анинг учун дерлар эрдик, Қуръонни дуруст ўқўй олмас эрди, аммо соҳибкамоллар анинг қошида тифли мактаб эрдилар”*.

Шоир талқинича, ўтмишда шу қадар улуғ шайхлар ўтганки, дунёвий ва диний-тасаввуфий илмларни пухта билишига қарамай хокисорлик сабаб ўзларидан бирор китоб, ҳатто икки энлик дастхат ҳам қолдирмаган. Ҳаёлотини бот-бот ана шундай хислатли суфийлар ўзига жалб этган шоир ҳақиқат сирларини улардан ўрганишга интилган.

Ҳазрат Навоийнинг кузатишича, факру фано сирларидан боҳабар суфийнинг асосий сифатларидан бири унинг сукути ва айб-пўшлигидир (айбларни беркитувчи). Шоир ана шу фазилатни ус-този Абдурахмон Жомий тимсолида кўради: *“Турфа будурким, Хожа Муҳаммад Тайёбодийким, бир қарн ул ҳазратнинг махсус мулозими эрди, назмларидин бир байт билмас ва билса ҳам назм ва насрларидин бир нукта фаҳм қилмас ва қилса ҳам мақсудки мувофиқ демас. Боракаллоҳ, камоли қобилият мунча — ўк, бўлғай! Ул ҳазрат йиллар анинг бадхўйлуғин кўруб сингурубдурлар ва ўзларига кетурмайдурлар”*.

Ҳазрат Навоий кишидаги кўп билиб кам сўзлашни, сукуту айб-пўшликни ниҳоятда қадрлайди. Улуғ ҳақиқатлар сирини юксак тафаккур билан мухтасар тарзда очиш шоир услубига хос хусусиятдир. Зеро, шоир Тангри таоло берган истеъдоди билан ўттиз, қирқта китоб эмас, балки юзлаб битиклар ёзиб қолдиришга қодир эди. Ўзидаги истеъдоддан унумли фойдаланишни сўзбозликда эмас, аксинча, салоҳият кўп ўрганишу кам сўзликда деб билгани Навоийнинг ҳақиқатни, орифлик сирларини ниҳоятда теран англаганини кўрсатади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ

Sultonmurod OLIM mutolaa qiladi

ИМЛОДАГИ МУАММОЛАР

Давлат тили ҳақида. Тузувчи Нусратулло Жумаҳўжа.
Тошкент, “Фан”, 2008.

Тўғлам адабиётшунос Нусратулло Жумаҳўжанинг “Давлат тилининг ҳуқуқий, назарий ва амалий муаммолари” деган кириш мақоласи билан бошланади.

Нусратулло Жумаҳўжа, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ва шу асосдаги имло қоидаларига узил-кесил ўтишнинг 2005 йилдан 2010 йилга кўчирилгани хато бўлди, деб ҳисоблайди. Унингча: “Янги ёзувга ўз изчиллигида (яъни олдин белгиланган 2005 йилда — **С. О.**) ўтиб кетилганида, лотин ёзувини ўрганишга табиий эҳтиёж, зарурият, балки мажбурият сезиларди ва кўзланган мақсадга тежамли равишда эришилларди” (6-бет).

Муаллиф бу фикрини маънавий, сиёсий ва иқтисодий асосларга кўра исботлашга интилган. Жумладан, мана бу фикрни шундай далиллардан бири дейиш мумкин: “2004 йилги (30 апрелдаги — **С. О.**) қўшимча ва ўзгартишлардан кейин ёзувни ўрганган, малака ҳосил қилаётган фуқаролар бу машғулотни камида беш йилга тўхтатдилар. Ўрганмаганлар эса бу ишга киришмай кўя қолдилар” (5-бет).

Бу мулоҳазадан бир аниқ хулоса келиб чиқади: лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига 2010 йил январидан узил-кесил ўтилмас экан, қилинган шунча саъй-ҳаракат зое кетиши ҳеч гап эмас. Масалан, Озарбойжон Республикаси аллақачон, яъни 2001 йилнинг 1 августидан лотин ёзуви асосидаги янги миллий алифбога тўлиқ ўтди-қўйди.

Мақола муаллифи давлат тили билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг тегишли бандларига суяниб, бир қатъиятни ёдга солиди: “...Эндиликда давлат тилида иш юритиш тизимига тўлиқ ўтилди. Энди ўзбек тилидаги ҳужжатларни қабул қилмасликка ёки ҳужжатларни рус тилида тайёрлаб жўнатишни талаб қилишга Қонун ҳеч кимга ҳуқуқ бермайди” (8-бет).

Агар лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига 2010 йил январидан ҳам ўтмасак, фуқаролар орасида: “Яна ўша кирилл ёзуви асосидаги эски алифбода қолсақ керак”, деган тахмин-гумонлар кучаяди.

Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтаётганимиз — ҳар тарафлама тўғри. Фақат баҳонада кўп йиллардан бери кўнгилда кечаётган, бевосита амалиётдан келиб чиқиб пайдо бўлган айрим таклиф ва мулоҳазаларни айтиб олиш ўринли бўлса керак:





1. Аввало, тутуқ белгиси (') билан "ў" ("o") ва "ғ" ("g") ҳарфлари учун ишлатиладиган (') белгиси одамларни кўп чалғитяпти. Бу борада қуйидаги хатолар келиб чиқяпти:

— иккаласи учун ҳам (яъни тутуқ белгиси учун ҳам, "ў" ва "ғ" учун ҳам) фақат бир хил, яъни тутуқ белгиси (') қўйиляпти;

— иккаласи учун ҳам (яъни тутуқ белгиси учун ҳам, "ў" ва "ғ" учун ҳам) фақат бир хил, яъни "ў" ва "ғ" учун ишлатиладиган белги (') қўйиляпти;

— иккаласи учун ҳам (яъни тутуқ белгиси учун ҳам, "ў" ва "ғ" учун ҳам) фақат бир хил, яъни унисига (') ҳам, бунисига (') ҳам ўхшамаган бир алоҳида белги (') қўйиляпти.

Ҳолбуки, буларнинг учаласи ҳам — жиддий хато.

2. Яна бир муаммо шундаки, янги алифбомизда "ч" товушини ифодалаш учун "ch" ҳарфлар бирлиги танланган. Лекин, алифбода "с" ҳарфи бошқа бирор вазифани бажармайди.

Демак, шу ҳарфни "ч" товушини ифодалаш учун ишлатсак бўлмайми? Унга "h"ни қўшиш нима керак? Мабодо, лотин ёзуви асосидаги бошқа айрим тиллар алифбосида "с" ҳарфи биздаги "с" ("s") ёки "к" товушларини ифодалайди, шунинг учун кишилар чалғимасин, деб ҳисобланди, дейиладиган бўлса, ахир, биз бу қоидага амал қилмадик-ку?! Яъни "х" бизда, кирилчадагидек, "х"ни билдиради, бошқа айрим Ғарб тилларидаги алифбода эса "кс"ни билдиради (масалан, "такси"ни "taxi" деб ёзишади).

3. Ўзбек тилидаги "в" рус тилидаги "в" ҳарфи ифодалаган товуш билан бир товуш эмас. Биздаги (туркий, арабий, форсий) сўзларда учрайдиган "в" товуши талаффуз қилинаётганда лаб лабга тегмайди, яъни у худди инглиз тилидаги "w"нинг ("дабл-ю"нинг) айнан ўзгинаси. Шу лабланмаган "в" рус тилида йўқлиги учун ҳам улар инглизча "Wilyam"ни "Уильям" деб ёзишга мажбур. Чунки бу исмдаги биринчи товуш лабланмаган бўлгани учун ҳам русча "в"дан кўра "у"га яқин. Русча "в" эса, гарчи бир хил шаклда ёзилса-да, амалда бошқа товуш — уни талаффуз қилганда лаб лабга тегиши керак, шунинг учун у кулоққа "ф" товушига яқинроқ тарзда эшитилади ("нерв", "объектив", "февраль"...). Шу боис инглиз тилида бу товушни ифодалаш учун бошқа ҳарф, яъни "v" ("ви" ҳарфи) қабул қилинган. Шу асосларга кўра биз ҳам "w" ҳарфини алифбомизга киритсак маъқул бўлар эди.

Хуллас, янги алифбо асосидаги имло қоидаларини бир қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш, айрим хато ва камчиликларни вақтида тузатиш шарт.

Энг катта хато шуки, янги алифбо асосидаги имло қоидаларини тузишда кирилл ёзуви асосидаги имло қоидаларига суянилди, натижада кўп эски хато ва камчиликлар ҳам бу ёққа айнан ўтди. Масалан, *тамойил*, *мойил*, *қойил*, *мулойим*, *сайин* сўзларида "й"ни ёзамиз, аммо амалда тилда худди шу икки бўғинли сўзлар билан деярли бир хил шаклдаги *доим*, *доир*, *доира*, *қоида*, *оид*, *жоиз* каби сўзлар келганда, негадир, "й"ни ташлаб кетамиз. Ёки *таъмин*, *неъмат* сўзларида арабчадагидек айриш (янги алифбода тутуқ) белгисини қўямиз, айнан шу типдаги айрим сўзларни махсус белгисиз (*тайин*, *тақиқ*, *тарих* тарзида) ишлатамиз. Халқ кўп адашмаслиги учун бундай масалаларда қоида-ни бир хилликка бўйсундириш зарур.

Имло қоидаларини такомиллаштириш билан боғлиқ яна бир жиддий муаммо бор. Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтсак, инглиз тилидаги сўзларни қандай ифодалаш масаласи кўндаланг бўлади. Чунки инглиз алифбосидаги айрим ҳарфлар, масалан, "w", "c", "x" ("кс" шаклида) ҳарфлари бизда йўқ. Энди *windows*, *dons* ёки *sols* сўзларини қандай ёзамиз? Кирилл ёзуви асосидаги алифбо бўйича имло қоидаларида рус алифбосидаги *ы* ва *щ* ҳарфларини *и* ва *шч* тарзида ёзиш кўзда тутилган. Хўш, энди қандай қиламиз? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари"да бу муаммонинг ечими кўрсатилмаган. Муаммо қандай ҳал этилганидан қатъи назар, оқилона ечим имло қоидаларида акс этиши шарт. Эҳтимол, бундай сўзлар-

ни қўштирноққа олиб, уни инглиз тили талаблари асосида ўқишни ўқувчининг зиммасига юклаб қўя қоламиз.

Тўпламнинг мулоҳаза қўзғатадиган ўринлари ҳам йўқ эмас. Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрдаги қонунида янги алифбомиз 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгисидан иборат тарзда қабул қилинган эди (шу тўплам, 24-бет). Лекин “Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида” 1995 йил 6 майдаги қонуни-нинг 1-моддасида ўқиймиз: “1-моддадаги “31 ҳарф ва 1 тутуқ белгисидан (апостроф)” сўзлари “26 ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан” сўзлари билан алмаштирилсин” (27-бет).

Бундан англашилиб турибдики, кейинги ўзгартиришга кўра, тутуқ белгиси алифбомиздан чиқарилган, яъни у тиниш белгилари қаторига ўтказилган.

Шундай бўла туриб, негадир, тузувчи, қонунга хилоф равишда, тутуқ белгисини 30-тартиб билан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига киритибди (28-бет).

МИЛЛИЙЛИК ВА УЙҒУНЛИК

Нигора Аҳмедова. Традиции. Самобытность. Диалог. Ташкент, 2008.



Биз кўп масалалар ечимида бир халқ ёинки бир мамлакат миқёсида фикрлашга ўрганиб қолганмиз. Бу табиийдек туюлади ҳам. Бироқ, истаимизми-йўқми, бир халқ ҳам, бир мамлакат ҳам фақат ўз қобигига ўралиб яшай олмайди.

Санъатшунос Нигора Аҳмедова XX аср Марказий Осиё тасвирий санъатини бир нигоҳда кузатишни маъқул кўради. Ана шунда *анъаналар, ўзига хослик ва диалог* деган масалалар ўртага чиқади. Бу тушунчалар бирлигидан англашиладики, Марказий Осиёдаги ҳар бир халқ тасвирий санъатида, шак-шубҳасиз, талай муштарак анъаналар мавжуд. Шу билан бирга, улар миллий ўзига хосликка ҳам эга. Қолаверса, ҳар қандай ижодий ҳодисада миллий санъатлар бир-бирига таъсир ҳам этади. Китоб номи остига “Шаклланиш ва ривожланиш ўзига хосликлари” деган тагсарлавҳа берилгани тадқиқот йўналишига яна бир қадар ойдинлик киритган.

Масаланинг шу тарзда қўйилиши муаллифга Марказий Осиё тасвирий санъатини яхлит бир жараёндаги ҳодиса сифатида кўриш ва баҳолаш имконини берган.

Китоб уч мустақил бобдан ташкил топган. “Ҳозирги замон тадқиқий ва бадиий амалиётида тарихий-маданий ворисийликнинг долзарблиги”, “Минтақа тасвирий санъати равнақида адаптация ва синтез муаммолари”, “Ҳозирги бадиий жараён ва этномаданий айният масалалари” деган бобларда XX аср Марказий Осиё тасвирий санъатининг энг муҳим жиҳатлари қиёсий таҳлил этилган.

Биринчи боб, таъбир жоиз бўлса, монографиянинг назарий-таҳлилий қисми бўлиб келган. Марказий Осиё давлатлари санъатида маданий ўзига хослик ва миллий уйғониш гоялари ҳамда ҳозирги санъатшуносликдаги янги илмий тушунча ва қарашлар унда тадқиқ этилган.

Энг асосийси шуки, айнан шу асрда минтақамиздаги ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тасвирий санъатларида Шарқ ва Ғарб анъаналарининг кучли уйғунлашуви юз берди. Бу амалда жаҳон тасвирий санъатидаги ноёб ҳодиса ҳисобланади. Айнан қадимий, бой тарих ва анъанага эга тасвирий санъатимиз бўлгани учун ҳам қисқа бир даврда шундай замонавий даражаларга эришилди.

Дунё — бир, одам — ҳамма ерда ҳам одам, унинг завқ-шавқи, дардлари ва қувончлари ўзаро ўхшаш эканми, биз ҳамма масалада, санъатда ҳам ҳар жиҳатдан бағрикенг бўлишимиз керак. Ютганда шу йўлни тутган ютади. Чунки санъатдаги ҳар қандай миллийлик амалда умуминсонийлик бағрида шаклланади, бўй кўрсатади, тараққий этади.

ТАФАККУР КЕНГЛИГИ

Гулям А х м е д ж а н о в. Россия и Центральная Азия. Взаимосвязь в историческом развитии. Москва — Ташкент, Ташкентский Государственный институт востоковедения, 2008.

Ривожланган мамлакатларда аввалдан талаба ёки тингловчиларга маърузачи ҳақида камида бир варақдан иборат маълумотнома тарқатилади, иложи бўлса, шу қоғозга унинг сурати ҳам жойлаштирилади. Ахир, тингловчилар халқ ибораси билан айтганда, унинг “нима қароматлар кўрсатгани”дан хабар топсин, шунга қараб саволлар тайёрласин.

Шу жиҳатдан Фулом Аҳмаджоновнинг китоби “евростил”да чоп этилган. Бироқ саҳифаларга шарқона услубда безак берилган. Буни асарнинг мазмун-моҳияти ҳам талаб этган. Чунки асар ўзи айнан Шарқ ва Ғарб тарихий алоқалари таҳлилига бағишланган-да.

Бу жиҳатдан китобда тарихий ва замонавий мазмундаги кўплаб суратлар, хариталар берилгани, айниқса, сўнгсўз ўрнида муаллиф билан Олег Фадеевнинг суҳбати тақдим этилгани эътиборга лойиқ.

Россия билан Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар — бой бир тарих. Аммо шўро даврида бу масалага биртомонлама нуқтаи назар билан ёндашилди. Мустақиллик йилларида ҳам бу мавзунини ўрганиш ўз долзарблигини заррача камайтиргани йўқ. Аксинча, биз тенглар ичра тенг бўлиб гаплашиш ҳуқуқини кўлга киритганимиздан кейин Россия — Ўзбекистон муносабатлари тамоман ўзгача мақомда шаклланди, тобора ривожланиб борапти.

Китобнинг биринчи бобида Владимир Путин портретига чизгилар СССР собиқ президенти Михаил Горбачёв ва Россия собиқ президенти Борис Ельцин фаолиятига қиёсан таҳлил этилади.

Иккинчи бобда эса Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг ўтмиши, бугуни ва келажаги ўрганилади.

Учинчи бобда Ўлжас Сулаймоновнинг шоир ва фуқаро сифатидаги фазилатларини ёритиш мақсад қилинган.

Китобдаги “Тарихнавислик этюди” деб номланган тўртинчи боб, олдингиларидан фарқли равишда, уч фаслга бўлинган.

Рус тарихчиси Сергей Михайлович Соловьёв (1820-79) қаламига мансуб “Россиянинг қадимги даврлардан бошланган тарихи” китобини ўзбек олими рус илмида тенги йўқ тадқиқот деб ҳисоблайди. С. Соловьёвнинг илмга, ўз касбига, айниқса, Ватанига садоқати шу даражада эдики, кунларининг ҳар бир дақиқасигача режалаштирилган, олим рус миллий тарихининг бус-бутун манзарасини яратишга қаттиқ бел боғлаган, ҳатто иш устида вафот этган эди. 1851 йилдан бошлаб 1879 йилгача ҳар йили биттадан, жами 29 жилдли бу улкан тадқиқотни яратиш осон иш дейсизми!

Шу ўринда кўнгилдан кечаётган бир мулоҳазани айтмай бўлмас. “Мен, — дейди бир фан номзоди, — 1968 йили фалон фанни ўқитиш методикаси бўйича ўзбеклардан биринчи бўлиб диссертация ёқлаганман”. Нима бўлибди?! Ундан кейин нима иш қилдинг? Диссертациянинг бугун учун аҳамияти қолганми?.. Номзодлик, докторлик ишлари чинакам олимнинг тадқиқотларидан бири, холос. Ахир, тадқиқотчининг умри фақат шу икки диссертацияни ёзиш билангина ўтмаслиги керак-ку. Жаҳон илмида бунга мисоллар сон мингта топилади. С. Соловьёв шу жиҳатдан кўпчиликка намунадир.

ТАРБИЯВИЙ МАКТУБЛАР

Шайх Мухйиддин У р г у т и й. Мактубот. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2006.

Шайх Мухйиддин Ургутий Хожа Валихоннинг ўғли, Қутбиддинхон эшоннинг отаси эди. Нақшбандия тариқати силсиласининг 30-ҳалқасида Хожа Валихон, 31-ҳалқасида эса Эшон Мухйиддинхон туради.

Мактубларни айнан ана шу Шайх Мухйиддин Ургутий ёзган.





Ургутлик бу эшонларга Шўро ҳукумати ҳам бефарқ муносабатда эмас эди. Маълумки, муридлар эшонлар хизматида бўлган. Шўро мафкураси эса буни “эксплуатация” деб ҳисоблади ва “эксплуататор”ларни синф сифатида тугатишга киришди. Шунда Эшон Мухйиддинхон шўро ҳукуматига расмий хат билан мурожаат қилди. Аризада, 1927 йил 15 апрелдаги жума намозидан кейин барча биродарларини йиғиб, ўзи ва ўғиллари энди минбаъд эшонлик қилмасликлари, бундан бу ёғига ўз боғида ишлаб, шунинг ҳисобига яшашини билдирган ва ҳукуматдан матбуот орқали унинг эшонлиқдан воз кечганини билдиришларини сўраган (*Акмаль Икрамов. Избранные труды. Том I. Т., “Ўзбекистан”, 1972, стр. 281-282.*)

Профессор Нажмиддин Комиловнинг китобда сўнгсўз ўрнида келган “Кимматли ирфоний манбалар” мақоласида айтиб ўтилганидек: “Мухйиддинхон Эшон ўтган асрнинг 20-йилларида шўро ҳукуматига ер мулкни топширган, аммо шунга қарамай, таъқиб кучайгани сабабли хорижга кетишга мажбур бўлган. Аввал Афғонистон, кейин Арабистонда яшаган ва ўша ерда вафот этган” (185-бет).

Демак, отаси Эшон Валихон чор ҳукумати даврида режасини тузган тарки Ватан азоби шўро замонида ўғил — Эшон Мухйиддинхон тақдирига битилган экан...

Ургутий мактубларининг тўғлам тарзида чоп этилиши, биринчидан, у зотдан қолган меросни илм аҳли ҳукмига ҳавола этиш деган гап. Иккинчидан, асардан кенг китобхонлар оммаси баҳра олиш имконига эга бўлди, учинчидан, мактубларда илгари сурилган ўғит ва насиҳатлар бугун ҳам инсон маънавиятини юксалтиришга бевосита ҳисса қўшади.

Бу китобдан Мухйиддинхон Эшоннинг халифаси, пирдан иршод олган шайх, Ятим тахаллуси билан тожик ва араб тилларида шеърлар битган Абулбаракот Абдулғофур ибн Мулла Абдуллатифнинг “Тухфат ул-аҳдон” (“Дўстларга тухфа”) асарининг ўзбекча таржимаси ҳам ўрин олган. Чунки муаллиф бу асарида пири — Мухйиддинхон Эшондан эшитган ирфоний ўғитларни ёзганини қайд этади. Мухйиддинхон Эшон отасидан мерос қолган муборак хирқани ана шу халифасига тухфа қилади, муридлар тарбиясини унга топширади. Бу сана 1928 йилга тўғри келади.

Демак, Мухйиддинхон Эшон шўро ҳукуматига ёзган хатига содиқ қолиб, халифаликни ўғилларидан бирига эмас, айнан шу муридига топширган. Аммо бу инсон сиёсий вазият тақозоси билан оқилона фикр юритиб, мол-мулкни ҳукуматга топширган бўлса ҳам, зинҳор-базинҳор эътиқодидан қайтган эмас. Ана шу мактублар ҳам бир кун келиб юрт озод бўлишини, халқ яна ўз муқаддас йўлини топиб олишини, тасаввуфдек буюк таълимотга эҳтиёж сезилишини олдиндан билиб турган валийнинг фикрлари янглиф ўқилади...

РУХ ИЛМИ



Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Тошкент, “Ёзувчи”, 1996; Тасаввуф ёки тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999.



Жалолоддин Румий тасаввурига кўра, “*моддий олам тараққиёти руҳ тараққиётидан айри ҳолда эмас*” (2-китоб, 12-бет). Асарда бундай қуйма хулосалар кўп. Улардан айримлари, ўз-ўзидан, буюк тасаввуф раҳнамоларининг фикрлари, баъзилари эса бевосита муаллифнинг узоқ йиллик тадқиқотчилик фаолиятида етилган ширин мевалар янглиф қорозга тушган. Бир-икки мисол: “*Тириклик, ҳаёт жисм ва руҳ таносубиятидан ҳосил бўлган. Мия эса ана шу мураккаб тананинг нозик ва мураккаб аъзоси. Инсон Илоҳ яратган энг мураккаб хилқат бўлгани боис янада мураккаблашиш, яъни тараққий этишга мойил, шунга эҳтиёжманд*” (2-китоб, 13-бет).

Бу жиҳатдан, хусусан, 2-китобнинг муқаддимаси янглиф берилган “Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси” фасли алоҳида ажралиб туради. Бор-йўғи етти саҳифадан иборат бу парчада

тасаввуф, унинг Шарқ фалсафасидаги ўрни, тасаввуф ва фалсафа баҳси, ваҳдат ул-вужуд ва ваҳдат уш-шуҳуд таълимотларининг бир-бирига боғлиқ ва ўзаро айри жиҳатлари, дунёвийлик ва уҳравийлик, тасаввуфий гоёлар ва адабиёт каби муҳим илмий масалаларга дахлдор йўналишлар илгари сурилади. Очигини айтганда, ана шу йўналишларнинг ҳар бири алоҳида йирик илмий тадқиқотга асос бўлгудек қийматга эга. Ростки, ўзбек илми ХХ аср адоғида шундай тафаккур чўққисига етиб келганига ич-ичдан қувонасан.

Айни фаслдаги “қисқа баён” (2-китоб, 9-бет) амалда бир жиддий хулосани баралла айтишга хизмат қилган: “...Тасаввуф бирор-бир фалсафий тизим ўрнини эгаллашга даъво қилган эмас. У, бир томондан, диний, иккинчи томондан, фалсафий-ирфоний қарашлардан озикланган ўзига хос таълимот ва ахлоқий уставлар мажмуидир” (2-китоб, 9-бет).

Биринчи китобда тасаввуфнинг бош мақсади — комил инсон тарбияси таҳлили асосий масалага айланган. Бунинг учун муаллиф тасаввуфга оид назарий манбаларга суянган, фикрларининг далил-исботи учун форс тилидаги ирфоний адабиётдан кўплаб мисоллар келтирган, аммо, энг асосийси, ўзбек адабиёти, хусусан, Алишер Навоийнинг талай тасаввуфий асарлари мағзини чақиб берган. Адабиётнинг бош қаҳрамонига айланган дарвеш тимсолини ҳар тарафдан туриб ёритишга ҳаракат қилар экан, имкон қадар уни “инсонийлаштиради”, яъни унинг мақсад-интилишларини мавжуд ҳаёт билан чамбарчас боғлаб тушунтиради, шу тариқа солиқнинг оддий одамларга ўхшаш томонлари билан бирга фарқли-тафовутли жиҳатлари ҳам очила боради: “...Солиқ дарвеш ҳам — реал инсон, унинг кечинмалари — ҳақиқий инсоний кечинмалар, фақат унда ният — улўғроқ, дард — беинтиҳо, идеал — гоят узок...” (1-китоб, 253-бет).

Тасаввуф бир дарё бўлса, ҳали биз бор-йўғи унинг қирғоғида юрибмиз, чоғи. Ҳар ер-ҳар ерига ҳар замон-ҳар замонда бир-бир қармоқ ташлаб қўйяпмиз, холос. Айрим хатоларимиз — шундан.

Бирок Нажмиддин Комиловнинг бу асаридан кейин ана шу хатоларнинг катта қисми бартараф этилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳар қандай таълимот каби, тасаввуфнинг ҳам ислом оламида етарлича муҳолифати пайдо бўлган, тасаввуфни танқид қилиш ҳозирги кунгача давом этиб келяпти. Нажмиддин Комилов манбаларга суяниб, тасаввуфга қарши муаллифлар даъволарининг айримларини таҳлил этади.

Асар илмга кўп янгилик олиб кирди. Масалан, хожагон-нақшбандиянинг 11 рашҳасидан дастлабки тўрттасини, жумладан, “Хилват дар анжуман”ни Юсуф Ҳамадоний киритган. Бирок Нажмиддин Комилов Юсуф Ҳамадонийдан икки асрача олдин яшаган (896 йили вафот этган) Саҳл Тустарийнинг мана бу сўзларини келтириб, у бу ақида-нинг бошловчиларидан бири эканини айтади: “Ўттиз йилларким, Ҳақ билан сўзлашман, одамлар мени халқ билан сўзлашади, деб ўйлайдилар... Шундай бўлсинки, киши кўнгли маҳбуб билан машғулликда одамлар орасида бўлиб, аммо одамларни кўрмасин...” (1-китоб, 100-бет).


Тасаввуф доғдир бўлибдики, “Суфий ким?” деган саволга жавоб излайди. Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” тадқиқоти бу саволга бугунги ўзбек илмининг мумтоз меросга таяниб кўтарилган юксак чўққисидан туриб берган тамоман янги бир жавоби бўлди.

МУСЛИМ ОДОБИ

Сўфи Оллоёв. Маслак ул-муттақин. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2008.

Одобнинг боши — динда. Хусусан, ислом бу жиҳатдан бутунлай ажралиб туради. Чунки ахлоқ муқаддас динимизнинг туб мақсадига айланаб кетган.

Мустамлакачилик давридаги даҳрийлик сиёсати оқибатида ана шу буюк одоб таълимотидан узок йиллар юз ўгириб келинди. Аммо мустақилликдан кейин ўтган тарихан қисқа бир даврда мамлакатимизда дин илми тараққий этди, “Қуръон”, ҳадис, диний манбалар она тилимизга таржима қилинди, янги-янги асарлар яратилди.



Сўфи Оллоёр туркий тилда ижод қилгани, асарларида шариат тарғиби кучли экани маълум эди. Бироқ унинг форсийда шеърӣй йўл билан ёзилган, фикҳӣй масалаларга бағишланган “Маслак ул-муттақин” асари борлигини ҳамма ҳам билмас эди. Ҳолбуки, милодий 1700-01 йили ёзиб тугалланган бу асарни 1876 йили Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли насрий йўл билан ўзбек тилига ўгирган экан.

Ҳар қандай китобнинг қадрини замон билан вобасталиги белгилайди. “Маслак ул-муттақин”га шу нуқтаи назардан қарасак, унинг саҳифаларида айнан бугун ҳаммамизни қизиқтирган, жавоб топишга қийналаётган кўпдан-кўп диний, маърифӣй, ахлоқӣй, ҳатто, ғоявий-мафкуравий масалалар оддий жумлаларда аниқ-тиниқ баён этилганига амин бўламиз.

Иймони заиф киши кўнглидан: “Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Худодан бўлса, яхшилик қиладими, ёмонлик қиладими, инсоннинг ўзига боғлиқ эмас экан-да”, деган содда мулоҳаза ўтиши мумкин. Китобда эса тап-тайёр жавоб бор: “*Ва яна бандага ихтиёр берибдур. Агар яхшилик қилса, савоб топар ва ямонлик қилса, азоб топар*” (39-бет).

Ёмонликларнинг бир қисми гуноҳ саналади. “*Лекин банданинг гуноҳ қилмоғига Худойи таолонинг ризоси йўқдур. Агар ҳар ким: “Ризолиғи бордур”, деса, куфрдур*” (39-бет).

Ҳозир бозор иқтисодиёти замони. Ҳар ким шу умумбозордан насиба топиш учун елиб-югуришга мажбур. Ишламасанг, тишламайсан! Лекин жамиятда кўриб турибмизки, бу жараён айримларда мутлақо нотўғри тасаввурлар пайдо қилди. Биринчиси, “*Қўлга тушмаган ўғри ўғри эмас*”, деган ғайриахлоқӣй хулоса юзага келди. Иккинчиси, одамлар: “*Худо яхши кўрган бандасига пул беради*”, деб ўйлай бошлади. Учинчиси шуки: “*Ҳалол-ҳаром деган гаплар бекор, мажбурлаб олсанг — ҳаром, рози қилиб олсанг — ҳалол бўлади*”, деб ҳисоблайдиганлар ҳам топилди.

Сўфи Оллоёр шу баҳсга ҳам “аралашади”: “*Ва яна ризқ — хоҳ ҳалол бўлсун ва хоҳ ҳаром, ул Худодиндур. Аммо емақда ва олмақда ихтиёрни бандага берибдур. Ҳаромга азоб, ҳалолга савоб топар. Аммо ҳар ким ҳалолни ҳаром деса ё аксини деса, кофир бўлур*” (39-бет).

Айтайлик, бир ўқитувчини юқоридан кимдир “Мехрибонлик уйи”га директорликка ўтказса, у рози бўлиб “кўки”дан беш минг бермоқчи. Чунки давлат етимлар учун бепул кийим-бош, озиқ-овқат учун маблағ ажратади. Бу ерга директор бўлмоқчи одамнинг дарди — ана шу етимлар ҳақини ейиш, ўзлаштириш, шунинг кетидан бойлик орттириш. Берган порасини ҳам шу ҳисобдан тез фурсатда “чиқариб олмоқчи”. Ҳўш, порани олиб, уни директорликка ўтказган раҳбарга шу пул ҳалолми?

Бугун ҳам гап — шу.

Кейинги вақтларда динимизга эрк берилганини суиистеъмол қилиб, ўзларини авлиё санаб, бир неча авомни ортидан эргаштириб юрган сохта шайхлар ҳам пайдо бўлди. Сўфи Оллоёр шундай “валий”ларга қарши илмий-исломий нуқтаи назарини ҳам билдириб ўтган: “*Ва яна бул замонда бир пора гумроҳлар пайдо бўлубтур, ўз нафсларига шайдодурлар, ўзларини шайх олурлар, амаллари ҳийла ва тазвир. Амри маъруфни қилмаслар, доим дунёни излаб, ҳалок бўлғайлар. Ва тақи бир неча жоҳиллар анга ҳамроҳ бўлуб, ҳалол ва ҳаромни фарқ қилмагайлар. Ҳар ким андоғ гумроҳни(нг) этагин ушласа, расули Худонинг динидан ташқаридадур. Неча авлиёлар ўтубдурлар, ҳаммалари шариатда ораста ва тариқатда пироста эрдилар*” (44-бет).

Олим дин ниқоби остида ҳаракат қилган бошқа бир тоифанинг кирдикорларларини ҳам ошкор қилади: “*Яна бир тоифалар лавандлик (танбаллик — С. О.) бирла ишлар қилурлар, отларин “девона” кўюб, ўзларини мастлардек қилурлар. Шариат бирла парволари бўлмас. Ва яна айтурларки: “Бизлар ошиқдурмиз, бизларга намоз ва рўза даркор эмас”. Аларни(нг) улфати Шайтондур. Бу сўзларга бовар қилиб, андоғ гумроҳга эътиқод қилса, ул Худони(нг) душманидур. На учунким, улар Худони(нг) оятига мункирдур. Ҳар киши оятга мункир бўлса, бешак кофир бўлур*” (44-бет).

Китобда бундай фойдали талқинлар, шаръӣй фатволар, динимиз, маънавиятимиз поклигига хизмат қиладиган нуқтаи назарлар жуда кўп.

АЛЛОМА НИГОҲИ

Жаъфар Х о л м ў м и н о в. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.

Инсон мақсадларига мос келадиган ғоя-фикрларнигина осон тушунади, қабул қилади. Айтайлик, дахрийлик ақидаси билан йўргакланган ва шу таълимот асосида суюғи қотган одамга ислом арконларини тушунтириш мумкиндир-у, лекин қабул қилдириш — мушкул. У бундан кўра куйидаги фикр-ғояларни яхши қабул қилади:

Дил — ба ёру даст — ба кор. Буни у Оллоҳ қалбда бўлса бас, ибодат, рўза, закот, ҳаж шарт эмас, деб тушунади. Чунки фалон намозхон кишига қиёслаб, ўзини ундан кўра ҳалолроқ, виждонлироқ, устунроқ, энг тўғри йўлдаги одам санайди. Шундай деб ҳисоблаши учун бу ғоя унга ёмғирдан тўсиб турган айвондек хизмат қилади. Бошқа ғоя уни намоз ўқишга ундаши, ароқ ичишни ташлашга даъват қилиши мумкин-да. Қайси яхшироқ? Қайси осонроқ? Инсон доимо енгилроғини танлашга мойил...

Ҳолбуки, нақшбандия аввал-бошдан шариат деган ва “*Дил — ба ёру даст — ба кор*” ғояси: “*Шариат қоидаларини бажариш шарт эмас*”, деган талқинга хизмат қилмайди. Аксинча, у текинхўрликка қарши қаратилган. Шунга асосланиб, XVI асрда Маҳдуми Аъзам Дахбедий Косоний: “*Хешобаи пунба ҳам ибодат аст*” (“*Ўзани ягана қилиш ҳам — ибодат*”), деган.

“*Динда чуқур кетманглар*”. Бу ҳадисни диннинг моҳиятига етган одам бутунлигича, охиригача тушунади. Лекин бояғи одам “*чуқур кетманглар*”ни намоз ўқишга кўп ҳам берилиб кетманглар, ароқ ичишни ташлаб ўтирманглар, чунки жуда унақа чуқур кетиш яхши эмас, дейилган-ку, деб тушунади. Бу унга ёқади. Ҳолбуки, бу ерда шариатни бажармаслик билан боғлиқ ҳеч қандай фикр йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат ҳадис, *динда айрим ўта назарий масалаларда чуқур кетиб бўлмайди, унда киши адашиб қолади*, деган ўғитни кўзда тутган. Масалан, *Оллоҳнинг зоти, руҳ масалалари ана шундай чуқур кетиб бўлмайдиган масалалар сирасига киради.*


Бу мулоҳазаларни келтиришдан мақсад шуки, ҳар замоннинг мавжуд диний-тасаввуфий тушунчаларни шарҳлаб, моҳиятини халққа етказишга ўз эҳтиёжи бўлади.

Абдураҳмон Жомий замонида келиб тасаввуф амалиёти кучайган эди-ю, бу таълимотнинг назарий асослари ҳақидаги илм бир оз сузлашган эди. Иш шу тариқа давом этаверса, тасаввуф йўлдан чиқиб кетиши, асл манбадан, моҳиятдан узоклашиши мумкин эди. Даврнинг ўзи кимнингдир шу бўшлиқни тўлдиришига муҳтожлик сезаётган эди.

Жомий тасаввуф амалиёти билан шуғулланиб ўтирмади, яъни муридлар тарбияси билан машғул бўлмади. Тасаввуфни назарий жиҳатдан кучайтиришдек илмий-ижтимоий вазифа айнан унинг зиммасига тушди. Шу тариқа бу аллома XV асрдаги ваҳдат ул-вужуд таълимотининг йирик назарий асосига айланди. Шунга қарамасдан, “*Жомийнинг фалсафий-ирфоний мероси на Шарқ исломшунослигида ва на Фарб шарқшунослигида ҳақиқатча етарли даражада ўрганилмаган*” (10-бет).

Биламики, Жомий Навоийнинг пири ва устози эди. Кўплаб ирфоний асарларни шогирд айнан шу улуг зот ҳузурда, аниқроғи, ундан сабоқ олиб ўқиган. Шунинг учун Жомийнинг тасаввуф назариясига оид қарашлари бевосита Алишер Навоий ижодининг фалсафий-тасаввуфий асосини ҳам ташкил этади, деб бемалол айта оламиз. Ҳатто, айрим ирфоний асарлари, жумладан, “*Нафаҳот ул-унс...*” тазкирасини устод бевосита шогирдининг даъвати билан битган.

Жаъфар Холмўминовнинг тадқиқоти шўро давридаги айрим олимларимизнинг ваҳдат ул-вужуд ҳақидаги дахрийёна моддиончиликка асосланган кўплаб хато қарашларини тузатади, бу таълимот ҳақидаги тушунчаларимизни бойитади. Шу билан бирга, тасаввуфий ғоялар тарғибига бағишланган бадиий адабиёт намуналари моҳиятини теран англашимиз учун дастуриламал вазифасини ҳам ўтайди.



Siyosiy madaniyat — taraqqiyot negizi

Бугунги кунда юртимизда кечаётган жамият сиёсий ҳаётини модернизациялаш жараёнлари фуқароларда сиёсий маданиятни юксалтиришни тақозо этади. Чунки сиёсий жиҳатдан етук фуқаро ўз халқининг ижтимоий тараққиёти, миллий манфаати ҳамда эҳтиёжларини чуқур ҳис этиб, ҳақиқий сиёсий эътиқод ва маданиятга эга шахс сифатида фаолият юритади. Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг юксак сиёсий маданияти ва маънавий фазилатлари орқали жамият сиёсий тизимини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Фуқаронинг сиёсий маданияти турли идеаллар, қадриятлар, зарур билим ва кўникмалар, шунингдек, сиёсий ҳис-туйғулар мажмуидир. Сиёсий маданият, аввало, инсоннинг манфаатлари, хоҳиш-истаклари теварагида мужассамлашади ва унинг шахсий тажрибалари негизда мустаҳкамланади. Умумэътироф этилган сиёсий-маданий қадриятлар, хулқ-атвор андозалари ҳамда анъаналар фуқароларни ягона сиёсий тизим атрофида бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Кишилар сиёсий маданият негизда ягона давлат фуқаролари эканини англаб етади. Шу билан бирга, сиёсий маданият жамият аъзоларида ватанпарварлик туйғусини қарор топтирувчи куч ҳам ҳисобланади.

Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданияти жуда муҳим аҳамиятга эга эканига тўхталиб, Президент Ислом Каримов бундай деган эди: “Ўз-ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўла-тўқис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни мавжуд субъектлар — шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари ва ҳоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига эришиш зарур” (Каримов И.А. *Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 182-бет*).

Фуқаролар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалий жараёнларда иштирок этар экан, ана шу фаолият даврида уларда сиёсий маданият шаклланади. Фуқаро сиёсий маданиятни сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали эгаллайди.

Фуқароларнинг сиёсий маданиятига оид тадқиқотларни собиқ иттифоқ олимлари ҳам ўз мафқурасига мос ҳолда амалга оширган. Бироқ бу тадқиқотларда ҳолислик мавжуд бўлмагани боис улар сиёсий маданият ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини бермаган. Ўз-ўзидан аёнки, амалиётда ҳам аҳвол назариётдан айтарли фарқ қилмаган. Бу соҳада турли ижтимоий гуруҳларнинг мақсад-муддаолари эътиборга олинмаган, ҳар қандай сиёсий фаолият қаттиқ назоратда тутилган.

Шуни эътироф этиш жоизки, фуқароларнинг сиёсий маданиятига оид гоյ қарашларни ўрганувчи фанлар ҳам унчалик узок тарихга эга эмас. “Сиёсий маданият” атамасини илк бор VIII асрда немис файласуфи И. Гердер қўллаган. Бироқ бу тушунчадан XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошидаги турли илмий мактаблар кенг фойдалана бошлади. Айниқса, сиёсий маданият феномени америкалик олим Г. Альмонднинг “Киёсий тизимлар” (1956 йил) асарида чуқур таҳлил этилди. Шунингдек, сиёсий маданият назарияси тараққиётига С. Верба, М. Крозье каби олимлар ҳам катта ҳисса қўшган.

Маълумки, демократияни вужудга келтириш учун демократик бошқарувни такомиллаштириш лозим деган қараш кенг ёйилган. Ваҳоланки, демократик бошқарув ривож топиши учун аввало бундай тартиботни қўллаб-қувватлашга қодир сиёсий фаол шахслар зарур. Бунга эса фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш орқалигина эришилади.

Мамлакатимиз мисолида олсак, сиёсий маданият демократик жараёнларни такомиллаштириш, халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, ахлоқий, маънавий қадриятларга содиқлиги каби омилларга асосланади. Сиёсий маданият, моҳиятан, қадриятларга оид меъёрий тизимдир. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч этикодлар, кўрсатмалар, йўналишлар, интилишлар, тимсолларни намоён этади ва жамлайди. Шу жиҳатдан, фуқароларнинг сиёсий маданияти аввало аждодлардан мерос тарихий қадриятларга асосланган ҳолда шаклланади. Глобаллашув жараёнида бутун башарият эътироф этаётган демократик қадриятлар ушбу жамият тараққиётига ижобий таъсир этиш кучига эга бўлса, ҳеч қандай тўсиқларсиз қабул қилинади.

Ўзбекистонда дунёвий давлатларга хос қадриятлар истиқлолнинг илк кунлариданоқ сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди. Давлат бошқарувида бундай сиёсий қад-

риятлар кенг жорий қилиниши юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ватанимиз тадрижий тараққиёт йўлидан боришида фуқароларнинг сиёсий маданиятини янада қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўлда муваффақиятга эришиш учун бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, озчилик фикрини ҳурмат қилиш, фуқаролар тотувлигини таъминлашга ўхшаш кишиларни жиқслаштирувчи сиёсий маданият кўникмаларини шакллантириш зарурдир.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлса, фуқароларнинг сиёсий маданияти башариятнинг ўтмишдаги ва бугунги кундаги сиёсий маданиятини, шунингдек, бу борадаги миллий тажрибаларимизни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш орқали янада такомиллашади.

Ибодулла ҚҰНФИРОВ,
тарих фанлари номзоди

Yetakchi — fidoyi demakdir

“Етакчи” сўзи инглиз тилидаги “leader” сўзига мос келиб, “йўл бошловчи” деган маънони англатади. Сиёсий етакчилик эса ҳокимиятдаги бир ёки бир неча кишининг жамият, ташкилот ёки гуруҳга кўрсатадиган мунтазам ва легитим таъсиридир.

Ҳар қандай давлат ёки жамият ўз олдига аниқ мақсадларни қўяр экан, албатта, уларга эришиш йўлларини ҳам аввалдан белгилаб олади. Келажак ҳақида қайғурганда эса ёшларни тарбиялаш, уларда етакчилик қобилиятини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозим. Чунки Ватан равнақи кўп жиҳатдан йигит-қизларнинг келгусида миллий манфаатларимизни ҳимоя қиладиган, одамларни ўз ордидан эргаштира оладиган кишилар бўлиб етишишига боғлиқ.

Модомики шундай экан, сиёсий етакчиларнинг шаклланишида уларни “катта сиёсат”га тайёрлайдиган махсус давлат ва жамоат бирлашмаларининг аҳамияти беқиёсдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ёш етакчиларни махсус дастурлар асосида тайёрлаш бўйича бирмунча ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, “Камолот”

ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг бу йўналишдаги тажрибаси диққатга сазовордир.

Албатта, бу ташкилотлар ўз фаолиятида етакчиларни босқичма-босқич тайёрлашнинг тажрибадан ўтган механизмларини қўлласса, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб борса, янада салмоқли натижаларга эришиши аниқ. Жумладан, ёшлар учун қисқа муддатли курслар ёки бир неча ҳафталик семинарлар ташкил этилса, улар етакчилик фаолияти тақозо этадиган зарур назарий билимларни, стратегик ва тактик фаолият усулларини ўрганиб олиши мумкин. Бироқ етакчига хос бўлган ҳиссиёт, фаросат, зийраклик, интилиш ва иштиёқни, сиёсий тафаккур ҳамда малакани осонликча шакллантириб бўлмайди. Шу боис жамоат ташкилотлари доимий равишда фаолият юритадиган клублар ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу клубларда ёшлар етакчилигига оид билим ва тажрибаларни ўрганиш баробарида ўзаро фикр алмашиб, саф-

ларини кенгайтириш, кейинчалик эса ўзига хос гуруҳ, жамоани шакллантириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, қисқа муддатли семинарлар ва клублар фаолиятида сиёсий партияларнинг "Ёшлар қаноти" иштирокини кучайтириш, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг салоҳияти ва имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Айни чоғда, ёш етакчиларни тайёрлашда жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Негаки, дунёдаги барча ёшларнинг руҳияти ва дунёқарашида қайсидир жиҳатдан умумийлик ва ўхшашлик мавжуд. Мисол учун, Америкада 1966 йили ташкил этилган Ёш сиёсий етакчилар кенгаши 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган умидли йигит-қизларни ўз сафига бирлаштиради. Улар ҳар йили губернаторлар, Конгресс аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, Вакиллар палатаси аъзолари, ҳомиёларнинг тавсиясига кўра, тахминан, мингга яқин ёшлар орасидан танлаб олинади. Улар муайян вақт давомида ҳукумат аъзолари ва жамоат етакчилари билан иш жараёнида сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар бўйича очик мулоқотлар олиб боради. Мазкур кенгаш ёш етакчиларга турли соҳаларга оид қарорлар қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш сирларини ўргатади. Ҳозирги кунгача ушбу дастур битирувчилари орасидан кўпгина сенатор, губернатор, элчи, фан ва сиёсат арбоблари етишиб чиққан.

Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда Хоразм, Фарғона, Сурхондарё ва Самарқанд Халқ депутатлари вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқларида жамиятимизда мансабдор шахсларни кўпайтириш эмас, балки зиммасига масъулиятни олишдан чўчимайдиган, замон билан ҳамнафас бўлиб яшайдиган, юксак маънавиятли, бошқаларни орқасидан эргаштира оладиган етакчиларни кўпайтириш долзарб масала эканига алоҳида урғу бергани бежиз эмас эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳақиқий етакчи доимий изланишда бўлади. Сабаби — вақт ўтгани сайин замон ҳам, унга мос равишда талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Етакчининг орқасидан одамлар қачон эргашади? Қачонки, унда бошқаларда учрамайдиган фазилатлар борлигини сезса. Бу фазилатлар эса замонавий билим, тажриба ва кўникмаларни эгаллаган, тинимсиз меҳнат қилиб, ўз устида ишлайдиган одамда кузатилади.

Етакчи ўзини ўзи тарбиялаб боради. Тўғри, айрим кишиларда етакчиликка хос сифатлар туғма бўлиши мумкин, бироқ бу ундан албатта етакчи чиқади дегани эмас. Аксинча, у ҳаётни, аввало одамларнинг, замоннинг талабини ўрганиб, ўзини шу асосда тарбиялаб бориши лозим.

Ҳақиқий етакчи ҳеч қачон расмий ҳисобот учун ишламайди, у ўз фаолиятининг самарасидан завқланади, ишига танқидий муносабатда бўла олади. У одамларнинг кўнглига йўл топишни санъат, маҳорат даражасига кўтаради. Чунки одамларга дўқпўписа, зўравонлик қилиш тескари натижа беради.

Етакчи кўл остидаги одамларга ваколат бериш билан бирга, уларга масъулият ҳам юклай олиши керак. Бу эса ундан ҳар бир ходимнинг салоҳият ва имкониятини тўғри баҳолаш билишга талаб этади.

Етакчи йўл кўйган хатосидан сабоқ чиқаради, уни келгусида такрорламасликка ҳаракат қилади. У атрофига маърифатли, зукко кишиларни йиғиб, улар билан баҳслашиб, билмаганларини ўрганиб, тажриба орттиради. Негаки, рақобат бор жойда юксакликка интилиш бўлади.

Етакчи бошқаларнинг ҳам етакчи бўлишига кўмаклашади. Чунки улар қанча кўп бўлса, жамиятга шунча фойда — давлат барқарор тараққий этади.

Етакчи учун энг муҳим фазилатлардан бири нотикликдир. У чинакам нотик бўлма-са, ўз фикрини одамларга аниқ тушунтира олмайди, улар қалбига йўл тополмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, етакчи — маърифатли, маънавиятли, виждонли, зиммасига юклатилган масъулиятни шижоат билан бажарадиган шахс. Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида алоҳида таъкидлаганидек, "Ҳар кунки, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу".

Фикримизча, асл етакчилар ўз фаолиятида ана шу фикрни дастуриламал қилиб олиши даркор.

Манзура ХУСНИДДИНОВА,

Давлат ва жамият қурилиши академияси аспиранти

AQSH siyosati va "aqliy markaz"lar

Бугунги кунда дунё миқёсида тўрт мингдан ортиқ таҳлил марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб ярми АҚШда жойлашган. Бу марказларнинг молиявий имкониятлари ва фаолият доираси турлича. Масалан, мамлакатдаги ички ҳамда ташқи ҳарбий-сиёсий масалалар билан шуғулланувчи энг йирик илмий-тадқиқот институтларидан бири ҳисобланган РЭНД корпорацияси (RAND corporation — инглизча "research and development" — "тадқиқот ва тараққиёт") сўзларининг бош ҳарфларидан олинган) мингдан ортиқ ходимга эга бўлса, ташқи сиёсатни шакллантиришда ўз ўрнига эга марказлардан яна бири — Вашингтон сиёсий тадқиқотлар институти ходимларининг сони атиги 20-25 кишидан иборат.

Бу марказлар дастлаб ўтган аср бошида давлат ва хусусий тармоқ етакчи вакиллари томонидан стратегик муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида тузилган. Жумладан, 1910 йил пйтсбурглик йирик сармоядор Эндрю Карнеги асос солган Карнеги халқаро тинчлик жамғармаси, 1919 йилда собиқ президент Ҳерберт Хувер таъсис этган Хувер институти ҳамда 1921 йили ташкил этилган Халқаро алоқалар бўйича кенгаш мамлакат сиёсатига оид масалаларни муҳокама қила бошлаган. Орадан кўп ўтмай улар қаторига Брукингс ва Америка тадбиркорлик институти қўшилди.

Ушбу таҳлил марказлари дастлаб ички масалалар, кўпроқ ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар билан шуғулланган бўлса, вақт ўтиши билан фаолият доирасини кенгайтириб, халқаро сиёсат ва ҳуқуқий можароларни бар-тараф этиш, урушларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш каби муаммоларга эътибор қаратди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса АҚШ ва собиқ Иттифоқ ўртасидаги сиёсий рақобатнинг чуқурлашиб бориши Оқ уй маъмуриятидан кенг қамровли хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этди. 1948 йил май ойига келиб миллий манфаатларни таъминлаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган РЭНД корпорацияси ана шу жараённинг ҳосиласи эди. Бу корпорация кейинчалик — 1961 йили Гудзон

институти, 1968 йилда эса Шаҳар тараққиёт-ти институтининг тузилишига асос бўлди.

АҚШда иккинчи жаҳон уруши йилларида амалиётга кириб келган бундай марказлар аввалига раҳбар шахслар ва ҳарбий му-тахассисларнинг стратегик масалаларни муҳокама этиши учун ўзига хос форум вази-фасини бажарган эди. Кейинчалик мамла-катдаги йирик таҳлил марказларига нисба-тан ҳам шундай фаолият қўллана бошлади. Шу жиҳатдан РЭНД корпорацияси дастлаб-ки "ақлий марказ" сифатида тилга олинади.

АҚШда Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (1962), Мерос жамғармаси (1973) ҳамда КАТО институти (1977) ташкил топиши билан ташқи ва ички сиёсатни шаклланти-риш ва амалга оширишда таҳлил марказлари ўртасида ўзига хос рақобат муҳити юзага кел-ди. "Ақлий марказ"лар бу даврда нафақат хавф-сизлик, балки энергетика, халқаро бизнес, иқтисодиёт, превентив дипломатия, халқаро уюшган жиноятчилик каби йўналишларда ҳам самарали иш олиб борди.

Собиқ президентлар номи билан аталув-чи Атлантадаги Картер маркази ҳамда Вашингтондаги Никсон маркази эса ташқи ҳамда ички сиёсатда аънавийликни давом эттиришни мақсад деб билади.

Мамлакатдаги таҳлил марказларининг қарийб тўртдан бири хусусий ёки мустақил фаолиятга асосланади. Уларнинг баъзилари муайян университет қошида ёки унинг тар-кибига кирган ҳолда иш юратади.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатда "ақлий марказ"лар кириб бормаган бирор соҳа қол-мади ҳисоб. Чунончи, фан ва таълим, соғ-лиқни сақлаш, транспорт, юкларни етказиб бериш, бозорни эркинлаштириш, ахборот-телекоммуникация тизими, минтақавий интег-рация, экология, халқаро алоқалар, террор-чиликка, уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, хуллас, ҳозирги даврнинг барча долзарб масалаларини ҳал этишда "ақлий марказ"ларнинг иштирокини кузатиш мумкин.

Брукингс институти тадқиқотчиларидан бири Кент Уивернинг фикрича, "ақлий мар-каз"ларни "талабасиз университет"ларга қиёслаш мумкин. Улар ўз стратегияси ва иш

фаолияти билан сиёсат аҳли ёхуд кенг жамоатчилик эътиборини тортишга уринади. Бу борада улар турли усуллардан фойдаланади. Масалан, “ақлий марказ”лар ташаббуси билан ташқи сиёсий муаммолар юзасидан турли семинар ва конференциялар ташкил қилинади, китоблар нашр этилади, тадқиқот натижаларини ОАВ ва Интернет саҳифаларида ёритишга жиддий эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, АҚШ ҳукумати ва парламент аъзолари муайян масала юзасидан аҳоли фикрини шакллантиришда аксарият ҳолларда “ақлий марказ”лардан самарали

фойдаланади. Шу боис мамлакатдаги асосий оммавий ахборот воситалари сиёсий вазиятни баҳолаётганда бу марказларнинг кичик гуруҳига таянади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда етакчилик қилаётган бу марказлар фаолиятининг асосий мақсади — АҚШнинг миллий манфаатлари учун хизмат қилишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,

тадқиқотчи

Feminizm — o'tmish, gender — kelajakmi?

Бугунги кунда “феминизм — ўтмиш, гендер эса келажакдир” деган нуқтаи назар йўқ эмас. Фалсафий адабиётларда “феминизм фалсафаси” ибораси деярли ишлатилмаяпти ёки у “гендер муносабатлари” тушунчаси билан алмаштириб қўлланмоқда. Аслида, бундай фикр юритиш моҳиятни шакл, ҳодисани эса мазмун билан алмаштириш кабидир. Шундай экан, даставвал, бу икки тушунча мазмун-моҳиятига аниқлик киритиб олмоқ лозим.

“Феминизм” истилоҳи аёл маъносини ифодаловчи французча *feminisme*; лотинча *femina* сўзларидан олинган. Замонавий ижтимоий-фалсафий адабиётларда бу тушунчага анча кенг таъриф берилади. Хусусан, С.Аҳророва ва Г.Бекпўлатованинг таъкидлашича, “Феминизм — хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун курашини, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини тарғиб қилади”. Н.Муравьёва эса “...Феминизм аёллар мафқурасига айланди, у ўз олдига инсонлар тенглигини асосий мақсад қилиб қўйди”, деб ёзади. Демак, феминизм гоё сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларида аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини ифодаласа, мафқура сифатида аёлларнинг камситилишига қарши курашувчи маданий ҳаракатдир.

Феминизм бир томонлама таълимот, у эркаклар манфаатини ифода этмайди, деган нотўғри тасаввур ҳам мавжуд. Аммо бу фикрни инкор қилувчи бир қанча хусусиятларни

қайд этиш мумкин: аввало, феминизм — матриархат бошқарувини тиклашга қаратилган ҳаракат эмас, яъни, у бир жинснинг иккинчи бир жинс устидан ҳукмронлик қилишига қарши. Бу фақат аёллардан ташкил топган моножинсли (якка жинсли) ҳаракат ҳам эмас, унинг таркибига демократик гоёлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган барча инсонпарвар эркаклар ҳам киради. Феминизм — ноинсоний воқеликка зид ҳаракат. У давлат ҳокимиятини қўлга олиш учун кураш олиб бормайди, шу сабаб дунёда феминистик сиёсий партиялар эмас, ижтимоий ҳаракатлар мавжуд. Феминизм камситишлар, маънавий таҳқирлашлар қуроли эмас, балки аёллар ҳам жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида эътироф этилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳаракатдир. У фуқаролик жамияти, демократия, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмидир. Феминизм аёлнинг эркинлиги, мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини рўёбга чиқаришга интилади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, феминизм даставвал юқорида келтирилган хусусиятларни ўзида мужассам этган, аммо тарихий тараққиёт жараёнида ўзини феминистлар деб атовчи турли оқим ва ҳаракатлар ҳам пайдо бўлганки, бу ҳақиқий феминизмни сохта феминизмдан фарқлаш зарурлигини англатади. Демак, зўрликни, аёллар ҳукмронлигини (матриархатни), нотабиий жинсий муносабатни, фоҳишабозликни, гетераларни ёқлаш, аёллардан сиёсий қурол

ёки товар сифатида фойдаланишни тарғиб қилиш феминизм эмас, аксилфеминизмдир.

Ҳозирги кунда тадқиқотчилар орасида феминизм хусусида яқдил фикр йўқ. Айрим тадқиқотчилар феминизмда эркакларга нисбатан камситиш кайфияти мавжуд ёки уларга етарлича ўрин берилмаган деса, айримлари бу — тарихий ҳодиса, у ўз вазифасини бажариб бўлган деб ҳисоблайди. Учинчи бир тоифа тадқиқотчилар ҳам борки, уларнинг таъкидлашича, феминизм нафақат ўтмиш, балки келажак ҳамдир. Бизнингча эса, феминизм — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этадиган, аёлни жамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектига айлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир. Ушбу таъриф феминизмнинг ижтимоий-сиёсий ҳодиса эканини тасдиқлайди. Хуллас, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этувчи барча демократик сиёсий тизимлар шароитида феминизмнинг мавжудлиги объектив воқелиқдир.

Шу ўринда “гендер” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Гарчи бу тушунча XX асрнинг иккинчи ярмида илмий муомалага киритилган бўлса-да, унинг мазмуни анча қадимий. Гендер жинс маъносини англатади. Модомики, икки жинс, яъни эркак ва аёл муносабатлари антик даврдан бошлаб, ўрта асрлар ва ренессанс оша янги давр фалсафасининг ҳам асосий баҳс мавзуи бўлган экан, гендер муносабатлари бугунги замон фанининг кашфиёти эмас, балки қадимдан илмий тадқиқ этиб келинган масаладир.

Олимлар гендер ҳақида ҳам турлича фикр билдирган. Хусусан, О.Рябов “Гендер эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар тизимидир”, дея таъриф беради. М.Холматова, Т.Ўразалиеваларнинг қарашлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Н.Муравьёва эса “Гендер — фақатгина аёллар муаммосини эмас, балки жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш

калити ҳисобланади”, деб ёзади. Бизнингча, ушбу таърифларда эркак ва аёл муносабатларининг асосида нима ётади, деган асосий савол жавобсиз қолган. Шу боис бу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Гендер — эркак ва аёл манфаатлари уйғунлигини ифодаловчи тушунчадир. Яъни, икки жинс ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлаш гендер тизимининг ўзигина ташкил этади. Демак, гендер тизимининг асосида манфаат ётади. Шундай экан, жамиятдаги муносабатларнинг барча кўринишларида (сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва бошқа) эркак ва аёл манфаатларининг уйғунлиги таъминланиши асосий талабдир. Феминизм ва гендер тушунчаларига берилган таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улар ўртасидаги фарқ “бутун ва бўлак”, “тизим ва элемент” категориялари ўртасидаги фарқ кабилдир. Феминизм гендер муносабатларининг таркибий қисмидир. Феминизмни ривожлантирмасдан туриб, гендер муносабатларини соғломлаштириб бўлмайди. Феминизмсиз гендерни тасаввур этиш, мисоли ўрмонни дарахтсиз тасаввур қилиш, моҳиятни ҳодисадан ажратиб қўйишдир. Бугунги илм-фан нуқтаи назаридан феминизм ва гендер муносабатларини параллел равишда илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда Фарбий Европада, Шарқий Европанинг Россия, Украина каби мамлакатларида айнан шу амалиёт йўлга қўйилган. Ушбу давлатларнинг олий таълим муассасаларида “Феминизм фалсафаси”, “Гендер социологияси”, “Гендер тадқиқотларига кириш”, “Феминистик эпистемология”, “Феминология” каби ўқув курслари ўқитилмоқда.

Абира ҲУСЕЙНОВА,

ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
докторант-тадқиқотчиси

Mediabiznes mablag'ni qanday topadi?

Ҳозирги иқтисодий эркинлик шароитида ОАВ турларини таъсис этиш у қадар қийин бўлмагани ҳолда, уларнинг бозорда ўз ўрнини топишига эришиш, рақобатбардошлиги ва умуман, яшовчанлигини таъминлаш анча мураккаб масала ҳисобланади.

Мутахассислар фикрича, аксарият ҳолларда ОАВ муваффақиятсизлигига муассисларнинг ўқувсизлиги сабаб бўлади. Негаки, медиабизнес даромадли соҳа бўлиб кўрингани билан уни фақат фойда манбаи деб билиш нотўғри. Бунда энг тўғри йўл шуки,

медиафаолиятнинг икки муҳим қирраси — иқтисодий ва мафкуравий мақсадлар бир-бирини тўлдириб, ўзаро мувозанат яратиши керак.

Журналистика сир-асрорларидан беҳабар ахборот истеъмолчисини бепоул ҳавола этилаётган телекўрсатув ёки радиоэшиттириш қандай қилиб даромад манбаи бўлиши мумкин деган савол ўйлантириши табиий. Бу саволга лўнда қилиб реклама ёрдамида, деб жавоб бериш кифоядек. Бироқ шуниси таажубланарлики, бугунги кунда энг сердаромад оммавий ахборот воситалари ҳам реклама берувчилар ва баъзан ҳатто муассислардан мустақил ҳолда фаолият юритади.

Медиабизнес тарихига назар ташласак, дастлаб ОАВ ахборот ва кўнгилочар хизматларни сотиш ҳисобидан фойда олган бўлса, кейинчалик соҳага реклама тушунчаси кириб келди. Реклама ОАВ учун қўшимча даромад манбаи бўлди. Натижада оммага ҳавола этилаётган ахборот арзонлашди, маълум соҳаларда эса мутлақо текин бўла бошлади.

Босма матбуотнинг асосий даромади обуна ва чакана саводдан келади. Нашрнинг адади кўпайгани сари харажатлари камайиб, даромади ошади. Харажатларни камайтириш ва қўшимча даромадни кўпайтиришнинг кенг қўлланидиган усули эса рекламадир.

Аудиовизуал журналистика, хусусан, телевидениенинг тўғридан-тўғри дастлабки даромад манбаи — кабел ёки спутник тизимлари обуначилари бўлган. Бугунги кунга келиб эса реклама кучи натижасида аксарият телеканаллар томошабинга бепоул хизмат қилмоқда. Томошабин телевизор сотиб олса ва электр энергиясига маблағ сарфласа бас.

Мамлакатда катта сармоёга эга реклама берувчилар кўп бўлмаслиги телевидениеда ҳомийлик тизими ва яширин реклама ривожланишига олиб келади. Бу каби таъсирлардан холи бўлиш мақсадида кўплаб давлатларда жамоатчилик телевидениеси ташкил этилган. Бундай телевидениенинг асосий даромад манбаи аҳоли улуш сифатида қўшадиган сармоядир. Бу сармоё обуна ёки хайрия кўринишида бўлиши мумкин. Ана шу турдаги телеканаллар қаторига Япониядаги NHK, Норвегиядаги NRH, Швециядаги SVT каналларини киритиш мумкин. Улар реклама қабул қилмасликка интилади ва асосий даромадни томошабинлар маблағидан топади.

Бугунги кунга келиб халқаро тажрибада телевидение даромадларининг янги манба-

лари ҳам пайдо бўлмоқда. Чунончи, буюртма каналларда одамлар бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ўзлари аниқ билган ва маъқул топган дастурларга пул тўлайди. Интерактив алоқа имкониятлари билан боғлиқ бўлган PAY-TV — алоҳида дастурлар сотиб олинишини назарда тутувчи хизмат — бунга ёрқин мисолдир. Бунда томошабин ўзига ҳавола этилган рўйхат асосида телеканал таклиф қилаётган фильм ёки кўрсатувлардан бирортасини танлаб, аввал унинг бошланиш қисмини томоша қилади ва агар маъқул топса, уни буюртма асосида охиригача томоша қилади. Бу хизматнинг яна бир афзаллиги шундаки, томошабин маъқул топган дастурини ўзига қулай вақтда кўра олади.

Бу борадаги яна бир қулайлик фильмлар, спорт мусобақалари, концерт ва бошқа дастурларни “доналаб” эмас, балки “соатлаб” сотишга ихтисослашган каналлар — near-video-on-demand (қарийб буюртмали видео) мавжудлигидир. Унинг асосий хусусияти шундаки, томошабин бирор бир дастурни ўтказиб юборган бўлса, сунъий йўлдош имкониятларидан фойдаланиб, уни кўриш ҳуқуқини сотиб олади. Яъни, сизнинг вақт минтақангизда намойиш этиб бўлинган кўрсатувни бошқа вақт минтақасида бошидан кўришингиз мумкин.

Бундан ташқари, бевосита video-on-demand (буюртмали видео) хизмати ҳам мавжуд бўлиб, у кабел тармоқлари ва телефон алоқасига асосланади. Буюртмали видео истеъмолчиси кабел студиясига телефон қилиб, ўзи хоҳлаган фильм ёки дастурга буюртма бериши мумкин. Шу билан бирга, муайян телеканаллар жамламасига обуна бўлиш ҳам дунё миқёсида телевидение даромадларини шакллантираётган муҳим манбага айланмоқда.

Радиоиндустрия бошқа ОАВ ичида энг тежамли ва оммабоп ҳисобланади. Дунё миқёсида бугун ўттиз беш мингга яқин радиостанция мавжуд бўлиб, бу медиа тармоқлари орасидаги энг йирик кўрсаткичдир. Бу ОАВ турининг қулайлиги шундаки, уни ҳар қандай жойда эшитиш мумкин. Маълумотларга кўра, биргина АҚШда автомобилларга ўрнатилган радиомосламалар сони 132 миллионгани ташкил этади ва бу кундалик газеталарнинг умумий ададидан икки баробар кўпдир.

Албатта, бундай оммавийлик радиони реклама берувчилар учун энг қулай воситага айлантиради. Қолаверса, бугунги шиддатли даврда радионинг тобора ихтисослашиб

бораётгани, ўз аудиториясини аниқ белгилаб олаётгани ҳам уни янада рекламабоп қилмоқда. Шундай қилиб, радионинг асосий даромад манбаи реклама ва ҳомийлик маблағларидир. Телевидение каби радионинг ҳам жамоатчилик тури мавжуд.

Интернет журналистикаси ОАВнинг бошқа турларига нисбатан энг жадал ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Чунки у ўзида ҳам матбуот, ҳам радио-телевидение имкониятларини мужассам этади. Интернетнинг бундай жадал ривожи бошқа ОАВ турларига ҳам таъсир этмай қолмаяпти. Конвергенция, яъни ОАВнинг интеграциялашуви, ягона ахборот ва коммуникация асосларига таяниши, оқибатда бир-бирига ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўхшаб бориши айнан Интернет туфайли юз бермоқда. Бугун Интернет ва замонавий коммуникация воситалари имкониятларидан барча оммавий ахборот воситалари фойдаланмоқда.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда ҳар бир киши кунига ўн соат вақтини Интернетда он-лайн тизимида ўтказади. Шундай экан, интернет журналистикаси ва он-лайн фаолияти катта бизнесга айланганга

тини пайқаш қийин эмас. Интернет туфайли реклама ҳам кенг сармоялар маконига айланган бўлиб, бу тизимда нафақат баннерлар жойлаштириш, эълон ва пиар маълумотлар тарқатиш, балки direct mail каби тўғридан-тўғри электрон почта манзилига келадиган ахборотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Албатта, ОАВ турларининг барчаси учун реклама борасида чекловлар йўлга қўйилган. Нашрлар саҳифаси ёки эфир вақтининг ҳаддан ташқари кўп қисми реклама билан банд этилишининг олдини олувчи тегишли қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий асос вужудга келтирилган. Масалан, Ўзбекистонда реклама теле-радиога эфир вақтининг 10 фоизидан, матбуотда эса нашрлар саҳифасининг 40 фоизидан ошмаслиги шарт, деб белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ахборот муҳим иқтисодий ресурсга айланган. Шунинг учун ҳам ахборотнинг бизнес оламидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Динора ДЎЛТАЕВА,

ЎзДЖТУ аспиранти

Uyg'unlik — go'zallik asosi

Гўзалликнинг мазмун-моҳияти Шарқу Фарбнинг ақл соҳибларини барча даврларда ўзига оҳанрабодек жалб этиб келган. Ислон маданиятининг етук намояндаси Абу Ҳомид Фаззолий наздида, гўзаллик ўзининг қоимлиги билан пойдор бўлган буюк илоҳий муҳаббатдир. Шуниси ҳам муҳимки, гўзаллик уни англаб етган одам учунгина муҳаббатга айланади. Мутафаккир таъкидлашича, гўзалликни идрок этишнинг ўзиёқ кишига бекиёс ҳузур бағишлайди. Модомики, хуш бўй таратаётган резавор ёки шарқираб оқаётган сув уларни ейиш ва ичиш мумкинлиги учун эмас, балки буларга боқиб завқ олиш мумкинлиги сабаб муҳаббат манбаи экан, юқоридаги фикрни инкор этиш қийин (*Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. М., "Наука", 1980, стр. 91*).

Гўзалликка бундан ўзгача, яъни, реал ёндашувни буюк олим Умар Хайём ижодига учратиш мумкин. Хайём айтадики, гўзаллик аввало табиатда — баҳорда, гуллару чечак-

ларда намоён бўлади. Бироқ таассуфки, у — ўткинчи, бу гўзалликдан завқ олиш учун инсонга жуда қисқа фурсат берилган. Инсон гўзаллик орқали табиий муҳит билан бирга ижтимоий воқелик ва санъат олами билан баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг уйғунлиги, худди гўзаллик каби, фазовий моҳиятга эгадир. Бу уйғунлик нафақат жисмлар олами, балки руҳ маъвосини ҳам қамраб олади. Руҳий уйғунлик нафосат туйғусини шакллантиради, инсонда ҳиссий завқ ҳосил қилади. Бу ҳолатни инсон ақли билан баҳолайди.

Уйғунлик масаласи аксарият мутафаккирларнинг фалсафий ва эстетик қарашларида қадимдан марказий ўрин эгаллаб келган. Чунончи, араб файласуфи Абу Юсуф ал-Киндий таълимотига кўра, фалсафий билимларга доир бошланғич илм фани жавҳар (субстанция) — ҳиссий қабул қилиш воситаси ҳисобланган. Унинг илк белги-хос-

салари эса онг орқали аниқланади. Ал-Киндий фикрига кўра, ким кўлам ва сифат илмидан беҳабар бўлса, у субстанция илмидан ҳам махрумдир. Фалсафада том маънода аслий илм субстанция (жавҳар) илмидир. Кўлам илми икки хил жуздан ташкил топади. Биринчиси — сон ҳақидаги илм, иккинчиси эса — уйғунлик ҳисобланиб, у сонлар муносабатини ўрнатади, бир ўлчовга тенг ва бир ўлчовга тенг бўлмаган турли ҳодисаларни жамлайди. Уйғунлик барча нарсада ўз ўрнига эга ва унинг аниқроқ кўриниши товушда мужассам, ўз навбатида товуш жумла олам ва инсон қалбининг тузилишини акс эттиради.

Фарблик файласуф Г. Гегель асарларида ҳам уйғунлик алоҳида бир тизим сифатида тадқиқ этилган. У уйғунлик борасида қуйидаги фикрни баён қилади: “Уйғунлик муайян қарама-қаршилик ва хилма-хилликнинг ўзаро муносабатини тақозо этади. Чунки уйғунлик фақат ўзгаришгина эмас, балки мутлақликнинг ҳосил бўлиши ҳамдир” (*Гегель. Сочинения в четырнадцати томах. Т. 7. М., “Наука”, 1958, стр. 251*). Шунингдек, Гегель таълимотида уйғунлик эстетик категория сифатида уч шартни — ички бирлик, бутунлик ва фазовийликни қамраб олади. Унда уйғунлик симметрияга (қарама-қаршиликлар мутаносиблигига) нисбатан ички бутунликни ифода этади.

Аслини олганда, уйғунлик ва гўзаллик диалектик жиҳатдан узвий тушунчалардир. Гўзаллик ҳеч қачон уйғунликсиз мавжуд бўлмайди. Зотан, гўзаллик уйғунликнинг намоён бўлиш шаклидир. Уйғунлик тушунчаси мутаносиблик билан бирга номутаносибликни ҳам қамраб олади. Мисол учун, терак тик ҳолда мутаносиб уйғунликни

ҳосил қилгани, ток эса эгри ҳолда номутаносиб уйғунликни вужудга келтиргани билан гўзалдир.

Уйғунлик ва гўзаллик тушунчаларини ўзаро қиёслаганда, уларнинг дастлабкиси кейингисига нисбатан кенгроқ эканига ҳам гувоҳ бўламиз. Бинобарин, гўзал бўлмаган нарсаларда ҳам уйғунлик мавжуддир.

Қадимги юнон файласуфи Арасту уйғунликни икки турга ажратади. Уларнинг аввалгиси уйғунликни оддий арифметик мутаносиблик деб қараса, кейингиси нарсанинг ички меъёрий тартиби деб тушунишни тақозо этади. Арасту иккинчи турни биринчидан афзал кўради ва бу турни мукамаллик ҳамда гўзаллик тушунчалари билан боғлаб изоҳлайди.

Арастунинг шарқлик издоши Абу Наср Форобий одамларга хос хусусият ва фазилатлар уйғунлашуви борасида ибратли фикрларни баён қилган: “Агар инсонда гўзал хусусиятлар ёки фазилатлар уйғунлашса, шундан сўнг у ўзидагидек гўзал фазилат ҳамда иродани халқлар ва шаҳар аҳлларида ҳосил қилиш йўлини ўрганиши керак. Лекин бунинг учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб этилади. Бу эса икки йўл, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади” (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993, 184-бет*).

Юқорида баён этилган фикр ва қарашларни умумлаштириб айтиш мумкинки, инсон қанчалик уйғун ривожланган бўлса, шунчалик гўзал бўла боради, яъни инсондаги хулқий гўзаллик уйғунликнинг камол топиши билан пайдо бўлади.

Дилором ШЕРОВА,

ЎзМУ аспиранти

Turkistonda paxta savdosi

XIX аср охирларидан чор Русияси Туркистонни тўқимачилик саноатининг хомашё базасига айлантириш сиёсатини юрита бошлади. Четдан олиб келинадиган пахтага бож тўлови тобора ошиб бориши чор ҳукумати ана шундай йўл тутишга мажбур қилди. Натижада Туркистондаги баъзи вилоят ва туманлар бутунлай пахта етиштиришга

ихтисослаштирилди. Жумладан, Фарғона вилояти ўлка хомашёсининг 80 фоизини етказиб бера бошлади. Айни вақтда тармоқда етиштирилган хомашёни Русиянинг марказий ҳудудларига ташиб кетиш ҳам авж олди. “1886 йили рус тўқимачилик саноатининг пахта толасига бўлган эҳтиёжи 10 миллион 455 минг пудни ташкил қилган бўлса, 1910

йили 25 миллион 870 минг пудга етди, яъни 2,5 баробар кўпайди" (*История Узбекской ССР. Т. 2. Т., 1956, стр. 209*).

Туркистондан Русияга юбориладиган пахта асосан маҳаллий деҳқонлардан сотиб олинган. Бу қимматли хом ашё савдоси билан шуғулланадиган бозорлар йирик шаҳарларда бўлган. Катта сармоёга эга маҳаллий тожирлар улгуржи савдони ҳам йўлга қўйган. Улар пахта билан бирга пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон баҳода олиб, кейинроқ уларни қиммат нархда сотган. Савдо жараёнида сотувчи ҳам, олувчи ҳам бир-бирини алдашга уринган. Деҳқонлар пахта вазини ошириш мақсадида унга тупроқ аралаштирган, сув сепган. Савдогарлар эса ўз галида тарозидан урган, ҳисобкитобда алдашга ҳаракат қилган. Бундай қинғир ишлар пахта сифатини бузган ва тўқимачиларнинг ўлка ҳамоёси сифатига бўлган ишончига путур етказган.

Маҳаллий аҳоли молиявий билими етишмаслиги, айниқса, рус тилини билмаслиги сабабли бозорларда рус савдогарлари пахтага қўйган ҳақиқий баҳодан беҳабар эди. Оқибатда улар хомашё савдоси вақтида маҳаллий воситачилар қўйган шартларга кўнишга мажбур бўлган. Бунда пахтани етиштирувчи ва уни қайта ишловчилар ўртасидаги нарх-наво фарқидан қолган мўмай фойда (ташиш учун кетган харажатлар чиқариб ташланганда ҳам) устомон даллоллар кўлига тушган.

Сотиб олинган пахта аввал йирик марказларда тўпланиб, кейин Русияга жўнатилган. Туркистон пахтасининг асосий қисми марказга Оренбург орқали олиб кетилган. Бу ерга хомашё Фарғона вилоятидан Тошкент ва Казалинск орқали келтирилган. Бухоро ва Хива хонликларида ҳам пахта Орол денгизи соҳили бўйлаб Казалинск орқали ташилган.

Мустамлакачиликнинг дастлабки даврида, аниқроғи, 1878 йилга қадар ўлкадан Русияга юборилаётган пахтадан бож тўлови олинмаган. 1887-96 йилларда эса Ўрта Осиёдан Русияга 26 миллион пуд пахта толаси олиб кетилган. Унинг ҳар пуди чор ҳукуматида Америка пахтасидан 2 рубль 38 копеек арзонга тушган. Бундан империя хазинаси 61 миллион рубль фойда кўрган. Ушбу йиллар мобайнида Русияга келтирилган пахтадан хазинага тушган бож миқдори 203 миллион рубль бўлган. Агар "Русия 26 миллион пуд пахтани Ўрта Осиёдан эмас, хорижий мамлакатлардан олганида, бу Русия учун 256 миллион рублга тушар эди. Демак, империя

хазинаси фойдасига шунча пул тежаб қолинган" (*Мустабид тузумнинг Ўзбекистон бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т., "Шарқ", 2000, 154-бет*). Бундай манфаатдорлик чоризм маъмуриятининг Туркистон пахтасига бўлган қизиқишини янада орттирган. Шу тарзда пахта майдонлари қарийб 7 баробарга кенгайтирилган.

XX аср бошларига келиб Русияда тўқимачилик саноатининг ривожланиш суръати жадаллашди. 1900 йили Русия ялпи саноат ишлаб чиқаришида тўқимачилик улуши атиги 27,3 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич кейинчалик мунтазам равишда ўсди ва 1900-10 йилларда чор Русияси халқ хўжалигида тўқимачилик, айниқса, ип-газлама саноати етакчи мавқега кўтарилди.

Бу даврга келиб пахта савдоси билан йирик ширкат ва фирмалар шуғуллана бошлади. Ҳатто шу иш учун ихтисослаштирилган биржалар барпо этилди. Жумладан, 1906 йил Қўқонда очилган биржа кўмитасига Р.Потеляхов, Я. Вадьяев, М. Мўминбоев каби савдогарлар аъзо бўлган. Биржа Русиянинг марказий ҳудудларида жойлашган фирма ва савдо агентликлари билан алоқа ўрнатган. Шунингдек, пахта савдосига доир тартибларни ишлаб чиқиш, ўлкада янги пахта тозалаш заводларини куриш, пахтани белгиланган жойга ўз вақтида етказишни таъминлаш, савдо ва саноат шартномалари бажарилишини назорат қилиш, пахта майдонларини кенгайтириш масалалари билан шуғулланган.

Ширкатлар тойланган пахта хомашёсини Русиядаги йирик фирмаларга етказиш билан бирга, у ердан Туркистонга дон, ун, чой, шакар, қурилиш материаллари, ип-газлама ва темир-чўян олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, бу даврда Туркистон қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари хийла ривожланганига қарамай, пахтачилик етакчи соҳа бўлиб қолаверди. Айниқса, Фарғона вилояти пахта етиштириш, Қўқон шаҳри эса уни сотиш бўйича марказга айланди. Туркистонда темир йўл қурилиши ўлкада пахта яккахокимлиги вужудга келишини тезлаштирди. Ушбу хомашёга талаб юқори эканини кўрган деҳқонлар ўз томорқаларининг катта қисмига пахта эка бошлади. Доннинг Русиядан келтирилиши эса ўлкани империяга янада қарам этиб қўйди.

Муяссар КАРИМОВА,

*Тошкент Аграр университети
ўқитувчиси*

Islomda o'lim va barhayotlik falsafasi

Ислом дини инсон вафот этгач, қиёмат куни қайта тирилади, деб таълим бериши билан имон аҳллари қалбига умид бахш этади, уларни абадий йўқ бўлиб кетиш даҳшатидан халос қилади.

Англиялик микробиологлар бу илоҳий башоратни табиий-илмий тасдиқловчи оламшумул кашфиётни амалга оширди. Улар одамнинг охирги умуртқа поғонаси ичида жуда кичик, тарик донасидек гавҳар-уруғ борлигини аниқлади. Бу гавҳар шундай қобик билан ўралган эканки, у ҳеч қачон чиримас, йўқ бўлиб кетмас, ҳатто ўта юқори ҳароратга ҳам дош бера олар экан. Тажриба пайтида гавҳар қобигига турли кимёвий моддалар таъсир эттирилганда ҳам у ўз хусусиятини ўзгартирмаган (*Курский А. Н. Психо — фактор тайны человеческой личности. М., "Рипол классик", 2001, стр. 39*).

Бундан маълум бўладики, инсон жасади ўтда ёниб ёки тупроқда чириб йўқ бўлиб кетса ҳам, унинг гавҳарига асло зарар етмайди. Оллоҳ таоло бу ҳақиқатни ўз вақтида пайғамбарига ваҳий орқали аниқ-равшан маълум қилган. Бундан ўн беш аср муқаддам Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам "Инсоннинг ҳамма аъзоси чириб, думғазасигина сақланиб қолур, инсоннинг қайта таркиб топтирилмоғига шу думғазаси асос бўлур", деб марҳамат қилган (*Имом ал-Бухорий. Хадислар. 4 жилдлик, 3-жилд, Т., Қомуслар Бosh таҳририяти, 1997, 307-бет*).

Ислом таълимотига кўра, инсон жасад ва руҳдан иборат. Жасад ер юзида вақтинча, яъни тақдир этилган муддатгача яшайди, руҳ эса, жасадга зид ўларок, абадийдир. Парвардигор қиёматда инсон умуртқасидаги гавҳар-уруғни жонлантириб, жасадни қайта шакллантириб, унга руҳни киргизиб, қайта тирилтиради.

"Ёсин" сурасининг 12-оятида "Албатта, Биз ўликларни тирилтиурмиз ва уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб қўюрмиз. Барча нарсани Биз очик китобда (яъни, Лавҳул-Маҳфузда) белгилаб қўйгандирмиз", деб баён қилинади (*Куръони карим. Алоуддин Мансурнинг изоҳли таржимаси. "Чўлпон", Т., 1992.*).

Исломда ҳаётнинг маъноси — руҳ ва имон саломатлиги, роҳат-фароғат келтирувчи ҳалол меҳнат ва ҳақиқат сир-асрорини очувчи илму маърифатдир. Инсон ердаги ҳаёти давомида ўзини худбинлик ва ёвузликдан сақламоғи, ҳар бир ният, сўз ва амали учун охиратни мезон қилмоғи лозим.

Нафақат исломий эътиқод, балки барча диний ва фалсафий таълимотлар ҳам ўлим — ҳақ, ҳеч ким ундан қочиб қутула олмайди, дея таълим беради. Шундай экан, инсон ўлмоқ учун яралган, деб айтиш ҳам мумкин. Қадимги юнон файласуфи Арасту дунёга янги келган ҳар бир чақалоқ бу — ўлим манбаидир, деб таъкидлайди. XVIII аср улуг немис маърифатпарвар адиби И. В. Гёте эса "Туғилмоқ ўлим сари қўйилган илк қадамдир", дея оғохлантирган. Бинобарин, Одам Ато зурриётининг ушбу дунёдаги ҳаётини жуда қисқа ифода этиш мумкин: инсон туғилади, яшайди ва ўлади... У энди бу дунёда қилган ишлари, яхши-ёмон амаллари юзасидан Яратган ҳузурда ҳисоб бермоғи керак. Оллоҳ суйган бандалар — пайғамбарлар, азиз-авлиёлар ўлимни асло эсдан чиқармаган, улар бу дунёни имтиҳон олами, ҳақиқий дунёга тадорик кўриш олами деб билган.

Ислом дини бандаларга ўлимдан кўрқмасликни буюради, чунки савоб амаллар қилган, мунтазам ибодатда бўлган мўминга ўлим кўрқинчли ва даҳшатли эмас. Шунингдек, исломда "қабр азоби" деган тушунча ҳам бўлиб, Таваба сурасининг 101-оятида "...шундай мунофиқлар борки, уларга ўлганларидан кейин қабрда азоб берилмиз. Сўнгра қиёмат кунида улар улуг азобга қайтарилурлар", деб таъкидланади. Маъйитни қабрда икки фаришта — Мункар ва Накир сўроқ қилади ва бегуноҳ бандаларни қиёмат қадар гўр азобидан сақлайди. Гуноҳкорларни эса фаришталар юз ва орқаларига уриб, "Дўзаҳ азобини тотингиз! Бунга сабаб ўзларингиз қилган амалларингиздир, зеро, Оллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир" деб то қиёмат қадар азоблайди (*Анфол сураси, 51-оят*).

“Қиёмат” арабча сўз бўлиб, луғатда “ўриндан турмоқ” маъносини англатади. Қиёмат — бу дунёнинг тугаши билан охират кунининг бошланишидир. Қиёмат ҳақида Куръони каримда бундай дейилган: “Бас, қачон катта бало (яъни Қиёмат) келганида — инсон ўз қилмишини эслаб қоладиган Кунда ва дўзах кўрадиган (ҳар бир) кишига кўрсатиб қўйилганида, бас, ана ўшанда ким (ҳаёти дунёда куфру исён билан) тугёнга тушган ва ҳаёти дунёни (охиратдан) устун қўйган бўлса, у ҳолда, фақат жаҳаннамгина (унинг учун) жой бўлур! Энди ким (ҳаёти дунёдалик пайтида Қиёмат куни маҳшаргоҳда) Парвардигорининг (хузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан кўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина унинг учун жой бўлур” (*Ван-нозиот сураси, 34 — 41-оятлар*).

Жаннат аҳли бу дунёда ҳеч ким кўрмаган ва тотмаган лаззатли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади, унда ҳавзи Кавсар сувлари мавжланади, наҳрларда айнимайдиган сут, асал, шарбатлар оқиб туради. Куръони каримда бу хусусда: “Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли-сифати (будур): унда айнимаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам... мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир... Улар... (у жойда) қайноқ сув билан сугорилиб, у (сув) ичакларни бўлак-бўлак қилиб ташлаган (кофир) кимсалар каби бўлурми” деб таъкидланади (*Мухаммад сураси, 15-оят*).

Куръони карим оятларида охират қачон содир бўлишини ҳеч ким билмаслиги таъкидланиб, “(Эй Мухаммад, мушриклар) сиздан (ўша Қиёмат) соатини қачон воқе бўлиши ҳақида сўрарлар. Сиз қаердасизу уни (яъни Қиёмат) қачон (бўлишини) зикр қилиб эслаш (қаерда)? Яъни сиз ҳеч қачон у куннинг вақтини айтиб бера олмайсиз. Уни (билиш) ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар. Сиз фақат ўша (Қиёмат)дан кўрқадиган кишиларни огоҳлантирувчисиз, холос” деган ваҳий туширади (*Ван-нозиот сураси, 42 — 45-оятлар*).

Айни чоқда Оллоҳ қиёмат аломатларидан ўз пайғамбарини хабардор ҳам этган. Имом Абу Хурайра ривоят қилган ҳадисда айтиладики, “Расулulloҳ с.а.в. ислом илми бутунлай йўқ бўлмагунча, зилзилалар кўпаймагунча, вақт тез ўтадиган бўлмагунча, фитна ва гуноҳ ишлар ошқора қилинадиган бўлмагунча қиёмат бўлмагайдир. Қиёматга яқин шунчалик бойиб кетгайдирсизким, ҳатто мол-дунёингиз уйланингизга сигмай кетгайдир”, дедилар.

Хуллас, ислом дини инсоннинг ўлимдан кейинги ҳаёти ҳақида узил-кесил диний-фалсафий билимларни беради. Бани Одам ердаги ҳаёти мобайнида қилган яхшию ёмон амалларига қараб дўзах ёки жаннатга ажратилади. Гуноҳкорлар дўзах азобларига муштаҳқ этилса, мўминлар жаннат фароғатига ноил бўлади.

Равшан ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзМУ аспиранти

Etnomusiqa: Surxondaryo xalq go'shiqlari

Сурхон воҳаси нихоятда бой, ранг-баранг, бетакрор муסיқий меросга эга. 1997 йилдан буён воҳа бўйлаб айнан шу меросни ўрганиши мақсадида мусиқий фольклор экспедицияси уюштириб келинади. Экспедиция давомида ҳар бир туман аҳолисининг этник таркиби, яшаш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари, маросим ва анъаналарини аниқлаш баробарида халқ кўшиқчилигининг айтим намуналари ҳам тўпланмоқда.

Вилоят халқ кўшиқчилиги ижодиётини шартли тарзда иккига — маълум вазият кўшиқлари (оилавий, мавсумий, меҳнат ма-

росимлари) ва турли вазият кўшиқларига (кўшиқ, терма, лапар, ялла) ажратиш мумкин.

“Алла”нинг бутун воҳа бўйлаб турли-туман айтим шакллари учрайди. Шунингдек, бешик тўйи маросимида “Бешик тўйинг муборак”, мучал тўйи маросимида “Мучал тўйинг кутлуғ бўлсин”, суннат тўйида “Тўйлар муборак”, “Тўйдир бугун”, киз кўриш маросимида “Охува”, никоҳ тўйида “Совчи кўшиғи”, “Ўлан”, “Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Ким олади-я, шугинани-я” айтимлари кенг тарқалган. Оилавий маросимларда эса “Йўқлов” айтимларининг турли кўринишлари куйланади.

Булардан ташқари, йил фаслларига ҳамоҳанг талайгина кўшиқлар борки, уларни ягона ном билан “мавсумий кўшиқлар” деб атадик. Жумладан, халқ орасида — қишда “Гап-гаштак”, “Қорхат”, баҳорда “Наврўз”, “Лола сайли”, “Бойчечак”, “Сумалак”, “Дарвешона”, “Шох мойлар”, ёзда “Суст хотин”, “Ангом”, кузда “Ўрим”, “Хўп, майда”, “Шамол чақириш” каби мавсумий кўшиқлар айтиб келинади. “Хўш-хўш”, “Тўрай-тўрай”, “Чирей-чирей”, “Бузака”, “Гупи”, “Хаввор”, “Хўп майда”, “Обло барака”, “Дон септи”, “Арпа-бугдой пишибди”, “Аранжи”, “Урчугим”, “Ўрмак кўрдим”, “Ўрмак”, “Кигизим”, “Ёрим тўни”, “Жун тароқни тарайман”, “Дўппи”, “Белбоғ”, “Ёрғинчоқ”, “Қамиш кўлим кесмасин” каби қатор кўшиқларда эса меҳнат жараёни тасвирланган.

Турли мавзудаги терма, лапар, яллаларда сўз ва куйнинг ўзаро уйғунлиги яхлит бир оҳангни ҳосил қилган. “Рамазон”, “Фолбин” каби удумий айтимларнинг турли ижролари Бойсунда ҳалигача ўтказиб келинаётган жаҳр (жаҳрий, жазавага тушиб бемордан зиён-заҳматни ҳайдаш) маросимларида ижро этилаётгани ҳам воҳа мусиқий ижодиётининг ранг-баранглигидан далолатдир.

Вилоят мусиқа анъанасида Шеробод, Бойсун дostonчилик мактабларининг ўзига хос ўрни бор. Анъанавий тарзда икки йилда бир бор “Бахши-шоир ва оқинлар” фестивалининг ўтказилиши бахшилар ижодиётининг янада равноқ топишига хизмат қилмоқда. Ана шу кўрикларда бахшилар билан бир қаторда чанқовуз ва даф (доира) ижрочилигига ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, чанқовузда “Келин нидоси”, “Туя қадам”, “От чоптириш”, “Оҳувва”, “Қўзи маъраш”, “Қўй боқиш”, “Қўй қайтариш”, “Киз чақириш”, “Киз қадам” каби куйлар, айниқса, қатагон уруғига мансуб аёллар ижросидаги “Дойра бадаш”лар тадқиқотчилар учун янгилик бўлди. Турли мураккаб ритм оҳанглари билан ташкил топган “Катта бадаш”, “Кичик бадаш”, “Гиждала-гиж бадаш”, “Кўришиш бадаши”, “Араз бадаш”, “Биждонба бадаш”, “Ўйин бадаш”, “Шамол бадаш”, “Китирка бадаш”, “Қасон бадаш” деб номланган куйларнинг фақат даф чолғусида ижро этилиши ҳам воҳа мусиқий меросининг ўзига хос хусусиятидир.

Кўшиқчилик ижодиётининг яна бир муҳим жиҳати унинг анъанавий рақс санъати билан ўзаро уйғунлигида, бир-бирини тўлдиришида намоён бўлади. Тоғли ҳудудларнинг маҳаллий рақслари шу кунгача

яшаб, ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Аксарият маросим кўшиқларида сахнавий шаклдаги бадий образлар яратилган. “Яқу-яқу, яқу-я”, “Ковушим”, “Кампир топайми, дадажон”, “Янгажон”, “Хўп майда”, “Дойра бадашлари”, “Келгин ёр, ўйнайлик” каби кўшиқ ва куйларнинг рақслари театрлашган кўринишда ижро этилиши билан алоҳида ажралиб туради. Йигитлар томонидан ижро этиладиган “Зебари” туркум рақслари эса фақатгина Сариосиё ва Узун туманларида оммалашган, улар бошқа ҳудудларда учрамайди. “Дашнободча рақс” ҳам фақат шу ҳудудга хос. Бунда ижрочилар тарафма-тараф туриб, терма байтлар бўйича мусобақа ўтказилади.

Вилоят аҳолисининг кўпчилиги қишлоқда истиқомат қилади ва анъанавий тарзда ҳаёт кечиради. Ҳатто айрим жойларда маҳаллий аҳоли турмушида замонавий цивилизация таъсири унчалик сезилмайди. Шу боис у ерларда кўшиқчилик ижодиётининг асл ҳолати бирмунча сақланиб қолган.

Бир неча минг йиллик тарихга эга мусиқий мерос мазмунан бой ва ранг-барангдир. Аҳолининг сеvimли чолғулари сифатида дўмбира, чанқовуз, даф, най, қамиш най, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан кейин эса тор, рубоб, дутор каби чолғулар кенг тарқалган.

Сурхондарё вилоятида урф бўлган маҳаллий кўшиқчилик ижодиёти асрлар давомида оғзаки шаклда — устоздан шогирдга, онадан фарзандга ўтиб келаётган мусиқий мерос ҳисобланади. Бу жараён тараққийнинг турли босқичларида маҳаллий аҳолининг ўзига хос яшаш тарзи, меҳнат фаолияти, ҳар хил маросимларига боғлиқ тарзда турлича кечган.

Сурхондарё вилоят халқ кўшиқчилик ижодиёти куйлаш усули, овоз ва товуш овлалинишлари, жўрликда завқ, ўкинч ва дардни ифодалаш, матнларда бармоқ вазнининг устуворлиги, кўшиқларга халқ чолғулари жўрвозлиги каби хусусиятлари билан ўзига хосдир.

Жуллас, ўзбек халқ этномусиқий ижодиёти аجدодларимиздан қолган нодир меросдир. Бу мероснинг ижтимоий моҳияти анъанавий йўлдаги ижро маҳоратида намоён бўлади ҳамда турли даврларга хос моддий ва маънавий маданиятдан дарак беради.

Қурбонниёз ПАНЖИЕВ,

Санъатшунослик илмий тадқиқот институти тадқиқотчиси

G'urur va salobat ramzi

Тўн ёки чопон — Ўрта Осиёда кенг тарқалган миллий кийим. “Тўн” қадимий туркий сўз бўлиб, кенг маънода кийим ва кийим турларини ифодалаган. “Чопон” сўзи эса XV асрдан “тўн” атамаси билан биргаликда қўллана бошлаган. Баъзи муаллифлар фикрича, “чопон” сўзи форс-тожикча “шабан” — “чўбон” сўзидан олинган бўлиб, дастлаб туркий тилларга, ундан кейин эса рус тилига ўзлашган.

Турли ҳудудларда тўн ёки чопон турлича номланади. Чунончи, Бухоро аҳолиси орасида жома, Фарғона водийси қурамалари лафзида “чўкит”, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг баъзи жойларида “гуппи тўн”, “гуппи чопон” дейилади. Хоразм шеvasида “тўн” сўзи “дўн” шаклида қўлланади. Тошкент шеvasида эса эскирган тўн “чопон-чапқит” деб аталади.

Умуман, ўзбекларда “тўн” сўзи кенг маънода, “чопон” атамаси эса махсус маънода — пахтали кийим маъносида истифода этилади. Чопон — авра-астарли ёки пахта солиб қавилган олди очиқ узун кийим. Юрганда, отга минганда ва ерда чордона қуриб ўтирганда қулай бўлиши учун чопоннинг ён томонларига йирмоч қўйилади.

Тўнлар андозасига кўра, иш, кундалик, маросим, байрам тўнларига бўлинади.

Тошкентда чопонлар тикилишига қараб авра чопон, астарли чопон, пахтали чопон, матосига қараб банорас чопон, қалами чопон, адрас чопон каби номлар билан аталган. Тўнларнинг авраси беқасам, кимхоб, бахмал, шойи сингари матолардан, астари кўпинча чит ёки сатиндан бўлган.

Турли ҳудудлар чопонлари бир-биридан бичилиши, тикилиши, матоси билан фарқ қилган. Хоразм тўнлари енгил, ўртача кенглик ва узунликда, тўққизил, кўк, яшил, сариқ рангдаги ингичка йўлли газламалардан тўғри бичиқда аксарият кудунглаб жило берилган матолардан тикилган. Бу чопонлар зич қилиб қавилгани боис киши эгнида товляниб, текис турган. Кенг ва узун бичимдаги Бухоро чопонларини тикишда ёрқин рангли, кенг йўлли, йирик нақшли матолардан фойдаланилган. Узун ва ўртача кенгликда тикилган Самарқанд тўнларининг ранг-туси

ва бичимида Бухоро ҳамда Фарғона тўнлари андозасининг таъсири сезилиб туради. Қашқадарё ва Сурхондарё чопонлари эса Бухоро чопонлари сингари кенг ва узун тикилган. Шахрисабз ва Китобда тўнлар қимматбаҳо матолардан тикилган, ёқаси ва этагига, енг учларига зар иппардан кашта босилган ҳамда унинг атрофига қимматбаҳо тошлар қадаб безатилган. Илгари бундай тўнлар амалдорларга мукофот тариқасида ёки эъозли меҳмонларга эҳтиром рамзи сифатида совға қилинган.

Тўнлар Тошкентда одмироқ матолардан, чунончи, кўкиш, зангори кўк, пушти-кўкиш, қора матолардан тикилган ва қалин пахталиги юпқасининг устидан кийилган. Бундай тўнлар Тошкентда ҳамон урфдан қолмаган, фақат матосида бир оз ўзгариш бор, холос. Бунда уйда, кўчада ва маросимларда кийиладиган уст-бошлар мажмуида кузатиш мумкин. Зарбоф чопонлар илгари бой ва амалдорлар либоси ҳисобланган бўлса, ҳозир уни тўй маросимларида куёвлар эгнида кўриш мумкин. Шу боис бундай тўнлар “куёв тўн”, “куёв чопон” деб ном олган.

Ўтмишда ўғил уйлантириш ёки қиз чиқаришда янги тўн тиктириш ёхуд сотиб олишга қурби етмаган оилалар учун маҳалла аҳли маблағига куёв-келин саруполари харид қилиниб, маҳалла қарамоғида сақланган.

Ўғил болаларга хатна (суннат) тўйида кийдириладиган алоҳида тўнлар мавжуд. Эл наздида тўн жуда кўркем ва суюкли совға ҳисобланади. Шу боис тўй болага, куёвга, қудаларга, улуғ кишиларга, азиз меҳмонларга тўн кийдириш одати ҳали-ҳануз сақланиб келмоқда.

XVIII асрдан бошлаб ўзбек тўнлари Россия, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатларга чиқарилган. Тўн XIX асрдан Россия билан савдо алоқаларида экспорт маҳсулотига айланган. Рус харидорлари орасида, айниқса, Бухоронинг зарбоф, Самарқанднинг кимхоб тўнлари машҳур бўлган. Бу тўнлар Париж, Москва, Петербург, Нижний Новгородда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, мукофотларга ҳам лойиқ топилган.

Дафн маросимларида майит чиққан хонадон эркакларининг тўн кийиб, бел боғ-

лаш одати ҳам бор. Бу кўп асрлик анъанага кўра, азадорлик белгиси ҳисобланади. Ҳаттоки, жаноза пайти ҳовлига тўн илиб кўйилиши (Қашқадарёда тўн от қамчиси билан бирга илиб кўйилади), шунингдек, тобут устига тўн ёпилиши майит эркак киши эканини англатади.

Ҳозирда зардўзи тўн тайёрлаш Ўзбекистоннинг барча вилоятларида йўлга кўйилган.

Бундай тўнларнинг қадимий ва бетакрор намуналари республика ҳамда хориж музейларида сақланади. Чопон — миллатимизнинг гурур ва салобати рамзи, фаровон ва осуда ҳаётдан далолатдир.

Саодат ДАВЛАТОВА,

ЎзРФА Тарих институти
катта илмий ходими

Бухоронинг бетакрор бойлиги

Ҳар бир нарсанинг қонун-қоидаси, меъёрий услуби бўлади. Шу жумладан, мусавирлик санъатининг ҳам. Масалан, Бухоро миниатюра мактаби вакиллари суратларни маълум бир ўлчов асосида чизган. Бу масканда мусавирлик талаблари, хаттот ва расомлар тўғрисида махсус қўлланмалар ҳам ёзилган. Қози Аҳмад ибн Мир Муншийнинг “Гулистони хунар”, Мустафо Дафтарийнинг “Ҳолоти хунарварон”, “Хунарнома”, Монийнинг “Аржанги Моний” сингари асарлари шулар жумласидан.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, “Аржанги Моний” китоби Бухоро қозикалони Шарифжон Маҳдум, яъни Садри Зиёнинг шахсий кутубхонасида сақланган. Аммо ҳозирда бу китобнинг тақдири номаълум.

Қадимда Бухоро кутубхоналарида форсий тилда ёзилган, Мирзо Абдулфаттоҳ кўчирган, ҳар бир мусавир билиши лозим бўлган жуда муҳим бир тарихий битик сақланган. Икки бетлик бу қоидалар Шарқ мусавирларининг инсон жисмини чизиш ўлчамлари, мўйқалам ушлаш қоидалари, нақш тасвири одоби тўғрисидадир. Уни котиб қайсидир мусавирлик қўлланмасидан, эҳтимол, “Аржанги Моний”дан кўчирган бўлса ажаб эмас. Ҳоят эътиборли бундай қоидалардан тасвирий санъат назарияси анатомия илмига қанчалар чуқур суянгани маълум бўлади. Ушбу билимлар бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Инсон қоматининг узунлиги одам оёқ қафтининг олти баробарига тенг. Агар мазкур андозадан чиқилса, яъни кам ёки кўп бўлса, тартибга хилоф бўлади. Инсоннинг тирсаги қоматининг тўртдан бирига тўғри келади. Чунончи, пешона сочидан кўкракка-

ча бўлган масофа киши қоматининг тўртдан бирига тенг. Шунингдек, одамнинг қўл бандидан ўртадаги узун бармоқнинг тирноқ бошланадиган жойигача бўлган қисми ҳам қоматнинг ўндан бир бўлагига тенг. Шунингдек, одамнинг пешона сочидан то иягигача қоматининг ўндан бирига тенг. Одам юзи уч қисмга баб-баробар бўлинади: иякнинг бошланишидан буруннинг бошланишигача; буруннинг бошланишидан қошнинг бошланишигача; қошнинг бошланишидан пешона сочига қадар.

Бошмалдоқнинг катта бўғини — одам оғзининг баландлиги билан тенг. Оғиз очилган пайтдаги ҳолат — ўша бошмалдоқнинг бўғини билан баробар. Кўрсаткич бармоқнинг катта бўғини — пешонанинг кенглиги билан баробар. У қошдан пешона сочига қадар бўлади. Кўрсаткич бармоқнинг тирногигача буруннинг ҳақиқий узунлиги ҳисобланади. Ўрта бармоқнинг узунлиги — соқолнинг бошланишидан бурун учигача бўлган масофага тенг. Одам қўл қафтининг кенглиги — юзининг кенглиги билан баробар. Пешона кенглиги — бурун узунлигига тенг. Инсон қоматининг узунлиги — қулочлари узунлигига тенг. Бир қўлнинг қучоқлаши — кишининг ярим қоматига тенг.

Балинос айтадики, инсон уч ёшга кирганда бўйи келажақдаги қоматининг ярмига тенг бўлади. У 21 ёшгача бўйига, кейин эса энига қараб ўсади.

Бу нозик сирларни монийрақам мусавирлар албатта билиши зарур. Сурат мана шу қоидаларга риоя қилиб чизилса, кўркем ва гўзал бўлади. Бу қоидани ҳар бир мусавир ёдда сақлаб, унга доим амал қилиши шарт.

Ҳар бир шакл геометрик (ҳандасавий) тарзда бўлиши лозим. Шунда у чиройли бўлади. Рассом ҳар қандай суратни чизар экан, мўйқаламни уч бармоғи билан, китобат санъатиغا хилоф ўлароқ, тик ушлаши керак. Мўйқалам китобат санъати талабига мувофиқ эгрироқ, яъни ётиқроқ ушланса, нақш текис чиқмайди.

Машқ қилишда дастлаб доиранинг чорак қисмини, сўнгра ярмини ва охирида ҳаммасини чизиш тавсия этилади. Ҳар бир шакл доирада пайдо бўлади. Наққош ва мусаввир айланага эътибор бермасе, чизган нақш ва тасвири хунук, дағал чиқади. Ҳар бир шаклни чизишда бир неча кун машқ қилингандан сўнг қўл ром бўлади. Аввал бир чизик, кейин икки чизик чизилади. Икки чизик орасидаги оқлик бир чизик андозасида бўлади.

Ҳукамоларнинг айтишича, инсон ҳам айлана шаклдан иборат. Шу сабабдан Оллоҳ инсонни аҳсани тақвим — хушбичим қилиб яратди...

Таъкидлаш лозимки, қайд этилган шарқона услуб бошқа услублардан тубдан фарқ қилади. Мисол учун, Шарқ тасвирий санъатида киши қоматининг узунлиги оёқ қафти баробарида ўлчанса, Фарбда, аксинча — бош асосида ўлчанади.

Ҳеч шубҳасиз, Мовароуннаҳр миниатюра мактабининг етуклик пиллапоясига кўтарилишида Бухоро миниатюра мактабининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу ерда миллий мусаввирлик анъаналарига мувофиқ сурат чизиш XX асрнинг бошларигача давом этган. Ушбу анъана вакиллари қаторида Аҳмад Дониш,

Мирзо Исҳок, Мирзо Муҳаммаджон, Фуломжон Изомий, Садриддин Маҳмуд сингари зиёлиларни кўрсатиш мумкин.

Бухорода тасвирий санъат ва нодир қўлёмаларнинг уч буюк ҳомийси ва коллекционерни бўлган: Амир Музаффархоннинг ўғли Сиддиқхонтўра — Ҳашмат, Бухоро қозикалони Шарифжон Маҳдум — Садри Зиё ва нақшбандия тариқатининг Бухородаги буюк вакили Эшони Сабоҳон ибн Султонхон (машҳур Эшони Нақшбандхоннинг акаси). Шарқ мумтоз дурдоналари, диний китоблар ана шу инсонларнинг шахсий кутубхоналарида сақланган. Шунингдек, Бухоро аркида ҳар бир амирнинг, жумладан, сўнгги ҳукмдор амир Олимхоннинг ҳам шахсий кутубхонаси бўлган. Аммо бу нодир манбалар шўро тузуми даврида мусодара этилиб, аксарияти йўқ қилинган, хаттотлар таъкиб остига олинган.

Қўлёмма китобни яратишда бир неча мутахассис — хаттот, захҳоб (олтин ҳал берувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни безовчи) пош (тилла сувини юлдузсимон шаклда сочувчи), наққош, мусаввир ва саҳҳоб (муқовасоз) каби тасвирий санъат намояндалари иштирок этган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро миниатюра санъатиға хос мумтоз анъаналарни ўрганиш миллий маданий меросимизни янги манба ва маълумотлар билан бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Абдулғафур Раззоқ БУХОРИЙ,

Мир Араб мадрасаси мударриси

Qurashlarda kechgan umr

Ўтган аср бошларида Тошкентнинг Себзор ва Тахтапул маҳаллаларида “Собир домла мактаби” жуда машҳур бўлган. Бу ўша кезлар Туркистонда барпо этилган жадид усулидаги янги мактаблардан бири бўлиб, илғор фикрли миллий зиёлилардан бири Собир Раҳимий ҳовлисида очилган эди. Мактаб фаолияти Туркистонни мутараққий давлатлар қаторида кўриш истаги билан ёнган қатор матбуот нашрлари саҳифасида мунтазам ёритилиб борилган. Шу боис “Собир домла мактаби” фаолияти билан танишиш

мақсадида Тошкентдан ва вилоятлардан ўқитувчилар келиб турган. 1910 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам Раҳимийлар оиласида бир неча ой яшаб, муаллимлик қилгани, янги таълим-тарбия усулларини такомиллаштиришга ёрдам бергани, дарсдан кейин хонадон аҳли билан газета ёки китобларни ўқиб, муҳокама қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Табиийки, бошқа жадид маърифатчилари сингари Собир муаллим ҳам маҳаллий руҳонийлар, эски мактаб домлалари тазий-

қидан холи бўлмаган. Қадимчилар наздида, янги мактаблар ислом динига раҳна солар, унинг муаллимлари эса кофир эди. Бундай мактабларни ёпишга чор амалдорларида ҳам рағбат бўлгани, жадид муаллимлари "калта думлар" дея таҳқирланганига қарамай Собир муаллимдек фидойи зиёлилар ўз фаолиятини тўхтатмаган, ортага чекинмаган. Аксинча, янги усулда илм олишга қизиқишнинг ортиб бориши билан уларнинг иродаси янада мустаҳкамланган, шижоати кучайган. Жумладан, Собир муаллим мактабнинг аввалги биноси торлик қилиб қолгач, унга янги бино қуриш мақсадида шаҳар маъмуриятига илтимос билан мурожаат қилган. Аммо бу илтимос, ҳар хил баҳоналар рўқач қилиниб, рад этилган.

Муаллимлик, аслида, Собир Раҳимийга отамерос касб бўлган. Унинг янгиликка интилиши, ғайрати укалари Шокиржон ва Фофуржонларга ҳам ибрат бўлган. Оилавий муҳит таъсирида уч синглиси — Адолат, Саломат ва Хосият ҳам ўқиб-изланиб, шу касб бошини тутган. Бунинг эса 1914 йили Тошкентда биринчи қизлар мактаби очилишига озми-кўпми таъсири бўлган. Шароит қийин, дарсликлар йўқ бўлса-да, янги мактабга, илм-маърифатга қизиқиш, интилиш ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай машаққат энгиб утилар эди.

Ака-ука Раҳимийлар ҳар бир янгиликни зўр ҳафсала билан қарши олар, уни амалга оширишда фаол иштирок этар эди. Хусусан, улар илк ўзбек театри ташкил этилишида жонқуярлик кўрсатади. С.Раҳимий биринчи мусулмон дорилфунунига асос солиш, унинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қолаверса, маҳаллий ёшларни таҳсил олишга жалб этишда фаоллик кўрсатган. 1918-20 йилларда бу элпарвар зиёли ташаббуси билан Себзор даҳасида "Қўшчи" уюшмаси қошида саводсизликни тугатиш курси иш олиб бор-

ган. С.Раҳимий узок йиллар мобайнида мактаб директори лавозимида ишлаб, ёшларга таълим-тарбия берган. Афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов, аёллардан етишиб чиққан илк вазир Васида Содиқова, болаларнинг севимли шоири Қуддус Муҳаммадий, эл ардоқлаган олим Ҳомил Ёқубов С.Раҳимийнинг ўқувчилари бўлган.

1926 йил "Эски ва янги мактаб" номли фильм суратга олинган эди. Унда С.Раҳимий янги мактаб ўқитувчиси, Раҳим Пирмуҳаммедов эски мактаб домласи ролини зўр маҳорат билан ижро этган. Фильмда янги мактаб ва унинг ўқитувчисини улуглашни мақсад қилган эди.

1930-34 йилларда С.Раҳимий маълумотини ошириш ниятида Тошкент Давлат университетига таълим олади. Айни чоқда у муаллим, ташкилотчи сифатида ҳам фаолиятини давом эттиради. Ўзбекистоннинг турли вилоят ва туманларига, қўшни Тожикистоннинг олис қишлоқларига бориб, маданий оқартув ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ишларига ёрдам беради.

Таассуфки, қатагон изғиринларидан бу оила ҳам четда қолмайди. С.Раҳимий тўхмат билан ҳибсга олиниб, Узок шимолга сургун қилинади. 1938-43 йилларда маҳбуслик азобларини бошдан ўтказган С.Раҳимий 1956 йилга келибгина бутунлай оқланади.

С.Раҳимий ҳаёти ХХ асрнинг чигал ижтимоий-сиёсий муҳитида кечди. Ўз халқини маърифатли кўришдек эзгу ният унга куч ва ғайрат бағишлади. Ёвуз тузум уни машъум қатагон чиғиринига рўбарў қилди. Бироқ С.Раҳимий оғир синовлардан қадди букилмай, эътиқоди сусаймай чиқа олди. Шу жиҳатдан, унинг тақдири миллий зиёлиларимизнинг маориф соҳасидаги машаққатли курашларини ўзида ёрқин акс эттиради.

Наргиза СОБИРОВА,

ЎЗМУ аспиранти



SUMMARY

In his interview Tursunali Quziev, the president of the Art Academy of Uzbekistan, shares with his views on the attention being paid to applied art in the country, on opportunities being presented to painters, as well as to such issues as how the painter's obligations and functions should develop in today's conditions, and whether "ancient" painting art is still needed or not.

In a postindustrial society almost a half of the population belongs to the middle class. This group of people outnumbers other ones. Their living conditions are better as well. These circumstances keep the society stable. A natural question arises as what segments and groups the middle class in Uzbekistan consists of and what status it has in society. Philosopher Abdurahim Erkaev's article entitled "The Basis of Social Stability" is dedicated to this issue.

Martin Luther King is famous not only in the USA, but also throughout the world. He is well-known as a civil rights champion of the black people of the United States, towards whom he was demanding. He was a political leader who fought for the elimination of segregation. Mansurkhon Toirov's "Martin Luther King's victory" is about this person's productive lifetime activities, and about today's democratic progress.

“In fact, not the answer, but the question is more important in human life. Each person is born as a big or small question in this life, not as an answer... A person’s question reflects his character. The question is the essence of a person.” Literary scientist Zuhridin Isomiddinov’s “Obstinate Questions” is about religious and world issues and answers to them are based on an in-depth approach and thorough analysis.

Literary scientists Umarali Normatov and Hamidulla Boltaboev’s discussion entitled “Refreshing the Literary Process” is about modern trends in national literature, to what extent the history of Uzbek literature is learnt and taught, and to what extent the theory of literature is researched.

In Plato’s “The Republic”, the name of Anacharsis is mentioned alongside those of Homer and Fales. “Anacharsis is a mythical Scythian who fought against Solon in Greece. Thanks to Solon, he achieved a status of a sage.” With the name Scythian Anacharsis, he was positioned among the leading Greek sages. Academician Jumanazar Bozorboev’s article “One of the Seven Sages” tells about the life story of this sage.

“If a person had a talent, it was more than enough to blame him for a big crime, according to the ideology of the Soviet era. Tursun Ibrohimov was a very gifted person. In the early 30s, he emerged as a bright star in linguistics.” Famous literary scientist Ozod Sharafiddinov’s essay entitled “The Linguist’s Mythical Destiny” is about the fate of Tursun Ibrohimov who persevered, with difficulty, through the repressions of the 30s and 50s.

«Қиш бу замҳарир...»



Ортиқали ҚОЗОҚОВ асари

кр

3760с

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 1/2009

